


51  
A-15

344:514(62)

У. АБДУЛЛАЕВ

# ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ ВА ЧИЗМАЧИЛИК АСОСЛАРИ


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
олий техника билимгоҳларининг талабалари учун дарслик сифатида  
тавсия этган



ТОШКЕНТ  
«ЎЗБЕКИСТОН»

515(0458)

22.151.3  
A 15



Махсус мұхаррир: доцент Э. СОБИТОВ

Тақризчи: техника фанлари номзоди, доцент П. ОДИЛОВ

Мұхаррир: А. ҲАКИМЖОНОВА

ISBN 5-640-01517-9

A 2004020000-06 99  
M351(04)95

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1999 й.

## КИРИШ

Маълумки, халқ хўжалиги ва саноатни ривожлантиришда илмий техникани, технологик жараёнларни автоматлаштириш, робот-техника ва электрон ҳисоблаш техникаси каби зарурий муаммоларга кенг ўрин берилмоқда. Техниканинг жадаллик билан ривожланиши эса етишиб чиқаётган мутахассисларнинг замонавий билим тажрибасига боғлиқдир. Бу борада техника билимгохларида замон талабига жавоб берадиган, ҳар томонлама етук, қобилиятли муҳандислар тайёрланиши лозим. Бўла жак муҳандис-мутахассис ўз қасби бўйича кенг билимга эга бўлиш билан бирга бошқа соҳадаги муҳандислик масалаларини ҳам чукур мушоҳада қилиш қобилиятига эга бўлиши керак. Ҳар қандай фан бизни ўраб турган борлиқнинг конуниятларини ўрганади ва ўз изланишлари билан табият билимини бойитади. Олий техника билимгохларида ўқитиладиган техника фанларидан чизма геометрия ва чизмачилик фанлари ўқувчини шундай билимга эга қиласди, у муҳандисликка оид амалий масалаларни мустақил еча олади. Бу фан нарсаларнинг геометрик ҳусусиятларини тасвирлаш усуллари ёрдамида уларнинг шакллари, ўлчамлари ва ўзаро жойлашишлари ҳамда метрик ва позицион масалаларни ечиш алгоритмларини ўрганади. Бу билан ўқувчининг фазовий тасаввурини кенгайтиради, тасвирларни ясаш ва уларни ўқий билишга ўргатади. Чизма геометрия конунлари ёрдамида фактат кўриниб турган буюмни эмас, балки ижодкор тасаввуридаги нарса ёки шаклларнинг текисликдаги тасвирларини ясаш усулларини ҳосил қилиш ҳамда шаклларнинг текисликдаги тасвирларига кўра уларнинг ўзаро жойлашишларига оид геометрик масалаларни ечиш усуллари ўрганилади. Юкоридаги усул ва билимлар ёрдамида проекциялаш усулларига асосланиб жисмларнинг текисликдаги чизмалари ҳосил қилинади. Бу чизмалар ёрдамида деталлар, машиналар ва уларнинг кисмлари ишлаб чиқилади.

Умуман олганда мұхандислик графикаси фани ўз олдиға қойидаги асосий вазифаларни құяды:

1. Фазовий шаклларнинг текисликтегі тасвиirlарини, яғни чизмаларини ясаш усулларини үргатиш.
2. Чизмада геометрик масалаларни график йўл билан ечиш усулларини үргатиш.
3. Шаклларнинг берилган текис чизмалари бўйича уларнинг фазовий куринишини, вазиятини тасаввур қилиш ҳамда уларнинг яққол тасвирини ясаш усулларини үргатиш.
4. Шаклларнинг график ва аналитик моделлари ва уларнинг биридан иккинчисига ўтиш усулларини үргатиш.

Ҳар бир мұхандис-мутахассис чизма геометрия коңдадары ва чизмачилик стандартларининг талабларига асосан буюмнинг чизмасини мустакил тузиши ва уни тўғри ўқиши, чизмалардан моҳирона фойдаланиб, ўз фикрини баён эта олиши лозим.

Ушбу дарслик 16 бобдан иборат бўлиб, улар қойидагилардир: чизма тузишнинг назарий асослари, аксонометрик проекциялар, график ишларни бажариш тўғрисида дастлабки маълумотлар, буюмларнинг тасвири, бирикмалар, эскизлар, машинасозлик чизмалари. Булардан ташкари дарсликдан резьбанинг ҳосил бўлиши, резьбали деталларнинг чизилиши ва уларнинг бирикмалари, резьбаларнинг белгиланиши, деталь юзаларининг ғадир-будурлигини аниклаш усуллари ва уларни белгилаш каби мавзулар ҳам ўрин олган. Дарсликнинг биринчи чизма геометрия кисмida курснинг назарий асосидан ташкари турли метрик ва позицион масалаларни ечиш усуллари ва уларнинг алгоритми символик белгилар билан берилган. Иккинчи чизмачилик кисмida эса ҳар бир бўлимдан кейин курс ишларига оид масалалар ечиб кўрсатилган. Бу эса талabalарнинг курс ишларини бажаришларида ва тест имтиҳонига тайёрланишларида мухим аҳамиятга эга. Дарсликнинг қўллэзмасини ниҳоятда эътибор билан ўқиб чикиб, унинг мазмунин ва сифатини иша ҳам яхшилашга каратилган фойдали маслаҳатлари учун Тошкент давлат педагогика институти чизма геометрия ва чизмачилик кафедрасининг мудири доцент П. Одилов ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти мұхандислик графикаси кафедрасининг мудири, доцент Э. Собитовга муаллиф ўз миннатдорчилигини изҳор этади.

## ДАРСЛИҚДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

Дарсликда бир катор шартли белгилар қабул қилинган бўлиб, улар қўйидагилар:

1. Фазодаги нукталар — лотин алфавитининг бош ҳарфлари A, B, C, D, E... ёки 1, 2, 3... ракамлар билан берилган.

2. Фазодаги тўғри ёки эгри чизиклар — лотин алфавитининг ёзма ҳарфлари a, b, c... билан берилган.

3. Текислик — грек алфавитининг босма ҳарфлари Г, Λ, Π, Σ, Φ... билан берилган.

4. Проекциялар текислиги — грек алфавитининг босма ҳарфи билан изоҳланган, чунончи:  $\Pi_1$  — горизонтал проекциялар текислиги,  $\Pi_2$  — фронтал проекциялар текислиги,  $\Pi_3$  — профил проекциялар текислиги.

5. Проекциялар текисликларини алмаштириш усулидаги янги проекциялар текисликлари —  $\Pi$  ҳарфининг ўнг томонини пастки қисмига текисликнинг тартиб раками ёзилади. Масалан,  $\Pi_4$ ,  $\Pi_5$ ,  $\Pi_6$ ...

6. Геометрик шаклларнинг берилиши — қавсда кўрсатилиб, ёнига шаклнинг белгиланган номи ёзилади.

Масалан,  $a$  (A, B) —  $a$  тўғри чизик A ва B нукталар билан берилган;  $\Gamma$  (A, B, C) —  $\Gamma$  текислик, A, B ва C нукталар билан берилган;  $\Gamma$  (a, A) —  $\Gamma$  текислик а тўғри чизик ва A нукта билан берилган;  $\Gamma$  ( $a \cap b$ ) —  $\Gamma$  текислик кесишувчи  $a$  ва  $b$  тўғри чизиклар билан берилган.

7. Бурчаклар — грек алфавитининг ёзма ҳарфлари  $\alpha$ ,  $\beta$  ва  $\gamma$  билан берилган.

8. Махсус чизиклар:  $h$  — горизонтал чизик,  $f$  — фронтал чизик.

9. Умумий ва проекцияловчи вазиятдаги текисликларнинг излари:  $\Gamma_{n_1}$  —  $\Gamma$  текисликнинг горизонтал изи.  $\Gamma_{n_2}$  —  $\Gamma$  текисликнинг фронтал изи.

10. Айланиш ўклари —  $i, j$  ҳарфлар билан берилган.

11. Геометрик шаклдаги нуқта, тўғри чизик ва

текисликтарнинг айлангандан кейинги вазиятлари қўйи-  
дагича белгиланади:

нукталар —  $\bar{A}_1, \bar{A}_2, \bar{A}_3 \dots$ ;

тўғри чизиклар —  $a_1, a_2, a_3 \dots$ ;

текисликлар —  $\bar{\Gamma}_1, \bar{\Gamma}_2, \bar{\Gamma}_3 \dots$ .

12. Геометрик шаклларнинг устма-уст тушиши

= белги (учта чизик) билан; масалан,  $a=b, A_1=B_1$ .

13. Геометрик шаклларнинг ўзаро тегишлилиги ё  
белги билан;

Масалан,  $A \in a$  — А нукта «а» тўғри чизикка тегишли;  
 $h \in \Gamma - h$  тўғри чизик  $\Gamma$  текисликка тегишли.

14. Геометрик шаклларнинг ўзаро кесишиши « $\cap$ »  
белги билан, масалан,  $a \cap b, \Gamma \cap \Phi$ .

15. = — геометрик шаклларнинг кесишишидан ёки  
бир-бирларини муносабатларидан келиб чиқадиган нати-  
жа белгиси, масалан,

$$K=a \cap b; m=\Gamma \cap \Phi$$

16.  $\parallel$  — параллеллик белгиси, масалан  $a \parallel b; a \parallel \Gamma$ .

17.  $\perp$  — перпендикулярлик белгиси, масалан,  $a \perp \Gamma$ .

18.  $\square$  — тўғри бурчак белгиси.

19.  $\vee$  — «ёки» маъносида.

20.  $\wedge$  — «ва» маъносида.

## 1-606. КОНСТРУКТОРЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

### 1.1-§. Конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими

Буюмлар чизмаларининг кенг миқёсда ишлатилиши ва уларни ҳар хил кўринишда бажарилиши буюмни тайёрлашда бирмунча кийинчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Масалан, машинасозликнинг ривожланиши деталларнинг ягона нусхасини тайёрлаш ва бу нусха чизмаларини маълум бир коидага амал килиб бажарилиши зарурлигини такозо қиласи. Собиқ Иттифоқда бу коидалар давлат стандартлари билан белгиланган. Хозирги вактда ҳамма стандартлар битта конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими (ЕСКД)\* бирлаштирилган. Кейинчалик ҳалкаро стандартлаштириш ташкилотларининг таклифлари хисобга олиниб, ЕСКД таркибиға кўшимча стандартлар киритилди.

ЕСКД таркибиға киравчи стандартлар куйидаги таснифий групкаларга булинади ва ҳар бирига шифр белгиланади (1- жадвал).

Дарсликда 1, 2, 3, 4 ва 7 группадаги стандартларга киравчи материаллар ва собиқ иттифоқда тасдиқланган СЭВ стандартларига тушунча берилган. Стандарт СЭВнинг кўп қисми собиқ иттифоқдаги стандартларга мос келади. Шунинг учун стандартлар белгиланганда, масалан, ГОСТ 2.301—68 (ст СЭВ 1181—78) «Форматлар» кўринишида ёзилади. ЕСКД таркибиға киравчи стандартларда буюмлар турлари, конструкторлик ҳужжатларининг турлари ва уларни тайёрлаш кабилар кўрсатилган. Буюм турлари. Буюм деб, саноат корхоналарида (ГОСТ 2.101. 68\* (ст СЭВ 364—76) га асосан) ишлаб чиқиладиган ҳар қандай предмет ва предметлар тўпламига айтилади.

Буюмлар стандартга мувофиқ деталлар, йигма бирликлар, комплекслар ва комплектларга булинади.

\* ЕСКД — Единая система конструкторской документации (конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими).

## 1 - жадвал

## ЕСКДдаги стандартларнинг таснифий группалари

Группанинг шифри	Стандартларнинг группадаги номи	Стандарт рақамлари
0	Умумий қоидалар	ГОСТ 2.001—70 ГОСТ 2.034—83
1	Асосий қоидалар	ГОСТ 2.101—68 ГОСТ 2.124—85
2	Конструкторлик ҳужжатларида буюмлар таснифи ва белгилари	ГОСТ 2.201—80
3	Чизмаларни тайёrlаш бўйича умумий қоидалар	ГОСТ 2.301—68 ГОСТ 2.321—84
4	Машинасозлик ва асбобсозлик чизмаларини бажариш қоидалари	ГОСТ 2.401—68 ГОСТ 2.430—85
5	Конструкторлик ҳужжатларини қисобга олиш, сақлаш, дубликатларини олиш, ўзgartишлар киритиш қоидалари	ГОСТ 2.501—68... ГОСТ 2.505—82
6	Эксплуатация ва ремонт ҳужжатларини бажариш қоидалари	ГОСТ 2.601—68... ГОСТ 2.609—79
7	Чизма бажариш қоидалари ва уларда қўлланиладиган график белгилар	ГОСТ 2.701—76 ГОСТ 2.797—81
8	Курилиш ва кемасозлик ҳужжатларини бажариш қоидалари	ГОСТ 2.801—74 ГОСТ 2.857—75
9	Конструкторлик ҳужжатларини тайёrlаш бўйича қолган ҳамма стандартлар	—

Деталь деб, номлари бўйича бир жинсли ва маркали материалдан йиғиши усуулларининг иштирокисиз тайёrlangan буюмга айтилади. Масалан, вал, поршень, шатун, қўйма корпус кабилар.

Йиғма бирликлар деб, таркибий қисмлари ўзаро пайвандлаш, елимлаш, парчинлаш ва резьба ёрдамида маҳкамлаш каби усууллар билан бириктирилган буюмларга айтилади.

Стандартлар қуйидаги махсус тузилиш белгисига ва номларига эга

Масалан: ГОСТ 2. 303—68 «Чизиқлар»

Давлат стандарты	ЕСКДга кирувчи стандарттдинг номери	Группа шифри	Группадаги стандарттинг тартиб рақами	Рўйхатга олинган йил	Номи
------------------	-------------------------------------	--------------	---------------------------------------	----------------------	------

Масалан, станок, автомобиль, телефон аппарати ва бошқалар.

Комплекс — бу икки ва ундан ортиқ махсуслаштирилган буюмлар тайёрловчи корхонада йигиш усули билан бирлаширилмаган, лекин узаро бир-бирига боғлик эксплуатацион вазифаларни бажариши кўзда тутилган буюм.

Комплексдаги ҳар бир буюм комплекс учун бир неча асосий вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Масалан, цех-автомат, завод-автомат, телефон-автомат станцияси.

Бундан ташқари комплексдаги деталлар, йигма бирликлар ва комплектлар ёрдамчи вазифаларни бажаради. Масалан, деталлар ва йигма бирликлар ишлаш жойида комплексни ўрнатиш, эҳтиёт қисмлар комплекти ва бошқалар.

Комплект деганда, тайёрловчи корхонада йигиш усули билан бириттирилмаган, умумий ёрдамчи характердаги вазифаларга эга бўлган икки ва ундан ортиқ буюмлар тушунилади. Масалан, эҳтиёт қисмлар комплекти, ўлчаш аппаратлари комплекти ва бошқалар.

Ўқув жараёнларида асосан деталлар ва уларнинг йигма бирликлари кўлланади.

## 1.2- §. Конструкторлик ҳужжатларининг турлари

Конструкторлик ҳужжатлари турига асосан чизма ва ёзма баёнли ҳужжатлар киради. Бу ҳужжатлар алоҳида ёки биргаликда буюмнинг таркиби, тузилиши ва уни тайёрлаш, текшириш, қабул килиш, ишлатиш ҳамда таъмирлаш хақидаги маълумотларни ўз ичига олади ва ГОСТ 2.102—68\* (СТСЭВ 4768—84) буйича деталь чизмаси, йигиш чизмаси, умумий кўриниш чизмаси, назарий чизма, габарит чизма, урнатиш чизмаси, чизма,

тавсифлаш, тушунтириш хати, техникавий шартлар ва бошка хужжат турларига бўлинади.

Деталь чизмаси деб, деталнинг тасвири ва уни тайёрлаш, назорат қилиш учун етарли бўлган маълумотларни ўз ичига олган хужжатларга айтилади. Йигиш чизмаси деб, йигма бирлигининг тасвири ва уни йигиш, текшириш ҳақидаги маълумотларни кўрсатувчи хужжатга айтилади. Бу чизмага, шунингдек электр, гидро ва пневмо ўрнатиш чизмалари ҳам киради. Умумий кўриниш чизмаси деб, буюмларнинг тузилишини ва уларнинг таркибий қисмларининг ўзаро ҳаракатини аникловчи хужжатга айтилади. Ўрнатиш чизмаси деганда, буюмнинг соддалашган тасвири ва уни ўрнатиш учун керакли бўлган маълумотларга эга бўлган хужжат тушунилади.

Схема деб, буюмнинг ёки унинг таркибий қисмларини ва улар ўртасидаги ўзаро боғланишнинг шартли тасвири ёки белгиланишини кўрсатувчи хужжатга айтилади. Спецификация деб, йигма бирлик, комплекс ва комплектларнинг таркибий қисмларини аникловчи хужжатга айтилади. Тушунтириш хати деб, буюмнинг тузилишини ва унинг ҳаракат услубини, шунингдек уни ишлаб чиқишдаги техникавий ва иктисадий кўрсаткичларни тасдиқловчи хужжатга айтилади.

Техникавий шартлар деб, буюмни тайёрлаш, кузатиш, қабул қилиш ёки тегишли жойларга юбориш каби бошка конструкторлик хужжатларида кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлмаган талабларни ўз ичига олувчи хужжатга айтилади. Конструкторлик хужжатлари ишлаб чиқиш дараҷасига караб лойиҳалаш (техникавий таклифлар, эскиз ва лойиҳалар) ва иш хужжатларига бўлинади.

ГОСТ 2.102—68\* га мувофиқ конструкторлик хужжатлари бажариш усулларига қараб қўйидагиларга бўлинади: а) Оригиналлар — хоҳланган материалда бажарилган бўлиб, асл нусхалар тайёрлаш учун ишлатилади. б) Асл нусхалар — ҳар қандай материалда бажарилган ва масъул шахсларнинг имзолари билан расмийлаштирилган, нусха кўчириш имкониятига эга бўлган хужжат. в) Дубликатлар — исталган материалда, асл нусхалардан олинган нусхалар бўлиб, асл нусханинг кийматини сакловчи ва уни (асл нусхаларини) қайта тиклаш, шунингдек нусхалар кўчириш имкониятига эга бўлган хужжат. г) Нусхалар — асл нусханинг кийматини саклаб колувчи хужжат бўлиб, буюмни ишлаб чиқишда ва таъмирлаш ишларида фойдаланиш учун керак бўлган хужжатdir.

д) Эскиз хужжатлари — бу ишлаб чикаришда бир марта фойдаланиш учун мұлжалланған хужжатдир.


Үқув жараёнлариде курс ва диплом ишларини бажариш учун асосан деталь чизмалари, умумий күрениш, йигиш чизмаси, схемалар, жадваллар таснифи, тушунтириш хаты каби хужжатлар ишлаб чиқилади. Күйіда үқув ишларини бажариш учун зарур бўлган деталлар чизмаси-ни расмийлаштириш коидалари (умумий күрениш, йифма чизмаси ва спецификациялар) кўрсатилган.

### 1.3- §. Чизмаларни тайёрлашдаги умумий коидалар

Чизмалар конструкторлик хужжатларининг ягона тизимиға киравчи форматлар, масштаблар, чизик турлари, шрифтлар, асосий ёзувлар ва б. к. коидаларга асосан таҳт қилинади.

**1.3.1. Форматлар.** Чизма қоғозидан түғри ва чиқиндисиз фойдаланиш ҳамда чизмаларни саклаш куладай бўлиши учун ГОСТ 2.301—68\* (СТ СЭВ 1181—78) га мувофик чизмалар чизма қоғозига стандартта тавсия этилган аник формат ўлчамлари бўйича бажарилади (2- жадвал).

Листнинг формати унинг ташки кирғофининг ўлчамлари билан аникланади ва туташ ингичка чизик билан чизилади (1- шакл). Ички рамка туташ йўғон чизик билан чизилади. Бунда унинг юкори, ўнг ва пастки томонлари ташки рамкадан 5 мм, листни тикиш учун чап томонидан 20 мм масофа қолдириб чизилади. Томонларининг ўлчами  $841 \times 1189$  мм, юзаси  $1\text{ м}^2$  га teng бўлган формат, асосий формат деб кабул килинади ва у АО билан белгиланади. Ҳар бир кейинги асосий формат ундан олдинги форматнинг узун томонини teng иккига бўлишдан келиб чиқади (2- шакл). 2- жадвалдаги А ҳарфидан кейинги ракам асос килиб олинган форматни неча марта бўлинганини билдиради. Зарур бўлган ҳолларда А5 форматдан фойдаланилади. Асосий форматлардан фойдаланиш нокулай бўлганида кўшимча форматлардан ҳам фойдаланилади. Кўшимча форматлар, фор-



1- шакл

## 2- жадвал

Асосий ва қўшимча форматлар

Асосий форматлар		Қўшимча форматлар	
Форматнинг белгиси	Формат томонларининг ўлчамлари, мм	Форматлар белгиси	Формат томонларининг ўлчамлари, мм
A0	841X1189	A0X2	1189 X 1682
		A0X3	1189 X 2523
A1	594X841	A1X3	841 X 1783
		A1X4	841 X 2378
A2	420X594	A2X3	594 X 1261
		A2X4	594 X 1682
		A2X5	594 X 2102
A3	297X420	A3X3	420 X 891
		A3X4	420 X 1189
		A3X5	420 X 1486
A4	210X297	A3X6	420 X 1783
		A4X3	297 X 630
		A4X4	297 X 841
		A4X5	297 X 1051
		A4X6	297 X 1261


матларнинг кисқа томонларини каррали кўпайтириш билан ҳосил қилинади.

**1.3.2. Асосий ёзувлар.** Ҳар бир конструкторлик ҳужжатидаги форматнинг пастки ўнг бурчагига асосий ёзув жойлаштирилади. A4 форматнинг кисқа томонининг пастига (унг бурчагига) чизманинг асосий ёзуви жойлаштирилади (3- шакл). Чизмалардаги асосий ёзувлар ГОСТ 2.104—68\* (СТСЭВ 140—74, СТСЭВ 365—76) га биноан бажарилади.

Ўқув ишларида асосий ёзув катаклари қуидагича тўлдирилали (4- шакл):

1- катак — деталь ёки йиғма бирлик номи.

2- катак — ҳужжатнинг олийгоҳда қабул қилинган тартиби бўйича белгиси.



2- шакл

3- катак — деталь материалининг номи (белгиланиши) — бу катак деталь чизмаларида тўлдирилади.

4- катак — шу хужжатга берилган литери (тўлғазиш шарт эмас).

5- катак — буюмнинг масаси (ўқув чизмаларида тўлғазилмайди).

6- катак — буюмнинг масштаби.

7- катак — листнинг тартиб раками (битта листдан иборат бўлган хужжатларда бу катак тўлғазилмайди).

8- катак — ушбу хужжатнинг умумий листлари сони (листлар сони, фақат хужжатнинг биринчи листида тўлғазилади).


9- катак — олийгоҳ номи ёки группа белгиси.

10- катак — хужжатга имзо қўйган шахснинг вазифаси.

Масалан: Чизди . . . . . (талаба)

Текширди . . . . . (ўқитувчи)

11- катак — хужжатга имзо қўйган шахсларнинг исми шарифи.



3- шакл

Diagram illustrating a drawing sheet with dimensions 185 mm wide by 50 mm high. A scale bar is shown at the top left, ranging from 10 to 17 mm. To the left of the sheet, there is a vertical dimension of 17 x 5 = 85 mm. A table is provided for drawing sheet sizes:

17	23	15	10
(10)	(11)	(12)	(13)
(1)			
(2)			
(3)			
(7)			
Лист			
Листов			
Масштаб			
(4)	(5)	(6)	
Прил. 30			
(9)			
50			

4- шакл

12- катак — 11- катакда кўрсатилган шахсларнинг имзолари.

13- катак — хужжатга имзо қўйилган сана.

**1.3.3. Масштаблар.** Буюмнинг чизмасини унинг ҳакиқий ўлчамида катталаштириб ёки кичиклаштириб чизиш мумкин. Масштаб деб, чизмадаги кесма узунлиги кийматининг унинг ҳакиқий узунлиги киймати ишсабтига айтилади. Масштаблар ГОСТ 2.303—68\* (СТСЭВ 1180—78) га мувоғик уч турга бўлинади (3- жадвал).


3- жадвал

Ҳакиқий масштаб	1:1						
	1:2	1:2,5	1:4	1:5	1:10	1:15	1:20...
Кичрайтириш масштаблари							
Катталаштириш масштаблари	2:1	2,5:1	4:1	5:1	10:1	20:1	40:1...

Масштаб асосий ёзув катагида 1:1; 1:2; 2:1... куринишида, колган ҳолларда эса M 1:1; M 1:2; M 2:1 тарзда ёзилади, яъни масштаб белгисининг олдига «M» ҳарфи қўйилади. Чизма қандай масштабда чизилишидан қатъи назар, ҳар доим унинг ҳакиқий ўлчамлари қўйилади.

**1.3.4. Чизик турлари.** Буюм чизмаларини аник ва яққол курсатиш учун ГОСТ 2.303—68\* (СТСЭВ 1178—78) га мувоғиқ ҳар хил турдаги чизиклар ишлатилади (4- жадвал). Чизманинг кўринадиган асосий контур чизигини, сиртларниңг кесишиш чизикларини, кирқим ва кесим таркибига киравчи контур чизикларини чизишда йўғон асосий туташ чизик ишлатилади. Бу чизикнинг йўғонлиги  $s=0,5\ldots1,4$  мм оралиқда бўлади. Ўқув чизмаларида чизик йўғонлигини  $s=0,8\ldots1$  мм килиб чизиш тавсия этилади. Чизмада ишлатиладиган бошқа чизикларнинг йўғонлиги шу асосий туташ чизик йўғонлигига караб танлаб олиниади. Бундай чизикларнинг турлари ва ишлатиш жойлари 4- жадвалда келтирилган.

5-шаклдаги чизмада чизиклар қўйидагича номланадиган ракамлар билан белгиланган: 1 — асосий туташ чизик; 2 — ингичка туташ чизик; 3 — туташ тўлкин чизик; 4 — штрих чизик; 5 — ингичка штрих-пунктир чизик; 6 — улчам чизиги.



**1.3.5. Чизмаларни бажаришга оид талаблар.** Буюмларнинг чизмаларини чизиш асосан икки босқичга бўлиниади: биринчи босқич — чизмани каламда ингичка чи-



зиқлар билан чизиш, иккинчи босқич — бу чизманинг чизикларини устидан қалам билан юргизиб чикиш. Бунда аввал айлана, айлана ёйлари ва эгри чизикларни устидан юргизиб чикиш, сўнгра қолган оғма ва тўғри чизикларни чизиш тавсия этилади. Чизмадаги штриховка чизиклари ўқ ёки асосий чизикларга нисбатан  $45^\circ$  да чизилиб, уларнинг оғиши ўнг ва чап томонларга нисбатан бир хилдир.

Чизикларнинг устидан юргизишда қўйидаги кетмакетликка риоя килиш тавсия этилади: а) тасвирдаги ҳамма асосий чизиклар (айлана ва ёйлар), сўнгра ҳамма вертикал чизиклар устидан бир хил йўналишдаги оғма чизиклар лекалолли эгри чизиклар юргизилади; б) ингич-

## Чизиқларнинг номи, турлари, шакли, йўғонлиги, қўлланиш жойлари

Чизиқнинг номи	Чизиқнинг шакли	Чизиқларнинг йўронлиги	Чизиқларни қўлланиши
1. Асосий туташ чизиқ		S	Чизманинг кўринар чизиқлари, сиртларнинг кесишиш чизиқлари, кесим чизиқлари
2. Ингичка туташ чизиқ		S\3данS\2гача	Чизманинг устига чизилган кесим чизиқлари. Ўлчам, чиқариш чизиқлари. Штриковка чизиги. Четта чиқариш чизиқлари ва уларнинг токчалари.....
3. Тутапи тўлқин чизиқ		S\3данS\2гача	Ўйиқ чизиқлар. Қирқим ва кўришларни чегаралаш
4. Штрих чизиқ		S\3...S\2	Кўринмас контур чизиқ, кўринмас ўтиш чизиқлари
5. Ингичка штрих-пунктир чизиқ		S\3...S\2	Ўқ ва марказий чизиқлар. Четта чиқарилган ёки чизма устига чизилган кесимнинг симметрик ўқлари

№  
360445  
TEA KUTUBXONASI

Чизиқнинг номи	Чизиқнинг шакли	Чизиқларнинг йўғонлиги	Чизиқларнинг қўлланиши
6. Йўғон штрих-пунктир чизиқ		S\2...2\3-S	Буюмнинг юзасига қоплама, иссиқлик ишлов бериладиган жойларни белгилашда ишлатилиди
7. Узук чизиқ		S...1,5S	Кесим чизиқлари
8. Ингичка туташ синиқ чизиқ		S\3...S\2	Узун чизиқларни синдириб кўрсатиш
9. Икки нуқтали ингичка штрих пунктир чизиқ		S\3...S\2	Сиртларни ёйилмасида эгилиш чизиқлари ва бошқалар

ка туташ ва штрих чизикларнинг устидан юргизилади; в) ўқ ва марказий чизиклар ўлчам чизиклари; стрелкалар, ўлчам рақамлари ва штриховкалаш чизиклари устидан юргизилади. Ишнинг якунида чизмалар хатолардан холи бўлиши учун чизикларнинг йўғонлиги синчиклаб текшириб чиқилади.


**1.3.6. Киялик ва конусликлар.** Техникада ишлатиладиган жуда кўп машина деталларида киялик ва конусликлардан фойдаланилади. Киялик темир йўллар ва пўлатдан ясалган прокатларнинг кўндаланг кесимларида ишлатилади. Конусликларни токарлик станоклар ва валларни охирги кисмларида учратиш мумкин.



**Киялик.** Тўгри бурчакли 50А учбурчакнинг (б-шакл) 5А гипотенузаси билан 05 катети орасида ҳосил бўлган тангенс бурчаги ( $\operatorname{tg}\alpha$ ) киялик дейилади. Бу ерда  $\alpha$  киялик бурчагидир. Киялик, яъни  $\operatorname{tg}\alpha$  ҳарфи билан белгиланади. У ОА ва 05 катетларнинг нисбатига тенг, яъни  $i = \frac{OA}{05}$ . Кияликлар нисбатда ва процентда (фоиз хисобида) ифодаланади. 1:1 бўлган киялини ясаш учун (тўгри бурчакнинг «О» нуктасидан масалан, чапга АО кесмага тенг бўлган кесма ўлчаб кўйилади. Гипотенуза киялиги 1:1 га тўгри келади. Бу киялик  $45^\circ$  ли бурчакка мос келади. 1:2 киялини ясаш учун горизонтал чизикка икки бирлик (02 кесма), 1:3 киялик учун уч бирлик (03 кесма) ва х. к. ўлчаб кўйилади (6-шакл). А02 учбурчак учун  $i = \frac{AO}{02} = \operatorname{tg}\alpha$  формула билан аниқланади.

ГОСТ 2.307—68 (СТСЭВ 1976—79, СТСЭВ 2180—89 га мувофиқ чизмаларда киялини аниқловчи ўлчам сони олдига  $\angle$  белгиси кўйилади, лекин унинг ўтирир бурчаги киялик томонга йўналган бўлали. Киялик белгиси икки ўзаро кесишуви чизикдан иборат бўлиб, улардан бири горизонтал чизик бўлиб, иккинчиси эса тахминан горизонтал чизикка нисбатан  $30^\circ$  га оғган бўлади. Мисол тарикасида швельлер кесимининг профилини ясалишида кияликдан фойдаланиш йўлларини кўриб чиқамиз. Стандарт бўйича швельлер токласининг киялиги 10 % килиб ишланади. Швельлер кўндаланг кесимини (ёки профилини)

ясаш учун қўйидагилар маълум бўлсин: токчаларнинг кенглиги  $b=55$  мм, деворининг қалинлиги  $s=9$  мм, токчаларнинг ўртача қалинлиги  $t=10,0$  мм ва юмалоқлаш радиуслари  $R=10,0$ ,  $R_1=5,0$  мм. Қўндаланг кесимини ясаш учун ўзаро перпендикуляр бўлган чизиклар чизиб,  $b$  нинг катталиги ва  $s$  нинг қиймати ўлчаб қўйилади. Токчаларнинг киялигини ҳосил қилиш учун четки, масалан «A» нуктадан  $\frac{b-s}{2}$  га teng бўлган узунилик ўлчаб қўйила-ди ва «B» нуктадан горизонтал чизикка перпендикуляр чиқарилади ҳамда  $t$  нинг микдори ўлчаб қўйилади. «C» нуктадан киялиги 10 % га teng бўлган МК чизикка параллел чизик ўтказилади. Натижада токчанинг киялиги 1:10 бўлади.  $R$  ва  $R_1$  радиуслар билан швеллернинг қўндаланг кесими юмалоқлаштирилади (7- шакл, б).



7- шакл

Конуслик деб, конус асосининг диаметрини унинг баландлигига бўлган нисбатига айтилади. Конуслик хам киялик каби нисбатда ёки процентда (фоиз ҳисобида) ифодаланади. Конуслик  $c = \frac{d}{L}$  формула бўйича аникланади (7- шакл, а). Агар конус кесик бўлса, конуслик

формуласи қуйидагида ёзилади:  $c = \frac{d-d_1}{L_1}$  (7- шакл, а).

Бу ерда:  $d$  — конус асосининг катта диаметри;  $d_1$  — кичик диаметр  $L_1$  — кесик конус баландлиги.

Масалан, валнинг диаметри  $d=25$  мм, умумий узунлиги  $l=60$  мм, конус қисмининг узунлиги  $l_1=42$  мм ва конуслик (С) 1:10 бўлса, валнинг конус қисми қуйидаги ясалади: аввало ўқ чизикдан фойдаланиб, валнинг цилиндр қисми (конус асоси)  $d=25$  мм ўлчам бўйича ясалади. Сўнгра 1:10 ли конуслик ясалади. Бунинг учун конуснинг катта асосидан ўтган ўқнинг юқори ва пастки қисмига 10 мм ва ўқ бўйича узунлиги 100 мм бўлган кесмалар ўлчаб қўйилади. Натижада 1:10 конуслик ҳосил бўлади. Сўнгра 1 ва 2 нукталардан АВ ва АС конуслик чизикларига параллел қилиб валнинг конус қисмидаги ясовчилари ўtkазилади ва у 42 мм узунликда чегараланади ҳамда конуснинг кичик диаметри  $d_1$  аниқланади (7- шакл, в). Конуслик белгиси тенг томонли учбурчак бўлиб, унинг учи конус учига каратилган бўлади. Чизмаларда конуслик белгиси 7- шакллардагидек кўрсатилади.

**1.3.7. Шрифтлар.** Ўрта мактабдаёқ чизма шрифтларни ёзишга тўғри келган. Лекин шрифтларнинг ёзилишида кўпинча қуйидаги умумий камчиликларга йўл қўйилиши кўзга ташланади:

- 1) Босма ва ёзма шрифтлар аралаштириб ёзилади;
- 2) шрифт ва ракамларнинг ёзилиш шакли аник бўлмайди;
- 3) киялика ёзиладиган айрим шрифтларнинг киялиги сақланмайди;

4) ҳарф ва ракамлар устидан нотекис юргизилади.

Бу камчиликлардан холи бўлиш учун ҳар бир ўқувчи шрифтларга оид материални қайта-қайта ўрганиши, аник ва тўғри ёзишга ҳаракат қилиши керак.

Чизмалардаги ва бошқа техникий ҳужжатлардаги ҳамма ёзувлар, ракамлар ГОСТ 2.304—81 (СТ СЭВ 851—78 ... СТ СЭВ 855—78) га мувофиқ ёзилади. ГОСТ бўйича қуйидаги чизма шрифтларининг ўлчамлари белгиланган:


(1,8); 2,5; 3,5; 5; 7; 10; 14; 20; 28; 40.

Ўқув жараёнида 2,5; 3,5; 5; 7; 10-ўлчамли шрифтлардан кўпроқ фойдаланилади.


## Б турдаги шрифтлар (d=h/10)

Аниқланадиган катталик	Белги-си	Үлчамлар нисбати	Үлчамлар, мм ұсисобида															
			1,8	2,5	3,5	5,0	7,0	10	14	20	1,3	1,8	2,5	3,5	5,0	7,0	10	14
<b>Шрифттинг үлчами:</b>																		
босма ҳарфнинг баландлиги		h	/10/10/h	10d	1,8	2,5	3,5	5,0	7,0	10	14	20						
әзіма ҳарфнинг баландлиги		c	/7/10/h	7d	1,3	1,8	2,5	3,5	5,0	7,0	10	14						
ҳарфлар орасидаги масофа		a	/2/10/h	2d	0,35	0,5	0,7	1,0	1,4	2,0	2,8	4,0						
қаторлар остидаги чизиқлар орасидаги масофа		b	/17/10/h	17d	3,1	4,3	6,0	8,5	12	17	24	34						
сұзлар орасидагы масофа		e	/6/10/h	6d	1,1	1,5	2,1	3,0	4,2	6,0	8,4	12,0						
ҳарф ва рақам чизиқларининг ішіншілігі		d	/1/10/h	d	0,18	0,25	0,35	0,5	0,7	1,0	1,4	2,0						

Шрифтнинг ўлчами бош ҳарфларнинг баландлиги  $h$  нинг мм даги ўлчамлари билан белгиланади.  $h$  баландлик асос чизиқка нисбатан перпендикуляр вазиятда ўлчанади. Ҳарфларнинг эни ( $q$ ) шрифтнинг ўлчами  $h$  га нисбатан  $q = 6/10 \cdot h$  ёки шрифт чизигининг йўғонлиги  $d$  га нисбатан  $A \cdot q = 6d$  бўлади. Стандартга асосан шрифтлар А ва Б турларга бўлинади. Бу шрифтлар асос чизиқларига нисбатан  $75^\circ$  кияликда ёки киялатмасдан (тўғри шрифт бўйича) ёзилади. А турдаги ҳарф ва рақамлар чизиқларининг йўғонлиги  $h/14$ , В турдагиси эса  $h/10$  га teng. Агар ёзувлар факат босма ҳарфларда ёзилса, сўзнинг биринчи ҳарфи ҳам бошқа ҳарфлар сингари бир хил баландлика ёзилади (б-жадвал). Ёзувлар кичик шрифтларда ёзилса, уларни ёзма ҳарфларда ёзиш тавсия этилади. Бу холда



8- шакл, а



8- шакл, б

**A B C D E F G H I J K L M**

**N Q P R S T U V W X Y Z**

*a b c d e f g h i j k l m n o*

*p q r s t u v w x y z*

8- шакл, в

сўзнинг биринчи ҳарфи босма ҳарфда ёзилиб, йўғонлаштирилмайди. Ёзувларда учрайдиган ракамларнинг баландлиги босма ҳарфларнинг баландлигига teng бўлади. Машинасозлик чизмачилигида асосан Б турдаги киялиги  $75^\circ$  ga teng бўлган шрифтлар (8- шакл, а, б, в) қўлланади. 5- жадвалда Б турдаги ҳарфларнинг ўлчамлари кўрсатилган.

Б- жадвалда Б турдаги 10 ўлчамли босма ва ёзма ҳарфларининг кенглиги (*q*) тўғрисида маълумот келтирилган.

6- жадвалдан күриниб турибдики, энг кенг ҳарф Ш, чунки 10 үлчамли босма ҳарфининг эни 9 мм; энг тор ҳарфлар Г, Е, З, С, уларнинг эни 5 мм.

#### 6 - жадвал

##### Б турдаги 10 үлчамли шрифтнинг кенглиги

Босма ҳарфлар	Ҳарф-нинг эни, мм	Ҳарф- лар сони	Ёзма ҳарфлар	Ҳарф- нинг эни, мм	Ҳарф- лар сони
Ш	9	1	Ш	8	1
Ж, Ф, Ш, Ъ	8	4	Ж, Ф, Ш	7	3
А, Д, М, Ҳ, Ц, Ы, Ю	7	7	а, м, ц, ъ, ы, ю, т	6	7
К, Б, В, И, Й, Л, Н, О	6	16	б, в, г, д, е, з, и	5	20
Ү, П, Р, Т, У, Ҷ, Э, Я, Г, Е, З, С	5	4	й, к, л, н, с, п, р, у х, ч, ь, э, я		
			с	4	1

6- жадвалда көлтирилган ҳарфларнинг кенглигини 7/10 га күпайтириш йули билан 7 үлчамли ҳарфларнинг кенглиги аникланади. Масалан,  $9 \times 7/10 = 6,3$ ;  $8 \times 7/10 = 5,6$  ва хоказолар.

5 үлчамли ҳарфнинг кенглиги 6- жадвалда берилған ҳарфлар кенглигининг ярмiga teng. Стандарт шрифтларни тұғри ва сифатлы ёзиш учун, аввало, ҳарфларни тузилишини синчиклаб үрганиб, томонлари тұғри чизик булған ҳарфлардан бошлаб ёзиш максадға мувофиқдир. Бу чизиклар, яғни Г, П, Ц ва бошқа ҳарфларнинг томонлари параллелограмм томонлари билан устма-уст тушади, шунингдек, Н, Ш, ІІ ҳарфларининг томонлари эса параллел ҳамда И, М, Ҳ ҳарфларни томонлари параллелограммнинг диагоналларига тұғри келади. А, К, Ж ҳарфларининг ёзилиши бирмунча мұраккаброқдир. А ҳарфининг горизонтал чизиги пастан тұртинги катақ буйища утказилади. К ҳарфининг юкори кисмидаги кия чизик пастан тұртинги катақ горизонтал чизик билан

бирлаштирилади. Пастки кияликдаги түгри чизик параллелограмнинг диагонали бүйича йўналган бўлади.


Ж ҳарфининг кия чизиги ҳарф баландлигининг ўртасидан ўтган горизонтал чизик билан бирлаштирилади. Л ва Д ҳарфларининг юқори чап қисми букилмасдан чизилади. Бундан ташкари Д ҳарфи пастки қисмининг икки томонидан *d* йўғонликда чизик чиқарилади. Р, Б, б ва бошқа ҳарфларнинг букилган қисмининг баландлиги (6/10) · *h* га teng бўлади. Я ҳарфининг кия чизиги параллелограмнинг диагонали бүйича йўналган бўлади. Бундай ҳарфлар турига юқори қисми очик бўлган У ва Ч ҳарфлари ҳам киради. Ҳарфларни ёзишда форматли чизма қофозини юза майдонидан унумли фойдаланиш учун ҳарфларни түгри ва текис жойлаштириш катта аҳамиятга эга. Масалан, 10 ўлчами босма ҳарфларни ёзиш учун ҳарфлар сони, ҳарфлар кенглиги (6 мм), ҳарфлар орасидаги масофа (2 мм) ва сўзлар орасидаги масофа (8 мм) аникланади. Сўнгра ҳарфлар сони, улар орасидаги масофа ва сўзлар орасидаги масофалар сонининг йигиндиси сўзлар орасидаги масофа Кийматига кўпайтирилиб умумий ёзув катор узунлиги аникланади.

**1.3.8. Ўлчамлар қўйиш қоидалари.** Маълумки, буюннинг ташки қиёфасини тасвирлаш билан бирга унинг чизиқли ўлчамларини бериш ҳам лозим. Буюмлар уларнинг ўлчамлари асосида ясалади. Шунинг учун ҳам чизмаларнинг ўлчамлари түгри ва аниқ қўйилиши катта аҳамиятга эга. Кўпинча деталларнинг чизмалари бу чизмаларни тузган (чизган) кишиларнинг иштирокисиз ўқилади. Шунинг учун деталини тайёрлаш учун керакли бўлган ҳамма ўлчамлар берилган бўлиши керак. ГОСТ 2.307—68\* (СТ СЭВ 1976—79, СТ СЭВ 2180—80) га мувофик чизма ўлчамлари хатосиз, бир марта қўйилади. Қўйида ана шу стандартлардаги асосий ўлчам қўйиш қоидаларини кўрсатамиз.


Чизмаларда ўлчамлар ўлчам сони билан кўрсатилади. Ўлчам сони ўлчам чизиги устки қисмининг тахминан ўртасига қўйилади. Ўлчамлар икки хил бўлади: а) чизиқли ўлчамлар; б) бурчакли ўлчамлар.

Чизиқли ўлчамлар чизмада mm да кўрсатилади. Агар чизма ўлчамлари бошқа бирликда кўрсатилиши лозим бўлса, ўлчам сони кетига бирлик кўшиб ёзилади, масалан, 28 см. Чизмаларда бурчакли ўлчамлар градус, минут ва секундларда кўрсатилади, масалан, 30°; 80°; 35°20'45".

Үлчам чизиклари туташ ингичка чизик билан чизилиб иккى учи стрелкалар билан чегараланды. Стрелка үлчанаётган иккى нуктанинг чегарасини күрсатады. Стрелка бурчаги тахминан  $20^\circ$ , узунлиги контур чизикнинг йўғонлигига нисбатан танланади (9- шакл). Үлчам чизиклари тўғри чизик ёки айлана ёйи кўринишида чизилади. Үлчам чизиклари контур чизикларига, ўқ чизикларига, чиқариш чизикларига нисбатан перпендикуляр қилиб ўтказилади. Үлчам чизиги билан контур чизиги орасидаги ёки ўзаро параллел үлчам чизиклари орасидаги масофа 6...10 мм булиши керак (10- шакл). Үлчам чизиклари




9- шакл



10- шакл

ўзаро кесишмайди. Үлчам чизиги сифатида контур чизикдан, ўқ чизиклардан ва чиқариш чизикларидан фойдаланиш мумкин эмас. Бурчакларнинг үлчамлари 11- шаклдагидек кўрсатилади. Айлана ёйини кўрсатишида үлчам сони тепасига ёй белгиси (—) кўйилади. Чиқариш чизиги контур чизикдан чиқарилади ва стрелкалардан 1...5 мм чиқиб туради. Ёйларнинг радиус үлчамларини кўрсатишида стрелкани ёйга нисбатан йўналтириб, битта стрелка билан




11- шакл




12- шакл

чегараланади. Симметрик деталнинг чизмаси ўқгача кўрсатилса ёки ўқдан ўтказиб узиди, ўлчам чизиги ўқдан ўтказиб узилади (12- шакл). Айланы диаметрини кўрсатишда, ўлчам чизиги айланы марказидан ўтказиб узилади. Агар чизмада стрелка кўйиш учун ўлчам чизигининг узунлиги етарли бўлмаса, ўлчам чизиги давом эттирилиб стрелканинг чиқариш чизигининг орка томонига кўйилади (13- шакл, а). 13- шакл, б, в лардагидек ўлчам чизикларида стрелка учун жой кам бўлса, стрелка ўрнида  $45^{\circ}$  ли кесма чизик ва аник нукталар чизилади. Чизмаларда 14- шаклдагидек ўлчам кўйиш лозим бўлса, чиқариш чизиги ўлчам чизигига нисбатан қия бўлиб, ўлчанаётган контур чизик билан параллелограм ташкил қилиши керак. Ўлчам сонлари стандарт шрифтлар билан ёзилиб, ўлчам чизигининг юкори кисмига ва ўлчам чизигининг ўртасига мўлжаллаб кўйилади. Ракамнинг баландлиги тегишли форматдаги ҳамма чизмалар учун бир хил бўлиши керак. Ўлчам чизик вертикаль жойлашган бўлса, ракам чизикка нисбатан чапдан кўйилади.




13- шакл




14- шакл


Агар ўлчам чизиклари ўқ чизикларига нисбатан ҳар хил бурчак ташкил қилса, ўлчам сонлари 15- шакл, а, б, в да кўрсатилганидек кўйилади. Ўлчам ракамлари чизмадаги чизиклар билан кесишмаслиги керак. Ўқ ва марказ чизикларини кесишган жойига ўлчам сонини ёзиш мумкин эмас. Чизмада ўлчам сонларини кўйиш учун жой етарли бўлмаса чиқариш чизигининг давомига ёки четга чиқариб токча устига ёзилади. Штриховка кисмдаги ўлчам сони 16- шаклдагидек кўрсатилади.



15- шакл



16- шакл




17- шакл


**1.3.9. Шартли белгилар ва уларнинг ёзилиши.** Радиус ўлчами сони олдига босма  $R$  ҳарфи кўшиб ёзилади. Унинг баландлиги ракам баландлигига teng бўлади. Бир марказдан бир неча радиус ўлчам чизиклари ўтказилса, ҳар қандай икки радиус бир тўғри чизикда ётмаслиги керак (17- шакл, а).

Радиус ўлчами катта бўлса марказни айланга ёйига якинлаштириб, радиус ўлчам чизигини  $90^\circ$  га teng бўлган синик чизик билан курсатилади (17- шакл, б). Ташки ва ички юмалоклаш радиуслар ўлчамлари 18- шаклда курсатилгандек кўйилади. Айланга диаметри  $\varnothing$  белги билан ифодаланиб у барча ҳолларда диаметр ўлчами сонининг олдига ёнма-ён қилиб ёзилади. Белгининг баландлиги ўлчам сони ракамининг баландлигига teng бўлиб, юмалоқ қисмининг ўлчами умумий баландликнинг  $5/7$  қисмига teng бўлади. Унинг ўртасидаги тўғри чизиги  $75^\circ$  да чизилади (19- шакл, б). Агар диаметр ўлчами айланга ичida курсатилса, ўлчам сони айланга марказидан бир оз силжитиб ёзилади (19- шакл, а). Кичик диаметрдаги айланаларнинг ўлчам чизиклари, стрелкалар, диаметр


белгилари ва үлчам сонлари 19- шаклнинг в, г ларидек кўрсатилади. Сферани белгилаш учун диаметр ёки радиус




18- шакл



19- шакл




20- шакл



21- шакл


ўлчами сонлари олдига  $\emptyset$  ёки  $R$  белгиси кўйилади, масалан  $R12$  ёки  $\emptyset 16$  (20- шакл, а). Чизмада сферани бошқа сиртлардан ажратиш мумкин бўлмай колса ўлчам сони олдига сфера сўзи қўшиб ёзилади: масалан, сфера  $R40$  (20- шакл, б). Квадрат ва квадрат шаклидаги тешикларнинг ўлчамлари 21- шакл, а, б лардагидек кўрсатилади, квадрат белгисининг ўлчами ракам ба-ландлигининг  $5/7$  қисмига тенг.

Чизмалардаги кияликлар қиммати чикариш чизигининг токкасида кўрсатилади. Кияликнинг ўлчам сонидан олдин уткир бурчак  $\angle$  белгиси қўйилади. Унинг учи киялик томон йўналган бўлади. Киялик нисбатда ва процентда (фоизда) кўрсатилади (22- шакл). Конусликни аникловчи ўлчам сони олдига учи конус учи томон йўналган  $\triangleright$  белги қўйилади (23- шакл). Конуслик чизмада процентда ёки нисбатда кўрсатилади. Чизмалардаги фаскаларнинг ўлчамлари 24- шакл, а, б, в, г,




д лардагидек күрсатилади. Үндагы биринчи ракам фаскани баландлигини, иккинчиси эса бурчакни билдиради.

**1.3.10. Материалларнинг қирким ва кесимларда график белгиланиши.** Материалларнинг хилларга ажратилиши ва уларни график тасвирланиши чизмани осонлик билан ўрганиш имконини беради. Материалларнинг кесим ва қиркимларда график тасвирланиши ГОСТ 2.306—68 (СТ СЭВ 860—78) га мувофик бажарилади (7- жадвал). Материалларнинг туридан катъи назар, кесим юзаси туташ чизикка нисбатан  $45^\circ$  кияликтаги үзаро параллел чизиклар билан штрихланади (25- шакл). Агар штрих чизик асосий туташ чизикка параллел бўлса, кесим штрих чизиги  $30^\circ$  ёки  $60^\circ$  да чизилади (26- шакл). Штрих чизикларининг йўғонлиги асосий чизикка нисбатан  $s/3$  дан  $s/2$  гача бўлади. Штрих чизиклар ўнг ва чап томонга йўналган бўлиб, улар орасидаги масофани 1....10 мм гача олиш мумкин. Ўқув чизмаларида бу масофа 3—4 мм килиб олинади. Штрих чизиклар орасидаги




25- шакл



26- шакл



27- шакл



28- шакл



29- шакл

масофа ва уларнинг йўғонлиги тегишли чизманинг барча кесим майдони учун бир хил булиши керак. Чизмада эни 2 мм дан кам бўлган кесим юзалари қорайтириб кўрсатилиди, лекин бунда ёndoш юзалар орасида 0,8 мм дан кам бўлган ингичка очик жой қолдирилди (27- шакл) Чизмаларда 2—4 мм гача бўлган деталларнинг энсиз ва узун кесимларининг юзалари учлари ва тешикларининг асосий туташ чизиги атрофи зичроқ қилиб, қолган ораликлари эса қисман-қисман штрихланади (28- шакл) Кесим юзаси катта бўлган ҳолларда ва грунт профилини кўрсатишда асосий туташ чизикка якин бўлган жойларгина энсиз қилиб штрихланади (29- шакл).

#### 7- жадвал

Графиг белгилар	Материаллар	График белгилар	Материаллар
	Металлар		Шино ва шифроф материаллар
	Металлар материаллар		Суюқлик
	Бетон		Грунт
	табицц тош		Тукилгич грунт
	керамика ва санитарни материаллар		Септика
	бетон		

## 2- боб. ЧИЗМА ТУЗИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

### 2.1- §. Чизма геометрия фани ва чизма тузиш усуллари

Чизма геометрия фани умумий геометриянинг бир қисми бўлиб, унда фазодаги геометрик шаклларни текисликда тасвирлаш Конун ва Коидаларининг назарияси ўрганилади. Маълумки, геометрик фазо нукталар тўпламидан иборат бўлиб, у текисликда проекциялаш йўли билан тасвирланади. Агар фазода бирор  $s$  нукта танлаб, фазодаги бошка бир неча нукталар билан бирлаштирилса, маркази  $s$  нукта бўлган тўғри чизиклар боғлами ҳосил бўлади. Бу боғлам чизиклар билан бирор  $P$  текислик

кесишса нұкталар түпламиның хосил килади. Бұу нұкталар фазодаги нұқталарнинг текисликдаги тасвири деб юритилади. Агар фазодаги бирорта геометрик шакл берилса, унинг текисликдаги тасвирини проекциялаш усули билан ясаш мүмкін. Демек, тасвирлаш қонун ва коидалари проекциялаш усулларига асосланади. Чизма геометрияда проекциялаш усуллари асосан иккі хил бўлиб, уларни марказий ва параллел проекциялаш дейилади. Бұу усулларнинг амалий моҳияти шундан иборатки, улар ўкувчининг фазовий тасаввурини ривожлантириш билан бирга, фазовий геометрик шаклларни текисликдаги тасвирига кўра унинг шакли ва ўлчамларининг аниқлиги ҳисобига ўкувчини ўз тушунчаларини фикран намоён қилишга ўргатади. Шундай қилиб, чизма геометрия фани ўз ўкувчиси олдига қўйидаги масалаларни мукаммал ўрганишина тавсия киласи:

1. Фазовий геометрик шаклларни текисликда тасвирлаш усулларини ўрганиш.

2. Фазовий геометрик жисмларнинг текисликдаги тасвирига караб тасаввур қила билишни ўрганиш.

3. Жисмларнинг текисликдаги чизмалари бўйича уларнинг геометрик хусусиятларини илмий равишда текшириш ва амалий масалаларга кўллаш.

4. Фазодаги геометрик шаклларнинг ўзаро жойлашиш вазиятларига нисбатан хосил бўладиган ҳар қандай масалаларни графика усули билан ечиш.

Бундай масалалар проекциялаш усулидан фойдаланиб ечилади. Шунинг учун марказий ва параллел проекциялаш усуллари билан танишиб чиқамиз.


## 2.2- §. Марказий проекциялаш усули

Бу усулда проекциялаш маркази деб аталувчи бирор нұкта берилган бўлиб, барча проекциялаш нурлари шу нұкта орқали ўтади. Фазодаги A нұктаның марказий проекциясини хосил қилиш учун, фазода бирор II текислик, текисликдан ташқарида A нұкта ва проекциялаш s маркази танлаб олинади. A ва S нұкталарни түғри чизик орқали бирлаштириб II текислик билан кесишигүнча давом эттирилади. Уларнинг кесишигүн нұктаси A<sub>1</sub> изланаётган нұкта бўлади, яъни  $(s) \cap II = A_1$  (30- шакл).


Бу ерда  $sA_1$  — проекцияловчи нур, s — проекциялар маркази, II — проекциялар текислиги, A — фазодаги нұкта, A<sub>1</sub> — A нұктаның II текисликдаги марказий проекцияси.

$SA$  нурда ётувчи ҳар қандай нукталарнинг марказий проекциялари  $A_1$  билан устма-уст тушади. Агар бирор  $M$  нукта оркали ўтувчи  $SM$  проекциялаш нур II текисликка параллел бўлса, бу нур текислик билан чексизликда кесишади. Шунинг учун  $M$  нуктанинг II текисликдаги проекцияси  $M_1$  ҳам чексизликда бўлади (31- шакл).


Агар фазодаги нукталар битта проекцияловчи нурда ётса, у ҳолда бу нукталар битта проекцияловчи марказга ва берилган текисликда эса битта марказий проекцияга эга бўлади (31- шакл). Шунинг учун марказий проекцияларда проекциялар текислиги ва маркази берилган бўлса ҳар бир нукта ўзининг шу текисликдаги проекциясини аниклай олади, лекин нуктанинг проекцияси эса унинг фазодаги вазиятини аниклай олмайди. Чунки ҳар қандай проекцияловчи тўғри чизикда чексиз кўп нукталар ётиши мумкин.  $s$  марказдан ўтувчи проекцияловчи нурлар тўплами ҳар хил геометрик шаклларни (сиртларни) ҳосил қиласади. 32- шакл, а, б да пирамида ва конус сиртларининг ҳосил




30- шакл



31- шакл




32- шакл



бўлиши келтирилган. Фазодаги геометрик шаклларнинг (сиртларнинг) текисликдаги проекцияларини ҳосил қилиш учун шаклнинг асосий, масалан: МКН нукталарини с нукта билан бирлаштириб, нур чизикларни II текислик билан кесишгунча давом эттирилади, натижада барча чизиклар с нукта орқали ўтиб, чизиклар дастасини ҳосил қиласди. Бу чизиклар дастаси II текислик билан кесишиб  $M_1$ ,  $N_1$  ва  $K_1$  марказий проекцияларини ҳосил қиласди. Ҳосил бўлган нукталарни ўзаро бирлаштириб, сиртларнинг II текисликдаги геометрик марказий проекцияларига эга бўлинади.

### 2.3- §. Параллел проекциялар

Параллел проекциялаш марказий проекциялашнинг хусусий ҳолидир. Бунда проекциялаш маркази с бирон КТ тўғри чизик йўналиши бўйича ҳаракатланиб, проекциялар текислигидан чексиз узоклашганда ундан ўтвчи нурлар ўзаро параллел бўлиб қоладилар. Бу ерда ТК чизик проекциялаш йўналиши дейилади (33- шакл, а). Фазода олинган А, В, С нукталарни II текислика проекциялаш учун, нукталар орқали КТ йўналишига параллел равишда проекцияловчи нурлар ўtkaziladi. Бу нурларнинг II текислик билан кесишиб  $A_1$ ,  $B_1$ ,  $C_1$  нукталари, шу нукталарнинг параллел проекциялари бўлади (33- шакл, а). Бундай проекциялаш йўли билан олинган проекциялар



33- шакл

параллел проекциялар дейилади. Параллел проекциялар ўлчамларининг ва кўринишларининг ўзгариши проекциялар текислигининг проекциялаш йўналишига нисбатан қандай жойлашишига боғлиқ. Проекцияловчи нурларнинг проекциялар текислигига нисбатан қандай йўналишда

бўлишига қараб, параллел проекциялаш қийшик бурчакли ва тўғри бурчакли бўлади. Агар проекциялаш йўналиши проекциялар текислиги билан ўткир бурчак ташкил қилса, бундай параллел проекциялаш қийшик бурчакли деб аталади (33- шакл, а). Бундай проекциялаш кўпинча аксонометрик тасвиirlарни ясашда ишлатилади. Бунда проекциялаш йўналиши КТ деб кўрсатилиши керак. Агар проекциялаш йўналиши проекциялар текислиги билан тўғри бурчак ташкил қилса, бундай параллел проекциялаш тўғри бурчакли ёки ортогонал проекциялаш дейилади. Бундай проекциялашда проекциялар йўналиши кўрсатилмайди, чунки бир нуктадан текисликка битта перпендикуляр ўtkазиш мумкин (33- шакл, б). Геометрик шаклнинг битта текисликдаги параллел проекциясини шу шаклнинг тузилиши ва унинг фазодаги вазиятини тўла акс эттира олмайди. Шунинг учун қўшимча равишда турли усуllардан фойдаланилади. Параллел проекциялашдаги қўшимча усуllар билан танишиб чиқишдан аввал параллел проекциялашнинг асосий хусусиятлари билан танишиб чиқамиз.

**2.3.1. Параллел проекцияларнинг хусусиятлари.** Умумий ҳолда геометрик жисмлар проекциялар текисликлари-га кириб тасвиirlанади. Бундай вазиятда жисмнинг текисликдаги тасвири ва фазовий кўриниши ўртасида ўзаро геометрик боғлиқлик ёки тафовутлар пайдо бўлади. Шу билан бирга геометрик шаклларга тегишли қуйидаги ўзгармас хусусиятлар келиб чиқади:

1. Фазодаги нукта берилган текисликка нукта бўлиб проекцияланади (34- шакл).

Проекцияловчи нурда ётувчи ҳар бир нукта текисликка устма-уст тушиб проекцияланади. Шунинг учун нуктанинг текисликдаги битта проекцияси унинг фазодаги ҳолатини аниклай олмайди.

2. Фазодаги тўғри чизикнинг текисликдаги параллел проекцияси умумий ҳолда тўғри чизик бўлади (34- шакл). Фазода олииган АВ тўғри чизикда ётувчи ҳамма нуктларнинг КТ проекциялаш йўналишига параллел бўлган проекцияловчи нурлари битта проекцияловчи ( $AA_1BB_1$ ) текисликда ётади. Бу текислик проекциялар текислиги II ни  $A_1B_1$  тўғри чизик бўйича кесиб ўтади. Демак, АВ тўғри чизикнинг проекцияси ҳам тўғри чизик ( $A_1B_1$ ) бўлади.

Агар, масалан, MN тўғри чизик проекция йўналиши КТ га параллел бўлса, унинг П текисликдаги проекцияси

нүкта күренишида бўлади (34- шаклдаги  $M_1 \equiv N_1$  нүкта).

3. Агар нүкта тўғри чизикда ётган бўлса, унинг текисликдаги проекцияси тўғри чизикнинг текисликдаги проекциясида ётади, масалан, 34- шаклда С нүкта АВ да ётади, шунинг учун  $C_1$  нүкта  $A_1B_1$  да ётади.


4. Нүкта тўғри чизик кесмасини қандай нисбатда бўлса, унинг текисликдаги проекцияси ҳам кесманинг проекциясини шу нисбатда бўлади (34- шакл). Буни исботлаймиз: АВ кесмани  $q/p$  нисбатда бўладиган С нүктани танлаймиз ва унинг  $A_1B_1$  даги проекцияси  $C_1$  ни аниқлаймиз.

А ва С нүкталардан  $A_1C_1$  ва  $B_1C_1$  ларга параллел тўғри чизиклар ўтказиб иккита ўхаш учбурчаклар ҳосил килинади, яъни  $\Delta BCT \sim \Delta CAK$ . Бу учбурчакларда  $AK = A_1C_1$  ва  $CT = C_1B_1$ . Шунга кўра


$$\frac{BC}{CA} = \frac{B_1C_1}{A_1C_1} = \frac{q}{p}$$

бўлади.

5. Параллел тўғри чизикларнинг бир номли проекциялари ҳам ўзаро параллел бўлади (35- шакл), яъни:  $AB \parallel CD$  ва  $A_1B_1 \parallel C_1D_1$ . Бу ерда:  $AA_1B_1B$  текислик  $CC_1D_1D$  текисликка параллел текисликларнинг II текислик билан кесишган чизиклари ҳам ўзаро параллел бўлади, яъни  $A_1B_1 \parallel C_1D_1$ .



34- шакл



35- шакл

6. Ўзаро параллел бўлган кесмалар проекциялари узунликларининг нисбати, шу параллел кесмалар узунликлари нисбатига тенг (35- шакл). А ва С нүкталар оркали  $A_1B_1$  ва  $C_1D_1$  ларга параллел чизиклар чизилади,

натижада  $AKB$  ва  $CND$  ўхшаш учбурчаклар ҳосил килинади. Шунинг учун қуидаги ўхшаш учбурчаклар хосасига асосан:

$$\frac{AK}{CN} = \frac{AB}{CD},$$

бу ерда  $AK=A_1B_1$  ва  $CN=C_1D_1$  бўлганидан:


$$\frac{A_1B_1}{C_1D_1} = \frac{AB}{CD}$$

бўлади.


7. Кесишувчи тўғри чизиклар проекцияларининг кесишган нуқтаси, шу тўғри чизиклар кесишган нуқтанинг проекцияси бўлади (36- шакл). Фазода  $m$  ва  $n$  тўғри чизиклар ўзаро  $B$  нуқтада кесишади. Бу тўғри чизикларнинг проекцияловчи текисликлари  $B$  нуқта орқали ўтувчи ва проекциялаш йўналиши КТ га параллел бўлган тўғри чизик бўйича кесишади.  $m$  ва II тўғри чизикларнинг проекцияловчи текисликлари II текисликни  $m_1$  ва II бўйича кесади, бу чизиклар эса ўзаро  $B_1$  нуқтада кесишади. Демак,  $BB_1$  тўғри чизик  $B$  нуқтанинг проекцияловчи нуридир. Шунга кўра  $B$  нуқта  $m$  ва II тўғри чизиклар ўзаро кесишган  $B$  нуқтанинг проекциясидир.

Энди факат ортогонал проекциялашга оид параллел проекциялаш хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Юкорида айтиб ўтилганидек, ортогонал проекциялар барча проекцияловчи нурлар проекциялар текислигига перпендикуляр бўлади. Бу усул параллел проекцияларнинг хусусиятларига эга булиб, факатгина кесманинг те-




36- шакл



37- шакл

кисликдаги проекцияси унинг ҳақиқий узунлигидан кичик бўлади, чунки кесманинг фазодаги натурал узунлиги учбурчакнинг гипотенузасини, унинг проекцияси катетини хосил қилади. Буни 37- шаклдан тушуниш қийин эмас. Агар  $AB$  кесма  $\Pi$  проекциялар текислиги билан  $\alpha$  бурчак ташкил қилса,  $AK \parallel A_1B_1$  ни ўтказиб, хосил бўлган тўғри бурчакли учбурчакдан  $KB: AK = AB \cos \alpha$  ёки  $A_1B_1 = AB \cos \alpha$  бўлади. Агар тўғри бурчакнинг бирор томони проекциялар текислигига параллел бўлса, у ҳолда тўғри бурчакли проекцияларда бу тўғри бурчак шу текисликка узгармасдан, яъни тўғри бурчаклигича проекцияланади (38- шакл). Фазода  $AB$  ва  $BC$  икки кесишувчи тўғри чизикларнинг  $B$  учида-ги бурчаги  $90^\circ$  ва бу бурчакнинг  $BC$  томони  $\Pi$  текисликка параллел жойлашган. Бу тўғри чизикларнинг проекцияловчи текисликлари  $\Pi$  текисликка перпендикуляр ҳамда ўзаро перпендикулярdir. Маълумки, ўзаро перпендикуляр текисликларнинг кесишган чизиклари ҳам перпендикуляр бўлади. Бу ерда  $A_1B_1 \perp B_1C_1$  чунки  $BC \parallel \Pi$  бўлган шартда  $BDB_1A_1$  текисликда олинган ҳар қандай тўғри чизик (масалан,  $DB$ )  $BC$  га перпендикуляр бўлади.  $A_1B_1$  кесма эса бир текисликда ётувчи шундай тўғри чизикларнинг проекциясини ифодалайди. Шунинг учун  $ABC$  тўғри бурчакнинг ортогонал проекцияси  $A_1B_1C_1$  ҳам тўғри бурчак бўлади. Юқорида кўриб чиқилган проекциялаш усуллари, масаланинг бир томонлама ечилишига имкон беради, масалан,  $30$  ва  $33$ - шаклларда нукталарнинг текисликдаги проекциялари тасвиirlанган, лекин нукталарнинг текисликдаги проекциялари уларнинг фазодаги вазиятларини аниклай олмайди. Бу ҳолат тасвиirlangan жисмнинг шакли ва ўлчамларини аниклашга имкон бермайди. Бундай ноаникликни аник ҳолатга келтириш учун қўшимча проекциялаш усулларидан фойдаланилади. Ортогонал проекциялаш усули билан жисмни ўзаро перпендикуляр бўлган икки текисликка проекциялаб, жисмнинг икки проекцияси хосил килинади ва унинг геометрик хусусиятларини текшириш имкони туғилади. Чизма геометрия ва чизмачиликда асосан



38- шакл

жисмнинг шакли ва ўлчамларини аниклашга имкон бермайди. Бундай ноаникликни аник ҳолатга келтириш учун қўшимча проекциялаш усулларидан фойдаланилади. Ортогонал проекциялаш усули билан жисмни ўзаро перпендикуляр бўлган икки текисликка проекциялаб, жисмнинг икки проекцияси хосил килинади ва унинг геометрик хусусиятларини текшириш имкони туғилади. Чизма геометрия ва чизмачиликда асосан

ортогонал проекциялаш усулидан фойдаланилади. Шу усульдан фойдаланиб, аввал нуктани, тұғри чизиқни ва шаклларнинг проекцияларини ҳосил килиш ва уларга оид мисолларнинг ечилиши билан танишиб чыкмаз.


### 3- боб. НУКТАНИНГ ОРТОГОНАЛ ПРОЕКЦИЯЛАРИ

#### 3.1- §. Нуктанинг комплекс чизмаси


Фазодаги ҳар қандай нуктанинг вазиятини унинг икки ортонаал проекцияси аниклади деган әдик. Шунга күра фазода үзаро перпендикуляр бүлган икки текислик олиб, уларнинг бирини горизонтал ( $\Pi_1$ ), иқкінчесини эса фронтал ( $\Pi_2$ ) проекциялар текисликлари деб қабул қиласыз. Бу икки текисликларнинг үзаро кесишиш чизиги проекциялар үки дейилади ва  $OX$  билан белгиланади.  $O$  – координаталар боши дейилади. Фазода  $A$  нукта олиб шу нуктадан  $\Pi_1$  ва  $\Pi_2$  текисликларга перпендикулярлар туширамиз ва уларнинг текисликлар билан кесишган  $A_1$  ва  $A_2$  нукталарини белгилаймиз (39- шакл). Бу ерда:  $A_1$  – фазодаги  $A$  нуктанинг горизонтал проекцияси;  $A_2$  – фазодаги  $A$  нуктанинг фронтал проекцияси бўлади.  $AA_1$  ва  $AA_2$  кесмалар  $A$  нуктадан  $\Pi_1$  ва  $\Pi_2$  текисликларгача бўлган масофаларни курсатади.  $A$  нуктанинг фазодаги вазиятини аниклашда юкоридаги кесмаларнинг ( $AA_1$  ва  $AA_2$ ) ҳақиқий катталигига эга бўлиши кифоядир, чунки бу кесмаларнинг ҳақиқий катталиги факат битта  $A$  нуктанинг холатини белгилай олади.

Ҳақиқатан ҳам  $A$  нукта  $\Pi_1$  ва  $\Pi_2$  текисликларга перпендикуляр жойлашган ва улар билан  $A_1A_1$  ва  $A_2A_2$  чизиклар буйича кесишадигаň  $A_1A_xA_2$  текисликнинг устида ётади.  $AA_1$  ва  $A_2A$  нукталар орқали ўтган текислик проекциялар текисликлари  $\Pi_1$  ва  $\Pi_2$  ларга перпендикуляр бўлиб,  $OX$  үкини  $A_x$  нуктада кесади ва  $AA_1 = A_2A_x$ ;  $AA_2 = A_1A_x$ , агар  $A_1A_2$  нуқгалардан  $OX$  ўққа перпендикуляр туширилса, бу чизиклар  $A_x$  нуктада кесишади ҳамда  $A_1$ ,  $A_2$  нукталардан  $\Pi_1$  ва  $\Pi_2$  текисликларга ўтказилган перпендикулярларни кесишган нуктаси  $A$  нуктанинг фазодаги вазиятини белгилайди, чунки бу чизиклар битта  $A_1A_xA_2$  текисликнда ётади.  $A$  нуктанинг ёки  $A$  нукта ўрнида бирор жисмнинг проекциялар текисликларидаги проекцияларидан фойдаланиб, уларнинг шакли ва улчамлари ҳақидаги маълумоттар аникланади. Бунда фазодаги нукта ёки жисмни фикран олиб ташлаб,  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$  ва  $\Pi_3$  даги проекциялари қолдирилиб, улар битта текисликка жой-


лаштирилиб, текис чизма ҳосил қилинади. Текис чизма (эпюр ёки комплекс чизма) ҳосил қилиш учун горизонтал проекциялар текислиги  $\Pi_1$  ни  $OX$  ўқ атрофида соат стрелкаси бўйича фронтал проекциялар текислиги ( $\Pi_2$ ) билан қўшилгунча пастга айлантирилади. Бунда нуктанинг икки проекцияси  $OX$  ўқка перпендикуляр бўлган бир тўғри чизикда бўлиб қолади. Натижада нуктанинг комплекс чизмаси ҳосил бўлади (40- шакл).



39- шакл




40- шакл




41- шакл

$A_1A_2$  тўғри чизик — нуктанинг икки проекциясини бирлаштирувчи боғловчи чизик дейилади. Нуктанинг эпюрига кўра, унинг фазодаги вазиятини аниқлаш мумкин. Масалан, нуктанинг фронтал проекцияси  $A_2$  дан  $\Pi_2$  текисликка перпендикуляр чиқариб, бу перпендикулярга  $y_L = A_2A$  нинг қийматини ўлчаб қўйиш билан фазодаги А нуктанинг вазиятини аниқлаш мумкин. Масалаларни мураккаблаштираслик учун, комплекс чизмада проекциялар текисликларининг чегара чизиклари кўрсатилмайди (41- шакл).

Геометрик жисмларнинг шаклини тўлик ўрганиш ва уларнинг фазодаги вазиятларини аниқлашда уларнинг икки проекцияси етарли бўлмайди. Шунинг учун учинчи проекцияларини олишга тўғри келади. Бундай вазиятда  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$  проекциялар текисликларига перпендикуляр бўлган учинчи текислик олинади. Бу текислик профил проекциялар текислиги деб аталади ва у  $\Pi_3$  харфи билан белгиланади.  $\Pi_3$  текислик  $\Pi_1$  ва  $\Pi_2$  текисликларни  $OY$  ва  $OZ$  чизиклар бўйича кесиб ўтади. 42- шаклда А нуктанинг  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$ ,  $\Pi_3$  проекциялар текисликларидаги проекциялари ва 43- шаклда унинг эпюри берилган. Агар горизонтал ва профил проекциялар текисликлари  $OX$  ва  $OZ$  ўклар атрофида соат стрелкаси йуналиши бўйича  $\Pi_2$  текислик



42- шакл



43- шакл

билин жипслашгунча айлантирилса, нуктанинг горизонтал проекцияси  $A_1$  ва профил проекцияси  $A_3$ , унииг фронтал проекцияси  $A_2$  дан  $OX$  ва  $OZ$  ўқларга туширилган перпендикулярлар устида ётади ва нуктанинг эпюри ҳосил бўлади. Ҳар кандай нуктадан  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$  ва  $\Pi_3$  текисликларга-ча бўлган масофа  $x$ ,  $y$ ,  $z$  ўқлар бўйича ўлчанади, яъни  $\Pi_1$  гача бўлган масофа  $z$  бўйича,  $\Pi_2$  гача бўлган масофа  $y$  бўйича ва  $\Pi_3$  гача бўлган масофа  $x$  бўйича ўлчанади.

Бу ерда  $O-x$ ,  $y$ ,  $z$  координата ўқларининг кесишгани нуктаси (лотин «Огідо» сўзининг бош харфи), яъни координаталар боши дейилади;  $Ox$  — абсцисса ўки;  $Oy$  — ордината ўки;  $Oz$  — аппликата ўки.

Координата ўқлари  $x$ ,  $y$ ,  $z$  — лар ўзаро кесишиб, координата текисликларини ҳосил қиласди, яъни:

$xoy$  — горизонтал проекциялар текислиги;

$xoz$  — фронтал проекциялар текислиги;

$yoz$  — профил проекциялар текислиги.

Проекциялар текисликлари  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$  ўзаро кесишиб фазони тўртта кисмга (бурчакка) бўлали ва бу кисмларнинг ҳар бири чораклар деб аталади. Бу тўрт қисм куйидагида белгиланади:

биринчи қисм (бурчак)  $\Pi_1$  — текисликнинг олди қисми ва  $\Pi_2$  текисликнинг юқори қисми;


иккинчи қисми —  $\Pi_1$  текисликнинг орка қисми ва  $\Pi_2$  текисликнинг юқори қисми;

учинчи қисми —  $\Pi_1$  текисликнинг орка қисми ва  $\Pi_2$  текисликнинг пастки қисми;

тўртинчи қисми —  $\Pi_1$  текисликнинг олди томонидан пастки қисми ва  $\Pi_2$  текисликнинг пастки қисми билан чегараланади.

44- шаклда  $\Pi_1$  ва  $\Pi_2$  проекциялар текисликлари тизими жойлашган  $A$ ,  $B$ ,  $C$ ,  $D$  нукталарнинг ҳар хил бурчакларда

жойлашиши күрсатылған, яғни  $A$  нұкта биринчи,  $B$  нұкта иккінчи,  $C$  нұкта учинчі ва  $D$  нұкта түртінчи фазовий бурчакларда жойлашған. 45- шақлда эса шу нұкталарнинг эпюрлари берилған.  $A$  нұкта  $\Pi_1$  проекциялар текислигидан  $A_x A_x = Z_A$ , яғни нұктаның фронтал проекциясы  $A_2$  дан проекциялар үкі  $OY$  гача бұлған масофага,  $\Pi_2$  текислигидан эса  $A_1 A_x = Y_A$ , яғни  $A$  нұктаның горизонтал проекциясы  $A_1$  дан проекциялар үкігача бұлған масофага тенг.  $B$  нұкта иккінчи бурчакда бўлиб, эпюрда  $B_1 B_2$  проекциялари  $OY$  үкдан юқорида жойлашған бўлади.



$C$  — нұкта учинчі бурчакда бўлиб (проекцияларда), унинг горизонтал  $C_1$  проекцияси  $OY$  үкдан юқорида, фронтал проекцияси  $C_2$  эса  $OY$  үкдан пастда бўлади.


$D$  — нұкта эса түртінчи бурчакда бўлиб, унинг ҳар икки  $D_1$  ва  $D_2$  проекциялари  $OY$  үкдан пастда жойлашған бўлади. Агар нұкталарнинг координаталари  $x$ ,  $y$ ,  $z$  лар сон микдорида берилса, қуйидагича ёзилади:  $A(15, 10, 12)$ .  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$ ,  $\Pi_3$  проекциялар текисликлари қарама-карши йўналишдаги координата үклари бўйича үзаро кесишиб, фазони саккиз қисмга бўлади. Қисмларнинг ҳар бири оқтант (octo — лотинча бўлиб, саккиз демакдир) дейилади (46- шақл). Бу ерда координаталарнинг «Ўнг системаси» қабул қилинган, яғни координаталар боши  $O$  дан чапга йўналған қисми мусбат, ўнгга йўналған қисми эса манфий хисобланади.

46- шақл, б да оқтантлар координаталарининг мусбат (+) ва манфий (-) ифодаланиши күрсатылған.

**1- масала.** Қўйида берилған нұкталарнинг  $XYZ$  координаталарига кўра уларнинг фазовий тасвири ва горизонтал, фронтал, профил проекциялари чизилсин.

$$A(x=12, y=17, +z=28) \quad B(x=23, y=27, z=15).$$

$$C(x=35, y=15, +z=0), \quad D(x=42, y=0, z=34).$$



46- шакл

$$E(x=35, y=(-15), z=20).$$

$$F(x=+40, y=-24, z=-13).$$

$$K(x=+46, y=+34, z=-25).$$

$$M(-x=-36, y=+26, z=-31).$$

$$N(x=-48, y=-30, z=+28).$$


**2- масала.** 47- шаклда берилган нукталарнинг комплекс чизмаларига асосан, уларнинг  $x$ ,  $y$ ,  $z$  координаталари кийматларини ММ да аниқлаб, жадвалга ёзинг.

Нуқталар	X	Y	Z
A			
B			
C			
K			
M			

**3- масала.** Қуйида берилган нукталарнинг икки проекцияларига кўра уларнинг учинчи проекцияларини топинг (48- шакл).



47- шакл




48- шакл

### 3.2- §. Түғри чизик. Түғри чизикнинг берилиши ва уларни чизмада тасвирилаш

Түғри чизикнинг текисликдаги проекциясини ҳосил килиш учун унинг икки нүктасини проекциялаш кифоядир, чунки умумий ҳолда түғри чизикнинг текисликдаги проекцияси ҳам түғри чизикдир.

Буни исботлаш учун фазода бирор «а» түғри чизик олиб, унинг икки А ва В нүкталарини бирор (II) текисликка проекциялаймиз. Ҳосил бўлган  $A_1$  ва  $B_1$  нүкталарни бирлаштирсак, түғри чизикнинг II текисликдаги проекциясига эга бўламиз, буни II текислик билан «а» түғри чизик ва  $AA_1$  нур чизиклардан ташкил топган  $\Sigma$  текисликларнинг кесишиш чизиғи деб қараш мумкин.

Еки бошқа ҳар қандай проекцияловчи, масалан,  $MM_1$ , түғри чизик шу текисликда ётиб, II текисликдаги  $a_1$  түғри чизик устида кесишади. Шундай килиб,  $a_1$  түғри чизик «а» түғри ЧИЗИҚННИГ II текисликдаги проекциясидир (49- шакл).




49- шакл

37- шаклдан маълумки, түғри чизик кесмасининг II текисликдаги проекцияси ўзидан кичик бўлиб, хусусий ҳолда  $A_1B_1 = AB \cos\varphi$  га tengdir. Агар түғри чизик текисликка параллел бўлса,  $\cos=1$  га teng бўлиб, текисликка ўзининг ҳақиқий катталигига проекцияланади

ва ниҳоят, агар перпендикуляр бўлса, унинг текисликдаги проекцияси нукта бўлади. Энди фазодаги тўғри чизикни ўзаро перпендикуляр бўлган уч текисликка проекциялашни кўриб чиқамиз. Фазодаги тўғри чизикнинг икки нуктаси  $A$  ва  $B$  берилган бўлса, улардан проекциялар текисликлари  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$  ва  $\Pi_3$  ларга перпендикуляр нур чизиклар туширилса, нукталарнинг горизонтал проекциялари  $A_1$ ,  $B_1$ , фронтал проекциялари  $A_2$ ,  $B_2$  ва профил проекциялари  $A_3$ ,  $B_3$  ҳосил бўлади.

Нукталарнинг бир номли проекцияларини бирлаштирилса тўғри чизикнинг горизонтал —  $A_1B_1$ , фронтал —  $A_2B_2$  ва профил —  $A_3B_3$  проекциялари ҳосил бўлади (50- шакл)



50- шакл

50- шаклда  $AB$  кесма учларини проекциялар текисликлари ( $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$ ) дан узоклиги, яъни:

$Z_A = AB$  кесманинг  $A$  учидан  $\Pi_1$  текисликкача;

$Z_B = AB$  кесманинг  $B$  учидан  $\Pi_1$  текисликкача;


$Y_A = AB$  кесманинг  $A$  учидан  $\Pi_2$  текисликкача;

$Y_B = AB$  кесманинг  $B$  учидан  $\Pi_2$  текисликкача бўлган масофалари кўрсатилган. Шунинг учун умумий вазиятдаги  $AB$  кесма (50- шакл) учларининг координаталаририга нисбатан куйидаги tenglikni ёзиш мумкин:


$$Z_B - Z_A \neq 0; Y_A - Y_B \neq 0; X_A - X_B \neq 0.$$

Агар,  $AB$  кесмада (50- шакл) яна қўшимча  $C$  нуқта олиб ундан  $\Pi_1$  га перпендикуляр чизик туширсан,  $C$  нуқтадан ўтувчи нур чизик  $AA_1$  ва  $BB_1$  чизикларга параллел бўлиб,  $AB$  кесма оркали ўтади, яъни иккиси ҳам бир текисликда ётади. Шунинг учун  $A_1B_1$  ва  $C_1$  нуқталарнинг геометрик ўрни  $AB$  кесмани  $\Pi_1$  текисликка махсус жойлашган  $A_1A$   $BB_1$  текислик билан горизонтал проекциялар текисликларини кесишган чизигида бўлади. Шунингдек, бу нуқталарнинг фронтал ва профил проекцияларининг геометрик ўрни ҳам шунга ўхшашиб бўлади.

51- шаклда 50- шаклдаги кесманинг фазодаги вазиятига кўра, унинг эпюри берилган.



51- шакл



52- шакл

### 3.3- §. Тўғри чизикнинг проекциялар текисликларига нисбатан ҳар хил вазиятда бўлиши

Тўғри чизик проекциялар текисликларига нисбатан икки хил вазиятда, яъни умумий ва хусусий вазиятларда бўлиши мумкин. Агар тўғри чизик проекциялар текисликларидан биронтасига ҳам параллел бўлмаса, бундай тўғри чизик умумий вазиятдаги ёки ихтиёрий вазиятдаги тўғри чизик дейилади (50—51- шакллар). Бу холда тўғри чизик проекциялар текисликларига ўз ҳакиқий катталигидан ўзгариб (қисқариб) проекцияланади. Агар тўғри чизик проекциялар текисликларидан бирортасига ёки бир вактини ўзида иккитасига параллел бўлса, тўғри чизик хусусий вазиятдаги ёки махсус чизик дейилади.

Максус вазиятдаги түгри чизиклар  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$ ,  $\Pi_3$  — текисликтарга нисбатан қуидаги олти хил вазиятда бўлади:

1. Түгри чизик горизонтал проекциялар текислигига параллел (52- шакл). Бунда түгри чизикнинг фронтал проекцияси ( $h_2$ ) проекциялаш ўки  $OX$  га параллел бўлади. Бу ерда,  $\beta$  бурчак —  $h$  түгри чизик билан фронтал проекциялар текислиги орасидаги бурчак. Бундай түгри чизикнинг горизонтал проекцияси  $h(A_1B_1)$  горизонтал проекциялар текислиги  $\Pi$  га нисбатан ҳақиқий катталигида ( $A_1B_1=AB$ ) проекцияланади. Бундай чизик горизонтал чизик деб аталади. Бунда

$$Z_A - Z_B = 0; \quad Y_A - Y_B \neq 0; \quad X_A - X_B \neq 0.$$


2. Түгри чизик фронтал проекциялар текислигига параллел жойлашган. Бундай түгри чизик фронтал түгри чизик дейилади ва у  $f(f_1f_2)$  билан белгиланади. Фронтал чизикнинг ҳамма нукталари фронтал проекциялар текислиги ( $\Pi_2$ ) дан бир хил масофада бўлади. Шунинг учун унинг горизонтал проекцияси ( $f_1$ )  $OX$  ўқса параллел бўлади. Фронтал чизикнинг фронтал проекцияси ( $f_2$ ) ўзининг ҳақиқий катталиги ( $f_2=CD$ ) буйича проекцияланади, яъни  $C_2D_2=CD$  бўлади (53- шакл).

$\alpha$  бурчак —  $f$  түгри чизик билан горизонтал проекциялар текислиги орасидаги бурчак.


Бунда:

$$Z_D - Z_C \neq 0; \quad Y_D - Y_C = 0; \quad X_C - X_D \neq 0$$

бўлади.



53- шакл



54- шакл

3. Тұғри чизик ( $p$ ) профил проекциялар текислигига параллел жойлашган. Бу тұғри чизик профил проекциялар текислигига үзининг ҳақиқий катталигига проекцияланади, яъни  $P_3 = K_3 E_3$ . Бундай чизик профил чизик дейилади. Горизонтал ва фронтал проекциялари  $OX$  үқига перпендикуляр бўлиб, бир боғловчи чизикда бўлади. Бунда,  $X_K - X_E = 0$  бўлади.  $\alpha$  ва  $\beta$  бурчаклар —  $P$  тұғри чизик билан горизонтал ва фронтал проекциялар текисликлари орасидаги бурчакка тенгdir (54- шакл).

4. Тұғри чизик горизонтал проекциялар текислигига перпендикуляр жойлашган. Бу тұғри чизикнинг горизонтал проекцияси ( $a_1$ ) нукта кўринишида бўлади, фронтал ( $a_2$ ) проекцияси  $OX$  үқига, профил проекцияси ( $a_3$ ) эса  $OY$  үқига перпендикуляр вазиятда бўлади. Бу вазиятда кесма  $H_2$  ва  $H_3$  га параллел бўлади. Шунинг учун  $M_2 N_2 = M_3 N_3 = MN$  бўлади (55- шакл, бу ерда тұғри чизикнинг профил проекцияси кўрсатилмаган).


Бунда:  $Z_M - Z_N \neq 0$

$$Y_M - Y_N = 0$$


$$X_M - X_N = 0$$

бўлади.

5. Тұғри чизик фронтал проекциялар текислиги  $H_2$  га перпендикуляр жойлашган ( $b \perp H_2$ ). Бу чизикни горизонтал проекцияси үз ҳақиқий катталигига тенг бўлиб ( $b_1 = KE$ ), у  $OX$  үқига перпендикуляр жойлашади. Тұғри чизикнинг фронтал проекцияси ( $b_2$ ) нукта кўринишида бўлади, профил проекцияси ( $b_3$ ) эса,  $OZ$  га перпендикуляр бўлади (56- шакл, чизмада кўрсатилмаган).



55- шакл.



56- шакл.


Бунда:  $Z_K - Z_F = 0$ ;  
 $Y_F - Y_K \neq 0$ ;  
 $X_K - X_F = 0$ .

6. Түгри чизик профил проекциялар текислигига перпендикуляр жойлашган ( $C \perp \Pi_3$ ) (57- шакл). Бу чизиккінгі горизонтал  $C_1(P_1Q_1)$  ва фронтал  $C_2(P_2Q_2)$  проекциялари  $OX$  га параллел бўлади. Профил проекцияси  $C_1C_2C_3(P_3O_3)$  нукта кўринишида бўлади.


Бунда:  $P_1Q_1 = P_2Q_2 = PQ$  бўлиб,

$$\begin{aligned}Z_p - Z_q &= 0 \\Y_p - Y_q &= 0 \\X_p - X_q &\neq 0\end{aligned}$$

Проекциялар текисликларига перпендикуляр жойлашган түгри чизиклар проекцияловчи түгри чизиклар дейилади. Бундай түгри чизикларда ётувчи ( $M, N; K, F; P, Q$ ) иккі ва ундан ортиқ нукталар конкурент нукталардир. Конкурент нукталар буюмларнинг баъзи бир элементларини берилган проекциялар текислигига нисбатан яқин ёки узок жойлашганлигини аниқлашга ёрдам беради. Масалан, а түгри чизикдаги  $N$  ва  $M$  иккі нуктасини  $\Pi_1$  текисликка нисбатан юқоридан карапланда, бизга яқин  $M$  нукта кўринар ва ундан пастда жойлашган  $N$  нукта кўринмас деб хисобланади (55- шакл). 56 шаклдаги  $b$  түгри чизикини  $\Pi_2$  текисликка нисбатан тик карапланда, унда ётувчи  $F$  нукта кўринар,  $K$  нукта эса кўринмасдир ва хоказо.



57- шакл.




58- шакл.

### 3.4- §. Тұғри чизик излари


Тұғри чизикнинг проекциялар текисликлари ( $\Pi_1, \Pi_2\dots$ ) билан кесишган нүкталари тұғри чизикнинг излари дейилади. Тұғри чизикнинг горизонтал проекциялар текислиги  $\Pi_1$  билан кесишган нүктаси унинг горизонтал изи, фронтал проекциялар текислиги билан кесишган нүктаси эса унинг фронтал изи дейилади (58- шакл). 58- шаклда АВ тұғри чизикнинг  $\Pi_1, \Pi_2$  проекциялар текисликлари билан кесишган нүкталари күрсатилған. Бу ерда,  $M(M_1M_2)$  — горизонтал,  $N(N_1N_2)$  эса — фронтал изи деб аталади.

59- шаклда АВ тұғри чизик изларини эпюрда топилиши күрсатилған. Тұғри чизикнинг горизонтал изини топиш учун, унинг фронтал проекцияси  $A_2B_2$  ни  $OX$  ўқи билан кесишигунча давом эттирилади, кейин уларнинг кесишган  $M_2$  нүктасидан  $\Pi_1$  текислик бүйлаб  $OX$  ўқига перпендикуляр чизик үтказилади ва шу чизик билан тұғри чизикнинг горизонтал проекцияси кесишган нүкта  $AB$  тұғри чизикнинг горизонтал изини ифодалайды, горизонтал изининг горизонтал проекцияси шу ерда бұлади.

Тұғри чизикнинг фронтал изини топиш учун унинг горизонтал проекцияси  $A_1B_1$  ни  $OX$  ўқи билан кесишигунча давом эттирилади ва шу нүктадан ( $N_1$ ),  $\Pi_2$  текислик бүйлаб  $OX$  ўқига перпендикуляр чиқарилади, шу перпендикуляр билан тұғри чизикнинг фронтал проекциясини кесишигандай ( $N_2$ ) нүктаси аникланади. Агар тұғри чизик бирор проекция текисликларига параллел бўлса, унинг ўша текисликтаги изи бўлмайди. Энди тұғри чизикнинг изларини топишга оид бир неча мисолларни кўриб чиқамиз.




59- шакл.



60- шакл.

1- мисол. Профил  $AB$  түғри чизик берилган булиб, унинг горизонтал ва фронтал изларини топиш лозим (60- шакл). Якқол тасвирдан кўриниб турибдики,  $AB$  нинг горизонтал изини топиш учун уни  $H_1$  билан кесишгунча, фронтал изини топиш учун эса  $H_2$  билан кесишгунча давом эттирилган.




61 шакл

Эпюрда бу мисолни ечиш учун  $AB$  кесмани берилган нисбатда булиш коидасидан фойдаланилади. Чунки кесманинг горизонтал изини фронтал проекцияси ( $M_2$ )  $OY$  ўкда ётиб,  $AB$  түғри чизикин фронтал проекцияси  $A_2B_2$  нинг  $M_2A_2:M_2B_2$  нисбатида булади (61- шакл). Худди шунингдек,  $M_1$  ҳам, кесманинг горизонтал проекцияси ҳам шу нисбатда булади, яъни

$$\frac{M_1A_1}{M_1B_1} = \frac{M_2A_2}{M_2B_2}$$

$B_1$  нуктадан ихтиёрий бурчак остида түғри чизик ўтказилади, сўнгра шу  $B_1$  нуктадан бошлаб,  $B_1I_1=A_2B_2$  ва  $I_12_1=A_2M_2$  га teng бўлган кесмалар ўлчаб кўйилади.  $I_1$  ва  $A_1$  нукталар бирлаштирилади. 2 нуктадан  $I_1A_1$  чизикка параллел  $2_1M_1$  чизик ўтказилади. Ҳосил бўлган  $M_1$  нуқта берилган кесманинг горизонтал изининг гори-



52


зонтал проекцияси бўлади. Кесманинг фронтал изининг фронтал проекциясини топиш учун  $N_1A_1:B_1N$  нисбатдан фойдаланамиз.

$A_2$  нуктадан ихтиёрий тўғри чизик ўтказилади ва шу нуктадан бошлаб  $A_2I_2=A_1B_1$  ва  $I_22_2=B_1N_1$  кесмалар улчаб кўйилади.  $I_2B_2$  нукталар бирлаштирилади ва  $I_2$  нуктадан шу чизикка параллел тўғри чизик ўтказилади. Бу чизик  $A_1B_1$  чизик билан кесишиб, кесманинг фронтал изининг фронтал проекцияси--  $N_2$  ни ҳосил киласди (61-шакл). Шу мисолнинг ўзини тўғри чизикнинг профил проекциясидан фойдаланиб ҳам ечиш мумкин. Бунинг учун аввал  $AB$  тўғри чизикнинг профил проекцияси  $A_3B_3$  топилади (62-шакл) ва унинг  $z$  ҳамда  $y$  ўқлари билан кесишган  $M_3$  ва  $N_3$  нукталари топилади. Бу ерда  $N_3$  нукта  $AB$  нинг фронтал изининг профил проекцияси,  $M_3$  эса горизонтал изининг профил проекциясидир. Иzlарнинг горизонтал ва фронтал проекцияларини топилишини чизмадан тушуниш қийин эмас.


### 3.5- §. Тўғри чизикнинг ҳакиқий катталигини ва унинг проекциялар текисликларига нисбатан оғиш бурчакларини аниқлаш

Биз юкорида тўғри чизик кесмасини проекциялар текисликларига нисбатан ихтиёрий вазиятда, яъни тўғри чизик проекциялар текисликларига нисбатан ўткир бурчак остида жойлашган булиши мумкин деган эдик. Бундай вазиятда кесма проекциялар текисликларига, ўзининг фазовий вазиятига нисбатан узгариб (қисқариб) проекцияланади. Геометрик масалаларни ечишда тўғри чизик кесмасининг ҳакиқий катталиги ва унинг проекциялар текисликларига нисбатан оғган бурчакларини аниқлашга тўғри келади.

Бирор  $AB$  тўғри чизик билан текислик орасидаги бурчак, унинг шу текисликдаги проекцияси, яъни  $A_1B_1$  орасидаги  $\delta$  бурчак билач улчанади. Бу бурчак тўғри ЧИЗИК ва ТЕКИСЛИК орасидаги ўткир бурчакни  $90^\circ$ га тўлдирувчи бурчак билан ҳам аниқланади. Тўғри чизик кесмасининг бирор текисликдаги проекцияси ва бу кесма охирги нукталарининг шу текисликдан узокликлари маълум бўлса, бу тўғри чизик кесмасининг ҳакиқий узунлиги ва ўша проекцияси ётган текислик билан ташкил қиёлган бурчагини аниқлаш мумкин. Буни 63-шаклдан тушуниб олиш қийин эмас. Бу ерда  $AB$  тўғри чизик



63- шакл.



64- шакл

кесмаси ва унинг  $\Pi$  текисликтаги проекцияси берилган.  $AB$  кесманинг ҳакиқий узунлигини топиш учун  $AB$  кесманинг  $A$  учидан  $A_1B_1$  га параллел түғри чизик ўтказилиди, натижада  $ABN$  түғри бурчакли учбурчак ҳосил бўлади. Бу учбурчакнинг  $AN$  катети  $A_1B_1$  га teng,  $BN$  катети эса  $BB_1$  кесмадан  $AA_1$  кесманинг айримасига teng (яъни  $BB_1 = AA_1 = BN$ ), гипотенузда эса, түғри чизик кесмасининг ҳакиқий узунлигидир.  $ABN$  түғри бурчакли учбурчакнинг  $A$  учидағи бурчаги,  $AB$  түғри чизик билан  $\Pi$  текислик орасидаги бурчакни ифодалайди. Бу бурчак  $AB$  билан унинг  $\Pi$  текисликтаги  $A_1B_1$  проекцияси орасидаги бурчак билан ўлчанади ( $\angle B_1MB = \angle BAN$ ).

Энди түғри чизикни узаро перпендикуляр бўлган  $P_1P_2$ ,  $P_3$  проекциялар текисликлари билан ҳосил қилган  $\alpha$ ,  $\beta$ ,  $\gamma$  бурчакларни аниклашга ўтамиз. Буни түғри чизикни анализ килиш ҳам дейилали (64- шакл).

Агар юкоридаги  $\Pi$  текислик ўрнида горизонтал проекциялар текислиги  $\Pi_1$  олинса, түғри бурчакли учбурчакнинг битта катети учун кесмани  $\Pi_1$  текисликтаги проекциини  $A_1B_1$ , иккинчи катети учун эса, кесма учларидан горизонтал проекциялар текисликларигача бўлган масофалар айримасига, яъни  $Z_n - Z_A = \Delta Z$  га teng бўлган масофа олинади.

Эпурда кесманинг горизонтал проекцияси  $A_1B_1$  бирор, масалан,  $A_1$  нуктасидан перпендикуляр чизик чиқариб,  $A\Delta Z$  масофа ўлчаб қўйилади ва  $A_0$  нукта белгиланади, сўнгра  $A_0$  ни  $B_1$  нукта билан узаро бирлаштириб  $A_1B_1A_0$  түғри бурчакли уч бурчак ҳосил қилинади. Унинг  $A_0B_1$  гипотенузаси  $AB$  кесманинг ҳакиқий катталигига teng бўлади, яъни  $A_0B_1 = AB$ .  $A_0B_1$  ва  $A_1B_1$  чизиклар орасидаги  $\alpha$  бурчак

кесма билан горизонтал проекциялар текислиги ( $\Pi_1$ ) орасидаги бурчакка тенг бўлади. Агар учбурчакнинг битта катети килиб, кесманинг фронтал проекцияси  $A_2B_2$  олинса, иккинчи катети, кесма уchlаридан фронтал проекциялар текислиги ( $\Pi_2$ ) гача бўлган масофалар айрмаси ( $Y_B - Y_A = \Delta Y$ ) олинади. Кесманинг фронтал проекцияси  $A_2B_2$  чизикнинг  $B_2$  учидан перпендикуляр чизик чиқариб,  $\Delta Y$  масофани ўлчаб қўйилади, ҳосил бўлган  $B_0A_2$  чизик  $AB$  кесманинг ҳақиқий катталиги бўлади.  $A_2B_2B_0$  учбурчакнинг  $A_2B_0$  гипотенузаси ва  $A_2B_2$  катети орасидаги  $\beta$  бурчак, тўғри чизик билан  $\Pi_2$  текислик орасидаги бурчакдир.


Агар учбурчакнинг битта катети килиб, кесманинг профил проекцияси  $A_3B_3$  олинса, иккинчи катети килиб,  $AB$  чизикнинг  $A$  ва  $B$  нуқталаридан  $\Pi_3$  текисликкача бўлган масофалар айрмаси олинади, яъни  $\Delta X$  масофа бўлади.

Тўғри чизикнинг профил проекцияси  $A_3B_3$  нинг  $A_3$  учидан перпендикуляр чизик чиқариб,  $\Delta X$  масофа ўлчаб қўйилади ва  $A_0$  нуқта аникланади.  $A_0B_3$  ва  $A_3B_3$  чизиклар орасидаги  $\gamma$  бурчак  $AB$  кесма билан  $\Pi_3$  текислик орасидаги бурчак бўлади.

### 3.6- §. Икки тўғри чизикнинг ўзаро жойлашиши

Фазода икки тўғри чизик ўзаро кесишган, параллел ва учрашмас (айқаш) ҳолатларда бўлиши мумкин.

**Кесишувчи тўғри чизиклар.** Агар фазода икки тўғри чизик ўзаро кесишган бўлса, уларнинг горизонтал, фронтал ва профил проекциялар текисликларидағи бир номли проекциялари ҳам ўзаро кесишган бўлади ва кесишиш нуқталари бир боғловчи чизикда ётади. 65- шакл, а ва б ларда фазода ва эпюрда ўзаро кесишувчи  $a$  ва




65- шакл

$b$  түгри чизикларнинг  $K$  ( $K_1K_2$ ) нуктада ўзаро кесишиши ва эпюрда кесишиш нукталарини бир боғловчи чизикда ётиши курсатилган.

**Параллел түғри чизиклар.** Икки түғри чизик фазода ўзаро параллел бўлса, уларнинг проекциялар текисликларида бир номли проекциялари ҳам ўзаро параллел бўлади.


66- шакл, а ва б ларда икки  $s$  ва  $t$  түғри чизикларнинг ўзаро параллеллиги курсатилган. Чизикларнинг параллеллигини билиш учун берилган кесманинг горизонтал проекциялари узунликлари нисбатини фронтал проекциялари узунликлари нисбатига солиштириб кўриш керак. Бу ҳолда нисбатлар тенг бўлса чизиклар параллел бўлади.



66- шакл.

Еки параллел чизикларнинг учлари бирлаштирилганда, уларнинг бир номли проекцияларининг кесишиган нуктаси ( $E_1E_2$ ) бир боғловчи чизикда бўлади.

**Учрашмас түғри чизиклар.** Учрашмас түғри чизиклар айкаш чизиклар ҳам деб аталади. Бундай чизиклар ўзаро кесишимайдилар ва параллел ҳам бўлмайдилар. Бу чизикларнинг умумий нуктаси бўлмайди. Бундай чизикларнинг бир номли проекциялари кесишиган нукталари бир боғланиш чизигида ётмайди. Учрашмас түғри чизиклар проекцияларининг кесишиган нуктаси фазодаги бу түғри чизикларнинг икки нуктасининг проекциялари бўлади. Бундай нукталар конкурент нукталар деб аталади. 67- шакл, а ва б лардаги  $1_11_2$  ва  $2_12_2$  ҳамда  $3_13_2$  ва  $4_14_2$  нукталар конкурент нукталарга киради. Бу ерда  $a_1$ ,  $a_2$  да ётувчи  $1_11_2$  нукта,  $b_1b_2$  да ётувчи  $2_12_2$  нуктага Караганда юқорида жойлашган. Буни нукталарнинг фронтал проекциялари  $l_1$  ва  $l_2$  лардан якъол кўриш мумкин. Шунинг учун  $1_11_2$  нукта кўринар,  $2_12_2$  нукта эса куринмасдири.




67- шакл.


Шунингдек  $4_1 4_2$  нүкта  $3_1 3_2$  нүктага караганда күзатувчига якин жойлашган. Демак,  $4_1 4_2$  нүкта күринар,  $3_1 3_2$  нүкта эса күринмас бўлади. Конкурент нүкталар геометрик шаклларнинг эпюрда күринар ва күринмас қисмларини аниқлашга имкон беради.

### МАШҚ ҚИЛИШ УЧУН МАСАЛАЛАР


1.  $AB$  кесма,  $A (50, 15, 10)$ ,  $B (5, 30, 30)$  координатлари билан берилған бўлиб, унинг ҳакиқий катталигини топинг.
2. Координаталари  $A (50, 30, 35)$ ,  $B (15, 0, 0)$  билан берилган кесманинг  $A$  учидан 30 мм узоқликда бўлган «С» нүктани топинг.
3. « $a$ » кесманинг координатлари  $M (47, 10, 12)$ ,  $N (10, 40, 30)$  дан фойдаланиб, унинг  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$  проекциялар текисликларига нисбатан оғиш бурчаклари —  $\alpha$ ,  $\beta$  ларни аникланг.
4. Тўгри чизик кесмаси  $a$  нинг горизонтал ва фронтал проекциялари берилган. Унинг  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$ ,  $\Pi_3$  проекциялар текисликлари билан ташкил килган  $\alpha$ ,  $\beta$ ,  $\gamma$  бурчакларини аникланг (68- шакл).



68- шакл.




69- шакл.




70- шакл.


5. Күйида берилган кесмаларнинг эпюрларига асосан уларнинг фазовий вазиятлари ва  $X$ ,  $Y$ ,  $Z$  координаталари мм да аниклансин (69—74- шакллар).




71- шакл.




72- шакл.




73- шакл



74- шакл.



75- шакл.



76- шакл.

6. «д» кесманинг профил проекциясидан фойдаланиб, унинг ҳақиқий катталигини топинг (75- шакл).


7. «а» кесманинг  $a_1$  ва  $a_2$  проекцияларига кўра унинг фазовий гасвирини ясанг (76- шакл).

#### 4- боб. ТЕКИСЛИК


##### 4.1- §. Текислик ва унинг чизмада берилиши

Текисликнинг фазодаги вазиятини аникловчи геометрик элементлар нукта ва тўғри чизиклардир. Тўғри бурчакли проекцияларда текисликнинг вазияти унинг


элементларининг проекциялари орқали берилади. Текислик умумий ҳолда бир түғри чизикда ётмаган уч нукта ( $A, B, C$ ) (77- шакл), кесишувчи икки түғри чизик ( $q, t$ ) (78- шакл), икки параллел түғри чизик ( $a \parallel b$ ) (79- шакл), түғри чизик ва шу чизикда ётмайдиган нукта ( $d, C$ ) (80- шакл) орқали берилади. Бундан ташқари текислик учбурчак, тўртбурчак ва шунга ўхшаш текис шакллар билан ҳам берилиши мумкин. Текисликнинг проекциялар текисликлари билан кесишган чизиклари унинг излари дейилади.  $\Pi_1$  ва  $\Pi_2$  текисликлар тизимидаги текислик икки изи (81- шакл) билан берилиши мумкин. Текисликлар фазода битта ҳарф билан ( $\Sigma, Q, R$  каби ҳарфлар билан) белгиланади. 81- шаклда  $\Sigma$  текислик горизонтал изи  $\Sigma_{\Pi_1}$  ва фронтал изи  $\Sigma_{\Pi_2}$  лар билан берилган. Бу текисликни  $\Sigma(\Sigma_{\Pi_1}, \Sigma_{\Pi_2})$  кўринишида ёзиш мумкин. Текислик изининг бир проекцияси шу из билан бир жойда, иккинчи проекцияси эса проекциялар ўки  $OX$  да бўлади, шунинг учун текисликнинг бирор изида олинган




77- шакл.




78- шакл.



79- шакл.



80- шакл.




81- шакл.

нұктаның битта проекциясы үзи билан бир жойда, иккінчи проекциясы эса  $OX$  үкіда бұлади (81- шақлдаги  $A$  ( $A_1A_2$ ) ва  $B$  ( $B_1B_2$ ) нұкталар). Текисликнинг  $\Sigma_{II_1}$  ва  $\Sigma_{II_2}$  излари  $OX$  үкіда учрашади ва учрашиш нұктаси  $\Sigma_x$  билан белгилана-ди. 82- шақда текислик кесишувчи  $a$  ва  $b$  түгри чизиклар билан берилған. Текисликнинг горизонтал изи  $\Sigma_{II_1}$  ни то-



82- шақ.




83- шақ.

пиш учун  $a$  ва  $b$  түгри чизикларнинг излари —  $M$  ва  $K$  нұкталар аникланади, сұнгра үзаро туташтирилади. Ҳосил бұлған  $MK$  түгри чизик,  $\Sigma$  текисликни  $II_1$  проекциялар текислигі билан кесишган чизиги ёки текисликнинг горизонтал изи дейилади. Фронтал изи эса,  $\Sigma$  текисликни фронтал проекциялар текислигі  $II_2$  билан кесишган чизиги  $NE$  бұлади. Энди текислик ( $\Sigma_{II_1}$  ва  $\Sigma_{II_2}$ ) изларининг эпюрда ҳосил булишини күриб чыкамиз (83- шақ).

Текисликнинг горизонтал ( $\Sigma_{II_1}$ ) изини ҳосил қилиш учун  $AB$  ва  $AC$  кесишувчи чизикларнинг фронтал проекциялари:  $A_2B_2$  ни  $OX$  үкі билан кесишгүнча давом эттирилади ва  $1_11_2$  нұкталар ҳосил бұлади,  $A_2C_2$  ни давом эттириб  $2_12_2$  нұкталарга эга бўлинади.

Аникланған  $1_1$  ва  $2_1$  нұкталар бирлаштирилса, текисликнинг горизонтал изи ҳосил бұлади. Ҳудди шуннингдек,  $3_13_2$  ва  $4_14_2$  нұкталарни топиб, текисликнинг фронтал изи ( $\Sigma_{II_2}$ ) топилади.

84- шақда үзаро параллел  $a$  ( $a_1a_2$ ) ва  $b$  ( $b_1b_2$ ) түгри чизиклар билан берилған ихтиёрий вазиятдаги текисликнинг горизонтал ( $\Sigma_{II_1}$ ) ва фронтал ( $\Sigma_{II_2}$ ) изларини топиш йўллари курсатилған.



84-шакл.

Текисликнинг горизонтал изини топиш учун  $a$  ва  $b$  чизикларнинг горизонтал излари —  $M$  ( $M_1M_2$ ) ва  $N$  ( $N_1N_2$ ) нукталар аниқланади, сўнгра бу нукталар туштирилади. Хосил бўлган  $M_1N_1$  тўғри чизик текисликнинг ( $\Sigma_{n_I}$ ) горизонтал изи бўлади.

Текисликнинг фронтал изини топиш шу чизикларнинг фронтал излари —  $K$  ( $K_1K_2$ ) ва  $T$  ( $T_1T_2$ ) нукталарни топиб, ўзаро бирлаштирилса, ( $\Sigma_{n_F}$ ) фронтал изига эга бўлинади.


#### 4.2- §. Текисликнинг проекциялар текисликларига нисбатан турли вазиятларда жойлашиши

Текислик фазода проекциялар текисликларига нисбатан умумий ёки ихтиёрий ва маҳсус вазиятларда бўлиши мумкин. Агар текислик проекциялар текисликларидан бирор тасига ҳам перпендикуляр бўлмаса, бундай ТЕКИСЛИК умумий ёки ихтиёрий вазиятдаги текислик дейилади (77—81- шакллар). Агар текислик проекциялар текисликларидан бирор тасига перпендикуляр ёки параллел бўлса, бундай текислик проекцияловчи ёки маҳсус текислик дейилади.


Проекцияловчи текисликлар  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$ ,  $\Pi_3$  текисликларга нисбатан олти хил вазиятта жойлашган бўладилар.

1. Текислик горизонтал проекциялар текислигига перпендикуляр. Бундай текислик горизонтал проекцияловчи текислик дейилади (85- шакл, а, б, в). Бунда текисликнинг фронтал изи  $OX$  ўқига перпендикуляр бўлади, горизонтал изи эса ихтиёрий ( $90^\circ$  га тенг бўлмаган) бурчакда жойлашади. Текисликнинг горизонтал  $\Sigma_{\Pi_1}$  изининг  $OX$  ўқи билан ҳосил қилган  $\beta$  бурчаги  $\Sigma(\Sigma_{\Pi_1}\Sigma_{\Pi_2})$  текисликнинг  $\Pi_2$  текислик билан ҳосил қилган бурчагининг ҳақиқий қийматига тенг бўлади (85- шакл, б). Текис геометрик шакллар билан берилган горизонтал проекцияловчи текисликнинг горизонтал проекцияси тўғри чизик бўлиб проекцияланади (85- шакл, в).

2.  $\Sigma$  текислик фронтал проекциялар текислигига перпендикуляр. Бу текислик фронтал проекцияловчи текислик дейилади. Бунда текисликнинг горизонтал изи  $OX$  ўқига перпендикуляр бўлиб, текислик билан горизонтал проекциялар текислиги орасидаги  $\alpha$  бурчак  $\Pi_2$  га ўзгармасдан проекцияланади (86- шакл, а, б, в лар).



85- шакл.




86- шакл.

Агар текислик бирор текис шакл орқали берилса, унинг фронтал проекцияси тўғри чизик бўлиб  $\Sigma_{H_1}$  из билан кўшилиб қолади (86- шакл, в).


3. Текислик профил проекциялар текислигига перпендикуляр жойлашган, бундай текислик профил проекцияловчи текислик дейилади.  $\Sigma$  текислик  $H_3$  текислика перпендикуляр бўлганлиги учун унинг  $\Sigma_{H_1}$  ва  $\Sigma_{H_2}$  излари  $OX$  ўқига параллел бўлади ва текислик билан  $H_1$  ва  $H_2$  текисликлар орасидаги  $\alpha$  ва  $\beta$  бурчаклар  $H_3$  текислика ҳакиқий катталиги бўйича проекцияланади. (87- шакл, а ва б лар). Профил проекцияловчи учбурчакнинг профил проекцияси тўғри чизик кўринишида бўлади (87- шакл, в). 87- шакл, г да тасвирланган профил проекцияловчи  $\Sigma$  текислик  $OX$  уки орқали ўтган. Буни  $H_1$  ва  $H_2$  текисликлар тизимида  $\Sigma_{H_1}$  ва  $\Sigma_{H_2}$  излари ҳамда шу текислика ётган бирор нуктанинг проекциялари билан берилади (87- шакл, г).

4. Текислик горизонтал проекциялар текислигига параллел. Унинг фронтал ва профил излари ( $\Sigma_{H_2}\Sigma_{H_3}$ )  $OX$



87- шакл.


ва  $OY$  ўқларига параллел бўлади. Агар текислик эпюрда изи билан эмас, балки шакл кўринишида, масалан,  $ABC$  учбурчак шаклида берилса, унинг горизонтал проекцияси ҳакиқий катталиги бўйича проекцияланади, қолган икки проекцияси тўғри чизик кўринишида бўлади (88- шакл, а, б ва в лар).




88- шакл.

5. Текислик фронтал проекциялар текислигига параллел. Бунда текисликнинг  $\Sigma_{II}$  ва  $\Sigma_{I}$  излари  $OY$  ва  $OZ$  ўқларига параллел бўлади. Текислик изи билан эмас, текис шакл, масалан, параллелограм шаклида берилса, унинг фронтал проекцияси узининг ҳакиқий киймати билан проекцияланади (89- шакл, а, б ва в лар).

6. Текислик профил проекциялар текислигига параллел. Унинг фронтал ва горизонтал излари  $OY$  ва  $OZ$  ўқларига параллел бўлади. Бунда, текислик  $ABC$  шакл кўринишида берилса, унинг профил проекцияси ҳакиқий катталикка эга бўлиб, горизонтал, фронтал проекциялари эса тўғри чизик кўринишида бўлади (90- шакл, а, б ва в лар).



89- шакл.



90- шакл.

#### 4.3- §. Текисликда түғри чизик өсімдіктердегі нұкталаш

Текислик устида түғри чизик өсімдіктердегі нұкталаштартларга мувоғиқ танланады:

1. Түғри чизик текисликда ётувчи иккі нұкта орқали үтиши керак. Шундагина үтказилған чизик текисликтегишили бўлади.


2. Текисликда ётувчи бирор нұкта орқали шу текисликда ётувчи бирор түғри чизикка параллел үтказилған түғри чизик ҳам шу текисликтегишили бўлади.

Масалан:  $\Sigma$  текислик, иккі кесишувчи  $a$  ва  $b$  түғри чизиклар орқали берилган.


Текисликда түғри чизик танлаш учун шартта кўра  $a$  түғри чизикда 1- нұктаны,  $b$  түғри чизикда эса 2- нұкталарни белгилаймиз ва уларни үзаро бирлаштирамиз. Натижада  $\Sigma(a \cap b)$  текисликтегишили с түғри чизик ҳосил бўлади.

$c$  — түғри чизикда ётувчи ҳар қандай нұкта (масалан, 3- нұкта)  $\Sigma$  текисликтегишили бўлади (91- шакл). Шунингдек,  $d$  түғри чизик ҳам текисликтегишили бўлади, чунки шартта кўра бу түғри чизик 2 нұкта орқали үтиб, текисликтеги  $a$  түғри чизикка параллелдир. 92- шаклдаги комплекс чизмада иккі кесишувчи  $a$  ва  $b$  түғри чизиклар орқали берилган  $\Sigma(a \cap b)$  текисликда түғри чизик танлаш кўрсатилган.

Шартта кўра  $\Sigma(a \cap b)$  текисликтеги  $a_1a_2$  ва  $b_1b_2$  түғри чизикларда  $1_11_2$  ва  $2_12_2$  нұкталарни белгилаймиз. Бу нұкталар орқали ўтган  $c = (C_1C_2)$  түғри чизик берилган  $\Sigma$  текисликтегишили ётади.  $M$  ва  $E$  нұкталар  $c$  түғри чизикда үтканлиги учун  $\Sigma$  текисликтегишили бўлади. Бунинг алгоритмли ечими символик белгилар билан қўйидагича сәнлади:



91- шакл.



$$\begin{aligned} 1 \in a \in \Sigma &\Rightarrow 1 \in \Sigma \\ 2 \in b \in \Sigma &\Rightarrow 2 \in \Sigma \\ C \ni 1 \in \Sigma \wedge C \ni 2 \in \Sigma &\Rightarrow C \in \Sigma \end{aligned}$$

2 ( $2_1 2_2$ ) нуктадан  $a$  түгри чизикка параллел ўтказилган  $d$  түгри чизик ҳам шартта кўра ( $a \parallel b$ ) текисликка тегишилидир. Худди шунингдек,  $d$  ( $d_1 d_2$ ) түгри чизикдаги  $K(K_1 K_2)$  нукта текисликда ётади. Бунинг алгоритмли счими символик белгилар билан куйидагича ёзилади:


$$\begin{aligned} d \ni 2 \in \Sigma \wedge d \parallel a \in \Sigma &\Rightarrow d \in \Sigma \\ \kappa \in d \in \Sigma &\Rightarrow \kappa \in \Sigma \end{aligned}$$

93- шаклда текислик излари билан берилганда  $\Sigma(\Sigma_{II}, \Sigma_{IV})$ ; унда түгри чизик ва нукта танлаш кўрсатилган. Шартта кўра, текисликкниң горизонтал изи,  $\Sigma_{II}$  түгри чизик устида 1 нуктанинг горизонтал проекцияси  $l_1$  белгиланади. Унинг фронтал  $l_2$  проекцияси  $OX$  ўқда бўлади. Фронтал изи  $\Sigma_{IV}$  да ихтиёрий  $2_2$  нукта сайлаб, унинг горизонтал проекцияси  $2_1$  аниқланади. Белгиланган нукталарнинг бир номли проекциялари ( $l_1 2_1$  ва  $l_2 2_2$ ) бирлаштирилади. Натижада  $\Sigma$  текисликда ётувчи 1 ва 2 нукталар орқали ётувчи с түгри чизикка эга бўлинади. Т нукта  $c$  — түгри чизикда ётганлиги учун берилган текисликка тегишилидир. Шу мавзуга оид бир нечта мисолларни ечамиш.


**1- МИСОЛ.** Текислик ўзаро параллел түгри чизиклар билан берилган:

$\Sigma(a \parallel b)$  текисликда ётувчи  $M$  нуктанинг фронтал проекцияси  $M_2$  маълум, горизонтал проекцияси  $M_1$  ни топиш керак.

**Ечиш.** Нуктанинг фронтал проекцияси  $M_2$  орқали  $a_2$  ва  $b_2$  тўғри чизикларнинг  $l_2$  ва  $2_2$  нукталарида кесиб ўтувчи  $C_2$  чизик ўтказилади ва унинг горизонтал проекцияси  $C_1$  топилади ( $l_1 \equiv a_1$ ,  $2_1 \equiv b_1$ ),  $M$  нуктанинг горизонтал  $M_1$  проекцияси  $M_2$  дан  $OX$  га туширилган боғловчи чизикнинг  $C_1$  чизик билан кесишган нуктасида бўлади (94- шакл).



93- шакл.




94- шакл.

**2- мисол.**  $\Sigma(ABC)$  текисликда ётувчи  $a$  тўғри чизик  $MN$  кесмасининг етишмайдиган проекцияси  $a_1$  топилиши керак (95- шакл).

**Ечиш.** Берилган  $a$  кесманинг фронтал проекцияси  $a_2$  чизик  $\Sigma$  текисликдаги  $AB$  ва  $AC$  кесмалар фронтал проекциялари  $A_2B_2$  ва  $A_2C_2$  ларни  $E_2$  ва  $K_2$  нукталарда кесиб ўтади. Бу нукталарнинг етишмайдиган  $E_1$  ва  $K_1$  проекциялари топилади. Текисликдаги  $AC$  тўғри чизик профил чизик бўлганилиги учун  $K_1$  нуктани топишда кесмани берилган нисбатда бўлиш коидасидан фойдаланилади. Бунинг учун  $A_1$  нуктадан ихтиёрий йўналишда чизик чиқарилади ва шу  $A_1$  нуктадан  $A_2K_2$  ва  $K_2C_2$  кесмалар ўлчаб қўйилади. Иккинчи кесманинг охирги учини  $C_1$  нукта билан туташтирилади, сўнгра биринчи кесмани охирги учидан шу чизикка параллел килиб,  $A_1C_1$  чизикларни  $K_1$  нуктада кесишгунча ўтказилади.

$K_1$  нукта  $A_2C_2$  чизикни кандай нисбатда бўлса,  $K_1$  нукта  $AC$  кесманинг горизонтал проекцияси  $A_1C_1$  кесмани ҳам шундай нисбатда бўлади. Натижада, аниқланган  $E_1$  ва  $K_1$  нукталардан ўтувчи  $a$  кесманинг етишмаган горизонтал проекцияси  $a_1$  чизик хосил бўлади.




95- шакл.

#### 4.4- §. Текисликнинг махсус чизиклари

Турли геометрик масалаларни ечишда, текисликда ётубчи ва проекциялар текисликларига нисбатан параллел жойлашган чизиклар катта аҳамиятга эга. Текисликнинг бундай чизиклари унинг бош чизиклари дейилади. Бундай чизикларга текисликнинг горизонтали, фронтали ва энг катта оғма чизиклари киради.

Текисликнинг горизонтал чизиги берилган текисликда ётиб, горизонтал проекциялар текислигига параллел жойлашган бўлади. Эпюрда текислик горизонталининг фронтал проекцияси  $OX$  ўқига параллел бўлади. Горизонтал проекцияси ясаш йўли билан топилади ва у горизонтал чизикнинг ҳақиқий катталигига тенг бўлади.




96- шакл.

96- шакл а, б ларда  $\Sigma$  ( $\Sigma_{\Pi_1}$ ,  $\Sigma_{\Pi_2}$ ) текисликнинг горизонтал чизигини ўтказиш кўрсатилган.


С текисликнинг горизонтал чизигини ўтказиш учун, аввало  $K_2$  нуқтадан  $OX$  ўқига параллел қилиб, унинг

фронтал проекцияси  $a_2$  чизик ўтказилади, горизонтал проекцияси  $a_1$  эса,  $K_1$  нуқтадан ётиб, текисликнинг горизонтал изи  $\Sigma_{\Pi_1}$  га нисбатан параллел бўлади. Ҳосил бўлган  $a$  ( $a_1$ ,  $a_2$ ) чизик текисликнинг горизонтал чизиги бўлади. 97- шаклда икки кесишувчи  $a$  ва  $b$  тўғри чизиклар орқали берилган текисликнинг горизонтал чизиги ( $d(d_1, d_2)$ ) ни ўтказиш кўрсатилган. Эпюр-



97- шакл.

Да унинг горизонтал чизигини ўтказиш учун, аввало горизонтал чизикнинг фронтал проекцияси  $d_2$  (боғловчи чизикларга перпендикуляр қилиб) ўтказилади. Бу чизик  $a_2$  ва  $b_2$  чизикларни  $l_2$  ва  $2_2$  нукталарда кесади, сўнгра унинг горизонтал проекцияси  $l_1$  ва  $2_1$  нукталар топилади. Аниқланган нукталар бирлаштирилса,  $\Sigma$  текисликнинг горизонтал чизиги  $d_1$ ,  $d_2$  ҳосил бўлади (97- шакл). Текисликнинг фронтал чизиги шу текисликда ётиб, фронтал проекциялар текислигига параллел жойлашган бўлади (98- шакл, а ва б лар). 98- шаклда  $\Sigma$  текисликнинг фронтал чизиги  $a$  чизик  $\Sigma_{H_1}$  да жойлашган  $K$  нукта




98- шакл.

оркали  $\Sigma_{H_2}$  га параллел қилиб ўтказилган  $\Sigma_{H_2}$  нинг ўзи ҳам  $\Sigma$  текисликнинг фронталидир. Эпурда (98- шакл, б) фронталнинг горизонтал проекцияси  $a_1$  проекциялар ўки  $OX$  га параллел ( $a_1 \parallel OX$ ) фронтал проекцияси  $a_2$  эса текисликнинг фронтал изига параллел ( $a_2 \parallel \Sigma_{H_2}$ ) бўлади.

$\Sigma$  текислик параллел  $a$  ва  $b$  тўғри чизиклар оркали берилган (99- шакл). Текисликнинг фронтал чизигини ўтказиш керак. Бунинг учун текисликда ихтиёрий 1 ва 2 нукталар танлаб текисликнинг фронтал чизиги  $C_1C_2$  ўтказилади. Бу фронтал чизикнинг горизонтал проекцияси  $C_1OX$  ўкига параллел, фронтал проекцияси  $C_2$  эса,  $l_2$  ва  $2_2$  нукталар оркали ясаш йўли билан топилади.

Текисликнинг энг катта оғма чизиги берилган текисликда




99- шакл.

ётиб, текисликнинг горизонтал ёки фронтал чизигига перпендикуляр жойлашган бўлади.

Бу чизик ўзи ётган текисликнинг тегишли проекциялар текисликлари билан ҳосил қилган бурчакларига тенг бўлган бурчакни ташкил қиласди. Шунинг учун текисликнинг энг катта оғма чизиги текисликларни  $P_1$  ва  $P_2$  проекциялар текисликларига нисбатан огиш бурчакларини аникланади.

100- шакл, а ва б ларда ўзаро кесишувчи  $a$  ва  $b$  тўғри чизиклар оркали берилган  $\Sigma$  текисликнинг энг катта оғма чизиги, унинг горизонтал ва фронтал чизикларидан фойдаланиб ўtkазилиши кўrsatилган. 100- шакл, а да  $T_1K_1$ ,  $T_2K_2$  чизик  $\Sigma(a \cap b)$  текисликнинг горизонтали  $l_12_1$ ,  $l_22_2$  га перпендикуляр бўлган энг катта оғма



100- шакл.

чизигидир. Бу тўғри чизикнинг горизонтал проекцияси  $K_1T_1(d_1)$  текислик горизонталининг горизонтал проекцияси  $l_12_1$  га перпендикуляр ўtkазилади (параллел проекцияларнинг тўғри бурчаги тўғрисидаги хоссага асосан), фронтал проекцияси эса ясаш йўли билан аникланади. 100- шакл, б да  $d_1d_2$  чизик  $\Sigma(a \cap b)$  текисликнинг фронтали  $l_12_1$ ,  $l_22_2$  га перпендикуляр бўлган энг катта оғма чизигидир. Бу чизикнинг фронтал проекцияси  $T_2K_2(\alpha_2)$  текислик фронталининг фронтал проекцияси  $l_22_2$  га перпендикуляр ўtkазилади, горизонтал проекцияси эса ясаш йўли билан топилади.


Энди текисликнинг маҳсус чизикларига оид бўлган бир неча мисолларни кўриб чиқамиз.

**1-мисол.**  $\Phi(a \parallel b)$  текислик ўзаро параллел  $a$  ва  $b$  чизиклар оркали берилган.  $\Pi_1$  ва  $\Pi_2$  га нисбатан оғиш бурчаклари  $\alpha$  ва  $\beta$  ларни топиш керак (101-шакл). Бурчак  $\alpha$  ни топиш учун  $\Phi(a \parallel b)$  текисликкүннеге  $l(l_1, l_2)$  горизонтал чизиги үтказила-ди ва текисликкүннеге бирор нұктасы оркали, масалан  $B_1B_2$  нұктасы оркали горизонталга перпендикуляр бўлган энг катта оғма чизикни үтказамиз. Унинг горизонтал проекцияси  $B_1$  нұкта оркали  $l_1$  га перпендикуляр килиб чизик үтказилади ( $B_1E_1 \perp l_1$ ) ва  $E_1$  нұкта белгиланади. Сўнгра  $E_1$  нұкта оркали  $E_2$  топилади ва  $E_2$  нұкта билан  $E_2$  нұкта бирлаштирилади.  $B_1E_1$ ,  $B_2E_2$  энг катта оғма чизиккүннеге проекцияларидир. Бу чизиккүннеге ҳакиқий катталиги топилади. Бунинг учун тўғри бурчакли учбурчак ясаш усулидан фойдаланилади. Бунда бир катет сифатида  $B_1E_1$  кесма, иккинчи катет сифатида эса  $B_2$  ва  $E_2$  нұкталарининг аппликаталари айрмаси (яъни  $\Delta Z$ ) олниади. Ҳосил бўлган  $B_1E_1E_0$  учбурчаккүннеге  $B_1E_0$  гипотенузаси текислик горизонталига перпендикуляр бўлган энг катта оғма чизиккүннеге ҳакиқий катталигини ифодалайди. Бу ерда  $\angle E_0B_1E_1 = \angle \alpha$ , яъни  $\Phi(a \parallel b)$  текисликкүннеге  $\Pi_1$  га нисбатан оғиш бурчагидир. Бу текисликкүннеге  $\Pi_2$  га нисбатан оғиш бурчагини топиш учун текислик фронтали  $q_1, q_2$  га перпендикуляр бўлган энг катта оғма чизик  $M_1N_1, M_2N_2$  дан фойдаланилади (бу ерда  $M_2N_2 \perp q_2$ ). Бу энг катта оғма чизиккүннеге ҳакиқий катталиги тўғри бурчакли учбурчак ясаш усулидан фойдаланиб топилди. Бу ерда

$$N_2N_0 = \Delta Y \text{ ва } \angle N_0M_2N_2 = \angle \beta.$$


**2-мисол.** Излари билан берилган  $\Gamma(\Gamma_{\Pi_1}, \Gamma_{\Pi_2})$  текисликкүннеге  $\Pi_1$  ва  $\Pi_2$  ларга нисбатан киялик бурчаклари  $\alpha$  ва  $\beta$  ларни топиш мисоли 102-шаклда кўрсатилган.

Бурчак  $\alpha$  ни топиш учун  $\Gamma_{\Pi_1}, \Gamma_{\Pi_2}$  текисликкүннеге горизонтали  $l_1l_2$  ни үтказилади (бунда  $l_2 \parallel OX, l_1 \parallel \Gamma_{\Pi_1}$  бўлади)



101-шакл.

ва текисликнинг бирор нуктаси орқали, масалан,  $K_1K_2$  нуктаси орқали горизонталга перпендикуляр бўлган энг катта оғма чизик ўтказилади. Унинг горизонтал проекцияси  $K_1$  нукта орқали  $l_1$  га перпендикуляр килиб ўтказилади ва  $l_1$  да  $F_1$  нукта белгиланади. Кейин  $F_1$  нукта орқали  $F_2$




102- шакл.

топилади ва  $F_2$  нукта  $K_2$  нукта билан бирлаштирилади.  $K_1F_1$ ,  $K_2F_2$  энг катта оғма чизикнинг проекцияларидир. Сўнгра бу чизикнинг ҳакиқий катталиги тўғри бурчакли учбурчак ясаш усулидан фойдаланиб аникланади. Бунда бир катет сифатида  $K_1F_1$ , кесма, иккинчи катет сифатида эса  $K_2$  ва  $F_2$  нукталарнинг апликаталари айримаси (яъни  $\Delta z$ ) олинади. Ҳосил бўлган  $K_1F_1F_0$  уч бурчакнинг  $K_1F_0$  гипотенузаси энг катта оғма чизикнинг ҳакиқий катталигини ифодалайди. Бу ерда  $\angle F_0K_1F_1 = \alpha$ , яъни  $\Gamma_{n_1}, \Gamma_{n_2}$  излари билан берилган текисликнинг  $\Pi_1$  га нисбатан қиялик бурчаги бўлади. Бу текисликни  $\Pi_2$  га нисбатан қиялик бурчагини топиш учун текислик фронтали  $P_1, P_2$  (бунда  $P_1 \parallel OX$  ва  $P_2 \parallel \Gamma_{n_2}$ ) га перпендикуляр бўлган энг катта оғма чизик  $M_1T_1, M_2T_2$  дан фойдаланилади (бу ерда  $T_2M_2 \perp P_2$ ). Бу энг катта оғма чизикнинг ҳакиқий узунлиги тўғри бурчакли учбурчак ясаш усулидан фойдаланиб топилади. Бу ерда  $M_2M_0 = \Delta Y$  ва  $-M_0T_2M_2 = -\angle \beta$ .


#### 4.5- §. Тұғри чизикнинг проекцияловчи текислик билин кесишиши

Тұғри чизик билан проекцияловчи текисликнинг кесишиш нүктаси тұғри чизик ва текислик учун умумий нүкта бўлиб, у тұғри чизикда ҳам, текисликда ҳам ётган нүктадир. Маълумки, проекцияловчи текисликда ётувчи нүктанинг бирор проекцияси, шу текисликнинг тегишли изида ётади. Шунинг учун, 103- шакл, а да АВ тұғри чизик



103- шакл.

билин горизонтал проекцияловчи  $\Phi_{II_1}$ ,  $\Phi_{II_2}$  текисликнинг ўзаро кесишиш нүктаси  $K$  нинг горизонтал проекцияси  $K_1$  шу текисликнинг  $\Phi_{II_1}$  изида ва шу билан бирга  $A_1B_1$  нинг  $\Phi_{II_1}$  билан кесишиш жойида бўлади. 103- шакл, б да бу масаланинг ечилиши эпюрда кўрсатилган. Бу ерда  $A_1B_1$  ва  $\Phi_{II_1}$  нинг ўзаро кесишиш  $K_1$  нүктаси  $A_1B_1$ ,  $A_2B_2$  тұғри чизик билан  $H_1$  га проекцияловчи  $\Phi_{II_1}$ ,  $\Phi_{II_2}$  текисликнинг ўзаро кесишиш нүктасининг горизонтал проекцияси бўлади. Кесишиш нүктасининг фронтал  $K_2$  проекцияси  $K_1$  нүктадан  $OX$  га перпендикуляр ўтказилган боғланиш чизиги билан  $A_2B_2$  нинг кесишган нүктасида бўлади. 104- шакл, а да  $AB$  тұғри чизикнинг  $H_2$  га проекцияловчи  $\Phi$  текислик билан, 104- шакл, б да эса  $AB$  чизикнинг  $H_2$  га параллел  $\Phi$  текислик билан кесишган нүктасини топиш кўрсатилган. Бу ерда  $K_1K_2$  изланган нүктанинг проекцияларини ифодалайди. Бу ҳар икки мисолда ҳам тұғри




104- шакл.


чизиқни проекцияловчи текислик билан кесишиш нүктасини топиш учун  $A_1B_1$ ,  $A_2B_2$  тұғри чизик текислик билан кесишгүнча давом эттирилган ва  $K_1K_2$  нүкта аникланган.

#### 4.6- §. Проекцияловчи текислик билан ихтиёрий вазиятдаги текисликнинг кесишиши

Икki текислик үзаро бир тұғри чизик бүйича кеси shaded. Тұғри чизикнинг вазияттеги уннинг икки нүктаси аникланишини олдиндан биламиз. Шунга кура икки текисликнинг кесишиш чизигини топиш учун шу чизикнинг икки нүктасини топиш кифоядир. Проекцияловчи текислик билан ихтиёрий вазиятдаги текисликнинг үзаро кесишиш чизигини топиш учун проекцияловчи текислик билан ихтиёрий вазиятдаги текисликнинг хар кандай икки тұғри чизигини кесишиш нүкталарини топиб, улар үзаро бирлаштирилади. 105- шаклда  $a$  ва  $b$  кесишуvi икки тұғри чизик билан берилган  $\Phi$  текисликнинг проекцияловчи  $\Gamma$  текислик билан үзаро кесишиш чизигининг топилиши фазовий тасвирда күрсатылған. Аввало  $a$  ва  $b$  тұғри чизикларнинг  $\Gamma$  текислик билан кесишиш  $M$  ва  $N$  нүкталары аниклаб олинади. Сунгра бу нүкталар үзаро бирлаштирилади.  $MN$  чизик  $\Phi(a \cap b)$  ва  $\Gamma$  текисликларнинг кесишиш чизигідір. Шу масаланинг эпюрда ечилиши 106- шаклда күрсатылған. Бунда  $\Gamma_{II}$ ,  $\Gamma_{III}$  текислик фронтал проекцияловчи текисликдір. Шунга кура  $A_1B_1C_1$ ,  $A_2B_2C_2$  ихтиёрий вазиятдаги текислик билан бу текислик кесишиш чизигининг фронтал проекциясы  $\Gamma_{II}$  да бўлади




105- шакл.



106- шакл.

(проекцияловчи текисликларнинг хусусиятига асосан). Шунинг учун,  $A_2B_2$  ва  $A_2C_2$  ларнинг  $\Gamma_{\Pi_2}$  билан кесишган  $M_2$  ва  $N_2$  нукталарини топамиз, сўнгра  $M_1$  ва  $N_1$  нукталарни аниқлаб, уларни ўзаро бирлаштирамиз. Ҳосил бўлган  $M_1N_1$ ,  $M_2N_2$  тўғри чизик берилган текисликларнинг ўзаро кесишган чизигидир. 107- шакл, а да ихтиёрий вазиятдаги  $\Sigma(\Sigma_{\Pi_1}\Sigma_{\Pi_2})$  текислик билан горизонтал проекци-




107- шакл.

яловчи  $\Phi$  текислиknинг ўзаро кесишиш чизиги кўрсатилган. Бу ерда  $EK$  текисликларнинг кесишиш чизигидир.  $K$  нукта  $\Phi_{\Pi_2}$  ва  $\Sigma_{\Pi_2}$  ларнинг кесишиш нуктаси,  $E$  нукта эса  $\Phi_{\Pi_1}$  ва  $\Sigma_{\Pi_1}$  ларнинг ўзаро кесишишидан ҳосил бўлган нуктасидир. 107- шакл, б да  $\Phi$  ва  $\Sigma$  текисликларнинг кесишиш чизигининг топилиши эпюрда кўрсатилган.  $E_1K_1$ ,  $E_2K_2$  чизик изланётган чизикнинг проекциялариидир. Проекцияловчи текисликларнинг хусусиятига асосан

кесишиган чизикнинг горизонтал  $E_1K_1$  проекцияси  $\Phi_{H_1}$  билан бир жойда бўлади.

108- шаклда ихтиёрий вазиятдаги  $\Sigma(a \parallel b)$ , текислик билан проекцияловчи  $\Gamma$  текисликларнинг кесишиган чизигини топилиши кўрсатилган. Бу текисликларнинг кесишиган чизигини топиш учун текисликтаги  $a$  ва  $b$  тўғри чизикларни проекцияловчи  $\Gamma$  текислик билан кесишиган  $M_1$  ва  $N_1$  нукталари топилади, сўнгра боғловчи чизик ёрдамида уларнинг  $M_2$ ,  $N_2$  фронтал проекциялари аникланади. Бир номли  $M_1N_1$  ва  $M_2N_2$  нукталар ўзаро туташтирилади. Натижада изланаётган  $q_1$ ,  $q_2$  тўғри чизик ҳосил бўлади.



#### 4.7- §. Тўғри чизик билан ихтиёрий вазиятдаги текисликнинг кесишиши


Агар тўғри чизик текислика тегишли ёки параллел бўлмаса, улар ўзаро кесишилар. Уларнинг кесишиган нукталарини топиш масаласи чизма геометрия курсида асосий масалалардан бири хисобланади. Чунки бундай масалаларни ечиш тизими бўйича турли масалаларни, яъни тўғри чизик билан текисликларни кесишиган нуктасини, тўғри чизик билан сиртларни кесишиган нукталарини ва сиртларни ўзаро кесишиган чизигини ва шунга ўхшаш масалаларни ечишда фойдаланилади.

Ихтиёрий вазиятдаги текислик билан тўғри чизикни кесишиган нуктасини топиш учун ёрдамчи кесувчи текисликлардан фойдаланилади. Агар ёрдамчи текислик проекцияловчи бўлса масала осонлик билан ечилади.

109- шаклда  $d$  тўғри чизик билан  $\Sigma(a \cap b)$ , ихтиёрий вазиятдаги текисликнинг кесишиш нуктасини топиш тизими кўрсатилган.

Бу масала куйидаги ечиш тизими бўйича бажарилади:

1. Берилган  $d$  тўғри чизик орқали ёрдамчи проекцияловчи  $\Phi$  текислик утказилади, яъни ( $\Phi \supset d \wedge \Phi \perp H_1$ ); ( $d \in \Phi_{H_1}$ ).



109- шакл.


2. Берилган  $\Sigma$  текислик билан ёрдамчи ўтказилган  $\Phi$  текисликларнинг кесишигани чизиги  $q$  топилади.

Бу чизик,  $\Sigma$  текисликни ифодаловчи  $a$  ва  $b$  кесишувчи тўғри чизикларнинг  $\Phi$  текислик билан кесишигани  $M$  ва  $N$  нукталари орқали ўтади, яъни:  $M = b \cap \Phi$ ;  $N = a \cap \Phi < \cap$  демак,  $q = \Sigma \cap \Phi$ .

3. Берилган  $d$  тўғри чизик билан  $\Sigma$  ва  $\Phi$  текисликларнинг кесишигани чизиги  $q$  нинг кесишигани нуткаси  $K$ аникланади, яъни:  $K = q \cap d$

К нутка  $d$  тўғри чизик ва  $\Sigma$  текислик учун умумий бўлиб, изланадиган нуткадир.

110- шаклда юкоридаги масаланинг эпюорда ечилиши берилган. Бунинг учун: 1.  $d_1 \cap d_2$  тўғри чизик орқали  $\Phi_{II_1}$ ,  $\Phi_{II_2}$  текислик ўтказилади.



110- шакл.

2. Ўтказилган текислик билан берилган  $\Sigma$  текисликларни кесишигандык ( $M_1, M_2$  ва  $N_1, N_2$  нүкталар оркалы ўтувчи)  $q(q_1, q_2)$  чизиги топилади. Бу ерда  $q = \Sigma \cap \Phi$ , яъни:

$$a_1 \cap \Phi_{\Pi_1} = N_1; \quad N_2 \in a_2$$

$$b_1 \cap \Phi_{\Pi_1} = M_1; \quad M_2 \in b_2.$$

3. Топилган  $q(q_1, q_2)$  чизик билан  $d(d_1, d_2)$  чизикларнинг кесишигандык  $K$  ( $K_1, K_2$ ) нүктаси белгиланади. Шу нүкта изланатган нүкта бўлади, яъни:


$$q_2 \sqcap d_2 = K_2; \quad K_1 \in q_1;$$

$$K(K_1 K_2) = d(d_1 d_2) \sqcap$$

$$\Pi \Sigma(a \cap b); \quad K = d \cap q.$$

111- шакл, а да  $m$  тўғри чизикнинг ихтиёрий вазиятдаги  $\Gamma$  текислик билан кесишиш нүктасини топиш фазовий тасвирда кўрсатилган. Бунинг учун:

1.  $m$  тўғри чизик оркали горизонтал проекцияловчи  $\omega$  текислик ўтказилади.



111- шакл.

2. Ердамчи  $\omega$  текислик билан  $\Gamma$  текисликларнинг кесишигандык чизиги  $I(l_1, l_2)$  топилади. Бунинг учун текислик изларини кесишигандык 1 ва 2 нүкталарини аниқлаб, уларни ўзаро туташтирилади. Бунда

$$1 = \omega_{\Pi_1} \cap \Gamma_{\Pi_1},$$

$$2 = \omega_{\Pi_2} \cap \Gamma_{\Pi_2}.$$

3. Берилган  $m$  түгри чизик билан аниқланган  $l$  чизикнинг кесишиган нуктаси  $M$  белгиланади (яъни:  $K = m \cap l$ ), бу нукта изланаётган нукта бўлади (111-шакл, а).

111-шакл, б да масалани эпюрда ечилиши кўрсатилган. Бунинг учун юкорида кўриб ўтилган ечиш тизимидан фойдаланилади:

1. Берилган  $m(m_1, m_2)$  түгри чизик орқали горизонтал проекцияловчи  $\omega_{n_1}, \omega_{n_2}$  ёрдамчи текислик ўtkазилади.

Бунда  $\omega_{n_1} - K_1$  дир.

2.  $\omega$  ва  $\Gamma$  текисликларнинг бир номли  $\omega_{n_1}$  билан  $\Gamma_n$  ва  $\omega_{n_2}$  билан  $\Gamma_{n_2}$  изларини кесишиган  $l(l_1, l_2)$  ва  $2(2_1, 2_2)$  нукталари топилади, сўнгра ўзаро туташтирилади ( $l_1, l_2 = (\omega_{n_1} \Pi \Gamma_{n_1}), (2_1, 2_2 = \omega_{n_2} \Pi \Gamma_{n_2})$ , сўнгра улар туташтирилади ва кесишиш чизигининг проекциялари топилади.


3. Берилган  $m(m_1, m_2)$  түгри чизик билан аниқланган  $l(l_1, l_2)$  чизикнинг кесишиган нуктаси  $K_1 K_2$  топилади, бунда аввал  $k_2(k_2 = m_2 \Pi l_2)$ , сўнгра bogланиш чизиги воситасида  $K_1 (k_1 \in l_1)$  топилади.

Энди бир неча мисолларнинг ечилиши билан танишиб чиқамиз. **1- мисол.**  $m$  түгри чизик ва излари билан  $\Sigma$  текислик берилган. Уларнинг кесишиган нуктасини топиш лозим (112-шакл). Бунинг учун:  $m(m_1 m_2)$  түгри чизик орқали фронтал проекцияловчи  $\Phi(\Phi_{n_1}, \Phi_{n_2})$  текислик ўtkазилади. Ўtkазилган текислик билан берилган текисликларнинг кесишиган  $l$  чизиги топилади. Бунда  $l_2(l_1, l_2) = \Phi_{n_2} \Pi \Sigma_{n_2}$  фронтал изларнинг кесишишидан,  $l_1(l_1, 2_2) = \Phi_{n_1} \Pi \Sigma_{n_1}$  горизонтал изларнинг кесишишидан ҳосил бўлади. Сўнгра  $l_1$  ва  $2_1$  ҳамда  $l_2$  ва  $2_2$  бир номли проекциялар бирлаштирилади.


Аниқланган  $l_1, l_2$  ва  $m_1 m_2$  чизикларнинг кесишиган нуктаси  $K_1 K_2$  топилади. Бунда аввал  $K_1$  нукта ( $k_1 = m_1 \Pi l_1$ ), сўнгра bogланиш чизиги воситасида  $k_1 (k_1 \in l_2)$  аниқланади.

**2- мисол.**  $l(l_1, l_2)$  түгри чизикни ихтиёрий вазиятдаги  $\Sigma(a \cap b)$  текислик билан кесишиган нуктаси ТОПИЛСИН (113-шакл). Бунинг учун:

1. Берилган  $l(l_1, l_2)$  түгри чизик орқали ёрдамчи  $\Phi(\Phi_{n_1}, \Phi_{n_2})$  текислик ўtkазилади.



112- шакл.



113- шакл.

2. Ўтказилган  $\Phi$  текислик билан  $\Sigma$  текисликнинг кесишигани чизиги ( $\beta = \Sigma \cap \Phi$ ) топилади.

Бунда:

$$a_2 \cap \Phi_{\Pi_2} = A_2; A_1 \in a_1; b_2 \cap \Phi_{\Pi_2} = B_2; B_1 \in b_1.$$

Демак,  $AB(A_2B_2, A_1B_1) = \Sigma \cap \Phi = \beta$ .

3. Берилган  $l_1, l_2$  тўғри чизик билан  $\beta_1, \beta_2$  тўғри чизикларни кесишиган  $K_1K_2$  нуктаси аникланади:

$$l_1 \cap \beta_1 = k_1; k_2 \in \beta_2.$$


Демак,  $k(k_1, k_2) = l(l_1, l_2) \cap \Sigma(a \parallel b)$ .

#### 4.8- §. Ихтиёрий вазиятдаги текисликларнинг ўзаро кесишиши

Икки текисликнинг ўзаро кесишигани чизиги тўғри чизикдан иборат бўлиб, бу тўғри чизикни топиш учун унинг икки нуктасини ёки битта нуктаси билан унинг йўналишини топиш етарлидир. Ихтиёрий вазиятдаги текисликларнинг ўзаро кесишиш чизигини топиш учун шу текисликларни кесиб ўтувчи ёрдамчи текисликлардан фойдаланылади. Ёрдамчи текисликни проекцияловчи килиб олинса масала осонлик билан ечилади.

Бу масалани ечилиш тартиби куйидагича бўлади (114- шакл):

1. Берилган ҳар икки текисликни кесувчи юз текислик ўтказилади.



114- шакл.

2. Ўтказилган ёрдамчи текислик билан берилган ( $\Gamma$  ва  $\Phi$ ) текисликларнинг кесишган чизиклари (12,34) аниқланади, яъни,  $\omega_1\Pi\Gamma = K_1$

$$\begin{aligned}\omega_1\Pi\Gamma &= 1,2V K_1; \\ \omega_1\Pi\Phi &= t_1 V 3,4.\end{aligned}$$

3. Аниқланган  $K_1$  ва  $t_1$  чизикларнинг кесишган  $M$  нуктаси топилади, яъни:  $k_1\Pi t_1 = M$ .

4. Иккинчи ёрдамчи кесувчи  $\omega_2$  текислик ўтказилади.

5.  $\omega_2$  текислик билан  $\Gamma$  ва  $\Phi$  текисликларнинг кесишган  $k_2$  ва  $t_2$  чизиклари топилади, яъни:

$$\omega_2\Pi\Gamma = K_2 V 5,6; \quad \omega_2\Pi\Phi = t_2 V 7,8.$$

6.  $K_2$  ва  $t_2$  чизикларнинг кесишган  $N$  нуктаси белгиланади, яъни


$$k_2\Pi t_2 = N.$$

7. Топилган  $M$  ва  $N$  нукталарни ўзаро туташтирилса, изланаётган чизик  $t$  га эга бўлинади,  $L = (MN)$ .

\*115- шаклдаги эпурда  $\Gamma$  текислик — ўзаро параллел  $a$  ва  $b$  тўғри чизиклар билан,  $\Phi$  текислик — кесишуви чизиклар билан берилган. Текисликларнинг кесишган чизигини топиш талааб килинади.

**Ечиш.** 1. Ёрдамчи  $\omega_1$  текислик ўтказилади. (Бу ерда  $\omega_1 \parallel \Pi_1$ ).

2. Ёрдамчи  $\omega_1$  текислик билан  $\Gamma$  ва  $\Phi$  текисликларнинг кесишган чизиклари топилади.  $F(a \parallel b)$  ва  $\omega_1$  текисликлар кесишганда 1( $l_1, l_2$ ) ва 2( $l_1, l_2$ ) нукталар орқали утувчи




115- шакл.

шиб,  $5_1, 5_2; 6_1, 6_2$  нүкталар орқали ўтвучи  $t$  чизикни ҳосил қиласди.

6. Топилган  $s(s_1, s_2)$  ва  $l(l_1, l_2)$  чизиклар ўзаро кесишиб  $N_1, N_2$  нүкталарни ҳосил қиласди.

7. Аникланган  $M(M_1M_2)$  ва  $N(N_1N_2)$  нүкталарнинг бир номли проекциялари ўзаро туташтирилиб, изланаётган  $\delta(d_1, d_2)$  чизик ҳосил қилинади. Умумий вазиятдаги текисликлар излари билан берилган ҳолларда ёрдамчи текисликлар ўтказиш шарт эмас, чунки бунда  $\Pi_1$  ва  $\Pi_2$  текисликлар ёрдамчи текисликлар вазифасини ўтайди. Шунга кўра излари билан берилган текисликларнинг кесишиш чизигини топиш учун шу текисликларнинг бир номли изларининг кесишиш нүкталарини топиб, уларни ўзаро туташтириш лозим.

116- шаклда  $\Sigma$  текислик  $\Sigma_{\Pi_1}, \Sigma_{\Pi_2}$  ва  $\Phi$  текислик  $\Phi_{\Pi_1}$  горизонтал,  $\Phi_{\Pi_2}$  фронтал излари билан берилган. Текисликларнинг изларини топиш учун изларни топиб, изларни ўзаро туташтириш лозим.



116- шакл.

$K(K_1, K_2)$  чизик бўйича,  $\Phi(m\Pi c)$  текислик  $\omega_1$  текислик билан  $34(3_13_2, 4_1, 4_2)$  нүкталар орқали ўтвучи  $t$  чизик бўйича кесишади.

3.  $K_1$  ва  $t_1$  чизиклар ўзаро кесишиб  $M(M_1M_2)$  нүктани ҳосил қиласди.

4. Иккинчи ёрдамчи  $\omega_2$  текислик билан  $\Gamma$  текисликлар кесишиш чизикни  $s_1s_2$  ишлайди.

5.  $\omega_2$  текислик билан  $\Phi$  ва  $\Gamma$  текисликлар кесишиш чизикни  $l_1, l_2$  ишлайди.

кисликларнинг кесишиган чизигини топиш керак. Бунинг учун текисликларнинг бир номли  $\Sigma_{II_1}$  ва  $\Phi_{II_1}$  изларининг кесишигандык  $N_1N_2$  — нуктаси,  $\Sigma_{II_2}$  ва  $\Phi_{II_2}$  изларининг кесишигандык  $M_1M_2$  — нуктаси аниқланади. Аниқланган  $M_1N_1$  ва  $M_2N_2$  нукталар бирлаштирилади ва изланадайтын  $l(l_1, l_2)$  чизик ҳосил бўлади. 116- шакл, а да фазовий чизмаси ва 116- шакл, б да эса унинг эпюрда бажарилиши кўрсатилган.

#### 4.9- §. Тўғри чизик ва текисликнинг ҳамда икки текисликнинг ўзаро параллеллиги


**4.9.1. Тўғри чизик билан текисликнинг ўзаро параллел бўлиши.** Агар текисликдан ташкаридаги бирор тўғри чизик текислике ётувчи бирор тўғри чизикка параллел бўлса, текисликнинг ўзига ҳам параллел бўлади.

Бирор нукта орқали бирор текисликка параллел тўғри чизик ўтказиш учун текислике тўғри чизик танлаб, сўнгра берилган нуктадан шу тўғри чизикка параллел тўғри чизик ўтказиш керак.  $\Pi(a \cap b)$  текислик кесишуви  $a$  ва  $b$  тўғри чизиқлар орқали ва текисликдан ташкарида  $A$  нукта берилган (117- шакл).


А нуктадан текисликка параллел чизик ўтказиш учун текислике бирор ихтиёрий  $C$  (12) тўғри чизик сайлаб, сўнгра  $A$  нуктадан шу тўғри чизикка параллел килиб  $m$  тўғри чизик ўтказилади, яъни:

$$m \parallel 2,1 \Pi(a \cap b), \text{ чунки } C(1,2) \equiv \Pi(a \cap b).$$

Юқоридаги масаланинг эпюрда ечилиши 118- шаклда кўрсатилган. Бунинг учун  $\Pi$  текислике ётувчи  $l_{11}$  ва  $l_{22}$



117- шакл.



118- шакл.

түғри чизикнинг проекциялари ўтказилади. Сўнгра  $A_1$  нуктадан  $l_1 l_2$  чизикка,  $A_2$  нуктадан  $l_2 l_2$  чизикка параллел  $m_1 m_2$  чизиклар ўтказилади.

Бу ерда,  $m_1 \parallel c_1$ ,  $m_2 \parallel c_2$ , чунки  $c \in \Pi(a \cap b) \wedge m \parallel c$ .

119- шаклда  $K(K_1 K_2)$  нуктадан излари билан берилган  $\Sigma(\Sigma_{\Pi_1}, \Sigma_{\Pi_2})$  текисликка параллел бўлган  $m(m_1, m_2)$  түғри чизикни ўтказиш кўрсатилган.


Бунинг учун  $\Sigma$  текисликда  $q_1, q_2$  түғри чизик ўтказилади. Сўнгра  $K_1$  нуктадан  $q_1$  чизикка параллел қилиб  $m_1$  чизикни,  $K_2$  нуктадан эса  $q_2$  чизикка параллел қилиб,  $m_2$  чизик ўтказилади, яъни:

$$q(q_1, q_2) \in \Sigma(\Sigma_{\Pi_1}, \Sigma_{\Pi_2}).$$


Шунинг учун  $m \parallel \Sigma$ .

**4.9.2 Икки текисликнинг ўзаро параллел бўлиши.** Агар бир текисликда ётувчи ва ўзаро касишувчи икки түғри чизик, иккинчи текисликда ётувчи ва ўзаро кесишувчи икки түғри чизикка мос равишда параллел бўлса текисликлар ҳам ўзаро параллел бўлади.

Фазода бирор нукта орқали берилган текисликка параллел қилиб чексиз түғри чизиклар ўтказиш мумкин.



119- шакл.



120- шакл.


Текислик сифатида шу чизикларнинг хоҳлаган иккитасини олиш мумкин.

Масалан,  $\Sigma(a \cap b)$  текислик кесишувчи  $a$  ва  $b$  тўғри чизиклар орқали берилган. Текисликдан ташқарида  $M$  нуқтадан  $a$  ва  $b$  чизикларга параллел қилиб,  $\Pi$  ва  $l$  чизиклар ўtkазилади. Бу кесишувчи икки  $\Phi(\Pi \cap l)$  тўғри чизик текисликни ифодалайди ва бир вактда  $\Sigma$  текисликка параллел бўлади (120-шакл, а) яъни:  $n \parallel a$ ,  $l \parallel b$ . Шунинг учун:  $\Phi(n \cap l) \parallel \Sigma(a \cap b)$ . Шу масаланинг эпюри, 120-шакл, б да кўрсатилган. Бунда:  $\Pi_2 \parallel a_2$ ;  $l_2 \parallel b_2$ ;  $n_1 \parallel a_1$ ;  $l_1 \parallel b_1$  бўлади. Энди шу мавзуга тегишли бир неча мисолларни кўриб чиқамиз.


**1-мисол.**  $\Sigma(a \parallel b)$  текислик ўзаро параллел  $a$  ва  $b$  тўғри чизиклар орқали берилган. Текисликдан ташқарида  $K(K_1K_2)$  нуқта ҳам берилган (121-шакл).

К нуқтадан  $\Sigma$  текисликка параллел текислик ўtkазиш керак.

**Ечиш.** Берилган икки  $a$  ва  $b$  тўғри чизикларга тегишли  $C(C_1, C_2)$  чизик танлаб олинади. Сўнгра  $K_1$  нуқтадан  $C_1$  га параллел қилиб  $q_1$  ни,  $C_2$  га параллел қилиб  $q_2$  ни,  $b_1$  га параллел қилиб  $l_1$  ни,  $b_2$  га параллел қилиб  $l_2$  чизиклар ўtkазилади, уларнинг алгоритмли ёзуви қўйидагича бўлади:  $\Phi(q \cap l) \parallel \Sigma(a \parallel b)$  ёки  $K \equiv \Phi \sqcap \Phi \parallel \Sigma$  бўлади.



121- шакл.



122- шакл.


Демак,  $K$  нуқта орқали ўтган  $\Phi$  текислик  $\Sigma$  текисликка параллел бўлиб, изланаетган текисликни ифодалайди.

**2-мисол.**  $\Sigma$  текислик  $\Sigma_{II_1}$  ва  $\Sigma_{II_2}$  излари билан ва текисликтан ташқаридан  $M$  нүкта берилган.  $M$  нүкта орқали  $\Sigma$  текислика параллел текислик ўтказиш лозим (122-шакл).


**Ечиш.**  $M(M_1, M_2)$  нүкта орқали текисликтинг бош чизикларидан бири  $M_2N_2$ ,  $M_1N_1$  горизонтал ўтказилади. Бу чизикнинг  $M_2$  нүктасидан берилган текисликтинг фронтал изи  $\Sigma_{II_2}$  га параллел қилиб  $\Phi_{II_2}$  чизик ўтказилади.  $\Phi_{II_2}$  чизикни  $OX$  үки билан кесишган  $\Phi_x$  нүктасидан  $\Sigma_{II_1}$  га параллел чизик ўтказилади. Натижада изланаетган текисликтинг горизонтал изи  $\Phi_{II_1}$  ва фронтал изи  $\Phi_{II_2}$  ҳосил бўлади (122-шакл).

#### 4.10- §. Тўғри чизик ва текисликтинг ҳамда икки текисликтинг ўзаро перпендикулярлиги

**4.10.1. Тўғри чизик билан текисликтинг перпендикулярлиги.** Элементар геометриядан маълумки, агар бир тўғри чизик текислика ётувчи ва ўзаро кесишувчи икки тўғри чизикка бир йўла перпендикуляр бўлса, текисликтинг ўзига ҳам перпендикуляр бўлади. Юкоридаги икки кесишувчи тўғри чизик ўрнида текисликтинг горизонтал ва фронтал чизиклари олиниши мумкин. Бунда текислик горизонтали билан тўғри чизик перпендикуляр чизик орасидаги тўғри бурчак  $\Pi_1$  га ўзгармасдан, фронтал билан тўғри чизик орасидаги тўғри бурчак эса  $\Pi_2$  ўзгармасдан проекцияланади (параллел проекцияларнинг тўғри бурчакка оид хусусиятига асосан). 123-шаклда  $AB$  тўғри чизик  $\Phi$  текисликтинг  $h$  горизонтали ва  $f$  фронталига перпендикуляр жойлашган. Шунга кура  $AB$  тўғри чизик  $\Phi$  текислика перпендикулярdir. Эшорда тўғри чизик текислика перпендикуляр бўлса, унинг горизонтал проекцияси текислик горизонталининг горизонтал проекциясига перпендикуляр, фронтал проекцияси эса текислик фронталининг фронтал проекциясига перпендикуляр бўлади. 124-шаклда  $D_1D_2$  нүктадан  $A_1B_1C_1, A_2B_2C_2$  текислика перпендикуляр тушириш курсатилган. Бунда  $D_1$  нүктадан берилган текислик горизонталининг горизонтал проекцияси  $C_1l_1$  га  $l_1$  перпендикуляр,  $D_2$  дан эса фронталининг фронтал проекцияси  $A_2l_2$  га  $l_2$  перпендикуляр туширилган. Бунда  $h \subset ABC, f \subset ABC \Rightarrow l_1 \perp h_1, l_2 \perp f_2$  бўлади. Энди тўғри




123- шакл.




124- шакл.

чизиқнинг текисликка перпендикулярлик шартидан фойдаланиб бир неча масалалар ечилади.

**1-мисол.**  $A(A_1A_2)$  нуктадан  $BC(B_1C_1, B_2C_2)$  түғри чизикқача бўлган энг қисқа масофани топиш керак (125- шакл). Бунинг учун аввал берилган нуктадан түғри чизикқа перпендикуляр текислик ўтказилади ва бу текислик билан берилган түғри чизикнинг ўзаро кесишиш нуктаси топилади. Топилган нукта билан берилган нуктани бирлаштириб, изланатган энг қисқа масофага эга бўлинади. Бу масала эпюрда куйидагича ечилади:  $A_1A_2$  нукта орқали  $B_1C_1, B_2C_2$  түғри чизикқа перпендикуляр килиб  $\Phi_1\Phi_2$  текисликни ўтказилади. Бунда  $A_1A_2$  нукта орқали  $\Phi_1\Phi_2$  текисликнинг фронталини  $B_1C_1, B_2C_2$  га перпендикуляр килиб ўтказамиш ( $f_1 \perp B_2C_2$  ва  $f_1 \parallel OX$ ),



125- шакл.



126- шакл.

текисликтинг горизонтали эса  $h_1 \perp B_1C_1$  ва  $h_2 \parallel OX$  килиб ўтказилади. Энди  $B_1C_1$ ,  $B_2C_2$  түғри чизикнинг  $\Phi_1\Phi_2$  текислик билан кесишган  $M_1M_2$  нуктасини аниқлаймиз. Бунинг учун  $\Gamma_{II_1}\Gamma_{II_2}$  текисликтан фойдаланамиз.  $\Gamma_{II_1}\Gamma_{II_2}$  ва  $\Phi_1\Phi_2$  текисликларнинг кесишиш чизиги  $I_1I_2$ ,  $I_2I_2$  билан  $B_1C_1$ ,  $B_2C_2$  чизикнинг кесишган  $M_1M_2$  нуктаси  $B_1C_1$ ,  $B_2C_2$  түғри чизик билан  $\Phi_1\Phi_2$  текисликтинг кесишган нуктасидир.  $M_1M_2$  нукта билан  $A_1A_2$  нукталарни бирлаштириб энг киска масофанинг проекциялари  $A_1M_1$ ,  $A_2M_2$  га эга бўламиз, унинг ҳакиқий узунлиги түғри бурчакли уч бурчак ясаш усулидан фойдаланиб топилган. Ҳосил бўлган  $A_0M_1$  изланган энг киска масофа бўлади.

**2- мисол.**  $S(S_1, S_2)$  нуктадан  $\Phi(A_1B_1C_1, A_2B_2C_2)$  уч бурчак текислигига қадар бўлган энг киска масофани топиш лозим (126- шакл). Бунинг учун берилган нуктадан текисликка перпендикуляр тушрилади ва унинг текислик билан кесишган нуктаси аниқланади. Кесишиш нуктасидан берилган нуктага қадар бўлган масофа изланадиган масофа бўлади. Шунга кўра берилган  $S_1S_2$  нуктадан  $A_1B_1C_1$ ,  $A_2B_2C_2$  текисликка перпендикуляр тушрилади. Бунинг учун  $A_1B_1C_1$ ,  $A_2B_2C_2$  текисликтинг горизонтал ва фронтал чизикларини ўтказамиз ва  $S_1$  дан,  $A_1I_1$  га перпендикуляр,  $S_2$  дан эса  $A_2I_2$  га перпендикуляр тушрирамиз. Бу перпендикулярнинг  $A_1B_1C_1$ ,  $A_2B_2C_2$  текислик билан кесишиш нуктасини аниқлаш учун бу перпендикуляр орқали фронтал проекцияловчи  $\Gamma_{II_1}\Gamma_{II_2}$  текисликинг ўтказамиз ва бу текисликтинг  $A_1B_1C_1$ ,  $A_2B_2C_2$  текислик билан кесишиш чизиги  $3_14_1$ ,  $3_24_2$  ни топамиз. Энди  $S_1$  дан тушрилган перпендикулярнинг  $3_14_1$  билан кесишиш нуктаси  $M_1$  ни топамиз ва бобловчи чизик ёрдамида  $M_2$  топилади.  $M_1M_2$  нукта  $S_1S_2$  дан  $A_1B_1C_1$ ,  $A_2B_2C_2$  га тушрилган перпендикулярнинг шу текисликтаги асоси бўлади. Ҳосил бўлган  $S_1M_1$ ,  $S_2M_2$  кесма берилган нуктадан берилган текислиkkача бўлган масофанинг проекциясидир. Шу масофанинг ҳакиқий катталиги түғри бурчакли уч бурчак ясаш усулидан фойдаланиб топилади. Бу ерда  $S_0M_1$  гипотенуза изланган энг киска масофани ифодалайди.


**3- мисол.**  $A(A_1A_2)$  нуктадан  $\Gamma_{II_1}\Gamma_{II_2}$  текисликка қадар бўлган энг киска масофа аниқлансин (127- шакл). Бунинг учун,  $A_1$  дан  $\Gamma_{II_1}$  га,  $A_2$  дан  $\Gamma_{II_2}$  га перпендикуляр тушрилади (түғри чизикнинг текисликка перпендикулярлик шартига асосан). Сўнгра бу перпендикулярии

$\Gamma_{\Pi_1}, \Gamma_{\Pi_2}$  текислик билан кесишган нүктаси топилади. Бунинг учун перпендикуляр орқали фронтал проекцияловчи  $\Phi_{\Pi_1} \Phi_{\Pi_2}$  ёрдамчи текислик ўтказилади.  $\Phi_{\Pi_1} \Phi_{\Pi_2}$  текисликни  $\Gamma_{\Pi_1}, \Gamma_{\Pi_2}$  текислик билан кесишган  $1_1 2_1, 1_2 2_2$  чизиги топилиб, бу чизикнинг  $A_1 A_2$  дан туширилган перпендикуляр билан кесишган нүктаси  $K_1 K_2$  аниқланади, яъни  $K_2 = l_2 \cap 1_1 1_2; K_1 \in l_1$  бўлади.  $A_1 K_1, A_2 K_2$  кесма изланаётган масофанинг проекцияларидир.


Шу киска масофанинг ҳақиқий узунлиги ( $A_0 K_2$ ) эса тўғри бурчакли учбурчак ясаш усулидан фойдаланиб топилади. Шу мисолнинг алгоритмли ечимини қўйидагича ёзиш мумкин:

$$\begin{aligned} l &\ni A \Lambda l \perp \Gamma; \\ \Phi &\supset l \Lambda \Phi \perp \Pi_2; (1, 2) = \Phi \cap \Gamma; \\ K &= l \cap (1, 2); (AK) = (A_0 K_2). \end{aligned}$$

**4.10.2. Икки текисликнинг ўзаро перпендикулярлиги.** Агар бир текисликдаги тўғри чизик иккинчи текислика перпендикуляр бўлса, текисликлар ўзаро перпендикуляр бўлади.



127- шакл.




128- шакл.

128- шаклдаги яққол тасвирда  $\Sigma$  текислика ётувчи  $MA$  тўғри чизик  $\Phi$  текислика ётувчи ва ўзаро кесишувчи  $KF$  ва  $CD$  икки тўғри чизиқга перпендикулярлиги кўрсатилган. Бунда:  $MA \perp KF; MA \perp CD$ . Шундай қилиб, чизмадан кўриниб турибдики,  $MA$  тўғри чизик орқали ўтувчи ҳар қандай текисликлар ( $\Sigma, \Gamma, \dots$ )  $\Phi$  текислика


перпендикулярдир. Энди бир нечта мисоллар билан танишиб чыкмаз.

**1- мисол.**  $M(M_1M_2)$  нүкта оркали  $\Sigma(A, B, C)$  текисликка перпендикуляр текислик үтказиш керак (129-шакл).

**Ечиш.**  $M(M_1M_2)$  нүктадан  $\Sigma(A, B, C)$  текисликнинг  $h(h_1, h_2)$  горизонтал ва  $f(f_1, f_2)$  фронтал чизикларига перпендикулярлар туширилади, яъни:  $l_1 \perp h_1$ ,  $l_2 \perp f_2$ ;  $MN$  чизик оркали текисликка перпендикуляр бўлган чексиз



129- шакл.



130- шакл.

текисликлар үтказиш мумкин. Шунинг учун ўзаро кесишувчи ( $l \cap l$ ) чизиклардан хосил бўлган  $\Gamma(l \cap l)$  текислик  $\Sigma(A, B, C)$  текисликка перпендикуляр бўлади.

**2- мисол.**  $m(m_1, m_2)$  тўғри чизик оркали  $\Phi(\Phi_{II}, \Phi_{II})$  текисликка перпендикуляр текислик үтказиш керак (130-шакл).


**Ечиш.**  $m$  тўғри чизикнинг бирор, масалан,  $A(A_1, A_2)$  учидан берилган текисликка перпендикуляр туширилади. Бунда:  $l_1 \perp \Phi_{II}$ ;  $l_2 \perp \Phi_{II}$ . Берилган  $m$  тўғри чизик ва үтказилган  $l$  чизиклардан ( $m \cap l$ ) ташкил топган  $\Sigma$  текислик  $\Phi$  текисликка перпендикулярдир.

### МАШҚ УЧУН МАСАЛАЛАР


**1- масала.** 131—134-шаклларда берилган текисликларнинг горизонтал ва фронтал чизикларини үтказинг.

**2- масала.** 135—138-шаклларда берилган тўғри чизик ва текисликларнинг кесишигандан нуткасини топинг.


**3- масала.**  $m$  тўғри чизик оркали берилган текисликларга перпендикуляр бўлган текислик үтказинг (139—142-шакллар).




131- шакл.




132- шакл.




133- шакл.




134- шакл.




135- шакл.




136- шакл.




137- шакл.




138- шакл.




139- шакл.



140- шакл.




141- шакл.




142- шакл.

**4- масала.**  $A(A_1A_2)$  нүкта оркали берилган текисликларга параллел килиб тұғри чизик үтказинг (143—144- шакллар).


**5- масала.**  $M(M_1M_2)$  нүкта оркали берилган текисликларга параллел болған текислик үтказинг (145—146- шакллар).




143- шакл.




144- шакл.




145- шакл.



146- шакл.



147- шакл.




148- шакл.

**6- масала.** Ихтиёрий вазиятдаги ( $a \parallel b$ ) ва ( $m \cap n$ ) текисликларнинг кесишган чизигини топинг (147- шакл).


**7- масала.**  $\Phi(\Phi_{II_1}; \Phi_{II_2})$  ва  $\Gamma$  текисликларнинг кесишган чизигини аникланг (148- шакл,  $a$ ,  $b$  лар).

**8- масала.** 149- шаклда берилган  $\Gamma(A, B, C) \cap \Phi(EFD)$  учбурачкаларнинг кесишган чизигини ясалсан.

**9- масала.**  $\Gamma(\Gamma_{II_1}; \Gamma_{II_2}) \cap \Sigma(m \cap n)$  иккى текисликларнинг кесишган чизигини аникланг (150- шакл).



149- шакл.



150- шакл.

## 5- бөб ЧИЗМАНИ ҚАЙТА ТУЗИШ УСУЛЛАРИ

Геометрик образ ёки уларнинг элементлари проекциялар текисликларига нисбатан умумий вазиятда жойлашган бўлса, бу проекциялар текислигига ўз ҳакиқий кўринишидан ўзгариб проекцияланади. Бу эса турли масалаларни ечишда бирмунча нокулайлик келтириб чиқаради. Бундай ҳолларда қўшимчча проекциялардан фойдаланиб, геометрик объект элементларининг ҳакиқий кўринишларини топишга туғри келади. Бундай ҳолларда чизмани қайта тузишлар куйидаги асосий усуллардан фойдаланиб бажарилиши мумкин:

- 1) проекциялар текисликларини алмаштириш усули;
- 2) айлантириш усули.

Бериладиган масалаларнинг кўринишлари ва шартларига караб юкоридаги усуллардан бири қўлланилади. Аксарият масалалар ҳар икки усул билан осонгина ечилади.

### 5.1- §. Проекциялар текисликларини алмаштириш усули


Бу усулла фазодаги геометрик жисм ўз вазиятини саклаб қолади. Лекин проекциялар текисликлари ўзаро перпендикулярлик вазиятларини саклаган ҳолда йўна-

лишларини ўзгаририб  $\Pi_1$  ва  $\Pi_2$  системаси янги система билан алмаштирилиб, масаланинг шартига кўра қулай вазиятга келтирилади. Масаланинг осон ёки мураккаблигига қараб проекциялар текисликларидан биттаси ёки иккитаси алмаштирилади. Барча ҳолатларда ҳам иккита проекциялар текисликлари ўзаро перпендикуляр бўлиши керак. Агар  $\Pi_1$  ни янги  $\Pi_4$  текислик билан алмаштириш лозим бўлса, у ҳолда  $\Pi_4$  текисликни худди  $\Pi_2$  текислик сингари  $\Pi_1$  га перпендикуляр килиб ўтказилади. Бунда  $\Pi_4$  текислик горизонтал проекцияловчи текислик бўлиб,  $\Pi_1$  даги янги проекциялар ўки  $O_1X_1$  билан берилади. 151- шаклда  $\Pi_2$  текисликни  $\Pi_4$  билан алмаштириш, яъни  $\Pi_2$  системадан  $\frac{\Pi_4}{\Pi_1}$  системага ўтиши қўрсатилган.  $A$  нукта ва унинг  $\Pi_1$  ва  $\Pi_2$  текисликлардаги  $A_1$  ва  $A_2$  проекциялари берилган бўлиб, унинг  $\Pi_4$  даги янги проекциясини топиш учун  $A$  нуктанинг  $\Pi_1$  даги проекцияси  $A_1$  дан янги проекциялар ўки  $O_1X_1$  га перпендикуляр ўтказилади ва унинг  $O_1X_1$  билан кесишган  $A_{x_1}$  нуктасидан  $\Pi_4$  текисликда  $O_1X_1$  га перпендикуляр ўтказамиз. Бу перпендикулярнинг  $A$  нуктадан  $\Pi_4$  га туширилган перпендикуляр билан учрашган нуктаси  $A$  нуктасининг  $\Pi_4$  текисликдаги янги фронтал прекцияси  $A_4$  ни ифодалайди.


Бу ерда

$$(A_4 A_{x_1} = A_2 A_x \text{ ва } A_1 A_{x_1} = AA_4)$$

Шуни айтиш керакки, эпурда нуктанинг  $\Pi_1$  даги проекцияси ва нуктанинг  $\Pi_1$  дан узоклиги ўзгармайди. Янги проекциялар ўки  $O_1X_1$  ва унга перпендикуляр бўлган янги проекциялаш йўналиши ҳосил бўлади. Эпурга ўтиш



151- шакл.




152- шакл.


учун  $\Pi_4$  текисликни  $O_1X_1$  ўқ атрофида  $\Pi_1$  билан жипслашгунча хоҳлаган томонга айлантирилади. Натижада нуктанинг горизонтал ва янги фронтал проекцияси  $O_1X_1$  га перпендикуляр бўлган битта тўғри чизикда, яъни битта янги боғланиш чизигида бўлиб қолади. 152- шаклдаги комплекс чизмада  $A$  нуктанинг  $A_1A_2$  проекциялари бўйича унинг янги  $A_4$  проекциясини ясаш кўрсатилган.  $\frac{\Pi_2}{\Pi_1}$  сис-

темадан  $\frac{\Pi_4}{\Pi_1}$  системага ўтиш учун янги проекциялар ўки  $O_1X_1$  ни  $A_1$  нуктадан ихтиёрий узоклиқда ўтказамиз ва унга  $A_1$  нуктадан перпендикуляр тушириб, унинг  $O_1X_1$  билан кесишган  $A_x$  нуктасини белгилаймиз. Сўнгра бу перпендикуляр давомига  $A_{x_1}$  дан бошлаб  $A_xA_2$  га teng бўлган масофани ўлчаб қўямиз ва нуктанинг  $\Pi_4$  даги янги проекцияси  $A_4$  га эга бўламиз.

153- шаклда  $\Pi_1$  текисликни  $\Pi_4$  билан алмаштириб  $\frac{\Pi_2}{\Pi_1}$  системадан  $\frac{\Pi_2}{\Pi_1}$  системага ўтиш кўрсатилган. Бунда  $\Pi_4$  текислик  $\Pi_2$  га перпендикуляр қилиб ўтказилган.  $A$  нуктанинг  $\Pi_2$  дан узоклиги  $\Pi_4$  га параллел бўлганлнги учун, унга ўзгармасдан проекцияланади, яъни  $A_4A_{x_1}=A_1A_x$ . Эпюрга



153- шакл.




154- шакл.

ўтиш учун  $\Pi_4$  текисликни  $O_1X_1$  ўқ атрофида  $\Pi_2$  билан жипслашгунча айлантирилади. 154- шаклда нуктанинг  $A_1A_2$  проекцияси бўйича унинг янги  $\Pi_4$  даги проекцияси  $A_4$  ни топиш кўрсатилган. Бу ерда  $O_1X_1$  ўки  $A_2$  дан ихтиёрий узоклиқда ўтказилган ва унга  $A_2$  дан перпендикуляр туширилган. Бу перпендикуляренинг  $O_1X_1$  билан кесишган  $A$  нуктасидан бошлаб  $A_1A_x$  га teng бўлган кесма ўлчаб

қүйилади ва нуктанинг янги  $\Pi_4$  даги проекцияси  $A_4$  га эга бўлинади. Натижада  $A$  нуктанинг  $\frac{\Pi_2}{\Pi_4}$  тизимдаги  $A_2A_4$

проекциялари хосил бўлади. Битта проекциялар текисликларини алмаштириш йўли билан ечиладиган бир нечта масалаларни кўриб чиқамиз.

Тўғри чизик кесмасининг ҳакиқий узунлигини аниқлаш. Тўғри чизикнинг ҳакиқий узунлигини аниқлаш учун янги текисликни берилган тўғри чизикка параллел қилиб ўтказиш керак. Бунда янги текисликни тўғри чизикнинг олдидан ёки унинг орқасидан, хусусий ҳолда эса тўғри чизикнинг ўзидан ўтказиш мумкин. 155- шакл, а да  $AB$  тўғри чизикнинг  $A_1B_1, A_2B_2$  проекциялари берилган, унинг




155- шакл

ҳакиқий узунлигини аниқлаш талаб килинсин. Бунинг учун  $\Pi_2$  текисликни  $AB$  тўғри чизикка параллел бўлган  $\Pi_4$  текислик билан алмаштирамиз. Масаланинг шартига кўра янги проекциялар уки  $O_1X_1$  ни  $A_1B_1$  га параллел қилиб ўтказилади ва  $A_1$  ҳамда  $B_1$  нукталардан бу ўкка перпендикуляр булган янги боғланиш чизиклари ўтказилади. Бу чизикларнинг  $O_1X_1$  билан кесишган нуктасидан бошлаб  $OZ$  га параллел булган кесмаларни ўлчаб қўямиз (яъни  $A_xA_4=A_xA_2$  ва  $B_xB_4=B_xB_2$  ).

Хосил бўлган  $A_4$  ва  $B_4$  нукталар туташтирилади. Бунда  $A_4B_4=AB$  бўлади. Чизмада  $A_4B_4$  билан  $O_1X_1$  уки орасидаги  $\alpha$  бурчак берилган  $AB$  тўғри чизик билан  $\Pi_1$  орасидаги бурчакни ифодалайди.  $\Pi_1$  текисликни  $AB$  га параллел  $\Pi_4$  текислик билан алмаштирилса, янги текисликда  $A_4B_4=AB$  ни ва  $AB$  тўғри чизикни  $\Pi_2$  га нисбатан оғиш бурчаги  $\beta$  ни оламиз (155- шакл, б). Проекцияловчи шаклларнинг


ҳақиқий күрнишини аниклаш учун янги проекциялар текислигини шакл текислигига параллел килиб ўтказиш лозим.  $\Pi_1$  га проекцияловчи текисликда ётувчи  $A_1B_1C_1D_1$ ,  $A_2B_2C_2D_2$  түрт бурчакнинг ҳақиқий күрнишини аниклаш керак (156- шакл, а). Бу ерда түрт бурчак  $\Pi_1$  га проекцияловчи бўлганлиги туфайли, унга параллел бўлган янги текислик ҳам  $\Pi_1$  га проекцияловчи бўлади. Шунинг учун  $\Pi_2$  текисликни түрт бурчакка параллел бўлган  $\Pi_4$  текислик билан алмаштириш мумкин. Шунда текисликнинг  $\Pi_1$  даги изи  $A_1B_1C_1D_1$  га параллел килиб ўтказилади ва бу нукталардан  $O_1X_1$  га перпендикуляр килиб боғланиш чизикларини ўтказамиз. Сўнгра бу чизикларга  $O_1X_1$  ўқидан бошлаб ҳар бир нуктанинг  $\Pi_1$  дан узокликларини (яъни  $Z$  координатларини) ўлчаб кўйилади. Натижада түрт бурчак учларининг янги  $A_4B_4C_4$  ва  $D_4$  проекциялари ҳосил бўлади. Уларни ўзаро туташтирасак, шаклнинг ҳақиқий күрниши  $A_4B_4C_4D_4 = ABCD$  га эга бўламиз. 156- шакл, б да  $\Pi_2$  га проекцияловчи  $A_1B_1C_1D_1$ ,  $A_2B_2C_2D_2$  түрт бурчакнинг ҳақиқий күрнишини топиш кўрсатилган. Бунда  $O_1X_1$  ўкини  $A_2B_2C_2D_2$  га параллел қилиб ўтказилади ва бу нукталардан  $O_1X_1$  га перпендикуляр килиб боғланиш чизиклари ўтказилади. Кейин бу чизикларга  $O_1X_1$  ўқидан бошлаб ҳам ҳар бир нуктанинг  $\Pi_2$  дан узоклиги ўлчаб кўйилади. Ҳосил бўлган  $A_4B_4C_4D_4 = ABCD$  түрт бурчакнинг ҳақиқий күрнишига эга бўлинади.

Нуктадан ихтиёрий текисликка қадар бўлган масофа-ни топиш лозим. Маълумки, нуктадан текисликка қадар



156- шакл<sub>а</sub>

бүлгән масофа, шу нүктадан текислика түширилган перпендикуляр билан ўлчанади. Ихтиёрий вазиятдаги текислики проекциялар текисликларидан бири билан алмаштирилиб проекцияловчи вазиятга келтирилса, масала осонлик билан ечилади (157- шакл, а).



157- шакл.

157- шакл, б да  $K_1K_2$  нүктадан ихтиёрий вазиятдаги  $A_1B_1C_1, A_2B_2C_2$  текислика қадар бүлгән қиска масофани аниклаш күрсатылған. Проекциялар текисликларидан бирортасини алмаштириб, янги текисликті  $A_1B_1C_1, A_2B_2C_2$  текислигига перпендикуляр килиб жойлаштирилса, у ҳолда уч бурчак бу текислика түгри чизик күринишида проекцияланади. Берилған нүктадан  $A_1B_1C_1, A_2B_2C_2$  текислика түширилған перпендикуляр эса бу янги текислика параллел бўлиб қолади ва қиска масофа

ўз ҳақиқий катталигига проекцияланади.  $ABC$  текислиги, бирор янги проекциялар текислигига перпендикуляр бўлиши учун ундаги бирор тўғри чизик ўша текисликка перпендикуляр бўлиши керак. Бу тўғри чизик сифатида  $ABC$  текисликнинг горизонтал чизиги олинса, янги текислик  $\Pi_1$  га ҳам,  $ABC$  га ҳам перпендикуляр бўлади. Бунда  $\Pi_1$  текислик  $\Pi_4$  билан алмаштирилади. Эпурда  $C_1T_1$ ,  $C_2T_2$  чизик  $A_1B_1C_1$ ,  $A_2B_2C_2$  учбурчакнинг горизонталидир. Янги  $\Pi_4$  текисликни бу горизонталга перпендикуляр килиб ўтказиш учун янги  $O_1X_1$  ўкни  $C_1T_1$  га перпендикуляр килиб ўтказиш кифоядир. Энди  $A_1$ ,  $B_1$ ,  $C_1$  ва  $T_1$  нукталардан  $O_1X_1$  га перпендикуляр тушириб, уларга  $O_1X_1$  дан бошлаб ҳар бир нуктанинг  $Z$  координатларини ўлчаб қўйилади.  $ABC$  учбурчак янги текисликка  $A_4B_4$  тўғри чизик кўринишида проекцияланади. Энди  $K_4$  нуктадан  $A_4B_4$  га перпендикуляр туширамиз.  $K_4E_4$  кесма изланган киска масофанинг ҳақиқий узунлигидир. Киска масофанинг горизонтал проекцияси  $O_1X_1$  га параллел жойлашади, фронтал проекцияси эса  $Z$  координатани ўлчаб қўйиш йўли билан аниқланади (157- шакл, б). Излари билан берилган ихтиёрий вазиятдаги текисликни проекцияловчи вазиятга келтириш учун янги  $\Pi_4$  текисликни  $\Phi_{\Pi_1}$  га перпендикуляр килиб ўтказиш керак

(чунки  $\Phi_{\Pi_1}$  ҳам  $\Phi$  текисликнинг горизонталларидан биридир). Янги текисликка  $\Phi_{\Pi_1}$  чизик нукта кўринишида проекцияланади ва у  $O_1X_1$  да бўлади.  $\Phi$  текисликнинг  $\Pi_4$  текисликтаги изи  $B_4$  нукта орқали ўтади, бу нукта  $\Pi_2$  да олинган  $B$  нуктанинг  $\Pi_4$  даги проекциясидир.  $\alpha$  бурчак  $\Phi$  ва  $\Pi$  орасидаги бурчакдир (157- шакл, в). Бу масаланинг эпурда ечилиши 157- шакл, г да кўрсатилган.


Бу ерда  $O_1X_1 \perp \Phi_{\Pi_1}$  килиб ўтказилган ва уларнинг кесишиш нуктасида  $A_1A_2$  нуктанинг  $\Pi_4$  даги проекцияси  $A_4$  нукта белгиланади. Сўнгра  $\Phi_{\Pi_1}$  да  $B_1B_2$  нукта танлаб олинади ва унинг горизонтал проекцияси  $B_1$  дан  $O_1X_1$  га перпендикуляр туширилади. Бу перпендикулярни  $O_1X_1$  билан кесишган нуктасидан бошлаб  $B_1B_2$  га teng масофани ўлчаб қўйиб  $B_4$  нуктани оламиз ( $B_1B_4 = B_1B_2$ ).  $A_4$  ва  $B_4$  нукталарни ўзаро бирлаштириб,  $\Phi_{\Pi_1}$  ва  $\Phi_{\Pi_2}$  текисликнинг  $\Pi_4$  даги янги изи  $\Phi_{\Pi_4}$  хосил бўлади.  $\Phi_{\Pi_4}$  ва  $O_1X_1$

үкі орасидаги  $\alpha$  бурчак  $\Phi_{\Pi_1}\Phi_{\Pi_2}$  ва  $\Pi_1$  орасидаги бурчак-ни ифодалайди.

**Иккита проекциялар текисликларини алмаштиришга оид масалалар.** Айрим мураккаб масалаларни ечишда проекциялар текисликларидан кетма-кет иккитасини биринчи  $\Pi_1$  ни, сүнгра  $\Pi_2$  ни ёки биринчи  $\Pi_2$  ни, кейин  $\Pi_1$  ни алмаштиришга тұғри келади. Бунда ҳар сафар алмаштириладиган янги проекциялар текислигі аввалғы үз вазияттегінде тұғрилардың орталықтарынан көрсетілгенде көрсетіледі.

Масалан, ихтиёрий вазиятдаги  $A_1B_1, A_2B_2$  тұғри чизик янги проекциялар текисликлари тизимида  $\Pi_5$  текисликка перпендикуляр вазиятта келтирилиши керак (158- шакл, а).

Бунда ихтиёрий вазиятдаги тұғри чизикні проекцияловчи вазиятта келтириш учун биринчи янги текисликні



158- шакл.

берилған тұғри чизикка параллел килиб үтказилади, иккінчи янги текисликні эса тұғри чизикнинг янги вазиятта перпендикуляр килиб үтказилади, шунда тұғри чизик бу текисликка нұкта күрниншида проекцияланади. Шунинг учун эпюрда  $O_1X_1$  үкни  $A_1A_2$  га параллел үтказиб,  $\Pi_4$  тизимида тұғри чизикнинг  $A_4B_4$  проекцияси ҳосил килинади. Кейин  $O_2X_2$  үкни  $A_4B_4$  га перпендикуляр үтказиб, янги  $\frac{\Pi_5}{\Pi_4}$  тизимде тұғри чизик  $\Pi_5$  текисликка


перпендикуляр вазиятга келтирилади, бунда түғри чизикнинг проекцияси бир нуктада ( $A_5 \equiv B_5$ ) бўлиб қолади. 158- шакл, б да ихтиёрий вазиятдаги  $A_1B_1C_1$ ,  $A_2B_2C_2$  шаклнинг ҳакиқий катталигини аниқлаш кўрсатилган.

Бу масалани ечиш учун проекциялар текисликларидан иккитасини алмаштириш керак. Биринчи янги текислик шакл текислигига перпендикуляр килиб ўтказилади ва шакл текислигига проекцияловчи вазиятга келтирилади. Иккинчи янги текисликни эса шакл текислигига параллел килиб ўтказамиз, бу текисликда шаклнинг ҳакиқий кўринишига эга бўламиз. Шу максадда аввал  $\Pi_2$  текислик учбурчак текислигига перпендикуляр бўлган  $\Pi_4$  текислик билан алмаштирилади. Икки текисликнинг ўзаро перпендикуляр шартига асосан  $A_1B_1C_1$ ,  $A_2B_2C_2$  текислигига горизонтал  $B_1I_1$ ,  $B_2I_2$  ўтказамиз ва янги проекциялар ўки  $O_1X_1$  ни  $B_1I_1$  га перпендикуляр қилиб ўтказилади. Учбурчак бу текисликка  $B_4C_4A_4$  түғри чизик кўринишида проекцияланади. Энди  $\Pi_1$  текисликни  $\Pi_5$  текислик билан  $A_1B_1C_1$ ,  $A_2B_2C_2$  учбурчак текислигига параллел килиб алмаштирамиз, бунда  $O_2X_2$  ўки  $A_4B_4C_4$  түғри чизикка параллел қилиб ўтказилади. Натижада  $ABC$  уч бурчакка тенг  $A_5B_5C_5$  уч бурчакка эга бўлинади.


## 5.2- §. Айлантириш усули

Айлантириш усулида айланувчи геометrik образ элементлари (нукта, түғри чизик ва х. к.) бирор қўзғалмас түғри чизик атрофида айлантирилиб, масаланинг шартига кўра ечим вазиятига келтирилади. Бунда проекциялар текисликлари ўз вазиятларини ўзгартирумайди. Айланувчи шаклнинг ҳамма нукталари шаклнинг айланиш даврида фазода айланалар чизади, бу айланалар ётган текисликлар (харакат текисликлари) айланиш ўқига перпендикуляр жойлашади ва у билан кесишиб айланиш марказларини ҳосил қилади. Айланиш марказидан айланувчи нуктагача бўлган масофа айланиш радиусини ифодалайди. Масалаларнинг осон, қулай ва тез ечилиши айлантириш элементлари, яъни айланиш ўки, харакат текислиги маркази, радиуси ҳамда айланиш бурчагининг түғри танлаб тартибли олинишига боғлиқ. Агар айланиш ўки ихтиёрий вазиятдаги түғри чизик бўлса, масаланинг ечилиши бирмунча мураккаблашади. Шунинг учун айланиш ўки  $\Pi_1$  ёки  $\Pi_2$  перпендикуляр қилиб олинади.

1) Нуктани айлантириш. 159- шаклда  $A$  нукта ва  $l$  айлантириш ўқи берилган. Агар  $A$  нуктани  $\Pi_1$  га перпендикуляр бўлган айлантириши ўқи атрофида айлантирилса, бу нукта  $\Pi_1$  текисликка параллел бўлган  $\Gamma$  текислика радиуси  $OA = R_A$  га тенг айлана бўйича ҳаракатланади. Бунда  $\Gamma$  текислик  $\Pi_1$  текисликка параллел бўлгани учун  $A$  нукта ҳаракатланиш траекториясининг горизонтал проекцияси айлана бўйича, фронтал проекцияси  $\Gamma$  текисликнинг  $\Gamma_{\Pi_1}$  изи бўйича ҳаракатланади. Айланниш ўқи  $l$  билан ҳаракат текислиги  $\Gamma$  нинг кесишган нуктаси айланниш маркази  $O$  ни ифодалайди, унинг горизонтал проекцияси  $O_1$  айланниш ўкининг горизонтал проекцияси  $l_1$  нукта билан бир жойда, фронтал проекцияси  $O_2$  эса  $\Gamma$ , билан  $l_2$  нинг кесишган нуктасида бўлади. Агар  $A$  нуктани  $\varphi$  бурчакка буриш талаб қилинса, унда  $\varphi$  бурчакни горизонтал проекциясида ўлчаб қўямиз (160- шакл, а) ва  $A$  ( $A_1A_2$ ) нуктанинг айлангандан



159- шакл.




160- шакл.

кейинги вазияти  $\bar{A}$  ( $\bar{A}_1\bar{A}_2$ ) га эга бўламиз. Агар  $A$  нукта  $\Pi_2$  га перпендикуляр бўлган ўқи ( $l_1l_2$ ) атрофида айланса, унинг фронтал проекцияси айлана бўйича ҳаракатланади, горизонтал проекцияси эса ҳаракат текислигининг горизонтал изи  $\Gamma_{\Pi_1}$  билан бирга қўшилиб колган тўғри чизик бўйича ҳаракатланади (160- шакл, б).


2) Тўғри чизикни айлантириш. Ихтиёрий вазиятдаги тўғри чизикни айлантириш усули билан проекцияловчи вазиятга келтиришга тўғри келади. Маълумки, тўғри чизик кесмасини унинг икки нуктаси аниқлайди, шунинг учун тўғри чизикнинг, иккита ёки битта нуктасини айлантириш кифоядир. Масалани осонлик билан ечиш учун айланниш ўқи кесманинг бирор нуктаси орқали

ұтқазилади. Масалан, ихтиёрий вазиятдаги  $AB$  ( $A_1B_1$ ,  $A_2B_2$ ) тұғри чизик берилган. Унинг ҳақиқий узунлигини топиш керак (161-шакл). Тұғри чизик проекциялар текисликларидан бирортасига параллел вазиятда жойлаша, у ҳолда тұғри чизик шу текисликка үз узунлигига проекцияланади. Шунга күра айланиш үкі  $l_1$ ,  $l_2$  ни  $A_1B_1$ ,  $A_2B_2$  тұғри чизикнинг  $A_1A_2$  учи орқали  $\Pi_1$  текисликка перпендикуляр килип ұтқазилади ва шу үк атрофида берилган тұғри чизик  $\Pi_2$  текисликка параллел жойлашгунча айлантирилади. Бу ерда айланиш үкіда жойлашган  $A_1A_2$  чукта ҳаракат қылмайды. Шу сабабли  $B$  нуктанинг горизонтал проекцияси  $B_1$  ни тұғри чизикнинг горизонтал проекцияси  $OX$  үкіга параллел бұлғунча айлантирилади. Бунда  $A_1B_1$ ,  $A_2B_2$  тұғри чизик  $\Pi_2$  текисликка параллел бұлади, унинг горизонтал проекцияси  $A_1\bar{B}_1 \parallel OX$ , фронтал проекцияси  $B_2A_2$  эса берилган  $AB$  тұғри чизикнің узунлигига тенг бұлади. Шу билан  $AB$  ва  $\Pi_1$  орасидаги бурчак ҳам топилади.

Бу ерда  $A_2B_2$  ва  $OX$  орасидаги бурчак  $AB$  ва  $\Pi_1$  орасидаги бурчакни ифодалайды. Шуни айтиш керакки, тұғри чизикни  $\Pi_2$  текисликка перпендикуляр бұлган үк атрофида айлантириб ҳам тұғри чизикнинг ҳақиқий узунлигини аниклаш ва бир йұла унинг  $\Pi_2$  текислик билан ташкил килган бурчаги ( $\beta$ ) ҳам топилади.




161- шакл.




162- шакл.

3) Текисликни айлантириш. Текисликнинг элементлари нұкталардан ва тұғри чизиклардан иборат бұлғанлити учун унинг нұкталарини ёки тұғри чизикларини бирор үк атрофида айлантириш кифоядир. 162- шаклда ихтиёрий вазиятдаги  $A_1B_1C_1$ ,  $A_2B_2C_2$  учбұрчак текислигини  $\Pi_2$  га

нисбатан проекцияловчи вазиятга келтирилиши айлантириш усули билан күрсатылган. Бунда айланиш үки сифатида  $A_1B_1C_1$ ,  $A_2B_2C_2$  учбұрчакнинг  $B_1B_2$  учи орқали үтүвчи  $\Pi_1$  га перпендикуляр бўлган  $l_1$ ,  $l_2$  тўғри чизик олинган.  $ABC$  учбұрчакнинг  $\Pi_2$  га проекцияловчи вазиятга келиши учун унинг горизонтал чизигини шакл билан бирга  $\Pi_2$  га перпендикуляр бўлгунча айлантириш керак. Шунинг учун  $A_1B_1C_1$ ,  $A_2B_2C_2$  текисликнинг  $h_1h_2$  горизонталини утказамиз.  $A_1A_2$  ва  $C_1C_2$  нукталарнинг харакат текисликларини  $l_1$ ,  $l_2$  га перпендикуляр килиб утказамиз. Бу текисликларнинг фронтал излари  $\Gamma_A$  ва  $\Gamma_C$  лар,  $A_2$  ва  $C_2$  лар орқали утиб  $l_2$  га перпендикуляр булади.  $B_1l_1$ ,  $B_2l_2$  горизонтали эса  $\Phi_B$  текислика харакатланади. Энди  $l_1$ ,  $l_2$  ук атрофидা  $B_1l_1$ ,  $B_2l_2$  ни  $\Pi_2$  га перпендикуляр вазиятга келгунча айлантирилади. Бу ерда горизонтал чизикнинг горизонтал  $B_1l_1$  проекцияси  $\varphi$  бурчакка бурилиб, проекциялар үки  $OX$  га перпендикуляр бўлган  $B_1l_1$  вазиятга эга булинади. Бунда горизонтал чизик  $\Pi_2$  га  $\bar{B}_2 = \bar{l}_2$  нукта бўлиб проекцияланади. Учбұрчакнинг  $A_1A_2$  ва  $C_1C_2$  нукталарини ҳам шу  $\varphi$  бурчакка бурилади. Ҳосил бўлган  $A_1$  ва  $C_1$  нукталари орқали бoggаниш чизиклари утказиб,  $\Gamma_A$  ва  $\Gamma_C$  текисликларидаги нукталарнинг янги фронтал  $\bar{A}_2$  ва  $\bar{C}_2$  проекцияларига эга булинади. Аниқланган  $\bar{A}_1\bar{B}_1\bar{C}_1$  ва  $\bar{A}_2\bar{B}_2\bar{C}_2$  нукталар үзаро бирлаштирилади, натижада учбұрчак текислигининг янги фронтал проекцияси  $\bar{A}_2\bar{C}_2$  тўғри чизикка эга бўлади. Демак,  $ABC$  текислик  $\Pi_2$  га перпендикуляр вазиятда жойлашади. 163- шаклда  $ABC$  учбұрчак текислигининг  $\Pi_2$  га перпендикуляр бўлган айланиш



163- шакл.




164- шакл.

үки  $L$  атрофига айлантирилиб,  $\Pi_1$  текисликка перпендикуляр вазиятга келтирилиши күрсатилган. Бу ерда  $L(l_1, l_2) \perp \Pi_2$  текисликнинг фронтал чизиги  $l_2 B_2 \perp \Pi_1$  бўлади. Энди излари билан берилган текисликларни айлантиришни кўриб чикамиз. Масалан, ихтиёрий вазиятдаги  $\Sigma_{\Pi_1} \Sigma_{\Pi_2}$  текисликни айлантириб  $\Pi_2$  га перпендикуляр вазиятга келтириш керак (164- шакл).  $\Pi_2$  га проекцияловчи текисликнинг горизонтал изи  $OX$  ўкига перпендикуляр бўлиши бизга маълум. Шунинг учун  $\Sigma_{\Pi_1} \Sigma_{\Pi_2}$  текисликнинг горизонтал изини  $OX$  ўкига перпендикуляр вазиятга келгунча айлантирамиз. Бунинг учун айланиш ўкини  $\Pi_1$  га перпендикуляр килиб ўтказиш керак. Бундай айланиш ўки  $M, N, M_1, M_2, N_2 \perp \Pi_1$  бўлади.  $\Sigma_{\Pi_2}$  изни  $OX$  га перпендикуляр вазиятга келтириш учун текисликнинг горизонтал махсус чизигини ўтказиб  $K_1 K_2$  нукта топилади. Сўнгра шу нуктадан  $\Sigma_{\Pi_1}$  га перпендикуляр тушириб, у билан кесишган нуктаси  $E_1$  ни белгилаймиз ва бу перпендикулярни  $OX$  ўкка параллел бўлгунча айлантирамиз. Натижада  $E_1$  нукта  $\bar{E}_1$  вазиятни ишғол қиласди. Шу нуктадан  $OX$  га перпендикуляр қилиб текисликнинг янги горизонтал  $\bar{\Sigma}_{\Pi_2}$  из ўтказилади.  $\bar{\Sigma}_{\Pi_2}$  эса  $\bar{E}_2$  ва  $K_2$  ни бирлаштириб аникланади, чунки  $K_1 K_2$  пункта кузгалмас нуктадир. Бу ерда  $\Sigma_{\Pi_1} \Sigma_{\Pi_2}$  текисликнинг  $\Pi_1$  билан ташкил қилган бурчаги хам аникланади. Бу бурчак,  $\bar{\Sigma}_{\Pi_2}$  билан  $OX$

ўк орасидаги  $\alpha$  бурчакка tengdir. 165- шаклда ихтиёрий вазиятдаги  $\Gamma_{\Pi_2}$

$\Gamma_{\Pi_2}$  текисликни фронтал проекцияловчи вазиятга келтириш күрсатилган. Бу ерда айланиш ўки  $\Pi_2$  текисликда олинган, яъни  $MN \in \Pi_2 \perp \Pi_1$ . Шунинг учун бу ўкнинг  $\Gamma_{\Pi_2}$  билан кесишган пунктаси  $E_1 E_2$  ҳаракат қилмайди. Айланиш ўки  $MN$  нинг горизонтал проекцияси  $OX$  ўкда бўлади. Айланиш ўкини




165- шакл.

горизонтал проекцияси  $M_1N_1$  дан текисликинг  $\Gamma_{H_1}$  изига перпендикуляр туширилади ва ҳосил бўлган  $M_1K_1$  чизикни  $O\bar{X}$  билан қўшилгунча айлантирамиз ва  $\bar{K}_1\bar{K}_2$  нуктани белгилаймиз.  $\bar{K}_1\bar{K}_2$  нуктадан  $O\bar{X}$  ўққа перпендикуляр ўтказиб, текисликнинг янги горизонтал  $\bar{\Gamma}_{H_1}$  изи ҳосил килинади, фронтал  $\bar{\Gamma}_{H_2}$  изи эса  $\bar{K}_2$  ва  $E_2$  нукталар орқали ўтади. Бунда бурчак  $\alpha$ ,  $\Gamma_{H_1}\bar{\Gamma}_{H_2}$  текислик билан  $H_1$  орасидаги бурчакни ифодалайди.


### 5.3- §. Устма-уст қўйиш усули

Устма-уст қўйиш усули айлантириш усулининг хусусий ҳоли бўлиб, бу усулда айланиш ўқи сифатида текисликнинг бирор изи кабул килинади. Агар текислик ўзининг горизонтал изи атрофида айлантирилса, у ҳолда бу текислик  $H_1$  текислик билан жипслашгунча, агар фронтал изи атрофида айлантирилса  $H_2$  текислик билан жипслашгунча айлантирилади. Бунда бу текисликдаги геометрик элементлар ҳам проекциялар текисликлари билан жипслашади. Бу усул билан текисликлар устида ётувчи геометрик элементларни ҳақиқий ёки аксинча ҳақиқий шакли берилганда уларнинг проекциялари аникланади. 166-шакл, а да ихтиёрий вазиятдаги  $\Gamma$  текисликнинг  $H_1$  текисликка устма-уст қўйилиши кўрсатилган. Бунда айланыш ўқи сифатида текисликнинг горизонтал изи олинган. Текисликнинг фронтал изи  $\Gamma_{H_2}$  да бирор  $N(N_1N_2)$  нукта танлаб, шу нуктанинг ҳаракат текислиги  $\omega(\omega_{H_1}\omega_{H_2})\Gamma_{H_1}$  га перпендикуляр қилиб ўтказилади ва унинг  $\Gamma_{H_1}$  билан кесишган жойида  $N_1N_2$  нукта-



166- шакл.

нинг айланиш маркази  $O(O_1O_2)$  белгиланади. Кейин  $O_1$  билан  $N_1$  ни туташтирилади ва айланиш радиуси  $ON(O_1N_1, O_2N_2)$  ҳосил бўлади.  $N(N_1N_2)$  нукта  $O(O_1O_2)$  марказ атрофида айлангандан сўнг айланиш радиуси  $ON(O_1N_1, O_2N_2)$  нинг ҳақиқий катталигига тенг бўлган масофада жойлашиб қолади. Шунга кўра айланиш радиусининг ҳақиқий катталиги топилади. Бунинг учун тўғри бурчакли учбурчак ясаш усулидан фойдаланамиз (166- шакл, б). Эпюрда учбурчакнинг бир катети  $O_1N_1$  бўлади, иккинчи катети эса  $N_1N_2$  кесмага тенг бўлган  $N_1N_0$  кесма олинади.  $O_1N_0$  гипотенуза айланиш радиусининг ҳақиқий узунлигини ифодалайди. Энди  $O_1N_0$  кесмани  $O_1$  нуктадан бошлаб  $\omega_{II}$  бўйича ўлчаб кўямиз ва  $\bar{N}_2$  нуктани белгилаймиз.  $\bar{N}_2$  нуктани  $\Gamma_x$  нукта билан туташтирилса берилган текислик фронтал изининг айлантирилгандан кейинги янги  $\bar{\Gamma}_{II}$  вазияти ҳосил бўлади.  $\bar{\Gamma}_{II}$  нинг вазиятини  $N_1N_2$  нуктанинг айланиш радиусининг ҳақиқий узунлигини топмасдан ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун  $\Gamma_x$  ни марказ килиб,  $\Gamma_xN_2$ , радиусли ёй чизилади, бу ёйнинг  $\omega_{II}$



167- шакл.

билин кесишган  $\bar{N}_2$  нуктаси  $\Gamma_x$  билан туташтирилади.

167- шаклда  $ABC$  шакл нинг ҳақиқий кўриниши учун горизонтали атрофида айлантириб топилиши кўрсатилган. Бунда айланиш ўки сифатида учбурчакнинг  $C_1C_1, C_2I_2$  горизонтал чизиги олинди. Бу чизикда ётган  $C_1C_2$  ва  $I_1I_2$  нукталар айлантириши вактида ўз вазиятларини ўзгартирмайди. Шунинг учун учбурчакнинг  $A_1A_2$  ва  $B_1B_2$  нукталарини айлангандан кейинги вазиятларини аниқлаш кифоядир.  $A_1A_2$  нукта  $\Phi_A$  текислика,  $B_1B_2$  нукта эса  $\Gamma_B$  текисликларда характератла-

нади.  $B_1B_2$  нуктанинг ҳаракат жараёни билан танишиб чиқамиз.  $B_1B_2$  нуктанинг айланиш маркази  $\Gamma_B$  текисликкниң  $C_1l_1$ ,  $C_2l_2$  билан кесишган  $O_1O_2$  нуктасида бўлади, бу нуктани  $B_1B_2$  нукта билан бирлаштириб айланиш радиуси  $O_1B_1$ ,  $O_2B_2$  ни аниқлаймиз.  $ABC$  текислик  $\Pi_1$  га параллел вазиятга келганда  $A$  ва  $B$  нукталарнинг айланиш радиуслари  $\Pi_1$  текисликка ҳақиқий узунлигида проекцияланади.

Энди айланиш радиусининг ҳақиқий катталигини аниқлаймиз. Бунинг учун  $B_1B_2$  нукта айланиш радиусининг  $O_1B_1$ ,  $O_2B_2$  проекциялари асосида тўғри бурчакли учбуручак ясаймиз, унинг  $O_1B_0$  гипотенузаси айланиш радиусининг ҳақиқий катталигига teng. Сўнгра  $O_1$  нуктадан  $\Gamma_B$  бўйича  $O_1B_0$  кесмани ўлчаб кўйиб, нуктанинг айлангандан кейинги вазияти  $B_1$  ни ва у бўйича унинг фронтал проекцияси  $B_2$  ни учбуручакнинг ҳаракагидан кейинги вазиятининг фронтал проекциясида белгиланади.  $A_1A_2$  нуктани ҳам худди шундай айлантириб, унинг  $\bar{A}_1\bar{A}_2$  проекциялари аниқланади. Буни бошқача йўл билан ҳам аниқлаш мумкин.  $A_1A_2$  нукта  $C_1l_1$ ,  $C_2l_2$  тўғри чизикда ётади ва  $\Phi_A$  текисликда ҳаракатланади. Демак,  $\bar{A}_1$  нукта  $\bar{B}_1l_1$  тўғри чизикнинг  $\Phi_A$  билан кесишган нуктасида бўлади. Учбуручакнинг айлангандан кейинги  $\bar{A}_1C_1\bar{B}_1 = ABC$  вазияти унинг ҳақиқий шаклига teng бўлади.

## 6- боб. ПОЗИЦИОН ВА МЕТРИК МАСАЛАЛАР

### 6.1- §. Позицион масалалар

Геометрик образлардаги элементларнинг ўзаро жойлашган вазиятларини аниқлашга оид бўлган масалаларни чизма йўли билан ечишга позицион масалалар дейилади. Позицион масалаларга қўйидагилар киради: текисликда тўғри чизик танлаш, берилган тўғри чизик, нукталар орқали тўғри чизик ва текисликлар ўтказиш, геометрик шаклларнинг ўзаро кесишишларига оид бўлган масалалар, яъни тўғри чизик билан текисликнинг кесишиши, текисликларнинг кесишган чизигини топиш ва сиртларни ўзаро кесишиш чизикларини аниқлаш кабилар.

**1- масала.** Ихтиёрий вазиятдаги  $\Phi(a \cap b)$  текислик билан  $m(m_1, m_2)$  тўғри чизикнинг кесишган нуктасини аниқлаш керак (168- шакл).

**Ечиш.** 1.  $m$  тўғри чизик орқали ёрдамчи  $\Gamma$  текислик ўтказилади, яъни  $\Gamma \supset m \wedge \Gamma \perp \Pi_1$ . Бунинг учун  $m_1$  орқали

текисликнинг горизонтал изи  $\Gamma_{H_1}$  ўтказилади ёки  $m_1 \in \Gamma_{H_1}$ .

2. Ердамчи  $\Gamma$  текислик, берилган  $\Phi$  текисликларнинг кесишган чизиги  $C$  топилади. Бунда.

$$a_1 \cap \Gamma_{H_1} = A_1; A_2 \in a_2$$

$$b_1 \cap \Gamma_{H_1} = B_1; B_2 \in b_2$$

$$AB(A_1B_1, A_2B_1) = \Phi \cap \Gamma = C$$


3.  $m$  түғри чизик билан  $C = AB$  чизикнинг кесишган нүктаси  $K$  аникланади:

$$c_2 \cap m_2 = K_2; K_1 \in c_1;$$


$$K(K_1, K_2) = m(m_1, m_2) \cap \Phi(a \cap b); K = m \cap c$$

бұлади.


**2- масала.**  $\Phi(\Phi_{H_1}, \Phi_{H_2})$  текислик билан  $l(l_1, l_2)$



168- шакл.



169- шакл



170- шакл

Түғри чизиккінг кесишган нұқтасини топиш керак (169-шакл).

**Ечиш.** 1.  $l(l_1, l_2)$  түғри чизик орқали ёрдамчи  $\Gamma$  текислик үтказилади.  $\Gamma \supseteq l \wedge \Gamma \perp \Pi_2$ . Бунинг учун,  $l_2$  орқали текисликтің фронтал изи  $\Gamma_{\Pi_2}$  үтказилади ёки  $l_2 \in \Gamma_{\Pi_2}$ .

2. Ёрдамчи  $\Gamma$  текислик билан берилған  $\Phi$  текисликтарнинг кесишган  $d$  чизиги топилади. Бунда:

$$\Gamma_{\Pi_2} \cap \Phi_{\Pi_2} = A_2, A_1 \in OX.$$

$$\Gamma_{\Pi_1} \cap \Phi_{\Pi_1} = B_1, B_2 \in OX. AB(A_1B_1, A_2B_2) = \Phi \cap \Gamma = d.$$

3.  $l(l_1, l_2)$  түғри чизик билан  $d(d_1, d_2)$  чизиккінг кесишган нұктаси  $K(K_1, K_2)$  топилади:

$$d = l \cap d; K(K_1K_2) = l(l_1, l_2) \cap \Phi(\Phi_{\Pi_1}, \Phi_{\Pi_2}).$$

**3- м а с а л а.** Ихтиёрий вазиятта жойлашған  $ABC(A_1B_1C_1, A_2B_2C_2)$  ва  $EKD$  ( $E_1K_1D_1, E_2K_2D_2$ ) текисликтарнинг үзаро кесишиш чизигини топиш керак (170-шакл).

**Ечиш.** Учбұрчаклар билан берилған текисликтарнинг кесишиш чизигининг проекциялари бир учбұрчакнинг иккі томонининг иккінчи учбұрчак текислиги билан кесишиш нұкталарыннан  $M_1, M_2$  ва  $N_1, N_2$  проекцияларини аниклаш орқали топилади. Бунинг учун  $EKD$  учбұрчакнинг  $E_1D_1, E_2D_2$  томонидан ёрдамчи  $\Gamma_{\Pi_1}$  горизонтал проекцияловчи текислик үтказилади ҳамда  $\Delta ABC$  ва  $\Gamma_{\Pi_1}$  текисликтарнинг кесишиш чизигининг  $1_12_1$  ва  $1_22_2$  проекциялари аникланади. Шунда  $E_1D_1, E_2D_2$  билан  $\Delta ABC$  текисликтің кесишган нұктаси  $M_1M_2$  бўлади. Худди шунингдек  $EKD$  текисликтің  $E_1K_1, E_2K_2$  томони орқали  $\Phi_{\Pi_1}$  текислик үтказилади ва бу текислик воситасида  $\Delta ABC$  ва  $E_1K_1, E_2K_2$  ларнинг кесишган нұктаси  $T_1T_2$  аникланади. Аникланган  $M_1$  билан  $T_1$  ва  $M_2$  билан  $T_2$  нұкталар үзаро туташтирилади. Натижада  $M_1N_1, M_2N_2$  изланадайтын чизик хосил бўлади. Лекин учбұрчаклар чегараланган шакллар бўлгани учун уларнинг кесишиш чизигининг проекциялари  $M_1M_2$  ва  $N_1N_2$  чегарасида бўлишини тушуниш кийин эмас. Учбұрчакларнинг үзаро кесишишида уларнинг томонларини кўринар ёки кўринмаслигини аниклашда конкурент нұкталардан фойдаланилади. Бу

масаланинг ечилиш алгоритмини символик белгилар билан ёзиш мумкин:

1.  $\Gamma_{II} \supset [DE] \Lambda \Gamma_{II_1} II_1; (12) = \Gamma_{II_1} \cap (ABC); M = (12) \cap \cap [DE].$
2.  $\Phi \supset [EK] \Lambda \Phi \perp II_1; (34) = \Phi \cap (ABC); N = = (34) II [EK].$
3.  $(MN) \supset M, N, T.$

## 6.2- §. Метрик масалалар

Юқорида айтилғандек, тұғри бурчаклы проекцияларда геометрик шакллар проекциялар текисликларига нисбатан ихтиёрий вазиятта жойлашишлари мумкин. Шунинг учун масофаларни, бурчакларни ва шаклларнинг ҳақиқий қыйматларини, комплекс чизмаларда аниклаш усулларини билиш зарурдир. Метрик масалалар асосан иккى турға бүлинади:

1. Иккى нұкталар орасидаги масофа, нұктадан текисликкача ва текисликлар орасидаги масофаларни аниклаш каби масалалар;

2. Ұзаро кесишувчи иккى тұғри чизиклар орасидаги бурчаклар, тұғри чизик ва текислик, иккى текислик орасидаги ҳосил болған бурчакларни аниклаш ҳамда текис шаклларнинг ҳақиқий катталикларини топиш каби масалалар киради. Метрик масалаларга оид айрим масалаларнинг ечилиши билан танишиб чыкамыз.



**1- масала.**  $A(A_1A_2)$  нұктадан ихтиёрий вазиятдаги  $q(q_1q_2)$  тұғри чизиккача булғай энг қыска масофа топилиши керак (171- шакл).

1)  $A$  нұктадан  $q$  тұғри чизикқа перпендикуляр  $\Phi(\Phi_{II}\Phi_{II_1})$  текислик утказилади. Бунинг үчун аввал бу текисликкінг фронтали  $a_1 a_2 A(A_1A_2)$  нұктадан  $q(q_1q_2)$  тұғри чизикқа перпендикуляр қилиб утказилади.

$$a_2 \supseteq A_2 \Lambda a_2 \perp q_2 \text{ ва } a_1 \supseteq A_1 \Lambda a_1 \parallel OX.$$

Фронталнинг горизонтал изининг  $I_2$  ва  $I_1$  проекцияларини белгилаймиз. Сунгра  $\Gamma$  текисликкінг горизонтал изини  $I_1$  дан  $\Gamma_{II} \perp q_1$  қилиб, фронтал изини эса  $\Gamma_x$  дан  $\Gamma_{II} \perp q_2$  қилиб утказамыз.

2) Берилған  $q$  тұғри чизикнинг  $\Gamma$  текислик билан кесишиш нұктасы  $K$  ның  $K_1K_2$  проекцияларини аниклайды. Бунинг үчун  $q$  тұғри чизикдан ёрдамчы фронтал проекцияловчи  $\Phi(\Phi_{II}\Phi_{II_2}) \equiv q(q_1q_2)$  текислик утказамыз



172-шакл


ва иккى текисликнинг  $l = \Gamma \cap \Phi$  кесишиш чизигининг  $l_1, l_2$  проекцияларини ясаймиз.  $q$  түгри чизикнинг  $l$  кесишиш чизиги билан кесишган нүктаси шу  $q$  түгри чизикнинг  $\Gamma$  текислик билан кесишган нүктаси бўлади:

$$K_1 = q_1 \cap l_1 \text{ ва } K_2 \equiv q_2.$$

3) А нуктанинг  $A_1$  ва  $A_2$  проекцияларини  $K$  нуктанинг  $K_1$  ва  $K_2$  проекциялари билан бирлаштирамиз. Хосил бўлган  $A_1K_1$  ва  $A_2K_2$  кесмалар  $A$  нуктадан  $q$  түгри чизиккача бўлган масофанинг проекциялари бўлади. Тўгри бурчакли  $\Delta A_0K_2A_2$ , ясаш иули билан изланган масофанинг  $A_0K_2$  ҳакиқий улчами топилади. 172-шаклда юқоридаги масаланинг проекциялар текисликларини алмаштириш усули билан ечилиши курсатилган. Бунинг учун  $q$  га параллел қилиб  $\Pi_1$  текисликни  $\Pi_4$  текислик билан шундай алмаштирамизки,  $\Pi_4 \parallel q_2$  бўлсин.  $\Pi_4$  текисликда  $q$  ва  $A$  ларни ортогонал проекциялаймиз ҳамда  $q_4$  түгри чизик ва  $A_4$  нуктанинг янги горизонтал проекцияларини хосил қиласиз. Сунгра  $\Pi_2$  текисликни  $\Pi_5$  текислик билан шундай алмаштирамизки,  $\Pi_5 \perp q_4$  бўлсин.  $\Pi_5$  текисликда  $q$  ва  $A$  ларнинг янги фронгал проекцияларини ясаймиз. Хосил бўлган  $A_5$  ва  $B_5 \equiv C_5$  нукталар орасидаги масофа  $A$  нуктадан  $q$  чизиккача бўлган масофа бўлади. Қисқа масофанинг  $\Pi_4$  даги проекцияси  $O_2X_2$  га параллел

жойлашган бўлади, фронтал ва горизонтал проекциялари эса  $Z$  ва у коррдинаталарини ўлчаб кўйиш йўли билан топилади.

**2-масала.** А нуктадан горизонтал  $h(h_1h_2)$  гача (173- шакл, а) ва  $A$  нуктадан фронтал  $f(f_1f_2)$  гача (173- шакл, б) бўлган масофа аниқланиси керак. Бундай масаланинг ечилиши ихтиёрий вазиятдаги тўғри чизикларга нисбатан бирмунча осондир.




173- шакл.

**Ечиш.** Тўғрибурчакни проекциялаш шартига биноан тўғридан-тўғри  $A$  нуктадан  $h_1$  чизикка перпендикуляр туширилади (173- шакл, а). Уларнинг кесишиган  $K_1$  нуктасини белгилаб, сўнгра унинг фронтал проекцияси  $K_2$  топилади. Хосил бўлган  $A_1K_1$ ,  $A_2K_2$  чизик изланаштган кесманинг проекциялари бўлади. Тўғри бурчакли учбуручак қуриш йули билан кесманинг  $A_0K_1$  ҳақиқий катталиги аниқланади. 173- шакл, б да нуктадан фронтал проекциялар текислигига параллел бўлган  $f(f_1f_2)$  тўғри чизикқача бўлган масофанинг ҳақиқий катталиги  $A_0K_2$  ни аниқланиши кўрсатилган. Нуктадан тўғри чизикқача бўлган масофани текисликнинг горизонтал ёки фронтал чизиги атрофида айлантириб, проекциялар текисликларидан бирортасига параллел вазиятга келтириб ҳам топиш мумкин, чунки нукта ва тўғри чизик текисликни ифодалайди. 174- шаклда  $A$  нуктадан  $l(l_1l_2)$  тўғри чизикқача бўлган масофа  $ABC$  текисликнинг  $A$  нуктасидан ўтказилган  $A_1$


горизонтал чизик атрофида айлантириб топилиши күрсатилган. Бунда айланиш ўки  $A_1l_1$ ,  $A_2l_2$  да ётган  $A_1A_2$  ва  $l_1l_2$  нукталар айлантириш вақтида вазиятларини ўзгартирмайдилар. Шунинг учун кесманинг  $B_1B_2$ ,  $C_1C_2$  нукталарини айлангандан кейинги вазиятини аниклаш етарлидир. Бу нукталар айланиш ўкига перпендикуляр бўлган  $F_B$  текисликда  $B_1B_2$  нукта,  $C_1C_2$  нукта эса  $\Phi_c$  текисликда ҳаракатланади. Энди  $B_1B_2$  нуктанинг ҳаракати билан танишиб чиқамиз.  $B_1B_2$  нуктанинг айланиш маркази  $F_B$  текисликнинг  $A_1l_1$ ,  $A_2l_2$  билан кесишган  $O_1O_2$  нуктасида бўлади, бу нуктани  $B_1B_2$  нукта билан бирлаштириб айланниш радиусини  $O_1B_1$ ,  $O_2B_2$  аниклаймиз.  $ABC$  текислик  $\Pi_1$  га параллел вазиятга келганда  $B$  ва  $C$  нукталарнинг айланиш радиуслари  $\Pi_1$  текисликка ҳақиқий катталигида проекцияланади. Шунга кўра, айланиш радиусининг ҳақиқий катталигини топиш лозим. Бунинг учун  $B_1B_2$  нукта айланиш радиусининг  $O_1B_1$ ,  $O_2B_2$  проекцияларидан фойдаланиб тўғри бурчакли учбurchак ясаймиз, унинг  $O_1B_0$  гипотенузаси айланиш радиусининг ҳақиқий катталигига эга.  $O_1$  нуктадан  $F_B$  бўйича  $O_1B_0$  кесмани ўлчаб қўйиб ва нуктанинг айлангандан кейинги вазияти  $B_1$  ни ва у бўйича унинг фронтал проекцияси  $\bar{B}_2$  ни аникланади.  $C_1C_2$  нуктани ҳам худди шундай айлантириб, унинг  $\bar{C}_1\bar{C}_2$  проекциялари топилади. Лекин  $C_1C_2$  нукта  $C_1l_1$ ,  $C_2l_2$  тўғри чизикда ётади ва  $\Phi_c$  текисликда ҳаракатланади. Шу сабабли  $\bar{C}_1$  нукта  $\bar{B}_1l_1$  тўғри чизикнинг  $\Phi_c$  билан кесишган нуктасида бўлади.  $A_1$  нуктадан  $\bar{B}_1\bar{C}_1$  тўғри чизикка перпендикуляр туширилади. Ҳосил бўлган  $A_1\bar{K}_1$  кесма  $A$  нуктадан  $BC$  тўғри чизикка бўлган масофани ифодалайди. (яъни  $A_1\bar{K}_1 = AK$ ).

**З-масала.**  $A(A_1A_2)$  нуктадан ихтиёрий вазиятдаги  $\Sigma(\Sigma_{\Pi_1}, \Sigma_{\Pi_2})$  текисликка қадар бўлган энг киска масофани аниклаш керак (175- шакл, а). Нуктадан текисликка қадар бўлган энг киска масофани аниклаш учун нуктадан берилган текисликка перпендикуляр туширилади ва унинг текислик билан кесишган нуктаси аникланади. Шу



174- шакл.

нуктадан берилген нуктага қадар бүлган масофа изланаетгандын көрүшінде масофа бүлади. Бунинг учун  $A_1$  дан  $\Sigma_{H_1}$  га,  $A_2$  дан  $\Sigma_{H_2}$  га перпендикуляр туширилады (түгри чизикнинг текисликка перпендикулярлык шартын асосан). Сүнгра бу перпендикулярни  $\Sigma_{H_1}\Sigma_{H_2}$  текислик билан кесишгандын нуктасы топилады. Шу мәксадда  $l_1l_2$  перпендикуляр орқали горизонтал проекцияловчи  $\Gamma_{H_1}\Gamma_{H_2}$  ёрдамчы текислик үтказылады.  $\Gamma_{H_1}\Gamma_{H_2}$  ва  $\Sigma_{H_1}\Sigma_{H_2}$  текисликларнинг  $1_12_1$ ,  $1_22_2$  кесишгандын чизиги аникланиб, бу чизикнинг  $A_1A_2$  дан туширилген перпендикуляр билан кесишгандын нуктасы  $E_1E_2$ , шу перпендикулярнинг  $\Sigma_{H_1}\Sigma_{H_2}$  текисликтеги асоси бүлади.




175- шакл.

Чизмадаги  $A_0E_1=AK$  кесма изланаетгандын ифодалайды. Нуктадан текисликка қадар бүлган масофаны аниклашда текислик проекцияловчи вазиятта берилса (175- шакл, б), масала осонлик билан ечилади, яъни перпендикулярнинг асоси  $E$  нинг битта проекцияси текисликнинг изи билан құшилиб қолади. Бұндап ташқары изланаетгандын кесма проекциялар текисликларидан (бизни мисолда  $H_2$  га) бирортасыга параллел жойлашған бўлиб,

текисликка ўзгармасдан ҳақиқий катталиги билан проекцияланади, яъни  $A_2E_2 = AE$ .

**4- масала.**  $A(A_1A_2)$  нуктадан  $\Phi(\Phi_{\Pi_1} \Phi_{\Pi_2})$  текисликка бўлган масофа проекциялар текисликларини алмаштириш усули билан топилиши керак (176- шакл). Бу масалани ечишда 175- шакл, б даги масаланинг ечими асос бўлади. Бу ерда  $O_1X_1 \perp \Phi_{\Pi_1}$  қилиб ўтказилади ва уларнинг кесишиш нуктаси  $K_4$  ни белгилаймиз. Сўнгра  $\Phi_{\Pi_2}$  да  $I_1I_2$  нукта танлаб оламиз ва унинг горизонтал проекцияси  $I_1$  дан  $O_1X_1$  га перпендикуляр ўтказилади. Бу перпендикулярни  $O_1X_1$  билан кесишган нуктасидан бошлаб  $I_1I_2$  га тенг бўлган кесмани ўлчаб кўйиб  $I_4$  нуктани белгилаймиз ( $I_1I_4 = I_1I_2$ ).  $K_4$  ва  $I_4$  нукталарни ўзаро туташтирасак,  $\Phi_{\Pi_1} \Phi_{\Pi_2}$  текисликнинг  $\Pi_4$  даги янги  $\Phi_{\Pi_4}$  изи хосил бўлади.  $A_1$  дан  $O_1X_1$  га перпендикуляр туширамиз ва перпендикулярни  $O_1X_1$  билан кесишган нуктасидан бошлаб  $A_1A_2$  га тенг бўлган кесмани ўлчаб кўйилади ва  $A_4$  нукта аникланади. Сўнгра  $A_4$  дан  $\Phi_{\Pi_4}$  га перпендикуляр ўтказилади, ўтказилган перпендикулярни  $\Phi_{\Pi_4}$  билан кесишган  $E_4$  нуктадан  $A_4$  нуктагача бўлган масофа изланаётган масофа бўлади ( $E_4A_4 = EA$ ).

**5- масала.**  $P(P_1P_2)$  нуктадан  $ABC$  текисликка қадар бўлган масофани аниклаш керак (177- шакл).



176- шакл.

177- шакл.

Аввало  $ABC$  текисликнинг горизонтал  $A_1$  ва фронтал  $C_2$  чизиклари ўтказилади.

Кейин  $P_1$  нуктадан  $A_{11}$  чизикка ва  $P_2$  нуктадан  $C_{22}$  чизикка перпендикуляр туширилади. Ўтказилган перпендикуляр билан  $ABC$  текисликнинг кесишган нуктаси топилади. Бунинг учун:  $P_2K_2$  перпендикуляр оркали ёрдамчи проекцияловчи  $\Phi(\Phi_{H_1}, \Phi_{H_2})$  текислик ўтказилади.

$\Phi(\Phi_{H_1}, \Phi_{H_2})$  текислик билан  $ABC$  ( $A_1B_1C_1, A_2B_2C_2$ ) текисликнинг кесишган чизиги  $MN(M_1N_1, M_2N_2)$  аникланади.

Топилган кесишиш чизиги билан перпендикулярнинг кесишган  $K(K_1K_2)$  нуктаси аникланади.  $P_1K_1, P_2K_2$  кесманинг ҳақиқий катталиги —  $P_2\bar{K}_2 = PK$  ни айлантириш усулидан фойдаланиб аниклаш мумкин.

**6-масала.** Ўзаро параллел  $a$  ва  $b$  тўғри чизиклар орасидаги масофани топиш керак (178-шакл). Бу масала умумий усул билан қўйнадагича счилади:


Берилган  $a \parallel b$  тўғри чизикларга перпендикуляр бўлган бирор  $\Gamma$  текислик

ўтказилади (бунда  $\Gamma_{H_1} \perp a_1(b_1)$ ;  $\Gamma_{H_2} \perp a_2(b_2)$ ).  $\Gamma$  текислик билан  $a$  ва  $b$  тўғри чизикларнинг кесишган нуқталари топилади ( $M_1M_2$  ва  $N_1N_2$  нукталар). Топилган нуқталарнинг бир номли проекциялари бирлаштирилади. Ҳосил бўлган  $M_1N_1$  ва  $M_2N_2$  кесманинг ҳақиқий катталиги учбурчак усулидан фойдаланиб аникланади. Бу масалани алгоритмли ёзилиши қўйидагича бўлади:

$$\begin{aligned} & \Gamma \supset a, b \wedge \Gamma \perp a \wedge b; \Phi \supset b \wedge \Phi \perp H_2; \\ & (12) = \Phi \cap \Gamma; \Sigma \supset a \wedge \Sigma \perp H_2; (34) = \Sigma \cap \Gamma. \\ & M = b \cap (12); N = a \cap (34); MN = (N_1M_0). \end{aligned}$$


**7- масала.** Ўзаро параллел  $a$  ва  $b$  тўғри чизиқлар орасидаги масофа проекциялар текисликларини алмаштириш усулидан фойдаланиб аникланиши керак (179- шакл). Маълумки, ўзаро икки перпендикуляр текисликлар тизимида тўғри чизик бирор текисликка перпендикуляр бўлса, иккинчисига параллел бўлади. Шунинг учун ихтиёрий вазиятдаги тўғри чизикни проекцияловчи (перпендикулярлар) вазиятга келтириш учун биринчи янги текисликни берилган тўғри чизикка параллел қилиб ўтказилади, иккинчи янги текисликни эса тўғри чизиқнинг янги вазиятига перпендикуляр қилиб ўтказамиш; тўғри чизик бу текисликка нукта кўринишида проекцияланади. Шунга кўра эпюрда  $O_1X_1$  ўкни  $a_1$  ва  $b_1$  га параллел ўтказиб,  $\Pi_1$  тизимида тўғри чизиқларнинг  $a_4$  ва  $b_4$  проекцияларини оламиш. Сўнгра  $O_2X_2$  ўкни  $a_4$  ва  $b_4$  ларга перпендикуляр ўтказиб, янги  $\frac{\Pi_4}{\Pi_5}$  тизимида тўғри чизиқларни  $\Pi_5$  текисликка перпендикуляр вазиятга келтирилади, бунда тўғри чизиқларнинг проекциялари (алоҳида-алоҳида) бир нуқтада ( $a_5$ ,  $b_5$ ) бўлиб колади. Бу ерда  $a_5$  ва  $b_5$  кесмалар  $\Pi_5$  текисликка перпендикуляр бўлганлиги учун, биридан иккинчисига туширилган перпендикуляр изланаётган  $E_5K_5$  кесма бўлади.

**8- масала.** Умумий вазиятда берилган  $\Gamma$  ва  $\Phi$  параллел текисликлар орасидаги масофа айлантириш усули билан топилиши керак (180- шакл). Маълумки,  $\Pi_2$  га




проекцияловчи текисликнинг горизонтал изи  $OX$  ўқига перпендикуляр жойлашган булади. Шунинг учун  $\Gamma$  ва  $\Phi$  текисликларнинг горизонтал изларини  $OX$  ўқига перпендикуляр вазиятга келгунча айлантирамиз. Бунда айланиш  $Z_1Z_2$  укини  $\Pi_1$  га перпендикуляр қилиб ўтказилади.  $\Gamma_{II}$  ва  $\Phi_{II}$  изларни  $OX$  ўқига перпендикуляр вазиятга келтириш учун  $Z_1$  нуктадан  $\Gamma_{II}$  ва  $\Phi_{II}$  ларга перпендикуляр тушириб, улар билан кесишган  $K_1K_2$  ва  $M_1M_2$  нукталарни белгилаймиз ва бу перпендикуляр  $OX$  билан жипслашгунча айлантирилади. Сунгра  $M_1$  ва  $K_1$  нукталарнинг янги вазияти  $M_1$  ва  $K_1$   $OX$  га перпендикуляр ўтказиб,  $\Phi_{II}$  ва  $\Gamma_{II}$  ларни оламиз,  $\Phi_{II_2}$  ва  $\Gamma_{II_2}$  лар эса  $M_1$ ,  $K_1$  ва  $Z_1Z_2$  билан  $\Gamma_{II_2}$  ва  $\Phi_{II_2}$  ларнинг кесишган нукталари  $E_2$  ва  $D_2$  орқали ўтказилади, чунки  $E_2$  ва  $D_2$  нукталар қўзгалмас нуктадир.  $\Phi_{II}$  изда бирор масалан,  $A_2$  нукта танлаб  $\Gamma_{II}$  изга перпендикуляр тушириб, изланаётган  $A_2B_2=AB$  кесма ҳосил булади.

**9-масала.** Излари билан берилган ихгиёрий вазиятдаги  $\Sigma(\Sigma_{II}, \Sigma_{II_2})$  ва  $\Gamma(\Gamma_{II}, \Gamma_{II_2})$  параллел текисликлар орасидаги масофа проекциялар текисликларини алмаштириш усули билан аникланиши керак (181- шакл). Бунинг учун  $O_1X_1$  янги ўқ  $\Sigma_{II}$  ва  $\Gamma_{II}$  ларга перпендикуляр қилиб ўтказилади.  $\Gamma$  текисликда бирорта масалан,  $A_1A_2$  нукта олиб,  $A_1$  дан  $O_1X_1$  га перпендикуляр ўтказилади ва бу перпендикулярнинг  $O_1X_1$  билан кесишган  $A_1$  нуктасидан



181- шакл.



182- шакл.


бошлаб  $A_1A_2 = Z_A$  кесма ўлчаб қўйилади ва  $A_4$  нукта белгиланади. Белгиланган  $A_4$  билан  $\Gamma_{x_1}$  лар ўзаро бирлаштирилиб  $\Gamma$  текисликнинг янги  $\Pi_4$  текисликдаги  $\Gamma_{\Pi_4}$  изи ҳосил бўлади.  $\Sigma_{x_1}$  дан  $\Gamma_{\Pi_4}$  га параллел чизик ўтказилади. Натижада  $\Sigma$  текисликнинг  $\Pi_4$  текисликдаги яйги  $\Sigma_{\Pi_4}$  изига эга бўлинади.  $\Gamma_{\Pi_4}$  изда бирор, масалан,  $B_4$  нукта олиб  $\Sigma_{\Pi_4}$  га перпендикуляр тушириб  $K_4$  нуктага эга бўламиз. Ҳосил бўлган  $B_4K_4$  кесма изланаетган кесма бўлади.

**10- масала.**  $A$  нуктадан доираний конусгача бўлган масофа аникланиши керак (182- шакл).


**Ечиш:** Нуктадан конус сиртигача бўлган масофа, шу нуктадан конус ясовчисининг ҳакиқий катталигига туширилган перпендикуляр билан ўлчанади. Шунинг учун  $A(A_1A_2)$  нукта оркали ўтувчи  $S_{111}$ , ~~S<sub>112</sub>~~ конус ясовчисининг ҳакиқий катталиги конус ўқи ( $z_1z_2$ ) атрофида,  $\Pi_2$  текисликка параллел бўлгунча айлантириб топилади.  $\bar{A}_2$  нуктадан  $\bar{\Gamma}_2S_2 = S_1$  ясовчига перпендикуляр чизик туширилади.

Ҳосил бўлган  $\bar{A}_2\bar{K}_2 = AK$  изланаетган масофа бўлади.  $A_1K_1$  ва  $A_2K_2$  ҳакиқий катталиктининг тегишли проекцияларидир.

**11- масала.**  $A(A_1A_2)$  нуктадан шар сиртигача бўлган энг киска масофа топилиши керак (183- шакл).



183- шакл.



184- шакл.

**Ечиш:** Бунинг учун  $A$  нүкта шар маркази билан бирлаштирилади. Аниқланган  $O_1A_1$ ,  $O_2A_2$  кесманинг ҳақиқий  $OK$  катталиги топилади (бу мисолда айлантириш усули билан топилган). Топилган ҳақиқий  $OK = O_2\bar{A}_2$  шар билан  $K_2$  нүктада кесишади. Ҳосил бўлган  $\bar{A}_2\bar{K}_2 = AK$  изланаетган масофани ифодалайди.  $A_1K_1$  ва  $A_2K_2$  кесмалар эса, унинг горизонтал ва фронтал проекциялариридир.

**12- масала.** Ўзаро  $B(B_1B_2)$  нүктада кесишувчи  $a(a_1a_2)$  ва  $b(b_1b_2)$  тўғри чизиклар орасидаги бурчак аниқланиши керак (184- шакл). Бу масалани ечиш учун берилган бурчакнинг горизонтал ёки фронталидан фойдаланамиз. Бу ерда бурчакнинг ҳақиқий катталигини аниқлаш учун унинг  $h(h_1, h_2)$  горизонталини ўтказамиз. Чизмада ҳосил бўлган  $\angle C_1B_1D_1$  ва  $C_2B_2D_2$  нинг ҳақиқий ўлчамини аниқлаш учун  $B_1B_2$  нүктанинг айлантириш радиусининг ҳақиқий ўлчамини аниқлаш етарлидир. Бунинг учун  $B_1$  нүктадан  $h_1$  га перпендикуляр ўтказамиз ва айлантириш радиуси марказининг  $O_1$  ва  $O_2$  проекцияларини, сўнгра айлантириш радиусининг  $B_1O_1$  ва  $B_2O_2$  проекциялари орқали тўғри бурчакли  $O_1B_1B_0$  учбурчак ясаш билан унинг ҳақиқий ўлчами  $O_1B_0 = R$  ни аниқлаймиз.  $B$  нүктанинг янги вазиятини ясаш учун  $O_1$  дан  $R$  радиус билан  $O_1B_1$  перпендикулярнинг давоми билан кесишгунча ёй чизамиз ва ҳосил бўлган  $\bar{B}_1$  билан  $D_1$  ва  $C_1$  нүкталарни бирлаштирамиз. Ҳосил бўлган бурчак  $\alpha = \angle D_1\bar{B}_1C_1$  изланаетган бурчак булади.


**13- масала.**  $K(K_1K_2)$  нүктада кесишувчи  $a(a_1a_2)$  ва  $b(b_1b_2)$  тўғри чизиклар орасидаги бурчак проекциялар текисликларини алмаштириш усулидан фойдаланиб топилиши керак (185- шакл).

**Ечиш.** Бунинг учун  $\Gamma(a \cap b)$  текисликни  $MN$  горизонтал чизиги ўтказилади.  $\Pi_2$  текислик янги  $\Pi_4$  текислик билан алмаштирилади, бу текислик  $MN$  тўғри чизикка перпендикуляр бўлганлиги учун бурчак текислигига ҳам перпендикулярдир.  $\Pi_1$  текислик  $\Pi_5$  текислик билан алмаштирилиб, бурчак текислигига параллел вазиятга келтирилади. Ҳосил бўлган бурчак  $\alpha = \angle N_5K_5M_5$  изланаетган бурчакнинг ҳақиқий катталигига teng булади.

**14- масала.**  $\Gamma(\Gamma_{II}, \Gamma_{II_2})$  текислик билан  $a$  тўғри чизик орасидаги бурчакни топиш керак.

Тўғри чизик билан текислик орасидаги бурчак, шу тўғри чизик ва унинг текисликтаги проекцияси орасидаги ўткир бурчак билан ўлчанади (186- шакл). Масаланинг ечилиши:

Түғри чизик билан текисликкниң кесишгән «К» нүктасы топилади (186- шакл, а). Түғри чизиккниң бирор нүктасыдан текисликка ( $BC$ ) перпендикуляр тушриләди. Тушрилгән түғри чизик билан текисликкниң кесишгән  $C$  нүктаси аниқланади. Аниқланган  $C_1K$  нүкталар ўзаро туташтириләди.  $BKC$  бурчаккында ҳақиқий катталиги топилади.




185- шакл.

Бундай ечиш усулы анча мураккаб бўлганлиги учун түғри чизик билан текислик орасидаги бурчакни ўзини эмас, балки уни  $90^\circ$  га тўлдирувчи кўшимча β бурчакни топиш йўли билан аниқланади ва у қўйидаги тартибда ечилади:

Берилган түғри чизиккниң бирор нүктасидан текисликка перпендикуляр чизик тушриләди. Ҳосил бўлган  $ABC$  бурчак текислигининг ҳақиқий катталигини хоҳлаган усулда топиш мумкин. Энди юқоридаги мисолни эпюрда ечамиз (186- шакл, б).

1. а түғри чизиккниң бирор  $B(B_1B_2)$  нүктасидан  $\Gamma_{H_1}$ ,  $\Gamma_{H_2}$  текисликка перпендикуляр тушриләди, яъни:  $B_1C_1 \perp \Gamma_{H_1}$ ,  $B_2C_2 \perp \Gamma_{H_2}$ .



186- шакл.


2. Хосил бўлган  $ABC$  ( $A_1B_1C_1, A_2B_2C_2$ ) учбурчакнинг ҳақиқий катталиги унинг  $C_1D_1, C_2D_2$  горизонтали атрофида айлантириб 167- шаклдагидек аниқланади ва  $a(a_1a_2)$  тўғри чизик билан  $\Gamma_{H_1}\Gamma_{H_2}$  текислик орасидаги бурчак  $\alpha = \angle 90 - \beta$  излангаётган бурчак бўлади. Ҳудди шу масалани 186- шакл, в да проекциялар текисликларини алмаштириш усулидан фойдаланиб, 158- шаклдагидек қилиб ечиб излангаётган бурчак  $\alpha = \angle 90 - \beta$  га эга бўлиш мумкин.

**15- масала.** Ихтиёрий вазиятдаги икки  $A_1B_1C_1, A_2B_2C_2$  ва  $B_1C_1D_1, B_2C_2D_2$  учбурчаклар билан берилган текисликлар орасида хосил бўлган бурчакнинг ҳақиқий катталиги топилиши керак (187- шакл). Бу икки текислик орасидаги икки ёкли бурчак ўлчами бу текисликларининг кесишган чизигига перпендикуляр ўтказилган текислик билан шу текисликларининг кесишган чизиги орасидаги чизикли бурчак билан ўлчанади. Шунинг учун янги проекциялар текислигини икки текисликларинг умумий  $BC$  кесишиш чизигига перпендикуляр қилиб

олинади. Аммо  $BC$  қирра умумий вазиятда бўлгани учун  $O_1X_1 \perp \frac{H_2}{H_1}$  проекциялар

текисликлари тизимини аввал  $O_1X_1 \perp \frac{H_4}{H_1} \parallel BC$  килиб (эпюорда  $O_1X_1 \mid B_1C_1$ ), сунгра  $O_2X_2 \perp \frac{H_4}{H_5} \perp BC$  килиб ( $O_2X_2 \perp B_4C_4$ ) кетмакет алмаштирамиз.

Шунда  $B_1C_1, B_2C_2$  қирра бу текисликка  $B_5 = C_5$  нукта кўринишида,  $A_1B_1C_1, A_2B_2C_2$  ва  $B_1C_1D_2$  учбуручаклар эса проекцияловчи вазиятда жойлашиб иккита алоҳида тўғри чизик  $A_5C_5$  ва  $B_5D_5$  кўринишида проекцияланади. Ҳосил бўлган  $A_5B_5D_5$  бурчак изланётган бурчакни ифодалайди, яъни  $A_5B_5D_5 = \angle \alpha$ .



187- шакл

## 7- боб. ТЕКИС ВА ФАЗОВИЙ ЭГРИ ЧИЗИҚЛАР

### 7.1- §. Эгри чизиклар тўғрисида маълумотлар

Эгри чизиклар техникада фазовий геометрик шаклларни тасвирлашда, шунингдек жисмларнинг сиртларини ҳосил килиш учун кенг миёсда ишлатилади.

Чизма геометрия нуктаи назардан эгри чизиклар фазода маълум йўналишда нукталарнинг узлуксиз харатидан ҳосил бўлган геометрик ўрни деб каралади. Бундан ташкиари эгри чизиклар сиртларнинг ўзаро кесишишидан ҳам ҳосил бўлади. Эгри чизиклар нукталарнинг текисликларда жойланиш ҳолатларига нисбатан текис ва фазовий бўладилар.

Агар эгри чизикнинг ҳамма нукталари битта текисликда ётса текис эгри чизик, агар ҳар хил текисликларда ётса фазовий эгри чизик дейилади. Текис эгри чизикларга айлана, эллипс, парабола, гипербола ва х. к. лар киради. Фазовий эгри чизикларга винт чизиклари киради. Бу чизиклар табиатан маълум қонунга мувофиқ ҳосил бўладиган алгебраик тенгламалар билан аниклана-

ди. Тенгламаларнинг даражасига қараб эгри чизикларнинг тартиби аниқланади.

Текис эгри чизикларнинг тартиби уларнинг түғри чизик билан кесишган нуктадар сони билан аниқланади. Фазовий эгри чизикларнинг тартиби эса уларнинг текислик билан кесишган нуктадар сони билан белгиланади.

Эгри чизиклар қуидаги хусусияларга эга:

1. Умумий ҳолда эгри чизикнинг текисликдаги проекцияси ҳам эгри чизик бўлади.


2. Агар нукта бирор эгри чизикка тегишли бўлса, унинг бирор текисликдаги проекцияси эгри чизикнинг бир номли проекцияларига тегишли бўлади.

3. Эгри чизикка ўтказилган уринма, эгри чизик проекциясига ҳам уринма бўлади.

Эгри чизикларнинг турлари билан танишиб чиқамиз.

## 7.2- §. Текис эгри чизиклар

Техникада кенг миёсда тарқалган эгри чизиклардан бири текис эгри чизиклардир. Бу чизикларнинг хусусиятларини, яъни эгри чизикдаги ҳар бир нуктанинг ҳаракат йўналишини ўрганиш учун уларга уринма ва нормаллар



188- шакл.

ўтказилади. Масалан,  $m$  эгри чизикдаги икки  $A$  ва  $C$  нуктадардан түғри чизик ўтказиб  $AC$  ватар кесмаси ҳосил килинади. Сунгра  $A$  нукта  $C$  нукта билан устма-уст тушгунча  $C$  нукта атрофида айлантирилади. Натижада  $AC$  ватарнинг узунлиги лимит ҳолига келиб,  $Ct$  ҳолатни ишғол киласи. Бу чизикни ярим уринма чизик дейилади (188- шакл).

С нукта орқали ўтиб, ярим уринма чизикка перпендикуляр ўтказилган түғри чизик шу эгри чизикнинг нормал чизиги дейилади.

Чизма геометрияда айрим масалаларни ечишда эгри чизикка уринма чизик ўтказишга тўғри келади. Қуйида бир неча масалаларнинг ечимлари келтирилган:

**1- масала.**  $m$  эгри чизикдан ташқаридаги  $A$  нукта орқали, шу эгри чизикка уринма ўтказиш керак (189- шакл).

**Ечиш.** 1)  $A$  нүкта орқали эгри чизикни кесиб ўтувчи  $a_1$ ,  $a_2$ ,  $a_3$  тўғри чизиклар ўтказилади.


2)  $a_1$ ,  $a_2$  ва  $a_3$  чизиклар эгри чизик билан кесишиб 12, 34 ва 56 ватарларни ҳосил қиласди.

3) Ватарларни тенг иккига бўлиб 7, 8, 9 нукталарга эга бўлинади.

Бу нукталарни эса равон килиб бирлаштирилади. Натижада  $l$  эгри чизик ҳосил қиласди.

3)  $m$  ва  $l$  эгри чизикларнинг кесишган  $M$  уриниши нуктаси аникланади.

4)  $M$  ва  $A$  нукталарни бирлаштириб, изланаётган  $t$  уринма чизикка эга бўлинади.



189- шакл.

**2- масала.** Берилган  $s$  тўғри чизик йўналишига параллел вазиятда  $m$  эгри чизикка уринма чизик ўтказилиши керак (190- шакл).

**Ечиш.** 1)  $m$  эгри чизикни кесувчи ва  $s$  тўғри чизикка параллел  $a_1$ ,  $a_2$  ва  $a_3$ ... чизиклар ўтказилади.

2)  $a_1$ ,  $a_2$  ...  $a_3$  ва  $m$  эгри чизиклар ўзаро кесишиб 12, 34, 56 ватарларни ҳосил қиласди.

3) Бу ватарлар тенг иккига бўлиниб, ҳосил бўлган ўрта нукталар равон килиб бирлаштирилади.

4) Аникланган  $l$  эгри чизик билан  $m$  эгри чизикнинг кесишган  $M$  нуктаси топилади.


5)  $M$  нуктадан  $s$  тўғри чизикка параллел килиб изланаётган  $t$  уриниши чизиги ўтказилади.

**3- масала.** Текисликда  $l$  эгри чизик ва ундан ташкарида  $A$  нукта берилган. Шу нуктадан эгри чизикка нормал чизик ўтказилиши керак (191- шакл).

**Ечиш.** 1)  $A$  нуктани айланга маркази деб қабул қилиб, берилган эгри чизикни кесиб ўтувчи ҳар хил радиусларда бир неча айланалар чизилади.

2) Бу айланалар эгри чизик билан кесишиб  $1_1$ ,  $2_1$ ,  $3_1$ ,  $4_1$  ватарларни ҳосил бўлади.

3)  $1_1$ ,  $2_1$ ,  $3_1$ ,  $4_1$  ва  $1_1$ ,  $2_1$ ,  $3_1$ ,  $4_1$  нукталардан ватарларга перпендикуляр қилиб бир-бирларига қарама-қарши бўлган чизик ўтказилади ва шу перпендикуляр чизикларга ватарларнинг узунликлари тегишлича ўлчаб қўйилади, яъни  $1_1$  ва  $1_1$  нукталардан  $1_1$  ватарни,  $2_1$  ва  $2_1$  нукталардан эса  $2_1$  ватарлар узунлиги ўлчаб қўйилади ва х. к.



190- шакл



191- шакл

4) 5, 6, 7..12 нүкталарни ўзаро бирлаштириб  $t$  эгри чизик ҳосил килинади.

5)  $t$  эгри чизик / эгри чизик билан кесишиб  $M$  нүкта ни ҳосил қиласы.

6)  $M$  ва  $A$  нүкталар узаро бирлаштирилади.


Натижада изланада нормал чизик ҳосил булади.

**Текис эгри чизикнинг маҳсус нүкталари.** Агар эгри чизикнинг хоҳлаган бирор нүктасидан утказилган икки ярим уринма қүшилиб бир туғри чизикда ётса эгри чизик бу нүктада текис булади, аксинча қүшилмаса · текис бўлмайди. Шу нүктаи назардан қаралганда эгри чизикларда куйидаги маҳсус нүкталарни учратиш мумкин:

1) Қайрилиш  $M$  нүктаси — бунда уриниш чизиги / эгри чизикни кесишиб утади (192- шакл, а).

2) Қайтиш  $B$  нүктаси -- бунда  $l$  эгри чизик ўз йўналишини  $B$  нүктадан узгаргириб, уринма эгри чизикнинг икки томони бўйича уринишиб утади (192- шакл, б).

3) Қайтиш-нүктасининг иккинчи ҳоли (клюв) (С) — бунда эгри чизикнинг икки тармоги умумий уринма ва нормал чизикларга нисбатан бир томонда жойлашган булади (192- шакл, в).



192- шакл

4) Құшалоқ нұқта ёки түгун нұқта (K) — бунда әгри чизик үз-үзини кесиб үтади. Құшалоқ нұқта орқали иккита  $t_1$  ва  $t_2$  уринма чизикларни үтказиш мүмкін (192- шакл, г).

**Текис әгри чизикнинг эгрилиги.** Әгри чизикларнинг хусусиятларини үрганиш жараёнларида, унинг баъзи нұқталарининг эгрилигини аниклашга түғри келади. Маълумки, әгри чизикнинг йұналиши бир нұқтадан иккінчи нұқтага караб үзгариб боради. Шунинг учун унда ётувчи нұқталарнинг эгрилиги ҳар хил бўлади. Текис  $a$  әгри чизикда ётувчи  $A_1$  нұктасынинг эгрилиги (193- шакл), шу  $A_1$  нұқтадан ва унинг құшни  $A_2$  нұктасидан үтказилган

уринмалар  $t_1$ ,  $t_2$  орасидаги  $\varphi$  бурчакни  $A_1A_2$  ёйга бўлган нисбати, шу әгри чизикнинг эгрилик даражасини билдиради, яъни,  $K = \lim_{\substack{\Phi_1 \\ A_1A_2}} \frac{\Phi_1}{\widehat{A_1A_2}}$ ; бунда  $A_1$  нұқта  $A_2$  нұқтага нисбатан харакатланиб бориши керак.

Тўғри чизикнинг ҳар қандай нұктасининг эгрилиги нолга тенг. Айлананинг ҳамма нұқталарини эгрилиги бир

хил бўлади.  $A_1$  ва  $A_2$  нуқталардан ўтказилган нормалларнинг кесишишидан ҳам  $\phi$  бурчак ҳосил бўлади.

Айлананинг ҳамма нуқталарининг эгрилиги шу айлана радиусига тескари микдорда бўлади. Яъни:

$$K_{\text{айл.}} = \frac{1}{R},$$


$R$  — айлана радиуси қанчалик катта бўлса,  $K$  — шунча кичик бўлади ҳамда эгрилик радиусга тенг бўлади:

$$r_{\text{эр.}} = R$$

Бошқа ҳар қандай эгри чизикнинг эгрилиги ҳар бир нуқта учун ҳар хил булиб, унинг эгрилик даражаси шу нуқтага тегиб ўтган айлана ёрдамида аниқланади.

Бу ерда эгрилик маркази ( $O$ ) ва эгрилик радиуси ( $r$ ) деган термин ишлатилади.

194- шаклда  $a$  — эгри чизикнинг  $A_1$  нуқтаси учун эгрилик радиуси ( $r_A$ ) ва эгрилик маркази ( $O_A$ ) ни аниқланиши кўрсатилган.



Эгри чизикдаги  $A_1$  нуқтанинг ҳар икки томонидан бир нечта нуқталарни (1, 2, 3) белгилаб, бу нуқталар оркали уринмалар ўтказилади. Бу  $t_1$ ,  $t_2$  ва  $t_3$  уринма чизикларга 1, 2, 3 ва  $A$  нуқталардан ихтиёрий, лекин бир хил ( $l$ ) узунликдаги кесмалар ўлчаб қўйилади.

Хосил бўлган  $1_1, A_2, 2_1$  ва  $3_1$  нукталар кетма-кет ўзаро бирлаширилади ва  $a$  эгри чизикка эга бўлинади,

Берилган  $a$  эгри чизикдаги  $A_1$  нукта,  $a$  эгри чизикдаги  $A_2$  нуктага мос келади.

Шунинг учун  $A_1$  ва  $A_2$  нукталардан  $n$  ва  $\bar{n}$  нормал чизиклар ўtkазиб, уларнинг кесишган  $O_A$  нуктаси аниқланади. Бу ерда  $O_A$  — эгрилик маркази;  $r_A$  — эгрилик радиусидир.


### 7.3- §. Иккинчи тартибли текис эгри чизикларнинг хосил бўлиши

Техникада иккинчи тартибли эгри чизиклардан эллипс, парабола ва гипербола кенг кўламда қўлланади.


Эллипс ёпиқ эгри чизик бўлиб, у шундай геометрик нукталарнинг ўрнидан иборатки, унинг ҳар бир нуктасидан фокуслар деб аталувчи икки доимий нуктага қадар бўлган масофаларнинг йигиндиси ўзгармайди.

Эллипснинг  $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1$  тенгламаси бўйича унинг

нукталарини аниқлаш ва ясашни кўриб чикамиз. Агар эллипснинг  $2a = AB$  катта ўки ҳамда кичик ўки  $2b = CD$  берилган бўлса, (195- шакл), фокусларни аниқлаш учун  $C$  нуктадан  $R = a$  радиусда ёй чизилади. Бу ёй эллипснинг катта ўки ( $AB$ ) билан кесишиб,  $F_1$  ва  $F_2$  фокус нукталарни хосил қиласди. Бу ерда  $c^2 = a^2 - b^2$  тенглик сакланиб қолади. Сўнгра  $F_1$  ва  $F_2$  нукталарни марказ қилиб  $r$  ва  $2a - r$  радиусларда ёйлар чизилади. Бунда  $r < a$  бўлиб



195- шакл



196- шакл

ихтиёрий узунликларга тенг. Натижада ёйлар ўзаро кесишиб эллипснинг  $E$  нуктасини ифодалайды (195- шакл). Шундай қилиб,  $r$  радиуснинг қийматларини ўзгартириб ясаш давом эттирилса эллипснинг бир неча нукталарига эга бўлиниди. Парабола — очик эгри чизик бўлиб, унинг ҳар бир нуктаси  $F$  фокуси ва  $ON$  директрисасидан бир хил узокликда жойлашган бўлади. Агар параболанинг фокуси ва директрисаси берилса, унинг нукталарини аниклаш мумкин, лекин  $MF = MN$  шарт сақланиши лозим (196- шакл). Чизмадан кўриниб турибдики, парабола учи  $A = \frac{FO}{2}$ ;  $MN = X_M + AF = R$  га тенг.  $FO = F$  — парабола параметри,  $OX$  — параболанинг симметрия ўқи дейилади.


Параболанинг тенгламаси кўйидагича ифодаланади:

$$y^2 = 2PX$$


Бу тенгламадан фойдаланиб эгри чизикнинг кўринишини ва унинг ҳусусиятларини аниклаш мумкин.

Гипербола — очик эгри чизик бўлиб, унинг ҳар бир нуктасидан ҳақиқий ўқида жойлашган икки (фокуслар деб аталувчи  $F_1$  ва  $F_2$ ) нуктасигача бўлган масофаларнинг айримаси ўзгармас миқдор бўлиб,  $F_1F_2 = 2C$  га тенг бўлади.

Текисликда ётувчи ҳар қандай ( $M$ ) нукта гиперболага тегишли бўлиши учун  $MF_1 - MF_2 = 2a$  тенглик сақланиши керак (197- шакл). Гиперболанинг умумий формуласи, эллипснинг формуласидан факат чап томонлаги хаддлари-



197- шакл



198- шакл

нинг манфийлиги билан фарқ қилиб, қўйидаги кўринишда бўлади:

$$\frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2} = 1$$

Бу ерда  $x$  — ҳақиқий ўқ, у эса мавхум ўқ дейилади.

$a$  ва  $b$  лар гиперболанинг ҳақиқий ва мавхум ўқларининг ярмисига тенг.

$2a$  ва  $2b$  лардан ташкил топган тўртбурчакнинг диагоналлари бўйича йўналган чизикларга гиперболанинг асимптоталари дейилади.

Айланана — энг кўп ишлатиладиган эгри чизик бўлиб, (0) марказдан тенг масофаларда жойлашган нукталарнинг йигиндисидан иборат (198- шакл).


Айлананинг умумий формуласи қўйидагича ифодаланади:

$$r^2 = x^2 + y^2.$$

#### 7.4- §. Фазовий эгри чизиклар

Агар эгри чизикларнинг ҳамма нукталари битта текисликда ётмаса ундаи чизик фазовий эгри чизик дейилади, деган эдик. Фазовий эгри чизиклар аналитик, яъни алгебраик тенгламалар билан ва график усулларда берилиши мумкин. Агар эгри чизик ҳосил бўлишида ҳеч қандай конуниятга мос келмаса, у вактда эгри чизик график усулда берилади. Фазовий эгри чизикни тартиби унинг умумий ҳолдаги текислик билан кесишган нукталар сони билан аникланади.

Фазовий эгри чизикларнинг умумий хусусиятлари унинг текисликдаги проекцияларидан фойдаланиб ўрганилади. Фазовий эгри чизик ва унда ўтувчи нукта чизмада горизонтал ва фронтал проекциялари билан берилади. Эгри чизикнинг умумий хусусиятларини ўрганишда эгри чизикка ўтказилган уринма орқали ўтувчи текисликлар дастасидан ёпишма, тўғриловчи ва унга перпендикуляр бўлган нормал деб аталувчи текисликлар катта аҳамиятга эга. 199- шаклда «е» фазовий эгри чизикдаги уч кирранинг ҳар бир кирраси  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$  ва  $\Pi_3$  проекциялар текисликларига нисбатан параллел жойлашган. Бу эгри чизикнинг тасвирини янада якъол кўрсатади. Айтайлик  $l$  фазовий эгри чизикнинг  $A$  нуктасидан  $l$  уринма ўтказилган бўлсин. Бу




199- шакл

уринма оркали ( $A$  нуктадан ўтувчи) эгри чизикка уринувчи чексиз текисликлар ўтказиш мумкин. Лекин шу уринма текисликлар ичиде  $A$  нуктадан ўтувчи ва бошқа текисликларга нисбатан эгри чизикка якин бўлган текисликларни аниқлаш кийин эмас. Бу  $u$  текисликларга юкорида айтилганидек ёпишма, нормал ва тўғриловчи текисликлар киради (199-шакл, а).  $l$  эгри чизикнинг  $A$  нуктаси ва  $t$  уринма оркали ўтувчи  $\Sigma$  текислик ёпишма текислигини ифодалайди. Бу текисликни фазовий эгри чизикнинг чексиз якин учта нуктасидан ўтган текисликнинг лимити деб ҳам тушуниш мумкин.  $l$  эгри чизикдаги  $A$  нукта оркали чексиз кўп нормал чизиклар ўтказиш мумкин. Шу нормал чизиклар тўпламидан ҳосил бўлган эгри чизикнинг  $A$  нуктасидан ўтувчи ва  $t$  уринмага перпендикуляр бўлган  $N$  текислик нормал текислик дейилади. Юкоридаги  $\Sigma$  ва  $N$  текисликлар ўзаро п тўғри чизик бўйича кесишиди ва бу чизикни нормал чизик дейилади. Бу чизик  $\Sigma$  ёпишма текислиги устида ётади ва шу чизикка перпендикуляр жойлашган  $P_6$  чизик бинормал чизик дейилади. Бинормал  $P_6$  ва уринма  $l$  чизиклар ўзаро кесишиб  $R$  тўғриловчи текислигини ҳосил қилади.

Ўзаро перпендикуляр бўлган  $\Sigma$ ,  $N$ ,  $P$  учта текисликлар кесишиб, уч кирра ҳосил қилади. Бу уч ёқликини 1947 йили биринчи бўлиб француз олимни Френе таклиф қилганини учун Френе учёклиги дейилади. Бундан ташқари ўзаро кесишивчи  $l$  уринма, п нормал ва  $P_6$  бинормал тўғри чизиклар тўғри бурчакли координата тизимини ҳосил

қилади. Юкоридаги чизикларни ҳар бир жуфти уча текисликни аниқлади. Фазовий эгри чизикларнинг хусусиятларини ўрганиш жараёнида унинг ҳар бир нуктаси уч кирра текислигига тўғри бурчак остида проекцияланади. Уч кирра текислигига координата бочи қилиб  $A$  нукта олинади. Бу эса  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$ ,  $\Pi_3$  — проекциялар текисликларига проекциялаш билан бир хилдир, яъни,  $\Sigma$  — горизонтал,  $P$  — фронтал ва  $N$  — профил проекциялар текисликлари сифатида олинади. 199- шакл, а да  $A$  нукта  $\Pi_1$  проекциялар текислигига  $A_1$  нукта бўлиб,  $\Pi_2$  га эса қайрилиш  $A_2$  нуктаси бўлиб ва ниҳоят  $\Pi_3$  га эса қайтиш киррали  $A_3$  нукта бўлиб проекцияланиши кўрсатилган. 199- шакл, б да фазовий  $l$  эгри чизикнинг эпюрда тасвирланиши кўрсатилган.


**Фазовий эгри чизикларнинг проекциялари.** Техникада кўпинча конуний фазовий эгри чизиклар қўлланилади. Бундай чизиклардан бири винт чизикларидир. Винт чизиклари гелиса ҳам деб аталади, улар бирор нуктани айланма ва илгариланма харакат килиши натижасида ҳосил бўлади. Винт чизиклар қандай сиртда харакатланишига караб, цилиндрик ва конус чизикларга бўлинади. 200- шаклда цилиндрик винт чизигининг ҳосил бўлиши



200- шакл

кўрсатилган. Бунда нуктанинг бирор тўғри чизик (ўқ) атрофида текис айланма ва шу ўқ йўналиши бўйича текис илгариланма харакат қилиб, тўла бир марта айланаб чиқиши натижасида ҳосил бўлиши кўрсатилган. Нукта тўла бир марта айланаб чиқишида винт чизигининг қадами бўлган  $h$  масофага силжийди.

Винт чизигининг фронтал проекцияси синусоида эгри чизигидан, горизонтал проекцияси эса айланадан иборат.



201- шакл

сил бўлиб, фронтал проекциялар текислиги бўйича нукта ёғган текислик мълум масофага кутарилиб борали, масалан, 201 шаклда  $A$  нуктаси  $h/8$  масофага кутарилиши ва конус винт чизигининг ҳосил бўлиши кўрсатилган.

Эпюрда винт чизигини чизиш учун цилиндрнинг диаметри  $d$  ва унинг кадами  $h$  берилган бўлиши керак. Цилиндрик сиртлар текислик устига ёйилганда, винт чизиги тўғри чизик бўлиб тасвирланади. Винт чизигига ўтказилган уринма билан ўқга перпендикуляр бўлган текислик орасидаги  $\phi$  бурчак, винт чизигини кутарилиш бурчаги дейилади.

Нуктани доиравий ко-  
нуснинг ясовчиси бўйлаб  
ва бир вактда ўз ўки ат-  
рофида текис илгарилан-  
ма ҳаракат килиши нати-  
жасида конус винт чизи-  
фи ҳосил бўлади. Конус  
винт чизигининг горизон-  
тал проекцияси Архимед  
спиралидан иборат (201-  
шакл). Унинг ҳар бир нук-  
тасининг проекцияси те-  
гишли ясовчи ва парал-  
лелнинг кесишишидан ҳо-

## 8- боб. СИРТЛАР


### 8.1- §. Сиртларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг ортогонал проекциялари

Агар бизни ураб турган ташки мухитга геометрик нуктаи назардан карасак жуда кўп шаклларни оддий ва мураккаб чизик ва сиртлардан ташкил топганлигининг гувохи бўламиз. Бундан ташкари табиатда сиртлар ҳар хил геометрик кўринишларда учраши ва ниҳоят ана шу

шаклларнинг ҳар хил мустаҳкамликда булиши кишини ҳайратда қолдиради. Масалан, товук тухумининг устки қобигига эътибор берсак, у юпка бўлишига қарамасдан, у геометрик шакл тузилиши жиҳатидан мустаҳкамдир. Ёки күшларнинг қанотини олайлик, табиат унга қандайдир конуният асосида ишлов бериб, маълум шаклдаги сиртлар кўринишини ҳосил қилган. Яна бир мисол, самолётлар, пароходлар, автомашиналар, ер ости ва устки иншоотларининг беркитилиши қобиглари ҳар хил сиртлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳосил бўлиш конуниятлари мураккабдир.

Шунинг учун маълум конуниятлар асосида ҳосил бўлган сиртларнинг баъзи бир турлари устида фикр юритиш, уларнинг ҳосил бўлиш конуниятларини ўрганиш ва уларни амалий жараёнларда ишлата билиш ҳар бир олий маълумотли мутахассис учун катта аҳамият кашф этади.

Чизма геометрияда сиртлар бирор эгри чизик ёки сиртнинг фазода маълум конунга мувофиқ узлуксиз ҳаракати натижасида ҳосил бўлади деб қаралади. Сиртларни бундай ҳосил бўлишини кинематик ҳосил бўлиш дейилади (202- шакл). 202- шаклда ясовчи деб аталувчи эгри чизикнинг ҳаракати натижасида ҳосил бўлган сирт кўрсатилган. Ясовчи қўзгалмас бошқа бир  $m$  тўғри чизик йўналиши бўйича ҳаракат килиши мумкин. Бу ерда  $m$  сиртнинг йўналтирувчи чизиги дейилади. Ясовчи ва йўналтирувчи чизиклар эгри ва тўғри чизиклар бўлиши мумкин. Шунинг учун сиртларни шакли ҳар хил бўлади. Сиртдаги ясовчиларнинг ҳаракати айланма ва илгариланма бўлиши мумкин. Шу билан бирга сиртнинг ҳолатини, ясовчининг ҳолати ва унинг ҳаракат конуни белгилайди. Ҳар бир ясовчи чизик ўзининг ҳаракати даврида унинг ҳар бир нуктаси  $m$ ,  $m_1$ ... чизикларни ҳосил



202- шакл

қилади. Шундай килиб ҳар қандай сирт масалан, юкоридаги  $\Phi$  сирти  $l$  ва  $m$  чизикларининг икки түпламидан ҳосил бўлар экан. Бу ўринда бир түпламдаги чизиклар иккинч түпламдаги ҳамма чизикларни кесиб ўтади.

Сиртларнинг ортогонал проекцияларини чизмада тасвирлаш учун уларнинг ҳар бир нуктасининг элементлари маълум булиши керак. Шунинг учун сиртлар йўналтирувчи эгри чизигининг проекциялари ва ясовчининг ҳаракат усули билан берилади. Сиртларни ҳосил қилиш усуллари бир неча ҳилдир (203- шакл). Масалан, доиравий цилиндр сирти (203- шакл) куйидаги конуниятлар асосида ҳосил бўлиши мумкин:


1.  $l$  — ясовчи цилиндрнинг  $i$  уки атрофида унга параллел вазиятда айланаб ҳаракат қилиши.

2.  $m$  айланя ясовчининг цилиндр уки бўйлаб ҳаракат қилиши; бунда  $O$  марказ цилиндр ўки бўйлаб кўтарилиб боради ва  $O_1$ ,  $O_2$ ,  $O_3$  ҳолатларни эгаллади. Бу ерда айланя текислиги ўкга перпендикуляр бўлади.


3. Бирор  $K$  ясовчи эгри чизикнинг  $i$  ўқ бўйлаб айланishi натижасида ҳосил бўлади.

**Сиртларда нукта танлаш.** Нукта сиртга оид булиши учун у сиртда ётувчи ясовчилардан бирининг устида ётиши керак, 204- шаклда сиртда ётувчи  $A$  ва  $B$  нукталарнинг ётишмайдиган проекцияларини аниқлашি курсалтилган.

А нуктанинг ётишмайдиган  $A_1$  — горизонтал проекциясини аниқлаш учун сиртнинг каркаси — 1—2—3—4 ларни куриб, сунгра берилган  $A_2$  — нукта оркали ердамчи  $m_2$  чизик ўtkaziladi, кейин унинг горизонтал



203- шакл




204- шакл


$m_1$  проекцияси қурилади ва  $A_1$  нүкта топилади. Агар каркаснинг ясовчиси берилган нүкта  $B_1$  билан бирга тушиб колса, унинг иккинчи проекцияси  $B_2$  ни топиш осондир.

205- шаклда айланиш сиртида ётувчи  $C$  нуктасининг  $C_1$  горизонтал проекциясини топиш кўрсатилган. Бунинг учун  $C_2$  орқали сиртда ёрдамчи параллел ўтказилади, сўнгра  $C_2$  нуктани проекциялаб  $C_1$  ва  $C_4$  ва  $C_3$ ,  $C_5$  нукталар аниқланади.  $A$  нүкта сиртнинг экваторида,  $B$  — нүкта эса бош меридиан чизикларидаги ётади (205- шакл).


**Сиртнинг очерклари.**  
Сиртларнинг чизмасини яққол кўрсатиш учун уларнинг очерклари, яъни  $\Pi_1\Pi_2\Pi_3$  — текисликлардаги кўринар контур чизиклари ясалади (206- шакл). Агар бирор, масалан  $\Phi$  сирт проекциялар текисликларига проекцияланса, проекцияловчи параллел чизиклар сирт билан уриниб  $Q$  цилиндр сиртни хосил қилади. Буни сиртнинг контур чизиги дейилади. Сиртнинг текисликдаги проекциясини чегараловчи кўринар чизикка шу сиртнинг тегишли текисликдаги очерки дейилади. Сиртлар-



205- шакл



206- шакл



нинг текисликлардаги проекцияларини тасвирлашда унинг ҳар хил контур чизиклари ҳосил бўлади (207- шакл). Масалан, цилиндрнинг  $\Pi_1$  ва  $\Pi_2$  проекциялар текисликларидағи проекцияларини олсак, унинг фронтал проекциясида  $m$  ( $AB$ ) ва  $n$  ( $CD$ ) чизиклар контур чизикни ташкил қиласа, горизонтал проекциясида эса  $l$  ( $MN$ ) ва  $t$  ( $EF$ ) ни ташкил қиласди. Бундан ташқари цилиндрнинг асосини ташкил килювчи,  $AECM$  ёпиқ чизик ҳам чегараловчи контур чизикни ҳосил қиласди. Шундай қилиб, кузатувчига нисбатан сиртнинг

аниқ шаклини белгиловчи ташки чегарасига сиртнинг очерки дейилади.

## 8.2- §. Сирт турлари


Сиртлар ҳосил бўлиш усуллари ва уларнинг таъриф белгилари асосида қуйидаги турларга бўлинади:

1. Ясовчиларнинг илгариланма, айланма ва винтсимон харакат қилиши натижасида ҳосил бўладиган сиртлар;
2. Ясовчиларнинг турига қараб, тўғри чизикли (ясовчиси тўғри чизик) ва эгри чизикли (ясовчиси эгри чизик) сиртлар;
3. Ясовчиларнинг ҳаракати жараёнида уз шаклларини муттасил ўзгартириб ёки ўзгартирмасдан ҳосил бўладиган сиртлар;
4. Сиртларнинг текисликка ёйилиш ва ёйилмаслик белгилари асосидаги сиртлар;
5. Сиртларни аналитик ва график усулларда берилиши;

6. Сиртларнинг дифференциал хусусиятлари (сиртларни текис ёки иотекислиги) - ҳамда уларнинг эгрилиги асосидаги сиртлар.

Бир хил сиртлар хар хил белгилар билан ажралиши мумкин. Бунда асосий белги сифатида ясовчиларнинг шакли ва уларнинг ҳаракатланиш ҳолатлари, яъни сиртларнинг кинематик ҳосил бўлиш белгилари бўйича ажратилиши максадга мувофиқдир.

208- шаклда лойиҳа учун керак бўлган сиртларни осонлик билан ажратиб олиш ва позицион, метрик масалаларни тезкорлик билан ечиш учун сиртларни маълум бир таърифи берилган. Бунда ҳамма сиртлар икки қисмга бўлинади: биринчи қисм асосий бўлиб, кинематик усул билан ҳосил қилиш, иккинчиси эса, каркас орқали берилган сиртлар. Ҳар икки қисм ҳам грухларга бўлинади. Техникада кўпроқ қўлланадиган тўғри чизиқли ёйилувчи, айланиш, винт, параллелизм текислигига эга бўлган сиртлар ҳамда каркасли сиртлар билан му-каммалрок танишиб чиқамиз.



208- шакл


**8.2.1. Тўғри чизиқли ёйилувчи сиртлар.** Чексиз якин турган икки кўшни ясовчи тўғри чизиклар ўзаро кесишиб ёки параллел вазиятда текис элемент ҳосил қиласа, бундай сиртлар ёйиладиган сиртлар дейилади. Тўғри чизиқли

ёйилувчи сиртларда ясовчиси түгри чизик булади. Түгри чизикили ёйилувчи сиртларнинг хусусиятлари шундан иборатки, улардан текис эгилувчан ҳар хил эгри чизикили шакллар, яъни саноат учун кувурлар қуритгич қурилмаларнинг қисмлари кабиларни ясаш мумкин. Бундан ташқари, сиртни ёйиш жараёнида ундаги ҳар бир чизикнинг узунлиги, икки чизик орасида ҳосил бўлган бурчак ва ёпиқ шаклларнинг юзалари ўзгармасдан сақланиб қолади.

Түгри чизикили ёйилувчи сиртларга асосан қайтиш киррали сиртлар цилиндрик, конус ва торс сиртлари киради. Қўйида бу сиртларнинг ҳосил бўлишини кўриб чиқамиз.

**Кайтиш киррали сиртлар.** Түгри чизикни фазовий эгри чизикка узлуксиз уриниб ҳаракат килиши натижасида ҳосил бўлган сиртни кайтиш киррали сирт дейилади.


209- шаклда «п» фазовий эгри чизикда бир неча ( $A, B, K, C, T$ ) нуқталар сайлаб, улардан шу киррага ўтказилган уринма чизиклардан ҳосил бўлган қайтиш киррали сирт кўрсатилган. Бундай сирт факат битта эгри чизик —  $p$  йўналтирувчи билан берилади. Сиртни бирор ( $\Phi$ ) текислик билан кесилса, NKM кесим эгри чизиги ҳосил бўлиб, унинг  $K$  нуқтаси қайтиш нуқтаси дейилади. Агар



209- шакл

уриниш нүктаси уринма чизикни икки ярим түғри чизикқа бўлишини ва қайтиш кирраси эса сиртни икки текис кисмга бўлиш ҳолатлари аниқланса, кесим юзаси яққолроқ кўринади. Қайтиш киррали сиртнинг шакли қирранинг берилиш турига боғлиқ. Масалан, агар қайтиш киррали цилиндрик винт чизиги бўлса, түғри чизикнинг ҳаракатланиши натижасида ёйилувчи гелисоид ҳосил бўлади. Техникада ишлатиладиган жуда кўп сиртларда, қайтиш киррасини ўрнини босувчи цилиндрик винт чизиги ишлатилиди.


210- шаклда А, В, С, Д цилиндрик винт чизигидаги 1...12 нукталардан киррага уриниб ўтган чизиклар горизонтал проекциялар текисликлари билан 1, 2...12 нукталарда кесишади. Бу нукталар кетма-кет ўзаро туташтирилса текис равон эгри чизик — эвольвента ҳосил бўлади.



210- шакл

Демак, эволвента ҳосил булиши учун  $P_1$  текисликда параллел ва цилиндр ўқига перпендикуляр бўлган текисликнинг сирт билан кесишиган эгри чизигини аниқлаш кифоядир. Қайтиш қиррасини горизонтал проекцияси (айланада) шу эгри чизикнинг эволютаси дейилади. Чунки винт чизикка уриниб ўтган  $1-1_1, 2-2_1\dots$  чизиклар  $P_1$  текислик билан бир хил бурчак ҳосил қиласидар. Шунинг учун бу сирт, бир хил оғишдаги сирт деб юритилади


**Конус сиртлар.** Бирор ( $q$ ) тўғри чизикни қўзгалмас  $s$  нукта орқали ўтиб, бирор  $a$  эгри чизикка тегиб ҳаракатланиши натижасида ҳосил бўлган сирт конус сирти, унинг уни (s) ва йўналтирувчи  $a_1, a_2$  эгри чизиги билан берилади. Агар йўналтирувчи чизик синик бўлса, ҳосил бўлган сирт пирамида деб аталади. Конуснинг шакли йўналтирувчи эгри чизикнинг турига боғлик. Агар йўналтирувчи эгри чизик очик бўлса, очик сирт, ёпик бўлса ёпик сирт дейилади. 211-шакл, б да очик конус сиртини эпюрда берилиши ва  $E_1E_2$  нуктанинг конус сиртига тегишлилиги кўрсатилган. Конус сиртида танлаб олинадиган нукта шу сиртнинг бирор ясовчисининг устида ётган бўлиши керак. Шунга кўра конус уни  $s_1s_2$  ва  $E_1E_2$  нукталар орқали ясовчи тўғри чизик ўтказилади. Бунда аввало  $E_2$  ва



211- шакл

$s_2$  ларни ўзаро бирлаштирамиз ва унинг конус асоси билан кесишган  $C_1C_2$  нуктаси белгиланади. Сўнгра  $C_1s_1$  лар ўзаро бирлаштирилади ва  $E_2$  дан боғланиш чизиги ўтказиб  $E_1$  аниқланади.

**Цилиндрик сиртлар.** Цилиндрик сиртлар конус сиртларнинг хусусий ҳолидир, бунда конус учи чексизликда бўлади, шунинг учун цилиндрнинг ҳамма ясовчилари ўзаро параллел бўлади. Цилиндрни ясовчи деб аталувчи параллел тўғри чизикни бирор эгри чизикка тегиб ўзлуксиз харакат қилиши натижасида ҳосил бўладиган сирт деб қараш мумкин (212- шакл, а). Цилиндрик сиртлар ҳам конус сиртларга ўхшаш очик ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Цилиндрик сиртлар эпурда, ясовчilarнинг йўналиши ва йўналтирувчи эгри чизигининг проекциялар билан берилади. 212- шакл, б да цилиндр сирти йўналтирувчи  $a_1a_2$  эгри чизиги ва ясовчilarнинг йўналиши  $s_1s_2$  билан берилган. Агар йўналтирувчи синик чизик бўлса, ҳосил бўлган сирт призма дейилади. Нукта цилиндр сиртига тегишли бўлиши учун унинг бирор ясовчисининг устида ётиши керак,



212- шакл


масалан, 212- шакл, б да  $K$  нуктанинг етишмаган  $K_1$  горизонтал проекциясини топиш учун берилган  $K_2$  оркали  $S_2$  га параллел килиб ясовчи ўтказилади,  $K_2E_2$  нинг горизонтал  $E_1K_1$  проекцияси аниқланади.  $K_1$  нукта изланаетган нукта бўлади. Сиртлар чизмаларда яқ-колроқ тасвиirlаниши учун улар очерклари билан

берилади. Сиртнинг горизонтал проекциясидаги кўринадиган қисми горизонтал очерки, фронтал проекциясидаги кўринадиган қисми фронтал очерки дейилади. Сиртлар эпюрда горизонтал ва фронтал очерклари билан берилади. Бунда сиртларнинг кўринадиган қисми туташ йўғон чизиклар билан, кўринмайдиган қисми эса штрих ингичка чизиклар билан кўрсатилади.


**8.2.2. Айланиш сиртлари.** Бирор эгри чизикнинг қўзғалмас тўғри чизик атрофида айланиши натижасида ҳосил бўлган сирт айланиш сирти деб, айтилади.

Бунда эгри чизик ясовчи, тўғри чизик эса айланиш ўқи дейилади. Ортогонал проекцияларда айланиш сирти ясовчи эгри чизиги АВ ва айланиш ўқи  $i$  билан берилади (213- шакл). Кўпинча масалаларни осонлик билан ечилиши учун айланиш ўқини горизонтал проекциялар текислигига перпендикуляр вазиятда олинади.

Ясовчи эгри чизик ўқи атрофида айланганда, унинг ҳар бир нуктаси айланалар чизади, бу айланалар сиртнинг параллеллари дейилади. Бунда ҳамма параллеллар  $\Pi_1$  га параллел жойлашади ва унга айланалар кўринишида проекцияланади. Айланиш ўқи орқали утган текислик меридиан текислиги дейилади. Меридиан текислиги билан айланиш сиртининг кесишган эгри чизиги меридиан дейилади. Агар меридиан текислиги фронтал проекциялар



213- шакл



214- шакл

текислигига параллел бўлса, бундай текислик бош ёки асосий меридиан дейилади. Бу текислик билан айланиш сиртининг кесишган эгри чизиги бош меридиан чизиги деб аталади. Бош меридианнинг фронтал проекцияси айланиш сиртининг фронтал очеркини ифодалайди. Агар бош меридианнинг энг катта параллел билан кесишган нуктасидан ўтказилган уринма чизик айланиш ўқига параллел бўлса, бундай параллелни экватор дейилади. Бош меридианнинг энг кичик параллел билан кесишиш нуктаси орқали ўтказилган уринма айланиш ўқига параллел бўлса, бундай параллелни бўйин чизиги дейилади (213- шакл). Айланиш сиртларининг экватори ва бўйин чизигининг горизонтал проекцияси айланиш сиртининг горизонтал очеркини белгилайди. Айланиш сиртининг ҳосил бўлиш тури, унинг ясовчисининг шакли ва ўқка нисбатан жойланишига боғлиқ. Қуйида айланиш сиртларининг асосий турлари билан танишиб чиқамиз.

1. Шар — бунда ясовчи эгри чизик айлана бўлиб, айланиш ўқи айлананинг диаметри бўлади (214- шакл).


2. Айланма эллипсоид — бунда ясовчиси эллипс бўлади. Агар эллипс катта ўқи атрофида айланса чўзилган эллипсоид ҳосил бўлади (215- шакл). Агар эллипс кичик ўқи атрофида айланса сикилган эллипсоид ҳосил бўлади (215- шакл).

3. Тор — бунда ясовчи эгри чизик айлана шаклида бўлиб, айланиш ўқи айлана текислигига бўлади, аммо айлана маркази орқали ўтмайди (216- шакл, б).


4. Ҳалка — бунда айланиш ўқи айланадан ташқарида бўлади (216- шакл, а).

5. Айланма параболоид — параболанинг ўз ўқи атрофида айланishiдан ҳосил бўлади (217- шакл).

6. Бир паллали айланма гиперболоид — бу сиртда айланиш ўқи гиперболанинг мавхум ўқи билан қўшилиб қолади (218- шакл, а).



215- шакл




216- шакл

7. Иккى паллали айланма гиперболоид — бу сирт гиперболанинг ўз ҳақиқий ўки атрофида айланишидан ҳосил бўлади (218-шакл, б)...

**Айланиш сиртларида нукта танлаш.** Нукта айланиш сиртига тегишли бўлиши учун у сиртдаги параллеллардан бирида ётиши керак. Масалан, 214-шаклда шар сиртида ётuvчи А нуктанинг берилган фронтал  $A_2$  проекцияси бўйича горизонтал проекцияси  $A_1$  ни, В нуктанинг горизонтал проекцияси  $B_1$  ни ва С нуктанинг фронтал  $C_2$  проекцияси бўйича  $C_1$  ни топиш кўrsатилган. Нукталарнинг етишмаган проекцияларини аниклашда шу нукталар оркали ўтuvчи

параллеллардан фойдаланган  $A_1A_2$  нукта параллелда,  $B_1B_2$  нукта меридианда,  $C_1C_2$  нукта эса экваторда жойлашган. 215—218-шаклларда эллипсоид, тор, ҳалқа, параболоид ва гиперболоид сиртларида ётuvчи нукталарнинг жойлашиши кўrsатилган.

**Тўғри чизиқли айланиш сиртлари.** Маълумки, тўғри чизиқнинг айланиши натижасида тўғри чизиқли айланма




218- шакл


сиртлар хосил бўлади. Буларга тўғри доиравий цилиндр ва тўғри доиравий конус сиртлари киради. Биринчи ҳолатда ясовчи тўғри чизик айланиш ўқига параллел бўлади, иккинчи ҳолатда эса улар ўзаро кесишади. Бир паллали айланма гиперболоид ҳам тўғри чизиқли айланма сиртга киради. Бунда ясовчи тўғри чизик қўзғалмас айланиш ўқи билан чалмашган ҳолатда бўлади (219- шакл, а).

Шаклдан кўриниб турибдики, АВ тўғри чизиқли ясовчи айланиш ўқи  $i$  атрофида айланганда унинг ҳар бир нуктаси айлана бўйлаб силжийди. Шундай параллеллардан бири, энг кичик  $OC$  радиусга эга бўлган айлана бўлиб, чалмашувчи тўғри чизиқлар орасидаги энг қисқа масофани ифодалайди. Худди шундай сиртни қарама-қарши


219- шакл





$\alpha$




$\delta$



$\beta$



$\delta$




$\varrho$

томонга оғишган ясовчи түғри чизиқ ёрдамида ҳосил қилиш мүмкін. Шундай қилиб бир паллали айланма гиперболоид иккі түғри чизикли ясовчига әгадир (219- шакл, б).

Агар ясовчининг оғишган бурчагини үзгартыриб, уни айланыш үқига нисбатан параллел ҳолатта көлтирилса, айланма цилиндр ҳосил бўлади (219- шакл, в, г). Агар ясовчи түғри чизикнинг оғиш бурчагини үзгартырмасдан, уни ўқ билан кесишгунча яқинлаштирилса, айланма конус сирти ҳосил бўлади (219- шакл, д, е).

**8.2.3. Винт сиртлар.** Ясовчи эгри чизикнинг бирор ўқ (түғри чизик) атрофида винтсимон харакатланиши натижасида ҳосил қилган сиртга винт сирти деб айтилади. Бу ерда ҳаракат ўқ атрофида айланма ва унга нисбатан параллел йўналишда илгариланма ҳам бўлади. Агар



220- шакл


ясовчи чизик түғри чизик бұлса, бундай винт сирти геликоид дейилади. Геликоидлар иккى хил: түғри ва қийшик булиши мүмкін. Агар ясовчи түғри чизик сирт үкі билан кесишиб, түғри бурчак ташкил қылса түғри, үткір бурчак ташкил қылса қийшик винт сиртлари дейилади. Бундан ташқары ясовчи чизиклар сирт үкі билан кесишса ёпік геликоид, агар кесишмаса очық геликоид деб юритилади. Юкорида айтиб үтганимиз түғри ва қийшик геликоидларнинг ясалиши билан танишиб чиқайлик.

**1) Түғри геликоид.** 220- шакл, а да ясовчи  $A_1B_1, A_2B_2$  ва қадами  $P$  га тенг булган түғри геликоидни ясалиши күрсатылған. Бу сиртда ясовчиларнинг фронтал проекциялари горизонтал проекциялар текислигига ( $\Pi_1$ ) параллел бүлган түғри чизиклар булиб сиртни айланиш үкі  $i_1, i_2$  га перпендикулярдир. Иккى үкдөш цилиндр берилған булиб,  $d$  диаметрли цилиндр, цилиндр устида винт чизигини ҳосил қилади.  $A_1B_1, A_2B_2$  ясовчи чизик үк атрофика бир марта айланиб чиқиши  $P$  қадамга тенг бүлади. Түғри чизик ҳаракат вактида  $r/12$  масофага күтарилиб боради.


**2) Қийшик геликоид.** Бундай сиртнинг ясовчи түғри чизиги сирт үкі билан қийшик бурчак ҳосил қилади ва уни бир хил бурчак остида кесиб үтади. Бу ясовчи үз ҳаракати даврида иккита йұналтирувчи чизикқа — цилиндрик винт чизикқа ва уннинг үкігана бүләди ҳамда ясовчи түғри чизик ҳаракати вактида йұналтирувчи конус деб аталувчі-ёрдамчи конусга параллел бүлади. 220- шакл, б да қийшик геликоид проекцияларини ясаш күрсатылған. Бунда  $A_1B_1, A_2B_2$  геликоид ясовчиси,  $i_1i_2$  уннинг үқидир. Ердамчи конус ясовчилари  $\Pi_1$  га нисбатан ф бурчак остида жойлашған ва ассоци  $d$  диаметрли айланадан иборатдир. Геликоид қадами  $P$  ҳам берилған булиши керак. Геликоид ясовчиларнинг вазиятларини аниклаш учун ёрдамчы конус асосини ва  $P$  қадамни тенг бұлакларға (масалан, 12 бұлакка) булинади ва конус ясовчиларини үтказиб,  $P$  ни бүлинған нүкталаридан шу конуснинг тегишли ясовчиларига параллел қилиб геликоид ясовчиларини үтказамиз, масалан,  $A_3B_3, A_4B_4$  йұналтирувчи конуснинг  $N_3S_2, N_4S_2$  ясовчисига параллел қилиб үтказилади ва ҳоказо.

**8.2.4. Параллелизм текислигига эга бүлған сиртлар.** Параллелизм текислигига эга бүлған түғри чизикли сирт деб, барча ясовчилари берилған құзғалмас текислигика параллел жойлашған сиртга айтилади. Бу ердағы текислик параллелизм текислигиге дейилади. Сиртни ҳосил қилиш

учун йўналтирувчи эгри чизиклар ва параллелизм текислиги берилган бўлиши керак. 221- шаклда ясовчининг икки  $m$ ,  $n$  йўналтирувчи эгри чизик бўйича  $\Pi_2$  текисликка параллел бўлиб ҳаракатланиши натижасида ҳосил бўлган сирт кўрсатилган. Йўналтирувчи чизикларнинг шаклига — караб параллелизм текислигига эга бўлган сиртлар — цилиндроид, коноид ва гиперболали параболоид (қийшик текислик) номлари билан юритилади. Барча ( $l_1, l_2\dots$ ) ясовчилари ( $\Gamma$ ) параллелизм текислигига параллел вазиятда икки  $m$ ,  $n$  йўналтирувчи эгри чизик бўйича ҳаракатланиши натижасида ҳосил бўлган сирт цилиндроид деб айтилади. Йўналтирувчи эгри чизик текис ёки фазовий бўлиши мумкин. Орто-гонал проекцияларда цилиндроид йўналтирувчи эгри чизикларнинг проекциялари ва параллелизм текислиги билан берилади. 222- шаклда йўналтирувчи  $m$ ,  $n$  ва  $\Gamma_n$  параллелизм текислиги бўйича ҳосил бўлган сирт кўрсатилган. Бунда параллелизм текислигига параллел бўл-




221- шакл




*a*

222- шакл




*b*

ган бир неча текисликлар ўтказилади ва уларни  $m_1m_2$ ,  $n_1n_2$  йўналтирувчи эгри чизиклар билан кесишган нуқталари аникланади. Тўғри чизикли ясовчининг икки йўналтирувчи, яъни биттаси ( $m$ ) эгри чизик, иккинчиси эса ( $n$ ) тўғри чизиклар бўйича ҳаракатланиши натижасида ҳосил бўлган сирт каноид деб аталади. Бунда ясовчи чизиклар ҳар қандай ҳолатларда ( $\Pi_2$ ) параллелизм текислигига параллел бўлади (223- шакл). Агар йўналтирувчи чизиклар параллелизм текислигига перпендикуляр бўлса, бундай сирт тўғри коноид дейилади. 223- шаклда тўғри коноид  $\Pi_1$  ва  $\Pi_2$  текисликлардаги проекциялари билан берилган. Бу ерда  $n_1, n_2 \perp \Pi_2$ .



223- шакл



224- шакл


Кийшик текислик, ясовчи ( $l$ ) тўғри чизикни, ўзаро чалмашувчи, ( $a, b$ ) йўналтирувчи чизик бўйича ҳаракатланиши натижасида ҳосил бўлади ва ясовчи чизик барча ҳолатларда  $\Pi_1$  параллелизм текислигига параллел бўлади. 224- шаклда қийшик текислик ортогонал проекцияларда тасвиранган.

Бунда,  $a(a_1a_2)$  ва  $b(b_1b_2)$  йўналтирувчи чизик;  $\Pi_1$  — параллелизм текислиги;  $L$  — сирт ясовчиси.

**8.2.5. Каркасли сиртлар.** Математика қонуниятларини қўллаб булмайдиган ҳар хил сеткали чизиклардан ташкил топган сиртга чизикли каркас дейилади.

225- шакл, а да  $l_1, l_2 \dots l_n$  чизикларнинг туркумларидан ташкил топган чизикли каркас кўрсатилган. Каркасли сирт, икки  $l$  ва  $m$  эгри чизикларнинг ҳар хил шаклдаги туркумларидан ҳам ҳосил бўлиши мумкин (225- шакл, б).

$l$  — туркумдаги ҳар бир чизик, иккинчи  $m$  — туркумдаги ҳамма чизикларни кесиб, улар орасида ҳар хил шакллар



225- шакл

хосил килади. Бундай сирт сеткали каркас дейилади. Баъзан каркас сиртларининг ҳосил бўлиш конунларини қўллаб муҳандислик масалаларини кониктирадиган сиртларни ҳосил килиш ҳам мумкин.


### 8.3- §. Сиртларга уринувчи текислик ва нормал ўтказиш

Сиртларнинг ортогонал проекцияларида очерк (контур) чизикларни ва айрим конструктив масалаларни ечишда сиртларга уринма текислик ўтказишга тўғри келади. Сиртга тегишли бирор нуқта орқали ўтган уринма текислик шу нуқтадан ўтувчи чексиз уринма чизиклардан ташкил топади. Сиртлар шаклига ва фазовий вазиятига қараб, текисликлар билан нуқта, тўғри чизик ва айланга геометрик шакллар ҳосил қилиб уринади. Қабарик сиртларга ўтказилган уринма текислик битта нуқтада уриниб, шу нуқта орқали ўтувчи сиртнинг барча кесим чизиклари уринма текисликнинг бир томонида бўлади (226- шакл).


Сиртнинг бундай уриниш нуқтаси эллиптик нуқта дейилади. Агар берилған сирт тўғри чизикини ёйилувчи бўлса, уринма текислик сирт билан тўғри чизик ҳосил қилиб уринади. Бу уриниш чизигининг нуқталари параболик нуқталар дейилади. Бунга цилиндр ёки конус айланиш сиртларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Агар сирт ботик бўлса, уринма текислик сиртга уриниб, уни кесса, ҳосил бўлган кесишиш чизигига тегишли сиртнинг нуқтаси гиперболик нуқта дейилади (227- шакл). Сиртларга уринма текислик ва унга нормал ўтказиш масалалари бир-бирлари билан узвий боғлиқдир. Масалан, 226- шаклда  $\Phi$  сиртдаги  $M$  нуқта орқали ўтказилган

$N$  нормал чизик сиртга ўтказилган уринма  $\Pi$  текисликка перпендикуляр бўлиб, сирт билан текисликнинг уриниши нуктаси орқали ўтган. Ўз ўрнида сиртга ўтказилган нормал чизик, шу нуктадан ўтган уринма текисликнинг ҳолатини аниклайди. Шундай қилиб сиртларга уринма текислик ўтказиш мавзуси, сиртларни текислик билан кесишиши мавзусининг айнан ўзи эканлигини билиш кийин эмас.  $\Phi$  эгри сиртда ётувчи  $M$  нукта орқали уринма текислик ва  $N$  нормал чизик ўтказиш талаб қилинсин (226- шакл). Бунинг учун  $M$  нукта орқали ихтиёрий  $l_1$  ва  $l_2$  эгри чизиклар ўтказилади, сўнгра  $M$  нуктадан шу эгри чизикларга  $t_1$  ва  $t_2$  уринма чизиклар чизилади. Бу кесиувчи уринма чизиклар  $M$  нуктадан ўтувчи  $\Pi$  текисликнинг ҳолатини аниклайди.  $N$  нормал чизик сиртга ўтказилган уринма  $t_2$  чизикка перпендикуляр вазиятда ўтади (226- шакл). Агар бир паллали гиперболоид сиртга



226- шакл



227- шакл

уринма текислик ўтказилса, текислик уни берилган  $M$  нуктада  $l_1$  ва  $l_2$  икки тўғри чизик (ясовчи) бўйича кесиб ўтади, шу билан бирга  $t_1$  ва  $t_2$  уринма чизикларни ифодалаб  $\Pi$  текисликнинг ҳолатини аниклайди (227- шакл). Энди эгри сиртларга уринма текисликлар ўтказиш масалаларидан бир нечтасини кўриб чикамиз.

**1- масала.** Айланиш сиртидаги  $K(K_1, K_2)$  нукта орқали шу сиртга уринма қилиб текислик ўтказилсин (228- шакл, а). Бу масалада ўтказилиши керак бўлган уринма текисликни берилган  $K(K_1, K_2)$  нуктаси орқали ўтган параллел ва шу нуктадаги меридианга уринма

бўлган тўғри чизиклар орқали ўтказиш қулайдир. Масала-ни ечиш алгоритмини қўйидагича ёзиш мумкин:

1.  $K(K_1, K_2)$  нуктадан ўтувчи сиртнинг  $l(l_1, l_2)$  параллели ўтказилади;

2.  $l(l_1, l_2)$  параллелда жойлашган  $K(K_1K_2)$  нуктадан  $a(a_1, a_2)$  ( $K_1H_1, K_2H_2$ ) уринма ўтказилади;


3.  $K$  нуктадан ўтувчи  $l_1, l_2$  меридианга ўтказилган уринманинг горизонтал проекцияси  $b_1$  ўтказилади;

4.  $b$  уринманинг фронтал проекцияси  $b_2$  ни ўтказиши учун  $i(i_1, i_2)$  ва  $K(K_1K_2)$  уриниши нуктасидан иборат  $T_{II}$  текислигини  $\Pi_2$  га параллел бўлгунга қадар  $i$  атрофида бурилади ва  $K$  нуктанинг янги  $\bar{K}_1\bar{K}_2$  вазияти аникланади.

5.  $K$  уриниши нуктасининг  $\bar{K}_2$  фронтал проекциясидан сиртнинг бош меридианига уринма чизик ўтказилади, яъни торни айлана марказидан ўтган  $O_2\bar{K}_2$  чизикка перпендикуляр ўтказиб  $s_2$  нукта аникланади;


6. Сўнгра аввалги ҳолатга қайтарилади ва  $s_2$  билан  $K_2$  ларни бирлаштириб  $b$  ни ҳосил қилинади. Натижада  $a(a_1, a_2)$  ва  $b(b_1, b_2)$  уринма чизиклар изланган  $F_1, F_2$  текисликни ифодалайди.

**2- масала.**  $l(l_1, l_2)$  тўғри чизикка параллел қилиб, конус сиртига уринма текислик ўтказилсин (228- шакл, б). Бу масаланинг тўғри ечилиши учун, берилган тўғри



228- шакл

чизиқнинг конус ўки билан ҳосил қилган бурчаги ( $\alpha$ ), конус ўкининг ўз ясовчиси билан ҳосил қилган ( $\beta$ ) бурчагига тенг ёки катта бўлиши керак. Бу мисолда  $\alpha \geq \beta$ . Шунинг учун конус учи  $s_1s_2$  дан берилган  $l(l_1, l_2)$  тўғри чизикка параллел қилиб  $SK(s_1k_2, s_2k_2)$  тўғри чизик ўтказилади ва унинг горизонтал изи  $K_1K_2$  аниқланади.  $K_1$  нуқтадан конус асосига  $l_1$  ва  $2_1$  нуқталарда уринувчи  $\Phi$  ва  $\Sigma$  текисликларнинг  $\Phi_{II}$  ва  $\Sigma_{II}$  излари ўтказилади. Бу текисликлар тўғри чизик билан текисликнинг параллеллик шартига асосан, берилган  $l(l_1, l_2)$  тўғри чизикка параллелдир, чунки  $sk(s_1k_1, s_2k_2)$  тўғри чизик ҳар иккала  $\Phi$  ва  $\Sigma$  текислик учун умумий бўлиб,  $l$  тўғри чизикка параллелдир.



229- шакл

**3- масала.** Шар устида ётган  $K(K_1K_2)$  нуқта орқали уринма текислик ўтказиш керак (229- шакл, а). Бундай сиртда ётувчи нуқта орқали битта уринма текислик ўтади ва у эпюрда сиртнинг уриниш нуқтасига ўтказилган бир жуфт уринма тўғри чизикларнинг проекциялари орқали тасвириланади. Шунга кўра тўғри чизик ва текисликнинг ўзаро перпендикулярлик шартига асосан  $K$  нуқтадан сферанинг  $OK$  радиусига перпендикуляр қилиб, иккита уринма тўғри чизик, яъни горизонтал  $h(h_1h_2)$  ва фронтал  $f(f_1f_2)$  чизиклар ўтказилади. Бу икки чизик биргаликда

изланган уринма текисликни ифодалайди. Масаланы эпурда ечиш алгоритми қуйидагича ёзилади:

1.  $K(K_1, K_2)$  нүкта орқали  $h$  горизонталнинг  $h_1$  ва  $h_2$  проекциялари ўтказилади. Бунинг учун  $h$  нинг  $OK$  радиусига ва  $OX$  ўқса нисбатан  $h_2 \parallel OX$  ва  $h_1 \perp O_1K_1$  шарт сакланиши керак;

2.  $K(K_1K_2)$  нүкта орқали  $f$  фронталнинг  $f_1$  ва  $f_2$  проекциялари ўтказилади. Бунда  $f_1 \parallel OX$  ва  $f_2 \perp O_2K_2$  бўлади.

**4-масала.** Конус сиртидан ташқарида ётган  $A(A_1, A_2)$  нүкта орқали шу конус сиртига уринма текислик ўтказилсин.  $A$  нуктадан ўтувчи ва конус сиртига уринма текисликлар иккита бўлади. Бу  $\Sigma$  ва  $\Phi$  текисликлар  $S_1$  киррада ўзаро кесишиб, икки ёкли бурчак ҳосил қиласди (229- шакл, б). Уринма текисликлар проекцияларини ясаш алгоритми қуйидагича ёзилади:

1.  $S_1$  ва  $A_1, S_2$  ва  $A_2$  нукталар ўзаро бирлаштирилади ва унинг горизонтал изи  $I(I_1, I_2)$  аникланади,

2.  $SA$  кирранинг горизонтал изи  $I$  нуктанинг горизонтал проекцияси  $I_1$  дан конус асосига  $M_1$  ва  $N_1$  нукталарда уринувчи  $\Sigma$  ва  $\Phi$  текисликларнинг  $\Sigma_{II}$  ва  $\Phi_{II}$  излари ўтказилади.

3.  $S_1$  уч билан  $M_1$  ва  $N_1$  нукталар бирлаштирилиб,  $SM$  ва  $SN$  уриниш чизикларининг горизонтал  $S_1M_1$  ва  $S_1N_1$  проекциялари топилади.

4.  $SM$  ва  $SN$  уриниш чизикларининг фронтал  $S_2M_2$  ва  $S_2N_2$  проекциялари аникланади. Бунда  $\Sigma$  ва  $\Phi$  уринма текисликларнинг проекциялари  $\Delta S_1M_1I_1$  ва  $\Delta S_2M_2I_2$ ,  $\Delta S_1N_1I_1$  ва  $\Delta S_2N_2I_2$  ҳосил бўлади. Демак, масала иккита ечимга эга экан.

#### 8.4- §. Сиртларни текислик билан кесишиши

Эгри сирт билан текисликнинг кесишган чизиги текис эгри чизиқдан иборат. Лекин сиртнинг турлари ва текисликнинг кесишиш ҳолатларига караб, кесимлар шакли ҳар хил бўлади.


Эгри сирт билан текисликнинг кесишган чизигини ясаш учун сиртда бир нечта ясовчилар сайлаб, бу ясовчиларни текислик билан кесишган нукталари аникланади. Аввало асосий нукталар аникланади. Бу нукталарга, текислик билан проекциялар текисликларига нисбатан энг яқин ва энг узок бўлган нукталар, энг четки очерк ясовчилари билан кесишган нукталар киради. Сўнгра улар орасидаги

оралик нұкталар аникланади. Ҳосил бүлған нұкталар кетма-кет бирлаштирилади. Бунга оид масалалар ишлашдан олдин текислик билан доиравий (айланма) конус сирти кесишгандың ҳосил бүлдиган эгри чизикларни шартлари ва турлари билан танишиб чықамиз.


Конуснинг кесими кесувчи текисликларни конус үкіга нисбатан жойлашишига қараб кесимда түғри чизик, айланы, эллипс, парабола, гипербола ва нұкта ҳосил бүлиши мүмкін. Шулардан асосийларини күриб чықамиз:

1. Агар текислик конус ясовчисини барчасини кесиб үтса эллипс ҳосил бүләди (230- шакл);

2. Агар текислик конус сиртининг бир томонини кесиб, битта ясовчисига параллел бүлса парабола эгри чизиги ҳосил бүләди (231- шакл);



230- шакл




231- шакл


3. Текислик конус сиртини иккى томонини кесиб, иккита ясовчисига параллел жойлашса, кесимда гипербола эгри чизиги ҳосил бүләди (232- шакл). Бунда кесувчи текислик билан конуснинг асоси жойлашган текислик орасидаги бурчак, конус ясовчиси билан текислик орасидаги бурчакдан катта бүлиши керак.

Шу мавзуга оид масалаларнинг ечимлари билан танишиб чықамиз.

**1- масала.** Конус сирти билан фронтал проекцияловчы  $\Sigma(\Sigma_{II}, \Sigma_{II})$  текисликнинг кесишгандың эгри чизигини ясаш керак (233- шакл). Бу масалани ечишда, аввал



232- шакл





233- шакл

конуснинг горизонтал ва фронтал очеркларини аникловчи  $S_1T_1$ ,  $S_2T_2$  ва  $S_1N_1$ ,  $S_2N_2$  ҳамда  $S_1K_1$ ,  $S_2K_2$  ва  $S_1M_1$ ,  $S_2M_2$  ясовчиларини проекцияловчи текисликнинг  $\Sigma_{II_2}$  изи билан кесишишидан ҳосил бўлган  $1_11_2$  ва  $2_12_2$  ҳамда  $6_16_2$  ва  $3_13_2$  нукталар аникланади. Шунингдек, эгри чизикка тегишли бошқа нукталарни топиш учун  $S_1F_1$ ,  $S_2F_2$  ва  $S_1E_1$ ,  $S_2E_2$  ясовчиларни ўтказиб, уларнинг  $\Sigma_{II_1}\Sigma_{II_2}$  текислик билан кесишиш нукталари  $4_14_2$  ва  $5_15_2$  ... лар топилади. Топилган нукталар кетма-кет туташтирилади. Эгри чизикнинг фронтал проекцияси тўғри чизикдан иборат бўлиб, у  $\Sigma_{II_2}$  билан кўшилиб колади. Топилган кесим юзасининг ҳақиқий катталиги проекциялар текисликларини алмаштириш усули билан аникланган.

**2- масала.** Шар сирти билан Г текисликнинг кесишиган эгри чизиги ясалган (234- шакл). Бу масалани ечиш учун сиртда бир қанча параллеллар танлаб, уларнинг берилган текислик билан кесишиган нукталари аникланади ҳамда уларни кетма-кет туташтирилади. Берилган  $\Gamma_{II_1}\Gamma_{II_2}$  текислик шарни айлана бўйича кесади, бу айлана  $\Pi_1$  га эллипс кўринишида проекцияланади. Бунда энг юкори  $1_11_2$  нукта ва энг қуий  $2_12_2$  нукталар  $\Gamma_{II_2}$  изи билан шарнинг фронтал очеркини кесишишидан ҳосил бўлади. Экватор орқали ўтказилган  $\Phi_{II_2}$  текисликдан фойдаланиб, кесишиш

Чизигининг горизонтал проекциясида күринар ва күринмас кисмларга ажратувчи  $3_1$  ва  $4_1$  нукталар топилади.  $\Sigma_{n_2}$  ва  $R_{n_2}$  кесувчи текисликларни ўтказиб, кесишиш чизигига оид  $5_1 5_2$  ва  $6_1 6_2$  ҳамда  $7_1 7_2$  ва  $8_1 8_2$  оралиқ нукталар топилади. Бунда  $1_2 2_2$  кесманинг ўртасидан ўтувчи  $\Sigma_{n_2}$  текислик, эллипснинг катта ўқини топишга ёрдам беради. Бу катта ўқ кесим әйланасининг диаметрига (яъни  $5_1 - 6_1$  кесма  $1_2 - 2_2$  кесмага) тенгdir.


Тўғри чизикли ёйилувчи сиртларнинг ихтиёрий текислик билан кесишган эгри чизигини ясаш учун тўғри чизик билан текисликнинг кесишган нукталарини аниклаш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқdir. Бунда берилган сиртнинг бир неча ясовчи тўғри чизик билан кесувчи текисликнинг учрашган нуктаси топилади ва шу топилган нукталар кетма-кет бирлаштирилади. Натижада кесим чизигига эга бўлинади.



234- шакл

**З- масала.** Доиравий цилиндр билан умумий вазиятдаги  $\Sigma(a \cap b)$  текисликнинг кесишган чизигини ясаш керак (235- шакл).

**Ечиш:** Умумий вазиятдаги  $\Sigma(a \cap b)$  текислик ўзаро кесишувчи икки тўғри чизик орқали берилган бўлиб,



235- шакл

*a* горизонтал ва *b* фронтал чизиклардан иборатdir. Цилиндрнинг ўки  $\Pi_1$  текисликка перпендикуляр бўлганлиги учун кесимнинг горизонтал проекцияси цилиндр асоси айлана билан устма-уст тушади. Шунинг учун айлананинг ҳар бир нуктаси текисликда ётувчи нуктанинг горизонтал проекцияси деб қаралади. Берилган текислик цилиндрни эллипс бўйича кесиб ўтади. Юкоридаги мулоҳазаларга кўра эллипснинг фронтал проекциясини топиш кифоядир.

1. О марказдан *a* тўғри чизикка перпендикуляр қилиб,  $\Sigma$  текисликни кесувчи  $\Phi$  текислик ўтказилади.  $\Phi$  текислик цилиндрни  $5_1$ ,  $5_2$  нукталари оркали ўтувчи ясовчилари бўйича кесади,  $\Phi$  текислик  $\Sigma$  текисликни унинг энг катта оғма чизиги бўйича кесади. Аниқланган  $5_1$ ,  $5_2$  чизик эллипснинг катта ўки бўлади.

2. Эллипснинг кичик ўқини аниқлаш учун  $O$  нуктадан текисликнинг  $m_1m_2$  горизонтал чизиги ўтказилади ва у сиртни  $3_13_2$ ,  $4_14_2$  нукталар бўйича кесади. Ана шу чизик эллипснинг кичик ўки бўлади.

3. Яна  $O$  нуктадан текисликнинг  $\pi(\pi_1\pi_2)$  фронтал чизиги ўтказилади. Бу чизик сиртни  $1_11_2$ ,  $2_12_2$  нукталар бўйича кесади. Бу чизикнинг фронтал проекцияси  $1_22_2$  эгри чизикнинг кўринар ва кўринмас қисмини аниқлайди. Қўшимча оралиқ нукталарни ҳам юкоридагидек топиш мумкин.


**4- масала.** Конус сирти билан ихтиёрий  $\Sigma(\Sigma_{II_1}, \Sigma_{II_2})$  текисликнинг кесишиш чизигини топиш керак (236- шакл).

Бу масалани бир йўла икки хил усул билан ечиш мумкин:

**Биринчи усул.** Конус сирти билан  $\Sigma(\Sigma_{II_1}, \Sigma_{II_2})$  текисликнинг кесишишган эгри чизигини ясаш ёрдамчи кесувчи текисликлар ўтказиш коидасига асосланади. Берилган текислик конус асосини кесиб ўтганлиги учун кесим юзаси тўла эллипс эмас. Текисликнинг горизонтал ( $\Sigma_{II_1}$ ) изи конус асосини (айланани) икки нуктада (яъни тўғри чизик бўйича) кесади.

Энди конус билан текисликнинг кесишишидаги асосий нукталарни топамиз.

1.  $S_2$  кўринар ясовчи билан берилган текисликнинг кесишишган нуктасини топиш учун ёрдамчи  $\Gamma$  текислик ўтказилади. Бу текислик конусни,  $M_1F_1$ ,  $M_2F_2$  фронтал чизиги бўйича кесади ва унинг  $M_2F_2$  фронтал проекцияси очерк чизик билан  $2(2_12_2)$  нуктада кесишади.



236- шакл

Кесимнинг энг юкори  $4_1, 4_2$  нуктасини топиш учун конус учи оркали  $\Sigma_{\Pi_1}, \Sigma_{\Pi_2}$  текисликка перпендикуляр қилиб  $\Phi_{\Pi_1}, \Phi_{\Pi_2}$  текислик ўтказилади. Бу текисликларнинг кесишган чизигида кесимнинг энг юкори  $4_1, 4_2$  нуктаси ётади. Кўшимча оралик, масалан  $5_1, 5_2$  ва  $6_1, 6_2$  нукталар  $O_1, O_2$  нуктадан ўтувчи  $R$  текисликнинг ёрдамида топилади. Бу текислик конусни айлана бўйича, берилган текислик эса горизонтал чизик бўйича кесади. Улар ўзаро кесишиб  $5(5_1, 5_2)$  ва  $6(6_1, 6_2)$  нукталарни ҳосил қиласди.

**Иккинчи усул.** Бу усул чизмани қайта тузишдан иборат бўлиб, унда фронтал ( $\Pi_2$ ) проекциялар текислиги янги  $\Pi_4$  текислик билан алмаштирилади. Бунинг учун берилган

текисликнинг горизонтал  $\Sigma_{II_1}$  изига перпендикуляр қилиб янги  $O_1X_1$  ўк үтказилади. Сунгра  $\Sigma_{II_2}$  изда ихтиёрий ( $K_1K_2$ ) нуктани сайлаб, аппликата  $\Delta Z$  масофани, шу нукта оркали ўтган горизонтал чизик билан  $X_1$  ўкнинг кесишган нуктасидан ўлчаб қўйилади.  $7_4 = 8_4$  ва  $K_4$  нукталар ўзаро бирлаштирилса, янги  $\Sigma_{II_1}$  текислик ҳосил бўлади. Конус сирти ҳам янги текисликка проекцияланади.  $\Sigma_{II_1}$  текислик билан конус сиртининг кесишган  $7_17_2, 6_16_2, 2_12_2, 4_14_2, 5_15_2, 8_18_2$  эгри чизиги аниқланади. Ҳар икки усулда ҳам топилган нукталар кетма-кет равон бирлаштирилади.

### 8.5- §. Сиртларнинг тўғри чизик билан кесишиши

Тўғри чизик билан бирор сирт ўзаро икки ва ундан ортиқ нукталар бўйича кесишиади. Бундай масалаларнинг ечими тўғри чизик билан текисликнинг кесишган нуктасини топишга асосланади, яъни қўйидаги кетма-кетликлар бажарилиши лозим:

1. Тўғри чизик оркали ёрдамчи ( $\Phi$ ) текислик үтказилади (237- шакл). Агар текислик проекцияловчи бўлса, масала осонлик билан ечилади.


2. Ёрдамчи текислик билан ( $\Gamma$ ) сиртнинг кесишган эгри чизиги топилаади.

3. Аниқланган эгри чизик билан  $t$  тўғри чизикнинг кесишган ( $M, N$ ) нукталари белгиланади. Буларнинг бири, масалан,  $M$  — кириш нуктаси, иккинчиси  $N$  — чиқиш нуктаси


деб юритилади. Шу топилган нукталар изланаётган нукталар бўлади. Умуман ёрдамчи текислик асосан проекцияловчи килиб танланади. Лекин айрим ҳолларда, кесим оддий шаклда, яъни тўғри чизик ёки айлана кўринишида ҳосил бўлиши учун ихтиёрий равишда текислик үтказилади.

Шунга оид бир нечта масалаларнинг ечимлари билан танишиб чикамиз.


**1- масал а.** Айланиш сирти билан  $t$  ( $t_1, t_2$ ) тўғри чизикнинг кесишган нукталарини аниқлаш лозим (238- шакл).



237- шакл



238- шакл



239- шакл

**Ечиш:** 1. Тұғри чизик орқали ёрдамчи фронтал проекцияловчи  $\Phi$  текислик үтказилади, унинг фронтал изи  $\Phi_{II_2}$  тұғри чизиккінг фронтал проекцияси билан устма-уст тушади.

2. Ёрдамчи  $\Phi$  текислик билан сиртнинг кесишган эгри чизиги топилади. Бунинг учун асосий нұкталаридан әнг юкори  $B_1B_2$ , әнг пастки  $A_1A_2$  ва бир нечта оралик күшимчә, масалан,  $C_1C_2$  ва  $K_1K_2$  нұкталари  $T_{II_2}$  ва  $R_{II_2}$  текисликларнинг ёрдамида топилади. Топилған нұкталар кетма-кет бирлаشتырилади.


3. Эгри чизик билан тұғри чизиккінг кесишган  $F_1F_2$  ва  $E_1E_2$  нұкталари аникланади.

**2- масала.** Цилиндр сирти билан  $m$  тұғри чизиккінг кесишган нұкталарини топыш керак (239- шакл).


**Ечиш:** 1.  $m(m_1, m_2)$  тұғри чизик орқали цилиндр ясовчиларини кесиб үтүвчи ёрдамчи  $\Sigma$  ихтиёрий текислик үтказилади. Бунинг учун  $A_1B_1$ ,  $A_2B_2$  тұғри чизиккінг  $A_1A_2$  ва  $B_1B_2$  учлари орқали цилиндр ясовчиларига параллел тұғри чизиклар, яни  $A_1$  ва  $B_1$  лар орқали цилиндр

ясовчиларининг горизонтал проекцияларига параллел,  $A_2$  ва  $B_2$  лардан эса ясовчиларнинг фронтал проекцияларига параллел түғри чизиклар ўтказилади. Бу чизикларнинг горизонтал излари  $K_1K_2$  ва  $N_1N_2$  аниқланади. Бунда  $K_1N_1$ ,  $K_2N_2$  түғри чизик  $A_1B_1$ ,  $A_2B_2$  орқали ўтған  $\Sigma_{II}$ ,  $\Sigma_{III}$  текисликкниң горизонтал изидир. Аниқланган  $K_1A_1B_1$ ,  $K_2A_2B_2$  текислик цилиндр асосини  $1_11_2$  ва  $2_12_2$  нукталарда, цилиндрни эса шу нукталар орқали ўтувчи ясовчилари бўйича кесади. Бу ясовчилар  $A_1B_1$ ,  $A_2B_2$  түғри чизик билан  $E_1E_2$  ва  $F_1F_2$  нукталарда кесишади. Бу нукталар изланётган нукталардир.

**3- масала.** Конус сирти билан  $m$  ( $m_1$ ,  $m_2$ ) түғри чизикнинг кесишган нукталарини аниқлаш керак (240- шакл). 240- шаклда  $m$  түғри чизикнинг конус сирти билан кесишган  $E$  ва  $F$  нукталарини аниқлашнинг яққол тасвири берилган.  $E$  ва  $F$  нукталарни топиш учун  $m$  түғри чизик орқали конуснинг ясовчилари бўйича кесувчи  $\Sigma$  текислик ўтказилади. Бу текислик конус учи  $S$  орқали ўтади.  $\Sigma$  текисликкниң вазиятини конус учи орқали ўтказилган  $SK$  ва  $m$  түғри чизиклар аниқлади. Бу текисликкниң конус асоси ётган  $\Pi$  текислик билан кесишган  $\Sigma_{II}$  изини аниқлаш учун  $m$  түғри чизикнинг  $\Pi$  даги изи З ни топилади ва  $SK$  түғри чизикнинг эса 4 нуктаси топилади. З, 4-чизик  $\Sigma$  текисликкниң  $\Pi$  даги изи



240- шакл




241- шакл


$\Sigma_{II}$  бўлади.  $\Sigma_{II}$  конус асосини 1 ва 2 нукталарда кесади.  $\Sigma$  текислик конусни шу нукталар орқали ўтувчи  $S1$  ва  $S2$  ясовчилари бўйича кесиб ўтади. Бу ясовчиларнинг  $m$  билан кесишган  $E$  ва  $F$  нукталари изланётган нукталардир.

Бу масалани эшорда ишланиши 241- шаклда күрсатилган. Бунинг учун аввало  $m_1m_2$  орқали ўтувчи ёрдамчи  $\Sigma$  текислик ўтказилади. Унинг вазиятини  $m_1$ ,  $m_2$  тўғри чизик ва  $S_1K_1$ ,  $S_2K_2$  чизик аниқлайди. Сўнгра,  $m_1m_2$  тўғри чизик нинг горизонтал изи  $3_13_2$  ни, шунингдек  $S_1K_1$ ,  $S_2K_2$  чизик нинг горизонтал изи  $4_14_2$  ни топилади ва бу нукталар ўзаро туташтирилади. Ёрдамчи текисликнинг конус асоси билан кесишган  $1_11_2$  ва  $2_12_2$  нукталари орқали  $1_1S_1$ ,  $1_2S_2$  ва  $2_1S_1$ ,  $2_2S_2$  конус ясовчилари ўтказилади. Уларнинг  $m_1m_2$  билан кесишган  $E_1E_2$  ва  $F_1F_2$  нукталари берилган тўғри чизикнинг конус сирти билан кесишган нукталарининг проекцияларини ифодалайди.  $m_1m_2$  тўғри чизикнинг конус ичидаги  $E_1E_2$  ва  $F_1F_2$  нукталар орасидаги кисми штрих чизик билан курсатилади, чунки ҳар икки проекцияда кўринмас бўлади.

**4- масала.** Призма сирти билан  $a$  тўғри чизикнинг кесишган нукталари аниқлансин (242- шакл). Бунинг учун  $a$  тўғри чизик орқали  $A$  текислик ўтказилади (242- шакл).  $A$  текисликнинг призма кирралари билан -кесишган  $1,2,3$  нукталари аниқланади. Бу нукталарни кетма-кет туташтириб,  $123$  кесимга эга бўлинади. Кесим билан  $a$  тўғри чизикнинг кесишган  $M$  ва  $N$  нукталари изланадиган нукталар бўлади. Энди, шу масаланинг эшорда ечилишини кўриб чиқамиз.  $a_1$ ,  $a_2$  тўғри чизик орқали фронтал проекцияловчи  $A_{n_1}$ ,  $A_{n_2}$  текислик ўтказилади (243- шакл).  $A(A_{n_1}A_{n_2})$  текисликнинг призма кирралари билан кесишган нукталарини ўзаро бирлаштириб  $1_12_13_1$ ,  $1_22_23_2$  кесим ҳосил қилинади. Кесимнинг горизонтал проекциясида унинг  $1_12_1$  ва  $1_13_1$  томонлари билан  $a_1$  нинг кесишган  $M_1$  ва  $N_1$  нукталари белгиланади. Бу нукталар



242- шакл



243- шакл

берилган түғри чизикнинг призма сирти билан кесишиган нукталарининг горизонтал проекцияларидир. Нукталарнинг фронтал проекциялари  $M_2$  ва  $N_2$  лар боғловчи чизиклар воситасида топилади.

### 8.6- §. Сиртларнинг ўзаро кесишиши

Техника машиналари ва уларнинг қисмлари, деталлари ҳар хил геометрик шаклларнинг кесишишларидан, яъни конус, цилиндр, призма, айланиш сиртлари ёки мураккаб бўлган эгри сиртлардан иборатdir. Бундай кесишиган қўшма сиртлар асосида ўзаро кесишиган трубалар, машинасозлик деталлари, биноларнинг устунсиз томлари ва ҳоказолар тайёрланади. Шунинг учун ҳар бир муҳандис сиртларнинг ўзаро кесишиш чизикларини аник ясашни ва уларни сирт ёйилмасида түғри тасвирлашни чуқур билиши керак. Сиртларнинг ўзаро кесишиш чизигини ясашда чизма геометрияда қўлланиладиган ҳар хил усуllibардан фойдаланилади. Бунда асосан ёрдамчи текисликлар ва шар (сфера) усуllibаридан фойдаланилади. Ёрдамчи текисликлар усулида, текислик берилган сиртларни түғри чизик ёки эгри чизик (кўпинча айлана) бўйича кесиб ўтадиган қилиб танлаб олинади. Ёрдамчи текисликлар сифатида проекцияловчи ёки ихтиёрий вазиятдаги текисликлар ишлатилади. Агар берилган сиртлардан бирортаси проекциялар текислигига нисбатан проекцияловчи бўлса, масала осонлик билан ечилади.


244- шаклда икки  $\Sigma$  ва  $\Phi$  сиртларнинг кесишиган чизиги ва шу чизикка тегишли  $K$  нуктани топиш йили кўрсатилган. Бунинг учун: 1. Ҳар икки сиртни кесувчи ёрдамчи  $G$  — текислик ўтказилади.

2. Ёрдамчи текислик билан сиртларни кесишиган 1—2, 3—4 чизиги топилади.



3. Топилган ёрдамчи 1—2 ва 3—4 чизикларнинг кесишиган  $K$  нуктаси аникланади.

Бу нукта ҳар икки сиртларга тегишли бўлганилиги учун умумий нукта бўлиб изланаётган эгри чизикнинг битта нуктасидир. Худди шунингдек бир нечта нукталарни топиш мумкин.

Хосил бўлган нукталар кетма-кет равон қилиб бирлаштирилади. Сиртларнинг кесишиш чизигини аниклашда, аввало энг юкори ва пастки (куйи) хамда бошқа характерли нукталар топилади. Сўнгра қўшимча оралик нукталар аникланади.




244- шакл



245- шакл

Энди бир нечта масалаларнинг ечими билан танишиб чиқамиз.

**1- масала.** Уч киррали призма билан айланма конус сиртининг кесишиш чизигини ясаш керак (245- шакл). Бу сиртларнинг ўзаро кесишиш эгри чизигини ясаш учун конус ўқига перпендикуляр қилиб ёрдамчи  $T(T_{II_2})$ ,  $\Phi(\Phi_{II_2})$  ва  $R(R_{II_2})$  текисликларни ўtkазамиз. Бу текисликлар приzmани ясовчилар (кирралар) бўйича, конусни эса айланалар бўйича кесади. Битта текисликда ўтувчи ясовчи билан айланга ўзаро кесишиб изланадиган эгри чизикнинг битта ёки иккита нуктасини беради. Масалан, призманинг  $T(T_{II_2})$  текисликда жойлашган ва  $l_1(l_1l_2)$  нукта орқали ўтувчи ясовчиси билан конуснинг шу текисликдаги параллел, яъни  $b(b_1b_2)$  нуктаси орқали ўтувчи параллел кесишиб изланадиган эгри чизикнинг  $l_1l_2$  нуктасини беради. Шунингдек,  $\Phi(\Phi_{II_2})$  текислик ёрдамида сиртларнинг ўзаро кесишган эгри чизигининг  $4_14_2$  ва  $5_15_2$  нукталари,  $R(R_{II_2})$  текислик ёрдамида эса  $2_12_2$  ва  $3_13_2$  нукталари аникланади. Аникланган нукталарни кетма-кет бирлаштириб, берилган сиртларнинг кесишган эгри чизигига эга бўлинади. Демак, призма билан конус



246- шакл

247- шакл

сиртнинг ўзаро кесишган эгри чизиги тўла бўлмаган эллипс ва параболадан иборат экан.


**2- масала.**  $\Phi(\Phi_{II}, \Phi_{II})$  айланиш сирти билан шар сиртнинг кесишган эгри чизигини ясаш керак (246- шакл).

Сиртларнинг ўқлари горизонтал проекциялар текислигига перпендикуляр бўлганлиги учун кесувчи текисликларни бу сиртларнинг параллеллари бўйича кесиб ўтадиган килиб ўтказилади. Шаклдан кўриниб турибдики, сиртларнинг бош меридиан текисликлари кўшилиб колган ( $\Lambda_{II}$  текислик). Бош меридионал ЧИЗИҚЛАРНИНГ кесишган нукталари  $1_1 1_2$  — энг юкори нуктасини,  $2_1 2_2$  — энг кўйи нукталарини ифодалайди. Шар сиртнинг экватори оркали ўтган  $\Gamma(\Gamma_{II})$  текислик шарни унинг экватори бўйича, айланиш сиртни эса  $K_1 K_2$  нукта оркали ўтвучи параллели (айланга) бўйича кесиб ўтади. Бу кесишиш чизиклари ўзаро кесишиб  $3_1 3_2$  ва  $4_1 4_2$  нукталарни беради. Горизонтал

проекцияда 3<sub>1</sub> ва 4<sub>1</sub> нукталар кесишиш эгри чизигини күринар ва күринмас кисмларга ажратади. Кесишиш чизигига тегишли бүлган бошқа нукталарни аниклаш учун иккала сиртни параллеллари бүйича кесиб ўтадиган текисликлар ўтказилади. Бу параллелларнинг ўзаро кесишиган нукталари изланган эгри чизикка тегишли бўлади. Масалан,  $T(T_{12})$  текисликни ўтказиб, 7<sub>1</sub>7<sub>2</sub> ва 8<sub>1</sub>8<sub>2</sub> нукталар,  $\Sigma(\Sigma_{12})$  текисликни ўтказиб, 9<sub>1</sub>9<sub>2</sub> ва 10<sub>1</sub>10<sub>2</sub> нукталар ва  $\Phi(\Phi_{12})$  текисликни ўтказиб, 5<sub>1</sub>5<sub>2</sub> ва 6<sub>1</sub>6<sub>2</sub> нукталар топилган. Топилган ҳамма нукталар кетма-кет бирлаштирилади. Натижада сиртларнинг кесишиган эгри чизиги ҳосил бўлади. Ёрдамчи шарлар усули, айланиш сиртлари умумий симметрия текислигига эга бўлган вазиятларда, яъни кесишувчи сиртларнинг ўклари ўзаро кесишиша ва проекциялар текисликларидан бирортасига параллел жойлашган бўлсагина қўлланади. Сиртларнинг кесишиган эгри чизигини ясашда икки кўриниш бўлиши мумкин. Биринчи кўринишда берилган айланиш сиртлари ўкларининг кесишиган нуктаси ёрдамчи шарларнинг маркази бўлиб, ҳамма шарлар шу бир марказдан ўтказилади, бу усул концентрик шарлар усули дейилади. Иккинчи кўринишда ёрдамчи шарларнинг марказлари алоҳида алоҳида килиб ўтказилади, бундай усулни эксцентрик шарлар усули деб юритилади. Концентрик усул шунга асосланганки, агар айланиш сиртларнинг ўклари ўзаро кўшилиб қолса, бу сиртларнинг кесишиган чизиги айланалардан иборат бўлади. Энди концентрик шарлар усулидан фойдаланиб масалалар ишлаймиз.

**3-масала.** Ўклари 0<sub>1</sub>0<sub>2</sub> нуктада кесишиган ва П<sub>2</sub> текисликка параллел бўлган доиравий конус билан доиравий цилиндрнинг кесишиш эгри чизигининг ясалишини кўрайлик (247-шакл). Бунинг учун биринчи галда, сиртларнинг кесишишидан ҳосил булган таянч нукталар топилади. Бу икки сиртнинг бош меридиан текисликлари ўзаро кўшилиб қолган. Шунинг учун фронтал проекцияда бош меридианларнинг кесишиш нукталари 1<sub>2</sub> ва 2<sub>2</sub> лар белгиланади ва улар орқали 1<sub>1</sub> ва 2<sub>1</sub> лар топилади. Энди фактэт эгри чизикка оид нукталарни топиш учун ҳар икки сиртни кесиб ўтувчи энг катта ва энг кичик шарлар радиуслари аникланади. Энг катта шар радиуси  $0_22_2 = R_{\max}$  масофага тенг бўлади. Энг кичик шар радиусини аниклаш учун 0<sub>2</sub> нуктадан конус ва цилиндр ясовчиларига перпендикулярлар туширилади, шу перпендикулярнинг каттаси  $R_{\min}$  ни ифодалайди. Ёрдамчи шарлар  $R_{\max}$  ва  $R_{\min}$

радиусли шарлар орасида ўтказилади.  $R_{\min}$  радиусли шар цилиндрни  $C_2D_2$  диаметрли айланы бўйича, конусни эса  $A_2B_2$  айланы бўйича кесади. Бу икки айланалар кесишиб,  $3_2$  ва  $4_2$  нукталарни ҳосил қиласди. Нукталарнинг горизонтал  $3_1$  ва  $4_1$  проекциялари конуснинг тегишли параллелининг горизонтал проекциясида ётади. Худди шу усулда  $5_15_2$ ,  $6_16_2$ ,  $7_17_2$  ва  $8_18_2$  оралиқ нукталар ҳам топилади. Сўнгра топилган нукталарни кўринар ва кўринмасларини хисобга олиб кетма-кет равон қилиб бирлаштирилади. Натижада



248- шакл

изланыётган эгри чизикка эга булинади. Эксцентрик шарлар усули шундан иборатки, бу усулда айланиш сиртларининг кесишиш эгри чизигини топишда марказлари бир нуктада бўлмаган ёрдамчи шарлар ўтказилади.

**4- масала.** Ҳалқасимон сиртнинг кесик конус сирти билан кесишиган эгри чизигини эксцентрик шарлар усулидан фойдаланиб аниклаймиз (248- шакл). Аввало берилган сиртларнинг фронтал очеркларининг кесишиган нукталари  $1_2$  ва  $2_2$  лар аникланиб, сўнгра улар ёрдамида горизонтал проекциясида  $1_1$  ва  $2_1$  лар топилади. Бу нукталар таянч нукталарга киради. Сиртларнинг ўклари ўзаро кесишидан айқаш жойлашганлиги учун ёрдамича шарларнинг марказлари бир нуктада бўлмасдан бирор сиртнинг ўки буйлаб ўзгариб боради. Конус ўкида ётган ҳар қандай марказ орқали ўтган шар конуснинг параллели бўйича кесиб утса, торсни эса меридиани бўйича кесиб ўтади. Бу меридиан бўйича кесиб ўтувчи шарнинг маркази шу айлана ўртасидан айдана текислигига ўтказилган перпендикуляр устида ётади, яъни эксцентрик шар маркази Шу перпендикуляр билан конус ўқининг кесишиш нуктасида булади. Энди кесишиш эгри чизигига тегишли нукталарнинг фронтал проекцияларини аниклашдан бошлигиз. Масалан,  $3_2$  ва  $4_2$  нукталарни аниклаш учун ҳалқасимон сиртнинг  $\Gamma(\Gamma_{II})$  меридиан текислигидаги  $A_2 - A_2$  айлана маркази  $K_2$  дан унга перпендикуляр ўтказилади. Бу перпендикулярнинг конус ўки билан кесишиган  $O_2$  нуктасидан ҳалқасимон сиртни  $A_2 - A_2$  айлана бўйича кесиб ўтадиган  $R$  радиусли шар чизамиз. Бу шар конусни  $C_2 - C_2$  айлана бўйича кесиб ўтади.  $A_2 - A_2$  ва  $C_2 - C_2$  айланалар ўзаро кесишиб  $3_2$  ва  $4_2$  нукталарни беради. Қолган шарлар маркази, масалан  $O_4$  нукта  $K_1$  дан тегишли айлана текислигига ўтказилган перпендикулярнинг конус ўки билан кесишиган нуктасидан ўтказилади ва ҳоказо. Топилган нукталарнинг горизонтал проекцияси конус параллелларидан фойдаланиб аникланган. Масалан,  $3_1$  ва  $4_1$  нукталарни топиш учун  $3_2(4_2)$  ва  $C_2$  нукталар орқали конуснинг  $R_1$  радиусли параллели ўтказилган, унинг  $C_1$  нукта орқали ўтувчи горизонтал проекциясида  $3_1$  ва  $4_1$  нукталар ётади. Худди шу тартибда  $5_1$  ва  $6_1$  нукталар ҳам топилади. Топилган нукталар равон қилиб кетма-кет бирлаштирилади.

## 8.7-§. Сиртларни текисликка ёишиш

Агар абстракт математик сиртлар юпка, эгилувчан ва чўзилмайдиган пленкадан иборат бўлса, у ҳолда сиртларни эгиш йўли билан йиртмасдан, чўзмасдан ва буқмасдан текислик билан устма-уст жипслаштириш мумкин. Шундай хусусиятларга эга бўлган сиртлар ёйиладиган сиртлар, уларнинг текислик билан жипслалишиб ҳосил қилган шакллари эса ёйилма дейилади.

Сиртларни текислик устида ёиши техника масалала-ридан ҳисобланиб, машинасозлик, самолётсозлик, курилиш иншоотлари ва бошқа соҳаларда ишлатида-диган маҳсулотлар, масалан, патрубкалар, ҳаво сўриш трубалари каби буюмлар, яхлит листларни эгиш йўли билан тайёрланади. Шундай буюмларни лойихалаш ҳар хил конструкцияларнинг шаклларини ҳосил қилиш учун, аввало сиртларнинг ёйилмалари яхлит листларда ясалади ва улардан ишлаб чиқаришга керакли бўлган намуналар тайёрланади. Ёйилувчи сиртларга киррали сиртлар, шунингдек тўғри чизикил ёйилувчи сиртлар (цилиндр, конус, торслар) киради. Бу сиртларни текислик устидаги ёйилмасида тўғри чизик кесмасининг узунлиги, ўзаро кесишувчи чизиқлар орасидаги бурчаклар ва сиртга тегишли ёпик майдон юзасининг қийматлари ўз ҳолатларини саклаб қолади. Бундай ҳолат изометрик мослих бўлиб, эгилиш дейилади. Сиртларни ёишида нормал кесим, юмалатиш ва учбурчаклар усуулларидан бири қўлланади.


Агар цилиндрик ва призматик сиртларнинг ясовчила-ри проекциялар текисликларига нисбатан оғма вазиятда бўлса, уларнинг ёйилмаларини ясаш учун нормал кесим усулидан фойдаланиш тавсия этилади. Киррали, конус ва цилиндрик сиртлар проекциялар текисликларига нисба-тан оғма бўлса, юмалатиш усулидан фойдаланилади.

Конус, киррали ва торс сиртларнинг ёйилмаларини қуришда кўпроқ учбурчаклар усулидан фойдаланила-ди. Бу усул триангуляция деб юритилади.

**8.7.1. Кўп киррали сиртларнинг ёйилмаларини ясаш.** Пирамида сиртини ёиши. Пирамидани текислик устида ёиши учун умумий ҳолда пирамидада бир неча ясовчилар (қирралар) танлаб олинади ва уларнинг ҳақиқий узунлиги ҳамда йўналтирувчи эгри чи-зигининг (пирамида асосининг) ҳақиқий катталиги

топилади. Сўнгра уларнинг ҳакиқий катталиклари бўйича планаметрия усулидан фойдаланиб, пирамида сирти текисликкага ёйилади.

Куйида йўналтирувчи эгри чизиги  $\Pi_1$  га проекцияловчи пирамида сиртининг текисликка ёйилишини кўриб чиқамиз (249- шакл);




249- шакл

1. Берилган пирамиданинг асоси  $ABC \Pi_1$  текисликка параллел бўлгани учун унинг горизонтал проекцияси ҳакиқий катталикка эга, яъни  $A_1B_1C_1 = ABC$ .

2. Пирамиданинг ён  $A_1S_1, A_2S_2; S_1B_1, S_2B_2$  ва  $S_1C_1, S_2C_2$  кирраларининг ҳакиқий катталикларини аниқлаш учун  $i_1, i_2$  уқ атрофида  $\Pi_2$  текисликка параллел бўлгунча айлантирилади. Қирраларнинг ҳакиқий катталиклари  $S_2A_2; S_2B_2; S_2C_2$  проекцияларга teng бўлади.

3. Сирт  $SA$  киррасидан бошлаб текисликкага ёйилади. Бунинг учун текисликда бирор, масалан  $S$  нуқта танланади ва ундан ихтиёрий чизик ўтказиб,  $S_2A_2$  ҳакиқий катталик кесма ўлчаб кўйилади. Сўнгра,  $A$  нуқтадан пирамида асосининг  $A_1B_1 = AB$  томонига teng бўлган радиус билан ёй чизилади.  $S_2$  нуқтадан эса  $S_2B_2$  кесма билан иккинчи ёй чизилади.

Ёйлар кесишган В нуктани S ва A нукталар билан бирлаштирилади. Хосил бўлган SAB учбурчак пирамиданинг битта ён томонининг ёйилмасини ифодалайди. Колган икки ён томон ҳам кетма-кет шу тартибда ёйилади: Пирамиданинг ёйилган учта ён томонлари ва асосининг йифиндиси унинг тўла сиртининг ёйилмасини хосил киласди. Агар бирор BCS киррада ётувчи



$(K_1 K_2)$  нуктани ёйилмага олиб ўтиш лозим бўлса  $S_1 K_1$  ва  $S_2 K_2$  нукталар туташтирилади. Сўнгра  $P$  ва  $T$  кесмалар белгиланади. Бу кесмалар ҳақиқий катталиги бўйича ёйилмага ўлчаб қўйилади.  $S$  ва  $I$  нукталар бирлаштирилади, сўнгра 2-нуктадан  $BC$  га параллел қилиб чизик ўтказилади. Бу чизик  $S_1$  билан кесишиб, изланадиган  $K$  нукта аниқланади. Планаметрия усулидан фойдаланиб пирамиданинг  $ABC$  асоси ҳам ёйилади.

**Призма сиртини ёйиш.** Призма сиртини текисликка ёйиш учун уларнинг ясовчилари ва нормал кесимининг ҳақиқий катталиклари маълум бўлиши керак. Призма ясовчиларнинг ҳақиқий катталиги, кўпинча, проекциялар текисликларини алмаштириш усули билан аниқланади. Призма сирт ясовчиларига перпендикуляр қилиб ўтказилган текислик билан сиртнинг кесишигни чизиги (нормал кесими) нинг ҳақиқий кўриниши проекциялар текисликларини алмаштириш ёки айлантириш усуслари билан аниқланади. 250-шаклда  $P_1$  га проекцияловчи вазиятда жойлашган уч ёкли призманинг ёйилиши курсатилган.

**Ечиш:** 1. Берилган призманинг ён кирралари  $P_1$  текисликка параллел бўлганлиги учун бу кирралар горизонтал проекциялар текислигига ўзининг ҳақиқий катталиги бўйича проекцияланади.


2. Призманинг ён кирраларига перпендикуляр қилиб  $\Gamma(\Gamma_{P_1}, \Gamma_{P_2})$  текислик ўтказилади. Бу текислик нормал текислик бўлиб, унинг горизонтал изи  $\Gamma_{P_1} \perp A_1 E_1$ , Фронтал изи  $\Gamma_{P_2} \perp OX$  қилиб ўтказилади. Бу текислик билан призманинг кесишигни эгри чизиги  $l_1, l_2, 2_1, 2_2, 3_1, 3_2$  билан кесим юзаси топилади. Сўнгра айлантириш усули билан кесишиш чизигининг 123 ҳақиқий катталиги топилади.

3. Ихтиёрий горизонтал чизик ўтказиб, унга  $l_0 3_0, 3_0 2_0$  ва  $2_0 1_0$  кесим томонларига тенг бўлган кесмалар ўлчаб қўйилади.

4. Шу нукталардан ўтказилган перпендикулярлар йўналишида  $l_0, 3_0, 2_0$  ва  $1_0$  нукталардан юкори ва пастки кисмларга кирраларнинг горизонтал проекцияларига тенг бўлган масофалар ўлчаб қўйилади. Бунда  $l_0 T = l_1 T_1, 3_0 K = 3_1 K_1, 2_0 E = 2_1 E_1; l_0 C = l_1 C_1, 3_0 B = 3_1 B_1, 2_0 A = 2_1 A_1$  бўлади. Сўнгра кесма уchlари тўғри чизик оркали бирлаштирилади. Ҳосил бўлган ТКЕТСАВСТ контур призма ён кирраларининг ёйилмасини ифодалайди. Призма асоси-

нинг ёйилмадиги вазиятини чизмадан тушуниб олиш  
Кийин эмас.

Энди умумий вазиятдаги уч кирралы оғма призма-  
нинг текисликка ёйилишини күриб чиқайлик (251- шакл).



251- шакл.

**Ечиш:** 1. Призманинг ён кирраларининг ҳақиқий катталигини топиш учун проекциялар текисликларини алмаштириш усулидан фойдаланиб,  $\Pi_2$  текисликни призма кирраларига параллел булган  $\Pi_4$  текислик билан алмаштирилади. Бунда,  $l_{44}=1,4$ ;  $2_{46}=2,6$  ва  $3_{45}=3,4$  бўлади.

2. Призма ясовчиларининг ҳақиқий катталиклари-  
га перпендикуляр килиб  $\Gamma$ ( $\Pi$ ) текислик ўтказамиш. Бу  
текислик нормал текислик булиб, унинг фронтал изи  
 $\Gamma_{II} \perp I_4, 4_4$ , горизонтал изи  $\Gamma_{II} \perp O_1 X_1$  килиб ўтказилади.


3. Призманинг нормал кесими ясалади. Унинг  $A_4B_4C_4$  фронтал проекцияси  $\Gamma_{\Pi}$ , билан бирга қўшилиб қолади, горизонтал проекцияси эса  $A_1B_1C_1$  бўлади.

4. Нормал кесимнинг ҳақиқий кўрининишини аниклаш учун айлантириш усулидан фойдаланиб,  $A_0B_0C_0=A_4B_4C_4$  нормал кесимнинг ҳақиқий шаклига эга бўлинади.

5. Нормал кесимни бирор тўғри чизикка ёйиб чиқамиз. Бунинг учун чизманинг бўш жойида горизонтал чизик ўтказиб, унга  $A_0$  нуқтадан бошлаб нормал кесимнинг ҳақиқий узунлиги кетма-кет ёйиб чиқилади. Бунда:  $A_0B_0=A_4B_4$ ;  $B_0C_0=\bar{B}_4\bar{C}_4$  ва  $C_0A_0=\bar{C}_4\bar{A}_4$  бўлади.


6. Ясовчиларнинг ёйилмадаги вазиятларини аниклаб чиқамиз. Бунинг учун,  $A_0$ ,  $B_0$ ,  $C_0$  нуқталардан  $A_0-A_4$  чизикка перпендикулярлар ўтказиб нормал кесим ёйимидан юқоридаги ясовчилар ҳақиқий узунлигини (нормал кесимдан юқоридаги қисмларини) олиб қўямиз  $A_04=C_45_4$ ;  $B_06=B_46_4$ ;  $C_05=C_45_4$ ). Кейин нормал кесим ёйимиidan пастга эса ясовчиларнинг пастки қисмларини олиб қўямиз ( $A_01=A_41_4$ ;  $B_02=B_42_4$ ;  $C_03=C_43_4$ ). Хосил бўлган 123145641 юза призма ён томонларини ёйилмасини ифодалайди.

252-шаклда асоси айланадан иборат бўлган оғма эллиптик цилиндрнинг ёйилмаси кўрсатилган.



252- шакл

**Ечиш:** Цилиндр сирти худди призма сиртига ўхашашиллади, яъни цилиндр призматик сирт билан алмаштирилади. Масалани ечишда «Нормал кесим» усулидан фойдаланиш қулайдир. Бунинг учун цилиндр ясовчилари га перпендикуляр бўлган ва уни икки қисмга бўлувчи  $\Gamma(\Gamma_{II_2})$  текислик ўтказилади. Цилиндр ясовчилари  $\Pi_2$  га параллел бўлганлиги учун нормал текислик фронтал проекцияловчи бўлади. Нормал текисликни цилиндр сирти билан кесишган чизигини топиш учун цилиндр асосини тенг, масалан, саккиз бўлакка бўлиб,  $l_1, l_2, 2, 2_1, \dots, 8, 8_2$  нукталар орқали бир неча ясовчилар ўтказилади ва уларнинг  $\Gamma(\Gamma_{II_1})$  текислик билан кесишган эгри чизиги  $A_1B_1T_1M_1C_1F_1, A_2B_2T_2M_2C_2F_2$  лар, яъни нормал кесим проекциялари аниқланади. Энди нормал кесимнинг ҳақиқий шаклини топамиз. Бунинг учун  $M_2$  нуктани марказ қилиб  $\Gamma(\Gamma_{II_2})$  текисликни ( $\Pi_1$ ) текисликка параллел бўлгунча айлантирамиз. Натижада  $M_1K_1S_1\dots M_1$  эгри чизикка эга бўламиз. Бу эгри чизик нормал кесимнинг ҳақиқий кўринишини ифодалайди. Цилиндр ясовчилари  $\Pi_2$  га параллел бўлганлиги учун, уларнинг фронтал проекциялари ҳақиқий узунликларга тенг бўлади. Цилиндр ясовчиларининг ҳақиқий узунликлари ва нормал кесимининг ҳақиқий шакли бўйича цилиндр текисликка ўйилади. Шу мақсадда чизманинг бирор қисмидан иҳтиёрий  $l_0$  тўғри чизик ўтказилади ва унга  $A_0$  нуктадан бошлаб нормал кесим ёйиб чиқилади. Бу ерда  $A_0F_0 = \bar{A}_1\bar{F}_1; F_0T_0 = \bar{F}_1\bar{T}_1, \dots; B_0A_0 = \bar{B}_1\bar{A}_1$ . Сўнгра  $A_0, F_0, T_0\dots$  нуктадардан нормал кесим ёйимига перпендикулярлар ўтказилади ва уларга нормал кесимдан юқорига цилиндрнинг фронтал проекциясидан ясовчиларнинг ҳақиқий узунликларини ўлчаб қўйилади. Масалан,  $A_0$  нукта орқали ўтадиган тўғри чизикка  $A_0 - A_0$  чизикнинг юқорисига фронтал проекциядан  $A_09_2$  кесмани,  $A$  нуктадан пастга эса  $A_2l_2$  кесмани олиб қўямиз (яъни  $A_09 = A_29_2; A_0l = A_2l_2$ ).  $F_0, T_0, E_0\dots$  нукталар орқали ўтадиган ясовчилар ҳам худди шунга ўхашашиб проекцияларидан олиб қўйилади ва аниқланган 1, 2, 3, 4, 5... ва 9, 10, 11, 12, 13... нукталар ўзаро бирлаштирилади. Кейин цилиндр ёнининг контури туташ асосий (йўғон) чизик билан юргизиб чиқилади. Натижада цилиндр ён сиртининг ўйилмаси ҳосил бўлади.




253- шакл.

253- шаклда асоси доирадан иборат эллиптик конуснинг ёйилмаси кўрсатилган.

**Ечиш.** Конуснинг ён томонларини текислик устида ёйиш учун конуснинг асосини тенг, масалан, саккиз бўлакка бўлиб, хосил бўлган нуқталарни конус учи билан бирлаштирилади. Белгиланган барча ясовчиларнинг ҳакиқий катталиклари айлантириш усули билан топилади. Сўнгра конуснинг ён томонлари ясовчиларнинг ҳакиқий катталиклари ва конус асосининг бўлинмалари орасидаги кесмалар бўйича ёйилади. Бу масалада конуснинг  $S_1$  ясовчисидан бошлаб ёйилади. Ихтиёрий  $S_0$  нукта танлаб, шу нуқтадан тўғри чизик чизилади ва бу чизикка  $S_2I_2-S_0I_0$  ясовчининг ҳакиқий катталиги ўлчаб қўйилади. Сўнгра  $S_0$  нуқтадан  $S_2\bar{Z}_2=S_0\bar{Z}_0$  радиус билан ёй чизилади ва  $I_0$  нуқтани марказ килиб, та кесма радиусда иккинчи ёй чизилади. Хар икки ёй ўзаро кесишиб,  $Z_0$  нуқтани хосил килади. Колган  $Z_0, 4_0, 5_0, 8_0$  нуқталар ҳам шу тартибда

топилади. Ҳосил бўлган шакл конус ён сиртининг ёйилмасини ташкил қиласди.

Бундан ташқари ёйилмада конуси  $\Gamma_{n_2}$  текислик билан кесишган эгри чизиги ҳам кўрсатилган. Агар конус сиртининг асоси  $\Pi_1$  текисликка параллел, ўки эса унга перпендикуляр жойлашган бўлса, конус ён сиртининг ёйилмаси, айланда секторидан иборат бўлиб, радиуси конус ясовчисининг узулиги  $L$  га teng, марказий бурчаги  $\varphi = \frac{R}{L} 360^\circ$  бўлади. Бу ерда,  $R$  — конус асосининг радиуси,  $L$  — конус ясовчисининг ҳакиқий катталиги (254- шакл).



254- шакл

## 9- боб. АКСОНОМЕТРИК ПРОЕКЦИЯЛАР

Техникада, курилишда буюмларнинг комплекс чизмаларини тузишда ортогонал проекциялаш усули кенг миқёсда қўлланилади. Бу усулнинг афзалиги шундан иборатки, унда ҳар қандай буюмнинг чизмаси проекциялар текисликларига нисбатан киришмасдан ҳакиқий (натурал) ўлчамлари бўйича проекцияланади. Аммо буюмнинг икки ва уч кўриниши тасвиридан, унинг ҳар бир тасвирида учинчи ўлчам етишмайди. Бундан ташқари бу усулда тасвиридан машина деталларининг ортогонал проекциялари ҳар қандай мутахассис

учун мұкаммал тасаввур бера олмайды. Буюмнинг күринини шини яна ҳам яққолрок күрсатиш учун битта текисликтек проекциялаш усули, яъни аксонометрик проекциялаш усулидан фойдаланилади.


Аксонометрия грекча сүз булиб, икки сұздан ташкил топған: аксон — ўқ, метрео — ўлчайман, яъни ўқлар бўйича ўлчаш демакдир.

### 9.1- §. Аксонометрик проекцияларнинг ҳосил бўлиши

Бирор бир шаклнинг аксонометрик проекциясини ҳосил қилиш учун шаклнинг ўзи ёки унинг бирор нүктаси аксонометрик текислик деб аталувчи текисликтек проекциялаш усули билан тасвирланади. Масалан, фазода ўзаро перпендикуляр бўлган учта  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$  ва  $\Pi_3$  текисликлар ва булардан ташқарида ихтиёрий А нукта танлаб оламиз. Нуктанинг  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$ ,  $\Pi_3$  текисликлардаги проекцияларини,  $OX$ ,  $OY$  ва  $OZ$  координат ўқларини с тўғри чизик бўйича ихтиёрий олинган  $\Phi$  текисликтек проекциялаймиз. Натижада  $\Phi$  текислика ўқларнинг  $O\bar{X}$ ,  $O\bar{Y}$ ,  $O\bar{Z}$  ва А нуктанинг  $\bar{A}$ ,  $\bar{A}_1$ ,  $\bar{A}_2$ ,  $\bar{A}_3$  проекциялари ҳосил бўлади (255- шакл).

Бу ерда:  $O\bar{X}$ ,  $O\bar{Y}$ ,  $O\bar{Z}$  аксонометрик ўқлар.

$\bar{A}$ ,  $\bar{A}_1$ ,  $\bar{A}_2$ ,  $\bar{A}_3$  — А нуктанинг « $\Phi$ » текисликтеги аксонометрик проекциялари ёки горизонтал, фронтал, профил иккиламчи проекциялари дейилади.



255- шакл.

Агар ОХ, ОY ва ОZ координат ўқларда  $l_x$ ,  $l_y$  ва  $l_z$  ихтиёрий кесмалар олиб, уларни бирор масштаб бирлиги деб кабул килинса, уларнинг аксонометрик ўклардаги проекциялари'  $l'_x$ ,  $l'_y$  ва'  $l'_z$  кесмалар бўлади.

'  $l'_x$ ,  $l'_y$  ва'  $l'_z$  кесмалар  $l_x$ ,  $l_y$  ва  $l_z$  кесмаларга нисбатан катта, кичик ёки ўзаро тенг бўлиши мумкин. Шунинг учун аксонометрик узунлик бирликларининг, унинг ҳақиқий узунлик бирликларига бўлган нисбати тегишли ўклар учун ўзгариш коэффициентларини ҳосил қиласи, уларни қуидаги нисбатларда ёзиш мумкин:

$$u = \frac{l_x}{l'_x}; \quad v = \frac{l_y}{l'_y}; \quad \omega = \frac{l_z}{l'_z} \quad (1)$$

Бу ерда  $u$ — $x$  ўки бўйича,  $v$ — $y$  ўки бўйича ва  $\omega$ — $z$  ўки бўйича ўзгариш коэффициентларидир. Шу нисбатлардан келиб чиқиб қуидаги холосага келиш мумкин: агар нуктанинг ҳақиқий координатлари маълум бўлса, унинг аксонометрик координаталарини ҳисоблаш ёки нуктанинг ўзгариш коэффициентлари маълум бўлса, унинг тескарисини аниқлаш қийин эмас. Юқорида айтилганидек, аксонометрик  $\Phi$  текислик ва проекциялар йўналиши с тўғри чизик ихтиёрий йўналишларда бўлганлиги сабабли, улар орасидаги бурчаклар турлича бўлиши мумкин. Шунинг учун аксонометрик проекциялар қуидаги турларга бўлинади:

1. Қийшик бурчакли аксонометрия — бунда проекциялар йўналиши аксонометрик текисликка перпендикуляр бўлмайди.

2. Тўғри бурчакли аксонометрия — бунда  $S \perp \Phi$  бўлади. Бундан ташқари қийшик бурчакли ва тўғри бурчакли аксонометрия ўзгариш коэффициентларига нисбатан қуидаги турларга бўлинади.

1. Изометрия — бунда  $u = v = \omega$  коэффициентлар ўзаро тенг бўлади.

2. Диметрия — бунда ўзгариш коэффициентларидан иккитаси ўзаро тенг бўлиб, учинчиси эса уларга тенг бўлмайди ( $u = \omega \neq v$ ).

3. Триметрия — бунда ўзгариш коэффициентлари ўзаро тенг бўлмайди, яъни  $u \neq v \neq \omega$ .

**Аксонометрияning асосий теоремаси.** Буюмнинг аксонометрик тасвирини ясашдан аввал, унинг аксонометрик текислигини, координат ўкларини ва масштаб бирлигини билиб олиш катта аҳамиятга эга. Бу мавзу устида немис олими Карл Польке кўп йиллар давомида ана шу

мавзу устида ишлаб, 1953 йили қийшик бурчакли аксонометрик проекцияда, аксонометрик ўқлар ва улар бўйича ўзгариш коэффициентлари ихтиёрий танлаб олинниши мумкин деган хуносага келиб қуидаги теоремани тавсия қиласди:

текисликка тегишли битта нуктадан чиқувчи ихтиёрий учта кесма фазода жойлашган битта нуктадан чиқувчи ўзаро перпендикуляр ва тенг учта кесманинг параллел проекциялари бўлиши мумкин. Ана шу теоремага асосланиб, 255-шаклдаги аксонометрик ( $\Phi$ ) текисликда битта ( $O$ ) нуктадан чиқувчи учта ихтиёрий узунликдаги кесмалар ( $\bar{l}_x$ ,  $\bar{l}_y$ ,  $\bar{l}_z$ ), фазода жойлашган учта ўзаро тенг ва перпендикуляр бўлган кесмаларнинг аксонометрик проекциялари эканлигини тушуниб олиш қийин эмас.

## 9.2- §. Ортогонал аксонометрик проекциялар

Инженерлик амалиётида, айниқса, машинасозликда ортогонал аксонометрик проекциялар кенг миқёсда қулланади. Одатда кўз олдимиизда турган ҳар қандай буюмларга тўғри қараймиз. Агар унинг ортогонал аксонометрик проекциясини ясаб таҳлил килсак қийшик бурчакли аксонометрик проекцияларга нисбатан тасвирнинг яққоллик даражаси афзаллигини куришимиз мумкин.


Ортогонал проекцияларда ўзгариш коэффициентларининг бир-бирларига нисбатан ўзаро боғликларини қараб чиқайлик. Бунинг учун қуидаги теоремани исботлаш кифоядир.

**Теорема:** Ортогонал аксонометрик проекцияларда ўзгариш коэффициентлари йигиндининг квадрати иккига тенг, яъни

$$u^2 + v^2 + \omega^2 = 2 \quad (2)$$

фараз қилайлик  $\bar{O}\bar{X}\bar{Y}\bar{Z}$ :  $\bar{l}_x$ ;  $\bar{l}_y$ ;  $\bar{l}_z$  тизилмалар  $OX, OY, OZ$ ;  $l$  ҳакиқий тизилманинг ортогонал аксонометрик проекциялари бўлсан (256-шакл).

Координата ўқларини проекциялар текисликларига нисбатан оғиш бурчакларини, яъни  $\alpha$ — $OX$ ,  $\beta$ — $OY$ ,  $\gamma$ — $OZ$  ўқлари билан,  $\alpha$ ,  $\beta$  ва  $\gamma$  лар оркали проекциялаш йўналиши  $OO(OO \perp \Phi)$  билан  $OX$ ,  $OY$ ,  $OZ$  ўқлар орасидаги бурчакларни белгилаймиз. Бу ерда  $\alpha$ ,  $\beta$ ,  $\gamma$  ларни йўналтирувчи бурчаклар дейилади. Шаклдан маълумки, хосил бўлган  $O\bar{O}X$ ,  $O\bar{O}Y$  ва  $O\bar{O}Z$  учбурчаклар



256- шакл.

Тұғри бурчаклы учбұрчак бұлғанлиги учун  $\alpha = 90 - \alpha$ ;  $\beta = 90 - \beta$  ва  $\gamma = 90 - \gamma^{(*)}$  тенгликни ёзиш мүмкін.

Аналитик геометриядан маълумки, йұналтирувчи бурчаклар ( $\alpha, \beta, \gamma$ ) косинуслари квадраттарининг йиғиндиши бирга тенг, яғни

$$\cos^2\alpha + \cos^2\beta + \cos^2\gamma = 1 \quad (3)$$

Лекин  $\cos\alpha = \sin\alpha$ ,  $\cos\beta = \sin\beta$  ва  $\cos\gamma = \sin\gamma$  бұлғанлиги учун (3) формуланы синуслар билан алмаштириб, қуидагиларни ёзиш мүмкін:

$$\sin^2\alpha + \sin^2\beta + \sin^2\gamma = 1$$

$$\text{ёки } (1 - \cos^2\alpha) + (1 - \cos^2\beta) + (1 - \cos^2\gamma) = 1.$$

Бундан қуидаги тенглик келиб чиқади:

$$\cos^2\alpha + \cos^2\beta + \cos^2\gamma = 2 \quad (4)$$

Тұғри бурчаклы проекциялашда аксонометрик проекциядаги кесмани ҳақиқий тизилмадаги кесмага нисбати косинусга тенгdir. Бу тенглик қуидагича ифодаланади:

$$\frac{\bar{OE}_x}{OE_x} = \frac{\bar{l}_x}{l} = \cos\alpha; \quad \frac{\bar{OE}_y}{OE_y} = \frac{\bar{l}_y}{l} = \cos\beta;$$

$$\frac{\bar{OE}_z}{OE_z} = \frac{\bar{l}_z}{l} = \cos\gamma \quad (5)$$

Агар (1) формулага асосан алмаштиришлар киритилса, ўзгариш коэффициентларини қуидагида ёзиш мүмкін:

$$u = \cos\alpha; \quad v = \cos\beta \quad \text{ва} \quad \omega = \cos\gamma \quad (6)$$

(4) ва (6) формулаларга асосан тегишли математик алмаштиришларни бажарылса, иккінчи формула ҳосил бўлади, яъни:

$$u^2 + v^2 + \omega^2 = 2$$

Ортогонал аксонометрияда ўзгариш коэффициентлари қандай қийматлар оралигига бўлишини аниклаш ва уни буюмнинг аксонометрик тасвирини яққол чиқиши учун татбик қилиш катта аҳамиятга эга. (6) формулага асосан  $0 \leq u \leq 1; 0 \leq v \leq 1; 0 \leq \omega \leq 1$  (7) ёзиш мүмкін.

Агар ўзгариш кўрсаткичларидан бирортаси нолга тенг бўлса, тегишли ҳақиқий координата ўқларининг аксонометрия текислигига нисбатан косинус бурчаги нолга тенг бўлади. Колган икки координата ўқлари текисликка параллел бўлиб, ўзгариш коэффициентлари бирга тенг бўлади. Бу вазиятда ҳам (2) формула ўз мувозанатини саклаб қолади.

Лекин ҳар қандай учта сон (7) формулани қониқтириб ўзгариш коэффициенти бўла олмайди. Шунинг учун (7) формуладан қуидагини ёзиш мүмкін:

$$0 \leq u^2 \leq 1; \quad 0 \leq v^2 \leq 1; \quad 0 \leq \omega^2 \leq 1 \quad (8)$$

Иккінчи ва саккизинчи формулаларга асосан

$$1 \leq u^2 + v^2 \leq 2; \quad 1 \leq v^2 + \omega^2 \leq 2; \quad 1 \leq v^2 + \omega^2 \leq 2$$

тенгликлар келиб чиқади.

Демак, тўғри бурчакли аксонометрик проекцияларда икки ўзгариш коэффициентлари квадратларининг йигиндиси бирдан катта, иккidan кичикдир.

### 9.3- §. Стандарт аксонометрик проекциялар

Маълумки, буюмнинг аксонометрик проекцияларини ясаш учун, унинг ҳар бир ўлчамларини ўзгариш коэффициентлари бўйича ҳисоблаб сўнгра тасвирлаш

керак. Бундай ясаш анча мураккаб бўлиб, кўп вактни олади. Ишни осонлаштириш мақсадида қабул қилинган ГОСТ 2.317—69 да ўзгариш коэффициентларини бирга тенг килиб олинади. Бу эса буюмнинг фазовий тасвирини ўз ўлчамлари бўйича ясаш имконини беради. Бундай ясаш усули стандарт аксонометрик проекциялаш дейлади.

Стандарт аксонометрик проекциялаш тўрт хил бўлади:

1. Ортогонал изометрия.
2. Ортогонал диметрия.
3. Фронтал қийшик бурчакли диметрия.
4. Қийшик бурчакли изометрия.

Ортогонал изометрияда ўзгариш коэффициентлари барча ўқлар ( $X, Y, Z$ ) бўйича бир хилдир, яъни  $u=v=\omega$ . Бундан (6) формулага асосан  $\cos\alpha = \cos\beta = \cos\gamma$  ёки  $\alpha = \beta = \gamma$ , чунки ҳосил бўлган бурчаклар ўткирдир. Бу ортогонал изометрияда ҳақиқий координат ўқларнинг проекциялар текисликларига нисбатан оғиш бурчаклари бир хил эканлигини билдиради. Ҳосил бўлган  $\alpha, \beta, \gamma$  бурчакларнинг тенглигидан аксонометрик ўқлардаги кесмаларнинг тенглиги келиб чиқади (256-шакл), яъни  $ox = oy = oz$ . Демак, тенг томонли учбурчаклар ҳосил бўлиб, уларнинг баландликлари жуфт-жуфт бўлиб, бир-бирларини  $120^\circ$  бурчак бўйича кесади (257-шакл, а). Шунга асосан (2) формулани қўйидагида ёзиш мумкин:

$$3u^2 = z \text{ ёки } u = v = \omega = \sqrt{\frac{2}{3}} = 0,82.$$

Лекин амалда келтирилган ўзгариш коэффициентлари 1 га тенг қилиниб олинади, яъни  $u=v=\omega=1$ .

Бундай вазиятда келтирилган ўзгариш коэффициенти

$$m = \frac{U}{u} = \sqrt{\frac{3}{2}} = 1,22$$

га тенгдир. Демак, буюмнинг ортогонал изометрияси 1,22 марта катталашган ҳолда тасвирланади.

Изометрик проекцияларда ( $x, y, z$ ) ўқларнинг жойлашиши 257-шакл, б да кўрсатилган.

Айланалар аксонометрияда эллипс кўрининишида тасвирланади. Эллипснинг кичик ўқи тегишли аксонометрик ўқларга параллел бўлади, катта ўқи эса кичик ўқга перпендикуляр жойлашган бўлади. Шу билан

бирга эллипснинг кичик ўки катта ўқига нисбатан бир хил нисбатга эгадир:

$$b:a = 0,58:1$$

Ҳақиқатан ҳам (\*) формулага асосан қуйидаги тенгликни ёзиш мүмкін:


$$b=d \left( \sqrt{1-u^2} = d \sqrt{1-\frac{2}{3}} = 0,58d \right)$$

Бу ерда  $d$  тегишли айлананинг диаметридир.

Амалда эллипснинг катта ўки  $a=1,22d$  ва кичик ўки эса  $b=0,58 \times 1,22=0,7d$  teng қилиб олинади.  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$ ,  $\Pi_3$  проекциялар текисликларидаги эллипсларнинг катта ўклари қуйидагича жойлашган бўлади:

$XOZ$  текисликда  $\Pi Y$  ўқига перпендикуляр,  $YOZ$  текисликда « $X$ » ўқига ва  $XOY$  текисликда эса « $Z$ » ўқига перпендикуляр йўналган бўлади.

257-шакл, в да учта айлананинг проекциялари тасвирланган. Ортогонал диметрияда иккита координата ўклари ( $OZ$ ,  $OY$  ёки  $OZ$  ва  $OX$ ) аксонометрик текисликка бир хил оғишган бўлади, учинчи ўқ эса икки



257- шакл.

ўқга нисбатан икки марта кичик кўрсаткичга эга бўлади, яъни:

$$v = \omega \text{ ва } u = 0,5v; \cos\alpha = \cos\gamma \text{ ёки } \alpha = \gamma$$

Бу бурчакларнинг тенглигидан  $\bar{OZ} = \bar{OX}$  тенглик ҳосил бўлади. Лекин  $\bar{X}\bar{Y}\bar{Z}$  учбурчак излари тенг томонли бўлиб, улардан  $\bar{X}\bar{Y}$  ва  $\bar{Y}\bar{Z}$  томонларининг тенглиги келиб чиқади. Шунинг учун (\*) формулани қўйидагича ёзиш мумкин:

$$u^2 + \frac{u^2}{4} + u^2 = 2$$

Бундан

$$u = \frac{z\sqrt{z}}{3} = 0,94 \text{ ва } \omega = 0,94$$

Лекин

$$u = \frac{\sqrt{3}}{2} = 0,47 \text{ бўлади.}$$

Агар ўзгариш коэффициентларидан иккитасини ( $U$  ва  $\omega$ ) бирга тенг қилиб олинса, учинчи кўрсаткич унинг ярмисига тенг бўлади:

$$\text{яъни: } u = \omega = 1 \text{ ва } v = 0,5.$$


Бунда келтирилган коэффициент қўйидаги катталикка эга бўлади:

$$m = \frac{U}{u} = \frac{3}{2\sqrt{2}} = 1,06$$

Демак, буюмнинг ортогонал диметрия тасвири 1,06:1 масштабда бўлади. Энди аксонометрик ўқларнинг жойлашишини кўриб чиқамиз. 258-шакл, а даги  $\bar{X}\bar{Y}\bar{Z}$  учбурчак тенг томонли бўлганлиги учун, унинг  $B\bar{Y}(-)$  баландлиги мердиана ҳамдир, яъни  $\bar{X}B = B\bar{Z}$ . Ҳосил бўлган  $\bar{OB}\bar{Z}$  учбурчакдан қўйидаги тенгликни ёзиш мумкин.

$$\sin\delta = \frac{B\bar{Z}}{\bar{O}\bar{Z}} = \frac{\bar{X}\bar{Z}}{z \cdot \bar{O}\bar{Z}}$$

Бу нисбатни аниқлаш мақсадида тенгликни икки томонини ( $Z$  ўқини)  $\bar{O}\bar{Z}$  кесма орқали белгилаймиз. Маълумки,  $\bar{X}\bar{O}\bar{Z}$  учбурчак  $\bar{X}\bar{O}\bar{Z}$  учбурчакнинг проекциясиadir. Шунинг учун  $\bar{X}\bar{Z} = \bar{O}\bar{Z}\sqrt{2}$  тенглик келиб чиқади.



Бундан ташқары  $\bar{OZ} = \omega \cdot O\bar{Z}$ , лекин  $\omega = \frac{2\sqrt{2}}{3}$  га тең.

Демак,  $2\bar{OZ} = \frac{4\sqrt{2}}{3} O\bar{Z}$  келиб чиқади. Шундай қилиб  $\sin\delta$  қуийдагича ифодалаш мүмкін:

$$\sin\delta = (O\bar{Z} \cdot \sqrt{2}) : \left(\frac{4\sqrt{2}}{3} \cdot O\bar{Z}\right) = \frac{3}{4};$$

Энди  $\sin\delta$  ифода ёрдамида диметриядаги  $\bar{x}$  ва  $\bar{y}$  үклар-нинг қиялиги ёки  $\operatorname{tg}\epsilon$  ва  $\operatorname{tg}\eta$  ларнинг қийматлари топилади (258-шакл). Буни қуийдагича ифодалаш мүмкін:

$$\operatorname{tg}\epsilon = \operatorname{tg}(2\delta - 90^\circ) = \operatorname{ctg}2\delta = \frac{\operatorname{tg}^2\delta - 1}{2\operatorname{tg}\delta},$$

Лекин

$$\operatorname{tg}\delta = \frac{\sin\delta}{\sqrt{1 - \sin^2\delta}} = \frac{3/4}{\sqrt{1 - \frac{9}{16}}} = \frac{3}{4}$$

Шунинг учун


$$\operatorname{tg}\epsilon = \frac{\frac{9/7-1}{6/\sqrt{6}}}{\frac{1}{3\sqrt{7}}} = \frac{1}{3\sqrt{7}} = \frac{1}{8}; \quad \operatorname{tg}\eta = \operatorname{ctg}\delta = \frac{\sqrt{7}}{3} = \frac{7}{3\sqrt{7}} = 7/8$$

қийматларни ёзиш мүмкін.

Демак,  $\delta = 48^\circ 35'$ ,  $2\delta = 97^\circ 10'$  ва  $\omega = 180^\circ - \delta = 131^\circ 25'$ . Агар  $\bar{OZ}$  үкни фронтал вазиятда жойлаштырылса  $\bar{OX}$  ва  $\bar{OY}$  үклар горизонтал чизикка нисбатан  $7^\circ 10'$  ва  $41^\circ 26'$  ни ташкил қиласы. Бұрчакларни

уларнинг тангенс ( $\operatorname{tg} 7^{\circ} 10' = \frac{1}{8}$  ва  $\operatorname{tg} 41^{\circ} 25' = 7/8$ ) кийматлари бўйича куриш мумкин.

Еки  $41^{\circ}$  ва  $7^{\circ}$  ларни куйидаги ясаш мумкин:  $O$  нуктадан  $Z$  ўқда ёрдамчи перпендикуляр бўлган чизик ўтказилади ва шу нуктанинг ҳар икки томонига ихтиёрий бир-бирига тенг бўлган саккизта бир хил кесма ўлчаб кўйилади. Сўнгра  $O$  нуктадан чап томондаги кесманинг охирги нуктасидан ёрдамчи чизикка перпендикуляр килиб, кесманинг бир бўлраги, ўнг томондаги кесманинг охирги нуктасидан паст томонга эса кесмадан ети бўлраги ўлчаб кўйилади. Хосил бўлган нукталар  $O$  нукта билан бирлаштирилади. Натижада  $X$  ва  $Y$  диметрия ўқларига эга бўлинади (258-шакл, б). Энди диметриядаги эллипсларнинг хосил бўлишини караб чиқайлик. Проекциялар текисликларига нисбатан параллел жойлашган айланалар эллипсларининг кичик



259- шакл

ўқлари худди изометрияга ўхшаш тегишли ўқка параллел жойлашган бўлади, катта ўки унга перпендикуляр бўлади (259-шакл).

Эллипснинг катта ўки  $1.06d$  га тенг бўлиб, унинг кичик ўки эса куйидаги йўл билан аникланади:

келтирилган  $m = 1,06$  коэффициентга асосан  $XOY$  ва  $YOZ$  координата текисликлари учун қуйидаги тенгликни ёзиш мүмкін:

$$md \sqrt{1 - \omega^2} \text{ ёки } md \sqrt{1 - u^2} = 1,06d \sqrt{1 - \frac{8}{9}} = 0,35d.$$

$XOZ$  текисликтегі эллипснинг кичик үкімі учун

$$md \sqrt{1 - v^2} = 1,06d \sqrt{1 - \frac{2}{9}} = 0,95d \text{ ёзиш мүмкін.}$$


Шундай килиб, ортогонал диметрияда эллипслар-нинг үклери қуйидаги мәндерге әгадір: эллипснинг катта үкімі  $1,06d$ , кичик үкімі эса  $0,35d$  га тең. Фронтал проекциялар текислигінде ёттан айланған эллипснинг катта үкімі  $1,06d$  га, кичик үкімі эса  $0,95d$  га теңдір.

259-шаклда диметрик проекцияларда  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$ , ва  $\Pi_3$  текисликларга параллел жойлашған айланалар эллипсларининг чизилиши күрсатылған.

#### 9.4- §. Фронтал қийшиқ бурчаклы диметрия

Қийшиқ бурчаклы диметрик проекцияда буюмнинг фронтал проекциялар текислигіне параллел томони аксонометрик текисликка параллел қилиб олинади.

Бунда  $OX$  ва  $OZ$  үклар орасидаги бурчак  $90^\circ$  га тең,  $OY$  үкімі бу үклар орасидаги бурчакнан тенг иккіге булиб үтади, яғни  $45^\circ$  бурчак остида йўналади. Бундан ташкари  $OY$  үкімі  $30^\circ$  ва  $60^\circ$  остида үтказиш ҳам тавсия этилади (260-шакл, а, б, в). Фронтал диметрик проекцияларда  $OX$  ва  $OZ$  үклар бўйича ўзгариш коэффициенти бир хил бўлади, яғни  $u=v=$




260- шакл

—1 га тенг,  $OY$  ўқ бүйича эса  $w = 0,5$  га тенг. Бунда буюмнинг фронтал диметрик проекциясини ясашда, унинг  $OX$  ва  $OZ$  ўқларга параллел томонларининг ўлчамлари шу йўналишга параллел аксонометрик ўқларга ўзгаришсиз, яъни ўз ҳакикий катталигида,  $OY$  ўқ йўналишидаги ўлчамлари эса икки марта кисқартириб олиб қўйилади. Фронтал диметрик проекцияда  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$  ва  $\Pi_3$  проекциялар текисликларга параллел жойлашган айланаларнинг тасвирланишида,  $\Pi_2$  га параллел айлана ўз ҳакикий кўринишида тасвирланади,  $\Pi_1$  ва  $\Pi_3$  текисликларга параллел айланалар эса бир хил кўринишдаги эллипслар бўлиб проекцияланади. Бунда эллипснинг катта ўки  $AB = 1,06d$  га, кичик ўки эса  $CA = 0,35d$  га тенг.


**Қийшик бурчакли изометрия.** Қийшик бурчакли изометрик проекциялар фронтал изометрик проекция ва горизонтал изометрик проекцияга бўлинади.

Фронтал изометрик проекцияда буюмнинг фронтал проекциялар текислигига параллел томони аксонометрия текислигига параллел жойлаштирилади. Бундай ҳолатда буюмнинг фронтал кўриниши аксонометрияда ҳакикий кўринишда тасвирланади. Бунда  $Y$  ўқка параллел томонлари кўринмас бўлиб, нукта кўринишида тасвирланади. Аммо шартли равишда  $Y$  ўқнинг йўналиши горизонтга нисбатан оғишган ҳолда олинади. Бунда  $XOZ$  ўқлар орасидаги бурчак  $90^\circ$ ,  $OY$  ўқ эса горизонтга нисбатан  $45^\circ$  бурчак остида ўтказилади. Буюмни яна ҳам яққолроқ тасвирлаш учун  $OY$  ўқни  $30^\circ$  ва  $60^\circ$  бурчак остида чизиш кифоядир (261-шакл: а, б, в лар). Қийшик бурчакли изометрик проекцияларда буюмнинг  $X$ ,  $Y$ ,  $Z$  ўқларга параллел жойлашган томонларининг ўлчамлари аксонометрик ўқларга ўзгаришсиз ўз катталигида олиб қўйилади. Бу  $u = v = \omega = 1$  демакдир. Буюм кайси бурчак остида проекцияларнини фронтал проекциялар текислигига параллел жойлашган айланалар ўз кўринишида тасвирланади.  $\Pi_1$  ва  $\Pi_3$  текисликларига параллел айланалар эса эллипслар кўринишида тасвирланади.

Горизонтал изометрик проекцияда буюмнинг горизонтал проекциялар текислигига параллел томони аксонометрия текислигига параллел жойлашади. Бунда буюмнинг горизонтал кўриниши аксонометрияда ҳакикий кўринишида тасвирланади. 262-шаклда горизонтал изометрияда ўқларнинг жойланишлари курса-



261- шакл



262- шакл

тилган.  $OY$  ўқ горизонтга нисбатан  $30^\circ$  бурчак остида үтказилади (262-шакл, а). Айрим ҳолларда ўқ  $45^\circ$  ва  $60^\circ$  бурчак остида үтказилади (262-шакл, б, в). Бу ҳолатда  $OX$  ва  $OY$  ўқлар орасидаги бурчак ҳар доим  $90^\circ$  бўлиши керак. Горизонтал изометрик проекциялар ўқлар бўйича ўзгаришсиз ясалади. Горизонтал проекциялар текисликларига параллел айланалар ҳақиқий куринишида, яъни айланалигича,  $\Pi_2$  ва  $\Pi_3$  проекциялар текисликларига параллел айланалар эса эллипслар бўлиб тасвирланади.

### 9.5- §. Деталларнинг аксонометрик тасвирларини ясаш

Буюмнинг аксонометрик тасвирини ясашдан олдин, унинг аксонометрик эскизини кўлда тасвирлаб, буюм ҳақида гасавтурга эга бўлиб, сўнгра унинг изометрия ёки диметриясини қуриш мақсадга мувофиқидир. Деталнинг эскизи ёки чизмасига асосан унинг аксонометрик троекциясини ясашда координаталар усулидан фойдаланилади ва куйидаги тартиб бўйича бажарилади:

1. Берилган ҳар қандай деталь учун аксонометрик проекциялар тури (изометрия ёки диметрия) аниклади.


2. Етарли бўлган жой ажратилиб, координата боши  $O$  нуқта белгиланади ва аксонометрик  $X$ ,  $Y$ ,  $Z$  ўқлар чизилади.

3. Буюмнинг ортогонал чизмасида  $X$ ,  $Y$  ва  $Z$  координата ўқларининг йўналиши белгиланади.

4. Ортогонал чизмадаги ўлчамлар бўйича, жисмнинг симметрия ва ундаги чизикларнинг параллеллик хусусиятларига амал қилинган ҳолда унинг аксонометрик проекцияси қурилади.

5. Буюмнинг ортогонал чизмасидаги маълум нуқталардан фойдаланиб, унинг баландлик кисми, ички кисми ва ён томонлари қурилади.


263-шаклда юқоридаги тартиб бўйича деталнинг изометриясининг чизилиши кўрсатилган.



263- шакл.

**Фронтал проекцияловчи ( $\Gamma$ ) текислик билан кесицган цилиндрнинг тўғри бурчакли изометрик тасвирини ясаш.** Бунинг учун: 1. Цилиндрнинг ортогонал проекцияси  $x$ ,  $y$ ,  $z$  ўқларнинг йўналиши белгиланади (264-шакл).

2. Координаталар боши  $O$  нуқта аникланиб, изометрик  $X$ ,  $Y$ ,  $Z$  ўқлари чизилади.



264- шакл.

3. Цилиндр асосларидаги айланаларнинг аксоно-метрик тасвири (эллипс) ясалади.

4. Ортогонал чизмадаги  $H$  баландлик бўйича цилиндрнинг изометрияси курилади.  $Z_B$  аппликата координата қиймати бўйича изометрик проекциядаги  $B$  нукта ва  $A$  нукталарнинг ўрни аниқланади.

5. Г текислик билан цилиндрнинг кесишган чизиги эллипс бўлиб, изометриядаги  $AB$  тўғри чизиги унинг катта ўкини,  $CD$  тўғри чизик эса кичик ўкини тасвирлайди.

6. Аввало эллипснинг катта ўқидаги  $O$  нукта, сунгра  $C$  ва  $D$  нукталар аниқланади. Шу тартибда 1, 2 ва 3,4 оралик нукталар хам топилади. Хосил бўлган нукталар равон қилиб кетма-кет бирлаштирилади,

## 10-б о б. ГЕОМЕТРИК ЯСАШЛАР


### 10.1- §. Туташмалар

Машина деталларининг ташқи қиёфалари контури тўғри чизик ва айлана ёйларининг равон қўшилмасидан иборатdir. Чизма чизишда бир чизикни иккинчи чизикка равон қўшишга тўғри келади, буни туташма дейилади. Туташма чизиклари кўпинча айлана ёйлари ва тўғри чизиклардан иборат бўлиши мумкин. Туташма-

ларни айланы ёйлари ёрдамида ясаш тұғри чизикнің айланага ва айланаларнинг үзаро уриниш хусусиятларын га асосланади. Туташмасын ясаш учун уннан радиуси бериліши керак. Агар туташманинг радиуси берилмеган болса, у ҳолда туташмани ясаш вактида уннан радиуси аникланади. Туташмаларни ясаш маълум қондаларга асосланган ҳолда бажарилади. Аввал туташманинг маркази, кейин уннан туташтириш нұкталари аникланади. Үндан сұнг туташманинг ёйи чизилади. Туташма үзаро туташувчи чизикларнинг ҳар иккисига ташқи ёки ички томондан уриниши ёхуд биттасига ички, иккинчисига эса ташки томондан уриниши мүмкін.

Машинасозлик чизмаларыда деярли күп учрайдиган үзаро кесишувчи иккі тұғри чизикларни, үзаро параллел тұғри чизикларни, айланы ва тұғри чизикни ҳамда иккі айланани силлік туташтириш каби туташмаларни ясалишига оид бўлган бир неча мисолларни кўриб чиқамиз.

**10.1.1. Үзаро кесишувчи иккі тұғри чизикларни туташтириш.**  $AB$  ва  $CD$  тұғри чизиклар үзаро кесишиб үткір ва үтмас бурчаклар ташкил қиласы. Уларни алоҳида  $R$  радиуслы ёй воситасыда туташтириш керак (265-шакл, а, б). Буннан учун берилган  $R$  масофада  $AB$




265- шакл.

ва  $CD$  тұғри чизикларга параллел тұғри чизиклар үтказилади. Бу тұғри чизикларнинг кесишигін  $O$  нұктаси белгиланади. Ана шу нұкта туташтириш маркази болади.  $O$  нұктадан  $AB$  ва  $CD$  тұғри чизикларга перпендикуляр тушириб, туташтириш нұкталари  $K$  ва  $K'$  аникланади. Сұнгра  $R$  радиуслы ёй воситасыда  $K$  ва  $K'$  нұкталар равон туташтириледи. Агар,  $AB$  ва  $CD$  тұғри чизиклар үзаро кесишиб, тұғри бурчак ҳосил қиласа, циркуль ёрдамида туташтириш маркази осонлик билан топилади (265- расм, в).

Циркуль ёрдамида түгри бурчакнинг  $B$  нуктасидан  $R$  радиусда ёй чизилади ва туташтириш нукталари  $K$  ва  $K_1$  топилади. Бу нукталарни марказ деб кабул килиб,  $R$  радиусда ёйлар чизилади, бу ёйларнинг узаро кесишган  $O$  нуктаси туташтириш маркази бўлади.  $O$  нуктадан  $K$  ва  $K_1$  нукталар равон килиб туташтирилади.

Агар туташтириш нукталаридан биттаси, масалан,  $K$  нукта  $AB$  туғри чизик устида берилса, туташтириш маркази, туташтириш радиуси ва иккинчи түгри чизикдаги туташтириш нуктаси ( $K_1$ ) аниқланади. Бунинг учун бурчакнинг биссектрисаси ва  $K$  нуктадан  $AB$  туғри чизикка перпендикуляр туширилади, сунгра туташтириш нуктаси  $O$  белгиланади. Аниқланган  $OK$  кесма туташтириш радиуси ( $R$ ) бўлади.  $O$  нуктадан  $CD$  га перпендикуляр тушириб, иккинчи туташтириш нуктаси  $K_1$  аниқланади. Ҳосил бўлган  $K$  ва  $K_1$  нукталарни  $R$  радиусли ёй воситасида силлик туташтирилади (265-шакл, г).

**10.1. 2. Ўзаро параллел түғри чизикларни туташтириш.** Ўзаро параллел  $AB$  ва  $CD$  түғри чизиклар ва туташтириш нукталаридан биттаси, масалан,  $K$  нукта берилган бўлиб (266-шакл, а), чизиклар силлик туташтирилиши керак. Бунинг учун  $K$  нуктадан  $CD$  түғри чизикка перпендикуляр тушириб,  $K_1$  топилади.  $KK_1$  кесмани иккига бўлиб, туташтириш маркази  $O$  топилади.  $OK=R$  кесма эса туташтириш радиусини ифодалайди.  $O$  нуктадан  $R$  радиусда  $KK_1$  нукталар равон килиб



266- шакл.

туташтирилади. Агар туташтириш нукталари параллел чизикларга нисбатан битта перпендикулярда ётса, туташма туташтириш түгри чизиклар орасидаги масофада нинг  $1/4$  кисмига тенг бўлган бир хил ( $R$ ) радиус билан бажарилади (266-шакл, б).  $KK_1$  кесмани иккига булиб, уриниш нуктаси  $K_2$  топилади.  $KK_2$  ва  $K_1K_2$  кесмаларни иккига булиб  $O$  ва  $O_1$  марказлар аникланади. Сўнгра  $OO_1$  нукталардан  $R$  радиусда туташмалар бажарилади (266-шакл, б).


Туташтириш нукталари ўзаро параллел түгри чизиклар устида ётвучи чизикларни туташтириш учун (266-шакл, в),  $KK_1$  кесмани тенг иккига булиб, уриниш нуктаси  $K_2$  топилади. Сўнгра  $KK_1$  нукталардан берилган  $a$  ва  $b$  түгри чизикларга перпендикуляр ўтказилади.  $KK_2$  ва  $K_2K_1$  кесмаларни тенг ўртасидан чиқарилган перпендикуляр  $O_1K_1$  ва  $OK$  перпендикулярлар билан кесишиб,  $O$  ва  $O_1$  марказларни ҳосил киласди. Ўзаро параллел  $a$  ва  $b$  түгри чизикларни силлик туташтириш керак. Туташтириш нуктаси  $K$  ва уриниш нуктаси  $K_2$  берилган (266-шакл, г, д). Бунинг учун  $K$  ва  $K_2$  нукталарни ўзаро туташтириб  $b$  кесма билан кесишгунча давом эттирилади. Ҳосил бўлган  $K_1$  нукта туташтириш нуктасининг иккинчи нуктаси бўлади.  $KK_2$  кесмани ўртасидан перпендикуляр чиқарилади. Бу перпендикуляр  $K$  нуктасидан чиқарилган  $OK$  перпендикуляр билан кесишиб, биринчи ёй  $O$  марказини ҳосил киласди. Шундай усул ёрдами билан иккинчи ёйнинг маркази  $O_1$  топилади.

$OK$  ва  $O_1K_1$  радиуслар билан  $O$  ва  $O_1$  марказлардан  $K$ ,  $K_2$  ва  $K_1$  нукталар кетма-кет туташтирилади (266-шакл, г, д).

**10.1.3. Айлана ва түгри чизикни туташтириш.** Радиуси  $R$  ва маркази  $O$  бўлган айлана ва ундан ташқарида жойлашган  $AB$  түгри чизик берилган.  $R_1$  радиусли ёй воситасида уларни туташтирилсин (267-шакл, а). Бунинг учун,  $R_1$  радиус масофада  $AB$  чизикка параллел қилиб түгри чизик ўтказилади. Сўнгра  $R$  билан  $R_1$  радиуслар кўшилади ва уларнинг йиғиндиси  $R+R_1$  дан ҳосил бўлган кесма ёрдамида айлана маркази  $O$  дан ёй чизилади. Түгри чизик ва ёй кесишиб, туташманинг маркази  $O_1$  нуктани ҳосил киласди.

Кейин  $O_1$  нуктадан  $AB$  чизикка перпендикуляр тушириб,  $K$  нуктани,  $O_1$  нукта билан айлананинг


маркази ( $O$ ) туташтирилиб,  $K_1$  туташтириш нүкталари аникланади. Сүнгра  $O_1$  марказдан  $R$  радиус билан  $KK_1$  нүкталар равон туташтирилади (267-шакл, а). 267-шакл, б да түгри чизик билан айлананинг ички туташтириш күрсатилган. Бунда туташтириш радиуси  $R_1$  масофада  $AB$  чизикка параллел ёрдамчи чизик ўтказилади. Сүнгра айлана радиуси  $R$  дан  $R_1$  радиус айрилади ва уларниг айрмаси  $R - R_1$  билан айлана маркази  $O$  нүктадан ёй чизилади. Ёй билан параллел чизик кесишиб, туташтириш маркази  $O_1$  ҳосил бўлади.  $OO_1$  нүкталарни бирлаштириб, туташтириш нүкталаридан биттаси  $K_1$  топилади.  $O_1$  нүктадан  $AB$  чизикка перпендикуляр тушириб, иккинчи нүкта  $K$  аникланади. Сүнгра  $O_1$  нүктадан  $R$  радиус билан  $KK_1$  нүкталар туташтирилади.



267-шакл, в да ҳам айлана билан түғри чизикнинг туташтирилиши күрсатилган. Бу мисол ҳам 267-шакл, а дагидек бажарилади. Лекин ёрдамчи айлананинг радиуси туташтириш радиуси  $R_1$  дан айлана радиуси  $R$  нинг айрмасига тенг ( $R_1 = R$ ).

#### 10.1.4. Иккى айлананы силлик туташтириш. Иккى айлананы силлик туташтиришининг куйидаги турлари мавжуд:

а) Радиуслари  $R_1$  ва  $R_2$ , марказлари  $O_1$  ва  $O_2$  бўлган айланаларни  $R$  радиусли ёй воситасида туташтириш керак. Бунинг учун айланана радиусларига туташма радиусини қўшиб, ҳосил бўлган  $R_1 + R_2$  радиус билан  $O_1$  нуктадан,  $R_2 + R$  радиус билан  $O_2$  нуктадан ёйлар чизилади. Ёйларнинг кесишган нуктаси  $O$  аникланади. Сўнгра  $OO_1$  ва  $OO_2$  нукталар бирлаштирилади, натижада туташтириш кукталари  $K_1K_2$  ҳосил бўлади. Кейин  $O$  нуктадан  $R$  радиус билан  $K_1K_2$  нукталардан ўтувчи ёй чизилади (268-шакл, а). Радиусларнинг йигиндинини аниклаш учун алоҳида, ёрдамчи чизилган кесмалардан фойдаланилади.




268-шакл.

б) Радиуслари тегишлича  $R_1$  ва  $R_2$  ҳамда марказлари  $O_1$  ва  $O_2$  нукталарда бўлган айланаларни,  $R$  радиусли ёй воситасида ички туташтириш керак (268-шакл, б).

Бу мисолни ечиш учун туташма радиуси  $R$  дан берилган айланалар радиусларини айириб ҳосил бўлган  $R - R_1$  радиус билан  $O_1$  марказдан,  $R - R_2$  радиус билан  $O_2$  марказлардан ёйлар чизилади. Ёйлар ўзаро кесишиб, туташма маркази  $O$  ни ҳосил киласди.

Сўнгра  $OO_1$  ва  $OO_2$  нукталар бирлаштирилиб, айланалар билан кесишгунча давом эттирилади ва туташтириш нукталари  $K_1K_2$  лар аникланади. Кейин,  $O$  нуктадан  $R$  радиус билан туташма чизилади.

в) Радиуслари  $R_1$  ва  $R_2$ , марказлари  $O_1O_2$  нукталар бўлган айланалар  $R$  радиус билан туташтирилсин, бунда



269 шакл.

туташма кичик айланага ташки, катта айланага эса ички томони билан уриниши керак (269-шакл). Аввал  $O_1$  марказдан  $R - R_1$  радиус билан,  $O_2$  марказдан эса  $R + R_2$  радиус билан ёйлар чизилади. Ёйлар ўзаро кесиншиб туташтириш марказы  $O$  ни беради.  $O$  нукта билан  $O_1$  ва  $O_2$  марказларни бирлаштириб, туташтириш нүкталари  $K_1$  ва  $K_2$  топилади.

Сўнгра бу нүкталар  $O$  нуктадан  $R$  радиусли ёй воситасида туташтирилади.

### 10.2- §. Эгри чизикларнинг график усулларда ясалиши

Нүктанинг маълум йўналишда узлуксиз ҳаракати натижасида колдирган изига эгри чизиклар деб қаралади.

Агар эгри чизикнинг ҳамма нүкталари битта текисликда ётса, текис эгри чизик, агар битта текисликда ётмаса фазовий эгри чизик дейилади. Машинасозликда асосан кўпроқ текис эгри чизиклардан ташкил топган деталлар ишлатилади. Шунинг учун бу параграфда текис эгри чизикларни график усулда ясалишларини кўриб чиқамиш.

Эгри чизиклар иккига бўлинади:

- Циркуль ёрдамида чизиладиган эгри чизиклар;
- лекало ёрдамида чизиладиган эгри чизиклар: буларга эллипс, парабола, гипербола, эвольвента ва шунга ўхшаш эгри чизиклар киради.


#### 10.2.1. Циркуль ёрдамида чизиладиган эгри чизиклар.

Циркуль ёрдамида чизиладиган эгри чизикларга асосан оваллар ва турли марказли ўрамлар киради. Машина деталларининг (кулачоклар, фланецлар, копқоклар ва х.к.) кўпчилиги овал контуридан ташкил топган. Овал ҳар хил радиусли айлана ёйларидан иборат бўлган ёпиқ ва равон эгри чизикдир. Оваллар уч марказли ва кўп марказли

бўлади. Овални график усулда ясашга оид мисолларни кўрайлил.

**Мисол.** Овалнинг катта ( $AB$ ) ва кичик ( $CD$ ) ўклари берилган. Шу ўклар бўйича овал ясалиши керак (270-шакл, а).

Бунинг учун ўзаро перпендикуляр бўлган икки тўғри чизик ўтказилади, уларнинг кесишган  $O$  нуқтасидан овал ўкларининг ярмисини олиб, ҳар икки томонга ўлчаб қўйилади ёки айлана чизилади. Кейин катта ва кичик ўкларнинг бирор, масалан  $A$  ва  $C$  нуқталари бирлаштирилади. Сўнгра  $AC$  кесмадан  $AB$  ва  $CD$  кесмалар айримасининг ярми  $CA_1$ , масофа айрилади. Аниқланган  $AA_2$  кесмани иккига бўлувчи перпендикуляр чизик ўтказилади. Бу перпендикуляр  $AB$  ўкни  $O_1$  нуқтада,  $CD$  ўкни эса  $O_3$  нуқтада кесади. Ҳосил бўлган  $OO_1$  ва  $OO_3$  масофаларни  $O$  нуқтадан ўклар бўйича ўнг томонга ва юкорига ўлчаб қўйилади. Аниқланган  $O_1$ ,  $O_2$ ,  $O_3$  ва  $O_4$  нуқталар овал эгри чизигини ҳосил қилувчи ёйларнинг марказларидир. Бу нуқталар бирлаштирилса, ёйларни чегараловчи  $O_1O_3$ ,  $O_1O_4$ ,  $O_2O_3$  ва  $O_2O_4$  тўғри чизиклар ҳосил бўлади. Кейин  $O_1O_2$  марказлардан  $R_1 = O_1A = O_2B$  радиусларда ёй чизилади ва ниҳоят туташтириш нуқталари ( $K_1$ ,  $K_2$ ;  $K_3$ ,



270-шакл

$K_4$ ) топилади. Сўнгра  $O_3O_4$  марказлардан  $R_2 = O_3K_1$  радиусда ёй чизилади. Ёйларнинг йигиндиси ёпик контур равон эгри чизик, овални ҳосил қиласди.

**10. 2. 2. Лекало ёрдамида чизиладиган эгри чизиклар.** Лекало эгри чизиклари техникада катта ахамиятга эга. Машина деталларининг ички ва ташки қиёфалари ана

шу текис әгри чизиктардан иборат. Лекало әгри чизиклари конуний ва конунсиз турларга бүлинади. Конуний әгри чизиклар бирор математик тенгламани ифодалаб әгри чизикни ташкил қилувчи нұкталар түплами аник бирон конунга бүйсунади. Конунсиз әгри чизиклар эса тахминий тасвирланиб, хеч қандай конунга асосланмай эмпирик ҳолатга эга бўлади. Конуний әгри чизиклар декарт координаталар тизимидағи тенгламаларга караб алгебраик ва трансцендент әгри чизикларга бўлинади. Тенгламаси алгебраик функция орқали ифодаланган әгри чизик алгебраик, трансцендент функция билан ифодаланган әгри чизик эса трансцендент әгри чизик дейилади. Конуний әгри чизикларга эллипс, парабола, гипербола, циклоида, эпициклоида, гипоциклоида, эвольвента, Архимед спирали, синусоида ва х. к. лар киради. Ана шу әгри чизиклардан баъзиларини график ясалишига оид мисолларни кўриб чиқамиз. Эллипс фокуслар деб, атальувчи икки  $F_1$  ва  $F_2$  нұктадан узокликларининг йигиндиси ўзгармас микдор бўлган нұкталарнинг түплами эллипс дейилади.

Эллипс куришнинг бир нечта усуслари мавжуд бўлиб, улардан баъзилари билан танишиб чиқамиз.

**1-мисол.** Эллипснинг катта ўки  $AB$  ва кичик ўки  $CD$  берилган. Радиус векторлардан фойдаланиб эллипс ясалсин (270-шакл, б). Бунинг учун ўзаро перпендикуляр бўлган чизикларга  $AB$  ва  $CD$  ларнинг кийматлари ўлчаб қўйлади.  $D$  нұктани марказ қилиб,  $R = \frac{AB}{2}$  радиусда ёй чизилади ва эллипснинг фокуслари  $F_1$  ва  $F_2$  аниқланади.  $F_1$  нұктадан ўнг томонга оралиqlари ошиб борувчи 1, 2, 3... нұкталар белгиланади. Фокусларни марказ деб кабул қилиб,  $R_1 = A1$  радиусда  $F_1$  нұктадан,  $R_2 = B1$  радиусда  $F_2$  нұктадан ёйлар чизилади ва бу ёйларни кесишган 1,1 нұкталари аниқланади. Колган I, II, III ва х. К. нұкталар ҳам худди шу йўл билан тошлиади.

Топилан нұкталарни кетма-кет равон қилиб, лекалода туташтирилади, патижада ёпик текис әгри чизик ҳосил бўлади.

**2-мисол.** Эллипснинг катта ўки  $L = AB$ , кичик ўки  $L_1 = CD$  лар берилган. Шу ўклардан фойдаланиб, эллипс ясаш керак (271-шакл). Бу қўйидагича ясалади.

Ўқларнинг ўзаро кесишган О нұктасидан  $AB$  ва  $CD$  ларнинг ярмига тенг бўлган радиуслар билан айланалар

чизилади. Сүнгра айланалардан бирида бир нечта ихтиёрий нукталар (төнг 12 га бўлиш максадга мувофиқдир) танланади ва уларни  $O$  марказ билан бирлаштирилади. Бу чизиклар кичик айланани ҳам кесади. Кейин катта айланадаги нукталардан эллипснинг кичик ( $CD$ ) ўқига параллел килиб чизик ўтказилади, кичик айланадаги нукталардан эса эллипснинг катта ўки ( $AB$ ) га параллел чизик ўтказилади. Бу параллел чизиклар ўзаро кесишиб, эллипснинг нукталарини ҳосил қиласди. Аникланган нукталар лекало ёрдамида кетма-кет бирлаштирилади ва текис эгри чизик (эллипс) ҳосил бўлади.


**Парабола.** Ҳар қандай нуктасидан  $F$  фокус деб аталувчи нуктасигача ва  $CD$  директрисаси (тўғри чизик) гача бўлган масофалар ўзаро төнг бўлган эгри чизикка парабола дейилади (272-шакл, а). Бу ерда:

$F$  — парабола фокуси;


$CD$  — директриса;

$S$  — парабола учи;


$AB$  — парабола ўки;



271- шакл.



а



б

272- шакл.

$FA$  — парабола параметри дейилади ва у  $P$  ҳарфи билан белгиланади.

Параболанинг учи фокус ва директрисаларнинг ўртасида бўлади, яъни  $FS=SA$  дир.  $MF$  кесма параболани радиус-векторини ташкил қилади, бунда  $MF=MK$  бўлади. Параболанинг уринмаси  $MN$ ,  $FMK$  бурчакнинг биссектрисаси бўйича, нормали эса шу уринмага перпендикуляр бўлиб ўтади. График усулда парабола ясашга оид мисолни кўриб чиқамиз.


**Мисол:** Берилган фокуси  $F$  нукта ва директрисаси  $CD$  бўйича парабола ясалиши керак (272-шакл, б). Бунинг учун аввало параболанинг директрисаси  $CD$  ни чизиб, унга перпендикуляр бўлган, унинг  $AB$  ўки ўтказилади. Сўнгра  $AB$  тўғри чизик устида фокус  $F$  нукта,  $FA$  кесмани иккига бўлиб, парабола учи  $S$  белгиланади. Кейин  $AB$  ўқда ўнг томон йўналишда  $S$  нуктадан кейин ихтиёрий бир неча нукталар ( $1, 2, 3, n$ ) танланади ва бу нукталардан директрисага параллел қилиб ёрдамчи чизиклар ўтказилади. Циркуль ёрдамида  $A_1, A_2, A_3\dots$  масофаларни ўлчаб,  $F$  нуктадан ўтказилган ёрдамчи чизикларни кесувчи ёйлар чизилади ва параболанинг  $I_1, II_1, III_1\dots$  нукталари ҳосил қилинади.

Параболанинг тўғри чизикдаги III нуктасини топиш учун  $R=A_3$  радиусда ёй чизилади. Қолган нукталар ҳам шундай топилади. Топилган нукталар текис лекало ёрдамида бирлашибтирилали.

**Гипербола.** Гиперболанинг ҳар бир нуктасидан ҳақиқий ўқида жойлашган фокуслар деб аталувчи икки доимий нуктасига қадар бўлган масофаларнинг айримаси ўзгармас миқдордир ва у учлари орасидаги  $2a$  масофага генг.  $F_1F_2$  нукталар гиперболанинг фокуслари бўлиб,  $2C$  га teng. Қўйида гиперболани график қурилишига оид мисол келтирилган (273-шакл).

**Мисол.** Гиперболанинг фокуслари  $F_1F_2=2C$  ва унинг учлари  $BC=2a$  берилган. Гипербола ясалиши керак (273-шакл).

Бунинг учун икки узаро перпендикуляр бўлган ўқ чизикларини ўтказиб, уларни кесишган нуктасидан  $2a$  ва  $2c$  берилган масофаларни тегишлича ўлчаб қўйилади. Сўнгра  $X$  ўқда ихтиёрий  $D, D_1, D_2\dots$  ва x. k. нукталар белгиланади. Кейин радиуси  $R_1=BD_1$  масофада  $F_1$  нуктадан ҳамда  $R_2=CD_1$  радиусда  $F_2$  нуктадан ёйлар чизилади. Бу ёйлар узаро кесишиб, гипербола ўнг қанотининг  $A_1$  ва  $A_1$  нукталарини ҳосил қиласди.




273-шакл.

Худди шу тартибда  $A_2A_2$ ,  $A_3A_3\dots$  ва ҳ. к. нүкталар ҳам топилади. Иккинчи чап қаноти ҳам биринчи қанотига симметрик равишда топилади. Аникланган нүкталар равон қилиб туташтирилади. Натижада тенг томонли эгри чизик ҳосил бўлади.

**Циклоида.** Агар айлана бирор кўзғалмас тўғри чизик бўйича сурilmасдан юмаласа айлананинг тўғри чизикдаги уриниш нүктаси текис ва равон эгри чизик циклоида ҳосил киласди. Бу ерда: айлана ясовчи, тўғри чизик эса йўналтирувчи дейилади.

**Мисол:** Айлананинг диаметри  $D$  ва йўналтирувчи тўғри чизик  $A-A_{12}$  берилган. Шулардан фойдаланиб циклоида ясалиши керак. Йўналтирувчи тўғри чизик  $A-A_{12}$  ўтказилади (274-шакл). Сўнгра  $A$  нүктани белгилаб, ундан айлананинг узунлиги  $\pi D$  ўлчаб қўйилади ва шу узунликни тенг бўлакларга, масалан, ўн иккига бўлинади. Чизилган айланани ҳам ўн иккига бўлиб, бўлинган нүкталардан  $A-A_{12}$  чизикка параллел чизиклар ўтказилади. Бўлинган 1, 2... 12 нүкталардан  $A-A_{12}$  чизикка перпендикулярлар чиқарилади ва уларнинг айлана марказидан ўтувчи чизик билан кесишган



274- шакл.

$O_1, O_2, O_3 \dots O_{12}$  нүкталар белгиланади. Сұнгра  $O_1, O_2, O_3 \dots O_{12}$  марказлардан  $R = \frac{D}{2}$  радиусда айланалар чизилади.


Бу айланалар 1, 2, 3, ... 12 нүкталардан үтган параллел тұғри чизиклар билан кесишиб,  $A_1, A_2, A_3 \dots A_{12}$  нүкталарни ҳосил қиласы. Аниқланган нүкталарни лекало ёрдамида текис килиб бирлаштирилса, циклоидада әгри чизиги ҳосил бўлади (274-шакл).

**Эвөльвента.** Бирор тұғри чизик қўзғалмас айлана бўйича узлуксиз уриниб ҳаракат қиласа, яъни бу тұғри чизик суримасдан шу айлана бўйича юмаласа, тұғри чизикнинг ҳар бир нүктаси очик, равон әгри чизик ҳосил қиласы. Бундай әгри чизикни эвольвента ёки айлана ёйилмаси дейилади. Эвольвентани график усул билан ясашни кўриб чиқайлик.

**Мисол:** Айлана радиуси  $R$  — берилган бўлиб эвольвента ясалиши керак (275-шакл). Берилган айлананинг радиусига мувофик айлана чизиб, уни тенг бўлакларга, масалан ўн иккига бўлинади. Ҳосил бўлган 1, 2, 3... 12 нүкталардан айланага уринмалар үтказилади. Охирги уринма эвольвента қадамига, яъни айлана узунлиги  $2\pi R$  га тенг бўлади. Қадамни ҳам ўн иккига бўламиз. Сұнгра айланадаги (1, 2, 3...) нүкталардан шу нүкталар орқали үтган уринмаларга мос равиша  $\frac{2\pi R}{2}, \frac{4\pi R}{12} \dots$

кесмалар үлчаб қўйилади. Ҳосил бўлган  $A_1, A_2, A_3 \dots A_{12}$  нүкталарни лекало ёрдамида равон қилиб бирлаштирилади. Натижада айлана эвольвентаси ҳосил бўлади.


**Архимед спиралы.** Агар бирор нүкта ( $O$ ) марказ атрофида текис айлана ҳаракат қилувчи тұғри чизик бўйича бир вактда текис илгариланма ҳаракат қиласа, бу нүктадан текис равон әгри чизик чизилади. Бу әгри



275- шакл.


Чизикни Архимед спирали дейилади. Тұгри чизикнинг бир марта айланishi вактида нүктанинг тұғри чизик бүйлаб босган йүли Архимед спиралининг қадами деб аталади (276-шакл). Агар спиралнинг қадами  $R = OA$  берилса, уни күйидагича ясалади.  $OA$  радиус билан айланы чизилади ва шу айланани ҳамда  $OA$  кесманиң тенг, масалан, саккыз бұлакка бўлинади. Айланада хосил бўлган 1, 2, 3, ... 8 нүкталар  $O$  марказ билан бирлаштирилади. Натижада  $OI$ ,  $OII$ ,  $OIII$ , ...  $OVIII$  тұғри чизиклар (нурлар) хосил бўлади. Сўнгра  $O$  нүктани марказ килиб,  $OI$ ,  $O2$ ,  $O3$ ...  $O8$  радиусларда ёйлар чизилади. Ёйлар  $OI$ ,  $OII$ ,  $OIII$ ... нурлар билан кесишиб,  $A_1A_2A_3\dots A_8$  нүкталарни хосил киласи. Бундай ҳолатларни күйидагича тушуниш мумкин. Масалан,  $OA$  радиус  $OI$  ҳолатин ишғол килганда, яъни  $45^\circ$  га бурилганда,  $A$  нүкта  $OA$  буйича илгариланма ҳаракат килиб,  $OI$  масофани босади ҳамда  $A_1$  вазиятни ишғол киласи. Топилган  $A_1, A_2, \dots, A_8$  нүкталарни лекало ёрдамида равон бирлаштирилса Архимед спирали хосил булади.

**Синусоида.** Синусни бурчагига нисбатан ўзгаришини тасвирловчи текис эгри чизик синусоида дейилади. Синусоида эгри чизигини ясаш учун айланы радиуси  $R$  берилган бўлиши керак. Берилган  $R$  радиус билан айланы чизилади ва уни тенг булакларга, масалан, ўп иккига бўлиб, 1, 2, 3, ... 12 нүкталар хосил килинади (277-шакл). Айланы маркази  $O$  нүкта ва бошланғич



276- шакл.

$A$  нүкта бүйича  $A - A_{12}$  түғри чизик үтказилади. Бу түғри чизикка айланы узунлиги  $2\pi R$  үлчаб қўйилади ва у хам ўн икки бўлакка бўлинади ҳамда  $1_0, 2_0, 3_0 \dots 12_0$  нукталарга эга бўлинади. Бу нукталардан  $A - A_{12}$  түғри чизикка перпендикуляр чизиклар, айланадаги 1, 2, 3... 12 нукталардан эса параллел чизиклар үтказилади. Бу чизиклар мос равишда ўзаро кесишиб синусоиданинг  $A, A_1, A_2, A_3 \dots A_{12}$  нукталарини ҳосил қиласади. Ҳосил бўлган нукталар текис қилиб кетма-кет бирлаштирилади (277-шакл).



277- шакл.

## 11- боб. БЮОМЛАРНИНГ ТАСВИРИ


### 11.1- §. Жисмларнинг техник чизмаларини тасвириш — қўринишлар, кесимлар, қиркимлар

**11.1.1. Тўғри бурчакли тасвирилар.** Хар қандай буюм (деталь) турли оддий геометрик шакллардан ташкил топган бўлиб, уларнинг бирикмалари бирор деталнинг конструкциясини ҳосил қилади. Ана шундай буюмнинг геометрик шакли ва хусусиятлари тўғрисида мукаммалроқ тасаввурга эга бўлиш учун унинг текисликдаги тасвирини (чизмасини) тузишга тўғри келади. Бу тасвир буюмнинг фазодаги ҳақиқий шаклини тузиш имконини берувчи маълум геометрик коидаларга амал қилинган ҳолда чизилган бўлиши керак. Бундай масалаларни ечишда чизма геометрия курсида баён этилган тўғри бурчакли проекциялаш усулидан фойдаланилади. Кўпинча деталларнинг, буюмларнинг ва бошқа ҳар қандай қурилмаларнинг конструкцияларини ҳосил қилишда, уларнинг техник чизмаларини тасвирилашда уларни ўзаро перпендикуляр бўлган уч текисликка проекциялаш етарли бўлмай, балки буюмнинг уч ва ундан ортиқ қўринишларини тасвирилашга тўғри келади. Чизмалар аник, яққолроқ бўлиши учун бир хил талаб ва коидаларни ўз ичига оловчи ЕСКД стандартлардаги кўрсатмаларга риоя қилинган ҳолда чизилиши лозим. Куйида юқоридаги стандартларда кўрсатилган коидалар билан танишиб чиқамиз. Мазмунига қараб чизмалардаги тасвирилар қўриниш, кесим ва қиркимларга бўлинади. Тасвирилар сони буюм ёки деталларнинг оддий ва мураккаблигига қараб танланади. ГОСТ 2.305—68 да тасвириларнинг чизмада жойланиши коида ва кўрсатмалари берилган.

**Қўриниш.** Буюм ёки деталларнинг қўриниб турган ташки киёфасининг тасвирига қўриниш дейилади. Қўринишлар сони камрок бўлиши учун деталнинг қўринимас кисмлари штрих чизик ёрдамида кўрсатилади.

Қўринишлар мазмуни ва уларнинг бажарилиш ҳолатларига қараб асосий, қўшимча ва маҳаллий каби қўринишларга бўлинади.

**Асосий қўринишлар.** Асосий қўринишда проекциялар текисликлари учун кубнинг олти томони қабул қилинади (278-шакл, а, б). Деталь фикран кубнинг ичига





278- шакл.

жойлаштирилиб, унинг тасвири ҳар бир киррага туширилади, сўнгра 278-шакл, б да кўрсатилганидек кубни ёйиб чизма текислиги билан жисплаштирилади. Натижада деталнинг проекциялар текисликларида олтига тасвирига эга бўлинади. Кўринишларнинг чизма майдонида бундай жойланнишини проекцион боғланишлар дейилади. Кўринишлар қўйидаги номлар билан юритилади:


- 1 — олдан кўриниш ёки бош кўриниш;
- 2 — устдан кўриниш;
- 3 — чапдан кўриниш;
- 4 — ўнгдан кўриниш;
- 5 — остдан кўриниш;
- 6 — орқадан кўриниш.

Шуни айтиш керакки, орқадан кўриниш ўнгдан кўринишнинг ёнида ҳам жойлашиши мумкин. Чизмаларда кўринишлар номи ва проекцион боғланиш чизиқлари кўрсатилмайди. Лекин деталнинг кўринишлари ўзаро маълум масофада жойлашган бўлиб, бир-бирлари билан узвий боғланган бўлишлари керак. Масалан, устдан кўриниш олддан кўринишнинг тагига жойлаштирилади (279-шакл).

Чапдан кўриниш олддан кўринишнинг ўнг томонига, ўнгдан кўриниш эса унинг чап томонига жойлаштирилади. Агар бирор кўриниш (кирқим) бош кўриниш билан проекцион боғланмаган ҳолда жойлашган ёки кўринишлар ҳар хил қоғозда жойлашган бўлса, кузатиб бориши йўналиши бошкacha ҳарфда ёзилади. Масалан, A белги билан кўрсатилади. Бунда қайси томонга қараш кераклиги стрелка ва тегишли ҳарф билан кўрсатилади (280-шакл). Чизмаларда ўзаро проекцион боғланишда бўлмаган учта асосий ҳолатларни учратиш мумкин. Чунончи, бирорта кўриниш бош кўринишга нисбатан бошқа тасвир билан ажратилган (279-шакл); кўринишлардан бирортаси бош кўринишга нисбатан силжиб тасвирланган (280-шакл); кўринишлар бош




279- шакл.



280- шакл.

кўринишга нисбатан бошқа-бошқа қоғозларда тасвирланган бўладилар (281-шакл).


**Кўшимча кўринишлар.** Буюмнинг асосий проекциялар текисликларига нисбатан параллел бўлмаган текисликдаги тасвирига кўшимча кўриниш дейилади. Буюмнинг бирор қисмининг асосий олтита кўринишларда, унинг шак-




281- шакл.

ли ва ўлчамларини аник кўрсатиш имкони бўлмаган ҳолатларда қўшимча кўриниш усулидан фойдаланилади. Бунда шакл асосий кўриниш текисликларига нисбатан параллел бўлмаган ёрдамчи текисликларда ҳосил бўлади.


282-шаклда асосий проекциялар текисликларига нисбатан кия қисмига эга бўлган деталнинг чизмаси тасвирланган. Бу деталь асосий текисликларга проекцияланса унинг кия қисми киришиб (айлана эллипс



282- шакл.



283- шакл.



284- шакл.

күринишида ўлчамлар киришиб) тасвиранади. Бу эса чизмани ўқишини ва детални тасаввур қилишини бирмунча қийинлаштиради. Шунинг учун деталнинг кия қисмига параллел бўлган текисликка унинг шаклини тасвирилаш тавсия этилади. Натижада шакл ўзининг ҳакиқий күриниши билан тасвиранади.


Агар қўшимча күриниш асосий тасвир билан ўзаро проекцион боғланишда жойлашган бўлса стрелка ва кўриниш ёзувлари кўрсатилмайди, борди-ю қўшимча кўринишлар бош кўринишга нисбатан силжиб тасвириланса стрелка ва кўриниш ёзувлари *A* ҳарфи кўрсатилади (283-шакл).

Чизмаларни ўқиши осон бўлиши учун қўшимча кўринишлар буриб кўрсатилади. Бунда кўринишнинг бош тасвири сакланиб қолади. Бундай ҳолларда кўриниш ҳарфи ёнига доира чизилиб, кўринишнинг бурилганлиги стрелка орқали кўрсатилади (284-шакл).

**Маҳаллий кўринишлар.** Маҳаллий кўриниш деб деталларнинг айрим чегараланган қисмларининг тасвирига айтилади. Маҳаллий кўринишлар асосан икки ҳолатларда тасвириланishi мумкин: Биринчи ҳолатда маҳаллий кўриниш деталнинг тасвириланадиган юзаси билан қўшилиб, узлуксиз тўлқинсимон чизик орқали чегараланган ҳолларда чизилиб кўрсатилади (285-шакл, а).


Иккинчи ҳолатда деталнинг тасвириланадиган қисми факат ўзининг кўринар контур чизиги билан кўрсатилади. Бунда тўлқинсимон чизик кўрсатилмайди (285-шакл, б). Ҳар икки ҳолда ҳам маҳаллий кўриниш қўшимча кўринишдагидек стрелка ва кўриниш ёзувлари билан ифодалаб кўрсатилади.

**11.1.2. Қирқимлар.** Техникада ишлатиладиган деталларнинг ички тузилишлари ҳар хил геометрик шакллардан ташкил топган бўлиб, чизмада улар штрих чизиклар билан кўрсатилади. Бундай ҳол чизмаларни ўқишини бирмунча қийинлаштиради. Буюмларни чизмалари буйича мукаммал тасаввур килиш ва уларнинг ички тузилишларини аниқ қилиб курсатиш учун шартли равишда қабул қилинган «қўрқимлар усули» кўлланади. Қирқимлар ҳам ГОСТ 2.305—68 да кўрсатилган қоидаларга мувофик бажарилади. Қирқим деб, буюмнинг битта ёки бир нечта фазовий текисликлар билан фикран кесилишидан ҳосил бўлган тасвирий қисмига айтилади.



285- шакл.

Бунда текисликнинг кесишигандын жойи ва унинг орқасида күриниб колган чизиклары (қисмлари) күрсатилилади (286-шакл). Кирким қоидасига кўра буюмнинг маълум бир жойидан фикран кесувчи текислик ўтказилади. Буюмнинг кузатувчи ва кесувчи текислик орасидаги қисми фикран олиб ташланади ва колган қисми ўз ўрнида тегишли асосий проекциялар текисликларидан бирортасига ёки чизма майдонининг бўш жойига тасвирланади. Айрим ҳолларда киркимлар керакли ёзувлар билан күрсатилади.



286- шакл.

Энди киркимларни ҳосил бўлиш белгилари билан танишиб чиқамиз. Киркимлардаги кесувчи текисликлар узук йўғон кесим чизиги билан күрсатилади, киркимнинг бош ва охирги кесим чизигига перпендику-

ляр килиб қирким тасвириниң йұналишини күрсатувчи стрелка чизилади (287-шакл). Стрелка штрих чизикнинг охиридан 2—3 мм масофада үтказилади. Қирким текислиги босмача ҳарф билан

тасвир тепасига икки ҳарф орасыга чизик чизиб, масалан,  $A-A$  қуринишида ифодаланади. Ұзук чизикнинг йүғонлиги (1..1,5)  $S$  бўлади.


$S$  — чизмадаги қуринар контур чизикнинг йүғонлиги: штрих чизикнинг узунлиги эса 8—10 мм га тенг. Деталниң қиркимга (кесимга) тушган жойи штрихлаб қўйилади. Агар қиркимдаги кесувчи текисликлар деталниң симметрия текисликлари билан қўшилиб қолса, юкоридаги ёзувлар кўрсатилмайди.

288-шакл, а, б да детални фронтал проекциялар текислигига параллел бўлган  $\Gamma$  текислик билан кесилиши кўрсатилган.  $\Gamma$  текислик детални шартли равища  $A$  ва  $B$  кисмларга бўлади. Бунда кузатувчига яқин бўлган  $B$  кисми фикран олиб ташланади. Колган  $A$  кисмини бош қуринишга проекциялаб, текисликнинг кесишган жойи (кесимини) ва унинг оркасидаги қуриниб қолган чизиклари тасвирланади.

**Қирким турлари.** Кесувчи текисликларнинг жойлашиш ҳолатларига кўра қиркимлар горизонтал, верти-




287- шакл.




288- шакл.

кал ҳамда оғма қирқимларга бўлинади. Бундан ташқари кесувчи текисликларнинг сонига қараб қирқимлар оддий, мураккаб ва маҳаллийга ажралади.

Оддий қирқимларда кесувчи текислик битта бўлиб,  $\Pi_1$  текислика нисбатан жойлашиш ҳолатига қараб у горизонтал, фронтал, профил ва оғма қирқимларга бўлинади. Горизонтал қирқимда кесувчи текислик  $\Pi_1$  текислика параллел бўлади (289-шакл). Фронтал қирқимда кесувчи текислик  $\Pi_1$  текислика нисбатан перпендикуляр ва  $\Pi_2$  га параллел жойлашган бўлади. Бунга 286, 290-шакллардаги A—A қирқимларни мисол килиш мумкин. Агар кесувчи текислик  $\Pi_3$  текислика параллел жойлашган бўлса, профил қирқим дейилади. 286-шаклдаги B—B текислик билан кесилган қирқим профил қирқимdir.





Оғма қирқимларда кесувчи текислик  $\Pi_1$  текислик билан ўткир ёки ўтмас бурчак ташкил киласди. 291-шаклдаги кесувчи A—A текислик  $\Pi_1$  текислик билан ўткир бурчак ташкил киласди, яъни  $\Pi_1$  текислика нисбатан оғмадир. Бунда қирқимни стрелка йўналиши бўйича проекцион боғланишда ёки чизма майдонининг хоҳлаган жойига жойлаштириш мумкин. Бундан ташқари шу чиз-





291- шакл.

манинг бош күринишида маҳаллий кирким тўлкинсимон чизик ёрдамида деталдаги цилиндрик тешиклар кўрсатилган. Бундан ташкари амалдаги детални фронтал ёки профил проекциялар текисликларига параллел бўлмаган текислик билан ҳам киркиб кўрсатилади. Бундай ҳолда кирким кузатувчи томонидан белгиланган бўлиб, кесувчи текисликка кўйилган стрелканинг йўналиши бўйича бажарилади. Масалан, 292-шаклда  $A-A$  текислик билан вертикал киркимнинг бажарилиши кўрсатилган. Айрим ҳолларда деталнинг ҳамма элементларини битта текислик билан кўрсатиб бўлмайди. Бундай ҳолларда мураккаб кирким ишлатилади. Агар буюмнинг кўринмайдиган кисмларини икки ва ундан ортиқ текисликлар билан киркиб кўрсатилса мураккаб кирким ҳосил бўлади (293-шакл). Мураккаб кирким поғонали ва синдирилган (синик) бўлади. Текисликларнинг сонидан катъи назар, кесувчи текисликларнинг жойлашиш ҳолатлари киркимнинг боши ва охирида штрих кесим чизиги бир хил харфлар билан ифодаланади, кирким йўналиши эса стрелка билан кўрсатилади (293-шаклда  $A-A$  кирким).

Деталь икки ва ундан ортиқ ўзаро параллел кесувчи текисликлар билан киркилса, поғонали мураккаб кирким ҳосил бўлади. 293-шаклда иккита ўзаро параллел текисликлар билан киркилган фронтал поғонали киркимнинг тасвирланиши кўрсатилган. Кесувчи текислик излари  $A-A$  билан белгиланган.



292- шакл.




293- шакл.

294-шаклда узаро параллел икки текислик билан кесилган горизонтал поғонали мураккаб кирқимнинг бажарилиши келтирилган. Бу ерда текислик излари Б—Б кўринишда белгиланган.

Юкоридаги хар икки холатда ҳам кесим юзаси битта текисликка келтирилиб тасвирланади. Детал икки ва ундан ортиқ узаро кесишувчи текисликлар билан


киркілганда ҳосил бұлған

Киркімга синдирилған киркім деб айтилади. Бунда кесувчи текисликлардан бири проекциялар текисликтерге қия жойлашған бұлса у текислик проекциялар текислигиге параллел жойлашған текислик билан битта текислик ҳосил күлгүнча айлантирилади. Натижада қия текисликтегі киркім проекциялар текислигиге үзининг ҳақиқиқиеттің күріниши билан тасвирланади. 294-шаклда деталнинг иккі кесишуви текисликлар билан қиркілиши күрсатылған. Бунда чап томондаги текисликни фронтал текислик билан битта текислик ҳосил күлгүнча айлантирилади. Бунда қия текисликтегі күріниш ҳам үзининг ҳақиқиқиеттің күрінишінде орналасады.




294- шакл.

295-шаклдаги мисолда эса иккі кесишуви текисликлардан биттаси горизонтал проекциялар текислигиге қия жойлашған. Шунинг учун бу текислик горизонтал текислик билан битта текисликка түшгүнча айлантирилади, сүнгра киркім тасвирланади. Бу ерда




295- шакл.



296- шакл.

текислик излари A—A күринишда белгиланган. Кесишувчи текисликлар айлантирилганда унинг орқасидаги элементлар ўз ҳолатини ўзгартирмайди, яъни айланмайди. 296-шаклда деталдаги Б — элемент кесувчи A—A текислик оркасида бўлганлиги учун унинг фронтал проекциялар текислигига ўзгармасдан тасвирланиши кўрсатилган.

Чизмаларда деталларнинг бирор кичик қисмларини аниклаш учун маҳаллий қирқимдан фойдаланилади. Чизмаларда маҳаллий қирқим  $s/2\dots s/3$  йўғонликдағи тўлқинсимон туташ чизик билан чегаралаб кўрсатилади (297-шакл, а, б).




297- шакл.

Чизмаларда тасвирлар сонини камайтириш мақсадида буюмнинг кўринган қисми билан қирқимга тушган жойини қўшиб тасвирлаш тавсия этилади. ГОСТ 2.305—68 да кўриниш ва қирқимларни бирлаштириб тасвирлашнинг асосий учта кўриниши кўрсатилган:

1. Кўринишнинг ярми билан қирқимнинг ярми қўшилганда, уларнинг ҳар бири симметрик шакллар қисмидан иборат бўлиб, уларни симметрия ўки ажратиб туради. Бунда қирқим деталнинг симметрия ўқига нисбатан ўнг томонига берилади (298-шакл, а).


2. Деталь кўринишнинг ярми билан қирқимнинг ярми қўшилганда, симметрия ўки билан, бирор чизик, масалан, қовурга чизиги устма-уст тушса, кўриниш қирқимдан тўлқинсимон туташ чизик билан ажралиб, кирра чизик сакланиб колади. 298-шакл, б да симметрик деталнинг қиркимида ички ва ташки кирра чизиклари тўлқинсимон чизик билан ажратиб кўрсатилган.

3. Буюмнинг кўриниш ва қирқим қисмини ажратиша буюмнинг бир қисмини агар айланиш сирти бўлса симметрия текислигининг изи билан қўшилиб қолувчи ингичка штрих-пунктир чизик билан кўрсатиш тавсия этилади (298-шакл, в).




298- шакл.

**11.1.3. Кесимлар.** Буюмнинг битта ёки бир нечта текисликлар билан фикран кесилишида ана шу кесишиган жойнинг чизмада тасвириланиши кесим деб айтилади. Деталнинг чизмадаги кўриниши, унинг барча томонларини мукаммал тўла аниқлаш имконини бермайди. Бундай холларда кесим қўлланилади. Кесим ҳам қирқимга ўхшаш шартли тасвирдир. Чунки кесим шакли детал билан бирга жойлашган бўлиб, уни шартли равишда фикран ажратиб олиб, чизма майдонининг бўш жойига чизилади. Кесимнинг чизма тасвирини ўзида ёки четга чиқариб чизиш мумкин. Шунинг учун у четга чиқарилган ва чизма устида кўрсатилган кесимларга бўлинади. Четга чиқарилган




299- шакл.




300- шакл.

кесим асосий контур чизик билан, тасвир устида чизилган кесим эса ингичка туташ чизик билан чизилади (299, 301- шакллар).

Кесимнинг кўриниши қирқилган контур чизиклар оралиғида жойлашган бўлиши мумкин (300- шакл). Бундан ташқари четга чиқариб чизилган кесимни буриб чизиш мумкин. Бундай ҳолда ҳарф ёнига доира чизилади ва стрелка орқали бурилиш белгиси кўрсатилади (302- шакл).




301- шакл.






302- шакл.

Битта буюмдаги бир нечта бир хил кесимлардан биттаси чизиб кўрсатилади, лекин барча кесим чизиклари бир хил ҳарфлар билан белгиланади (303- шакл).



303- шакл.


Цилиндрик сиртларнинг кесимини тасвирлашда унинг битта проекциясида цилиндр текисликка ёйилган вазиятда кўрсатилади (304- шакл) ва ҳарф олдига ёйиш белгиси қўйилади. Агар деталдаги қирралар бир-бирига параллел бўлмаса мураккаб кесим берилади. 305- шаклда худди шундай кесимнинг бажарилиши кўрсатилган.





305- шакл.

304- шакл.


Агар кесувчи текислик айланиш сиртини унинг ўки орқали ўтиб, сиртдаги айлана ва чуқурликларни чегаралаб турса, ундаги контур чизикларнинг барчаси кесимда кўрсатилиади (306- шакл).



306- шакл.




307- шакл.



Агар кесувчи текислик юмалок бўлмаган тешик орқали ўтиб, мустакил кесимга эга бўлса, кесим ўрнига кирким тасвирланади (307- шакл).

**11.1.4. Четга чиқариш элементлари. Машинасозлик чизмачилигидаги айрим соддалаштиришлар.** Буюмлар НИНГ айрим кисмларининг шаклан тузилишлари кичик бўлғанилиги учун уларни ўкиш ва тўла маълумот олиш бирмунча қийин бўлади. Шунинг учун чизмачиликда четга чиқариш элементлари деб аталувчи коnda қўлланади. Бунда четга чиқариб чизилиши лозим бўлган элемент асосий чизмада ингичка туташ ёпик чизик билан айлана ва овал куринишида чегараланади сўнгра упдан токча чизик чиқариб босма ҳарф ёки араб рақами билан ёнма-ён


белгиланади (308- шакл). Чиқарилган элемент катта-лашган вазиятда тасвирланиб, у тұла маълумотларга эга бўлади. Четга чиқарилган элемент тасвирининг тепасига қабул қилинган белги ва масштаб 308- шаклдагидек кўрсатиласди. Четга чиқарилган элемент чизмаси иложи борича асосий чизмага яқин қилиб чизилиши мақсадга мувофиқлар.



308- шакл.

Буюмларнинг чизмаларини тасвирлашда, уларнинг аниқлик ва яққоллик кўринишлари сақланган ҳолда, чизма ишларини ҳажмини бирмунча камайтириш, вактни тежаш мақсадларида ГОСТ 2. 305—68 га асосан айрим шартлиликлар ва соддалаштиришлар қабул қилинган. Шулардан айримлари билан танишиб чиқамиз.

Масалан, деталлардаги юпқа деворлар, ковурғалар ва шунга ўхшаш элементларни кесувчи текислик бўйламаси (узунаси) бўйича кесиб ўтса у штрихланмай кўрсатиласди.




309- шакл.

309- шаклда ковурға, ички элемент ва юпқа деворлар штрихсиз кўрсатилган, чунки кесувчи текислик детални бўйи томон кесиб ўтган.


Агар чизмаларда бир нечта қиркимлар бажарилиб, уларнинг ҳар бири симметрик шакллардан иборат бўлса, қиркимларни ёнма-ён вазиятда битта тасвирда кўрсатиш рухсат этиласди.

310- шаклда ярим профил мураккаб А — А ва ярим профил оддий Б — Б кирқимлар битта тасвирида ёнма-ён жойлаштириб кўрсатилган. Шунга ўхшаш чизмаларда мураккаб поғонали ва синдирилган кирқимларни биргаликда




310- шакл.

битта тасвирида кўрсатиш мумкин (311- шакл). Бунда кесувчи текислик орқасидаги киришиб тасвиранувчи элементлар кўрсатилмайди (агар детал тузилишига тушунча бериш талаб килинмаса). Бунга 311- шаклдаги чизманинг чап томонидаги ковурға мисол бўлади. Буюмнинг икки хил ҳолатдаги шаклларини кирқимда кўрсатиш учун уларнинг тасвирини битта текислик билан кесиб, уларга ҳар икки йўналиш бўйича стрелка қўйилиб, ҳар хил ҳарфлар билан белгиланади. 312- шаклдаги А — А ва Б — Б кирқимлар мисол бўлади. Тасвиirlар сонини камайтириш максадида кузатувчи ва кесувчи текисликлар оралигига жойлашган детал элементларини йўғон штрихпунктир чизик





311- шакл.



билин күрсатишиш тавсия этилади (313- щакл).

Текис сиртлардаги түғри түртбұрчак ва квадрат шаклларни тасвирда ингичка туташ чизик билан диагонал үтказиб күрсатилади (214- шакл). Деталнинг барча томони түрсімінен ва ариқасимон элементлардан ташкил топған кисми катақ күрінишида штрихлаб күрсатилади (314- шакл). Иккі сиртнинг кесишиш чизиги ингичка




туташ чизик билан шартли ифодаланыб, ҳар иккі томондан контур чизикка етказилмайды (315- шакл). Соддалаштиришлар билан тұларок танишиш учун ГОСТ 2.305—68 (СТСЭВ 363—77) билан мұкаммал равишда танишиб чикиш тавсия этилади.

**11.1.5. Қирқим ва кесимларнинг амалда құлланиши.** Буюмларнинг чизмаларини тузишида қирқим ва кесимларнинг құлланишини бир

неча мисолларда кўриб чиқамиз. 316- шаклда  $\Phi$ ,  $\Gamma$  ва  $\Sigma$  текисликлар билан кесилган конус сиртининг фронтал проекцияси берилган. Унинг горизонтал, фронтал ва профил проекцияларида текисликлар билан кесишган эгри чизиклари ясалиши керак. Кесимларнинг ҳосил бўлишини аник тасаввур қилиш учун унда ётувчи нукталарнинг тегишли проекцияларини аниқлаш масаланинг ечилишини осонлаштиради. Масалан,  $\Phi$  текислик конус сиртини парабола эгри чизиги бўйича кесиб ўтиб,  $1_1|1_2/$  ва  $4_1|4_2/$  нукталар билан чегараланган. Ёрдамчи оралиқ нукталар кесувчи текисликлардан фойдаланиб аникланади. Ёрдамчи  $T_2$  ва  $K_2$  текисликлар сиртни  $R_1$  ва  $R_2$  радиусли айлана бўйича кесиб,  $\Phi$  текислик билан кесишиб  $2_2|2_2/$ ,  $3_2|3_2/$  нукталарни ҳосил қиласди. Аникланган,  $1_1$ ,  $2_1$ ,  $3_1\dots$  нукталарни ўзаро туташтириб, излананаётган эгри чизикка эга булинади.  $\Gamma$  текислик конус сиртни гипербола чизиги бўйича кесади ва 6—8 нукталар бўйича чегараланади. Кўшимча (оралиқ)  $7_2|7_2/$  нуктаси эса  $\Gamma_2$  текислик ёрдамида топилади.

$\Sigma$  текислик сиртни айлана ёйи бўйича 4—6 нукталарда кесиб ўтади.

Аникланган нукталарнинг горизонтал ва фронтал проекцияларига кўра, уларнинг профил  $1_3$ ,  $2_3$ ,  $3_3\dots$




316- шакл.

проекциялари топилади. Аниқланган ҳар бир текисликка тегишли нүкталар ўзаро туташтирилиб,  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$ , ва  $\Pi_3$  проекциялар текисликларидаги эгри чизиклар ҳосил килинади.

317- шаклда муфтага ўхшаш детални горизонтал ва фронтал проекциялари берилган. Ана шу проекцияларига кўра унинг учинчи (профил) проекциясини ясаш ва керакли бўлган қиркимларни бажариш талаб қилинади. Бу сирт асосан айлана цилиндр сиртидан иборат бўлиб, унинг ясовчиларига параллел ёки перпендикуляр бўлган текисликлар билан кесилган. Цилиндр  $\Pi_1$  га перпендикуляр бўлганлиги учун текисликлар тўғри чизик ёки айлана ёйлари бўйича кесади. Детални  $\Pi_3$  текисликдаги проекциясини ясаш учун ўқ чизиги чизилади ва детал сиртининг контур чизиклари ўтказилиб, унинг текисликлар билан кёсишган эгри чизиклари ясалади.


Масалан,  $F(F_1F_2)$  текислик сиртни  $A_1$ ,  $B_1$ ,  $A_2B_2$  тўғри чизик бўйича кесади, унинг  $\Pi_1$  текисликдаги проекцияси  $A_1=B_1$  нукта кўринишда бўлади. Сўнгра  $Y_{AB}$  координата кийматини ўлчаб,  $\Pi_3$  даги ўқдан чап томонга олиб қўйилади. Натижада  $A_3B_3$  чизикка эга бўлинади. Шу-



317- шакл

нингдек,  $C_3D_3$  тұғри чизик ҳам топилади.  $\Phi$  текисликкінг кесишишидан ҳосил бүлган  $BED$  ёй  $P_3$  да  $B_3E_3D_3$  тұғри чизик (қиркимда  $D_3E_3$ ) күрiniшда проекцияланади. Худди шунга үхаш,  $\Sigma$  текислик билан кесишган юза ҳам топилади. Ен томондаги тешик  $P_3$  текисликтің айланы бўлиб проекцияланади.


Деталнинг ички тузилишини ва тешикларнинг шаклларини аниқ күрсатиш мақсадида, А — А фронтал текислик билан фронтал қирким, Б — Б билан профил қиркимлар берилган. 318- шаклда шар сиртининг фронтал проекцияси  $P_2$  текислика перпендикуляр бўлган тешик орқали берилган. Унинг горизонтал ва профил проекциялари ясалиши, ҳамда текисликлар билан кесишган эгри чизиги аникланиши лозим. Шар сирти  $P_1$ ,  $P_2$  ва  $P_3$  проекциялар текисликлари-



318- шакл.

да айлана күринишида тасвириланади. Шарнинг призма томонлари, яъни текисликлар билан кесишган эгри чизикларини аниклаш учун кесувчи текисликлар усулидан фойдаланиб, эгри чизикларга тегишли нукталар топилади. Г текислик сферани айлана бўйича кесиб,  $P_1$  текислика сирт кирраси билан кесишиб  $1/1,1_2/$  нуктани хосил қилади. Сунгра  $P_3$  текислика У координата ёрдамида  $I_3$  аникланади. 3,4, 7 ва 8 нукталар шарнинг экваторида ётади. Бу нукталарни горизонтал проекцияларини белгилаб, профил проекциялари топилади. Ф текислик билан кесилганда 5( $5_1,5_2,5_3$ ) ва 6( $6_1,6_2,6_3$ ) нукталар хосил қилинади. Шарнинг ички қисмини аниқ кўрсатиш учун А—А профил қирқим берилган.

319- шаклда деталнинг икки горизонтал ва фронтал тасвирига кўра унинг учинч (профил) кўринишининг ясалиши ва керакли бўлган қирқимларнинг бажарилиши кўрсатилган.



319- шакл.

Деталнинг юкори қисми олти киррали призмадан иборат бўлиб, ташки чизилган айлана диаметри 70 мм га тенг. Асоси эса тўртбурчак бўлиб, тўрт томонидан кесилган ҳамда ўрта қисми цилиндр сиртидан ташкил топган. Корпуснинг марказий қисмida тўрт бурчакли тешик ва унинг асосида маҳкамлаш учун диаметри 14 мм бўлган иккита тешик ўйилган.

Детал симметрия текисликларига эга бўлганлиги учун тўла қирқим бериш шарт эмас. Шунинг учун фрон-

тал киркимда чап кўринишнинг ярми қирким билан қўшиб кўрсатилади. Профил қирким ҳам профил симметрия текислиги билан киркилади. Текисликлар деталнинг симметрия ўклари бўйича кесиб ўтганлиги учун унинг вазияти чизмада белгиланмайди, қирким ҳам ҳеч қандай ёзув билан кўрсатилмайди. Лекин ҳар икки қиркимда кирра симметрия ўки билан қўшилиб қолганлиги учун айрим кўриниш қисмлари тегишли қирким чегарасидан тўлқинсимон чизик билан ажратиб кўрсатилади. Кўпинча техникада ишлатиладиган буюмларнинг чизмаларини бажаришда кия кесимларни ҳақиқий катталикарни аниклашга тўғри келади.


Бундай ҳолда кесувчи текислик  $P_1$ ,  $P_2$  ва  $P_3$  проекциялар текисликларига нисбатан параллел бўлмайди, лекин юкоридаги текисликлардан бирортасига перпендикуляр вазиятда жойлашган бўлиб, қолган иккита проекциялар текисликларига нисбатан огма вазиятда бўлади. Бунда текисликнинг кесишган юзаси проекциялар текисликларига ўзгариб проекцияланади. Проекциялар текисликларини алмаштириш усулидан фойдаланиб кесимнинг ҳақиқий катталиги аникланади.

320- шаклда призма ва конус сиртларининг тўпламидан иборат бўлган деталнинг горизонтал ва фронтал проекциялари берилган бўлиб, деталнинг  $P_1$  га нисбатан  $A - A$  кия текислик билан кесилган кесим юзасининг горизонтал проекцияси, сўнgra унинг ҳақиқий катталиги аникланиши керак (320- шакл).


Буюмнинг бир қисми конус сиртидан иборат бўлганлиги учун  $A - A$  текислик сиртни эллипс бўйича кесади. Текислик сиртнинг фронтал очерк чизиклари билан кесишиб эллипснинг катта ўки  $b_2 - 8_2$  нукталарни ҳосил қиласди. Кичик ўкини аниклаш учун катта ўқнинг ўртаси  $O_1$  нукта орқали конус ўқига перпендикуляр килиб ёрдамчи  $\Gamma_2$  текислик ўтказилади. Текислик конусни  $R$  радиусли айлана бўйича кесиб ўтади. Айлана берилган текислик билан кесишиб эллипснинг кичик ўки  $9_2 - 9_2$  нукталарни беради.  $\Phi_2$ ,  $\Sigma_2$  текисликлардан фойдаланиб кўшимча  $b_2 - b_2$ ,  $7_2 - 7_2$  нукталар топилади ва уларнинг горизонтал  $5_1 - 8_1$ ,  $9_1 - 9_1$  ва  $b_1 - 6_1$ ,  $7_1 - 7_1$  проекциялари аникланади.

Энди кесим юзасининг ҳақиқий катталигини ясаш учун  $A - A$  текисликка параллел килиб, янги горизонтал проекциялар текислигини ўтказамиз. Унинг фронтал изи  $A - A$  га параллел бўлиб,  $I - 3$  чизик орқали ўтади.  $I_2$ ,  $2_2$ ,

320- шакл.




A-A



З<sub>2...</sub> нүкталардан А—А га перпендикуляр чизиклар чиқарилади. Кейин 1—3<sub>...</sub> чизикдан нүкталарнинг ордината кийматларини тегишлича мос холда (масалан, П<sub>1</sub> текисликдан 1<sub>1</sub>—1<sub>1</sub>, 2<sub>1</sub>—2<sub>1</sub>, 3<sub>1</sub>—3<sub>1</sub>... масофаларни ўлчаб кўйиб, 1, 2, 3<sub>...</sub> нүкталарга эга булинади. Текислик цилиндр билан ҳам кесишиб, 3, 4<sub>...</sub> нүкталарда кичик эллипсни ҳосил қиласди. Топилган 1, 3, 9, 7, 6<sub>...</sub> нүкталар кетма-кет бирлаштирилиб кесимнинг ҳақиқий катталигига эга бўлинади.

321- шаклдаги мисолда корпус тузилишидаги деталнинг горизонатл ва фронтал проекцияларига кўра унинг учинчи (профил) проекциясини ясаш ва П<sub>2</sub> текислика перпендикуляр жойлашган А—А текисликнинг кесим юзасининг горизонтал проекцияси ва унинг ҳақиқий



321- шакл.

катталигини аникланиши күрсатилган. Шаклдан күриниб турибдики, корпус икки симметрия текислигига эга бўлиб, устидан күриниши иккита тўрт бурчакли шаклдан ва икки томонида кия жойлашган қовурғадан иборат бўлиб, марказий кисми цилиндр тешикдан ташкил топган. Бундай тасаввур қилиш деталнинг учинчи күринишини ва унга керакли бўлган қирқимларни тўғри ва тезда бажарилишига имкон беради. Бунинг учун деталнинг профил проекцияси ясалади. Сўнгра ички тешикни аниқ күрсатиш учун профил симметрия қирқим берилиб, у ярим чап күриниш билан кўшиб кўрсатилади. Энди А – А кесим чизиги билан ифодаланган текислик билан кесишиш натижасида хосил бўлган кесимнинг горизонтал проекцияси ва унинг ҳакикий катталигини аниклаш учун кесим юзасини чегараловчи 1, 2, 3, 4, 5 ва 6 нуқталар аникланади. Бу нуқталарнинг фронтал проекциялари текислик изи билан кўшилиб тўғри чизик күринишида бўлади. Нуқталарнинг

горизонтал проекцияларини бирлаштириб кесимнинг  $1_1, 3_1, 5_1$ , горизонтал проекциясига эга бўлиниади. Кесимнинг ҳақиқий катталигини ясаш учун кесувчи текисликка параллел қилиб янги горизонтал проекциялар текислигини ўтказамиз, унинг фронтал изи  $A - A$  га параллел бўлади ва I нуқта орқали ўтади.  $1_2, 2_2, 3_2, 4_2, 5_2$  ва  $6_2$  нуқталардан  $A - A$  га перпендикуляр чизиклар ўтказилади. Сўнгра I нуқта орқали  $A - A$  га параллел бўлган чизикдан бошлаб  $1, 3, 5 \dots$  нуқталарнинг ординаталари ўлчаб қўйилади. Бунда нуқтадан ўтган тўғри чизик ҳисоблаш чизиги бўлади.  $1, 3, 5, 6 \dots$  нуқталар ўзаро кетмакет бирлаштирилади ва изланайтган кесимнинг ҳақиқий катталиги аниқланади.

## 12- бўб. РЕЗБАЛИ ДЕТАЛЛАР ВА УЛАРНИНГ БИРИКМАЛАРИ

### 12.1-§. Бирикмалар тўғрисида умумий маълумотлар

Хар бир машина, станок ва асбоб-ускуналар бир неча деталларнинг ўзаро бирикувларидан иборат бўлиб, қандайдир иш бажарадилар. Лекин деталларнинг тузилишлари ва бажарадиган вазифаларига қараб бирикмалар турлича бўлади. Ишлаб чиқаришда қўпроқ ажralадиган ва ажralмайдиган бирикмалар ишлатилади. Агар бирикма деталлари бузилмасдан, синмасдан алоҳида-алоҳида ажralса бундай бирикма ажralадиган бирикма дейилади. Буларга резбали, шпонкали, тишли илишмалар ёки шлицали бирикмалар ва ҳоказолар киради. Агар бирикмадаги деталлар ташки куч таъсирида парчаланиб, синиб, қисмларга ажralиб кетса ажralмайдиган бирикмалар дейилади. Буларга пайвандли, парчинли ва елимли бирикмалар киради. Техникада кўпроқ пайвандли бирикмалар ишлатилади. Ҳозирги замон машинасозлигини резбали бирикмаларсиз тасаввур килиш кийин, чунки резбали деталларни осонлик билан шикастлантирумасдан бириктириш ва уларни тегишли қисмларга ажратиш мумкин.

### 12.2-§. Резбаларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг чизмаларда тасвирланиши, белгиланиши. Резбали бирикмалар

Резбаларнинг ҳосил бўлиши винт чизикларининг ҳосил бўлиш қонуниятларига асосланади. Чизма геометрия курсида винт чизигининг ҳосил бўлиши батафсил баён

қилишган эди. Маълумки, винт чизиклари фазовий эгри чизик туркумига кириб, нуктанинг бирор цилиндр ёки конус айланиш сиртларининг ўклари атрофида бир хил бурчак тезлиги остида айланиши билан бир вактда унга параллел йўналишда бир текис илгариланма ҳаракат қилиши натижасида ҳосил бўлади. Шунингдек, винт чизиклари цилиндр ва конус сиртлари устида ҳам ҳосил бўлиши мумкин.


Агар цилиндр ёки конус устида кескичга винт чизиги ҳаракати бериб, ўйик ўйилса винт сирти ҳосил бўлади (322- шакл, а). Винт сиртининг ўйиги кескич учининг геометрик шаклига боғлик, яъни у учбурчак, трапеция ва тўртбурчак шаклларда бўлиши мумкин. Бу шаклларнинг ҳар бир нуктаси цилиндр ва конус сирти устида винтсимон бир хил ҳаракатланиб, тегишли шакл изларини ҳосил қилади. Бу шаклларнинг қолдирган излари резба деб аталади. Шаклларнинг қолдирган изларига қараб резба турларини аникланш мумкин. Агар сирт устида бир вактда иккита, учта ва ундан ортиқ текис шакллар айлана бўйича бир-бирларига нисбатан бир хил винтсимон ҳаракатланса, икки ва уч киримли резбаларни ҳосил қилади (322- шакл, б, в). Бир киримли резбада, резба йўли ( $h$ ) резба қадами ( $P$ ) га teng бўлади. Икки ва ундан ортиқ киримли резбада резба йўли тегишлича, резба қадамининг кўпайтмасига teng бўлади, яъни  $2P$ ,  $3P\dots$  Кўп киримли резбалар, резбанинг қадами ва резбанинг йўли билан фарқланади.

Резбаларнинг асосий параметрлари ГОСТ 11708—66 да белгиланган. Резба асосан учта  $d(D)$  ташки,  $d_1(D_1)$  — ички ва  $d_2(D_2)$  ўрта диаметр билан ифодаланади. СЭВ стандартига биноан ташки резбалар  $d$ ,  $d_1$ ,  $d_2\dots$  ички резбалар эса  $D$ ,  $D_1$  ва  $D_2$  харфлар билан ифодаланади (323- шакл).

Резбанинг асосий параметрларидан бири унинг ташки  $d(D)$  диаметри ҳисбланади. Бу цилиндр диаметри бўлиб, стерженга ташки ўйилган резбанинг чўқки айлана ёки ички ўйилган резбанинг ички ўйигининг айлана диаметри деб тушунилади. Бу диаметр резбаларнинг ташки диаметрларини белгилашда ишлатилади.

Кўшни ўрамлар орасидаги ясовчи бўйлаб ўлчанганди масофага резба қадами деб айтилади ва у  $P$  харфи билан ифодаланади (322- шакл).

Бир ўрамдаги икки нукта ясовчиси бўйлаб ўлчанганди масофага резба йўли дейилади ва у  $h$  харфи билан ифодаланади (322- шакл).



322- шакл.


Резбали буюмни бирор текислик билан унинг ўқи бўйича кесилганда ҳосил бўлган текис кесим юзасига резба профили дейилади. 323 шаклда ички ва ташки резбаларнинг бириккан ҳолатдаги резба профили кўрса-тилган.

**Резба профилининг бурчаги.** Резба профилининг икки ён томони бўйича ўлчангандек бурчак профил бурчаги дейилади ва у  $\alpha$  ҳарфи билан белгиланади (323- шакл).


Резба хар хил текис шаклларнинг ҳаракатидан ҳосил бўлганлиги учун резба профили ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, резба профили учбурчак, трапеция ва тўғри тўрт бурчак, юмалоқ каби шаклларда бўлиши мумкин.

Резба профилининг баландлиги  $H$  ҳарфи билан белгиланади. Профил учидан баландликнинг  $H/6$  ва  $H/8$  кисмига teng бўлган бўлгали кесиб ташланади.

Резбалар ишлатилиш жойларига қараб бириттирувчи (метрик, дюймли, труба, конус) ва юргизиш (трапеция, тирак) турларига бўлинади. Ўз навбатида бу резбалар стандартлашган ва стандартлашмаган турларга бўлинади.



323- шакл.



324- шакл.

### Стандарт резбалар


**Метрик резба.** Бу резба асосий бириттирувчи резбалар турига киради. Унинг профили ГОСТ 9150—81 га асосан teng томонли учбурчак бўлиб, учидаги бурчаги  $60^\circ$  га teng бўлади (324- шакл). Амалда профилнинг учидан унинг баландлигининг  $H/8$  кисми қирқиб ташланиб тўмтоклаштирилади. Учбурчакнинг ўйик жойи эса текис қилиб Кирқилади ёки юмалоқлаб қўйилади. Метрик резбалар йирик қадамли ва майдада қадамли қилиб ишланади. Метрик резбанинг асосий далилларига унинг  $d(D)$  — номинал диаметри ва  $P$  — қадами киради (ГОСТ 8724—81). Майдада қадамли резбалар йирик қадамли резбалардан шу билан фарқ қиласиди, бир хил ташки диаметрда уларнинг қадами майдарок бўлади, яъни резба ўйигининг чукурлиги ҳам кам бўлади. Майдада қадамли резбалар асосан юпка деворли деталларнинг бир-бирлари билан зич (мустахкам) бирекишлиари учун ишлатилади. Метрик резба элементларининг ўлчамлари мм да берилади. 1 мм дан 600 мм гача бўлган диаметрли резбалар икки кисмига бўлинади: 1 мм дан 68 мм гача бўлган диаметрлар йирик қадамли ва диаметри 1 дан 600 мм бўлган резбалар майдада

қадамли килиб ўйлади. Йирик қадамли резбадаги битта диаметрга битта қадам тұғри келади. Масалан,  $d=20$  мм диаметрга ягона 2,5 мм ли йирик қадам тұғри келади. Майда қадамлар бүйіча, масалан, 2; 1,5; 0,75 ва 0,5 мм ларга тенгdir. Шунинг учун метрик резбаларни белгилашда йирик қадам күрсатылмайды. Масалан, ташқи резбада M20, майда резбада эса M20×1,5 күрнишда ёзилади.


**Труба цилиндрик резбалар.** Бу резбалар трубаларни бир-бирләрі билан, шунингдек, цилиндрик резбали деталларни бириктиришда ишлатылады. ГОСТ 6367—81 га асосан резбанинг профили тенг ёнли учбурчак бўлиб, учидағи бурчаги  $55^\circ$  га тенгdir. (325- шакл). Деталларнинг зич ёпилиши учун ташқи ва ички резбаларнинг учлари ва ўйикларининг тублари юмалоқланиб ишланади. Бундай резбалар бирикканда улар орасида оралиқ (зазор) бўлмайды.

Труба цилиндрик резбаларнинг ўлчами доим (бир дюйм 25,4 мм га тенг) бўлиб, ўлчов бирлигида ракам олдига  $G$  ҳарфи ёзилади. Бундан ташқари аниқлик даражаси А ёки В ҳарфи биан белгиланади. Шунингдек, бураб киритиладиган резбанинг узунлиги стандарт нормасидан ошса ўлчамда күрсатылади. Масалан,  $G1/4-A$  труба цилиндрик резба диаметри 1/4 дюйм бўлиб, А — резбанинг аниқлик класи  $G1/2LH-A$ ;  $G3/8-A-20$ ;  $G1LH-B-40$ . Бу ерда:  $H$  — чапакай резба.  $A$  — ўрта диаметрли резбанинг аниқлик класи.  $B$  — эса  $A$  га нисбатан камроқ бўлган аниқлик класи. 20; 40 — буралиб кирадиган резбанинг узунлиги мм да.

Труба цилиндрик резбаларыла унинг диаметрининг ўлчами суюклик ўтадиган номинал ички диаметр бўйича белгиланади. Масалан,  $G1$  — резба ўлчами бўлиб, трубани ташқи сиртига ўйилган резбанинг шартли ички диаметри



325- шакл.



326- шакл.

(суюклик ёки газ ўтадиган диаметри) бир дюймга тенг. Амалда эса трубанинг икки четидаги қалинлиги ҳисобга олиниб бир дюйм 33, 245 мм қилиб олинади. Труба цилиндрик резбалар учун тұла маълумот ГОСТ 3262—75 (СТСЭВ 107—74) берилған. Қуйида (8- жадвалда) ўкув жараёнларида тез-тез учраб туралған труба цилиндрик резбаларнинг диаметрлари көлтирилған.

8 - жадвал

Резба ўлчами, дюймда	1/4	3/8	1,2	3/4	1	11/2
Сув ёки газ ўтадиган тешикнинг шартлы диаметри, мм	9	10	15	20	25	40
Трубанинг ташқи диаметри, мм	13,5	17,0	21,3	26,8	33,5	48
Резбанинг ташқи диаметри, мм	13,16	16,67	20,96	26,44	33,25	47,80

**Трапециясимон резба.** Трапециясимон резба ГОСТ 9484—81 (СТ СЭВ 146—78) га асосан профили тенг ёнли трапеция бўлиб, ён томонлар орасидаги бурчак  $30^\circ$  га тенг (326- шакл). Трапециясимон резбалар бир киримли, кўп киримли ҳамда чапақай ва ўнакай бўлишлари мумкин. Бу резбалар стандартлаштирилған, масалан, диаметри 10 дан 640 мм гача, қадами 2 дан 48 мм гача бир киримли резбалар учун ГОСТ 24738—81 (СТ СЭВ 639—77) белгиланган. ГОСТ 24737—81 (СТ СЭВ 838—78) да резбаларнинг асосий ўлчамлари, ГОСТ 24739—81 (СТ СЭВ 185—79) да кўп киримли резбаларнинг асосий ўлчамлари, йўли ва допусклари белгиланган.

ГОСТ 9562—81 (СТ СЭВ 836—78) бир киримли трапециясимон резбаларнинг допускларини белгилайди. Чизмаларда трапециясимон резбалар қўйидагича белгиланади: Масалан,  $Tr$  ҳарфи, резбанинг диаметри ( $d$ ) қадами ва допуск майдони ва чапақай резбалар учун  $LH$  ҳарфи. Мисоллар келтирамиз: Бир киримли резба учун  $Tr\ 40-6LH-8e$ ; Чапақай резба учун  $Tr\ 40\times6LH-8e$ ; Кўп киримли (уч киримли) резба учун  $Tr\ 40\times9$  (РЗ) — 6Е; бу ерда: 40 — резба диаметри; 9 — резба йўли; 3 — резба қадами мм ларда. Трапециясимон резбалар айланма ҳаракатини илгариланма ҳаракатта келтирувчи юргизиш ва юқ ускуналарида ишлатилади.

**Тирак резба.** Тирак резбалар стандартлаштирилган бўлиб, асосан кучларни бир йўналиш бўйича узатувчи винтларда, домкратларда ишлатилади. ГОСТ 10177—82 (СТ СЭВ 1781—79) га асосан резба профили тенг ёнсиз трапеция бўлиб, унинг бир томони  $3^\circ$  ли бурчак, иккинчи томони эса  $30^\circ$  ли бурчак остида кия жойлашган бўлади (327- шакл). Диаметрлари 10 дан 600 мм, қадамлари 2 дан 24 мм гача бўлган резбалар стандартлаштирилгандир. Тирак резба чизмаларда куйидагича белгиланади: бир киримли резба  $S$  ҳарфи, резба диаметри, қадами ва допуск майдони; чапақай резбаларда  $LH$  ҳарфлари кўрсатилади.

Масалан, ташки тирак резба диаметри 80 мм, қадами 10 мм допуск майдони  $7h$ ;  $S80 \times 10 - 7h$  кўринишида ифодаланади. Худди шу ифода чапақай резбада куйидагича ёзилади:  $S80 \times 10 LH - 7h$ .


Ички тирак резба диаметри 80 мм, қадами 10 мм ва допуск майдони  $7AZ$ ;  $S80 \times 10 - 7AZ$  кўринишида ифодаланади. Агар резба узунлигини кўрсатиш зарур бўлса допуск майдонидан кейин узунлик миллиметри ёзилади: яъни:  $S80 \times 10 - 7h - 120$ .

Кўп киримли резбаларда  $S$  ҳарфи, резбанинг номинал диаметри, резба йўли ва қавсда резба қадами  $P$  ҳарфи билан кўрсатилади. Масалан, икки киримли резбанинг диаметри 80 мм, қадами 10 мм ва резба йўли 20 мм га тенг бўлса куйидагича ёзилади:  $S80 \times 20 (P10)$ .


Бу резба чапақай бўлса,  $S80 \times 20 (P10) LH$  кўринишида ифодаланади.

**Юмалок резба.** Юмалок резбалар стандартлаштирилган бўлиб, унинг профили бир хил радиусли икки ёйнинг силлик туташмасидан иборат (328- шакл).

Техникада бу резба камрок ишлатилади. Шунинг учун материалларни ишлатилиш жойларига караб, стандартлар қабул қилинган. Цокол электр лампаларининг патронларидаги юмалок резбалар ГОСТ 6042—83



327- шакл.



328- шакл.

(СТ СЭВ 3151—81) га мувофик ясалади. Чизмада эса қуидагича белгиланади: Е 14 ГОСТ 6042—83. Ёки вентиллардаги шпинделларга ва сув ўтказувчи кранларга (ГОСТ 13356—68) факат диаметри 12 мм бўлган юмалок резба ишлатилади ва у қуидагича белгиланади: Кр 12×2,54 ГОСТ 13536—68. Бунда 2,54—резба қадами, мм да.

Бу резба светильникларда, баъзан кутаргич кранларинг крюкларида ҳам ишлатилади.

**Дюймли конус резба.** Дюймли конус резбанинг профили  $60^\circ$  бўлиб, ГОСТ 6111—52 га мувофик конус сиртидаги резба 1:16 конусликда ишланади (329- шакл). Конуслик  $2tg\varphi = 1:16$ , бунда  $\varphi = 1/47^{\circ}24'$ .

ГОСТ 6111—52 га асосан дюймли конус резбаларнинг энг кўп учрайдиган қуидаги диаметрлари мавжуд: 1/16" 1/8"; 1/4"; 3/8"; 1/2"; 3/4"; 1"; 11/4"; 11/2"; 2".

Шунингдек, резба қадами, мм да 0,941; 1,411; 1,814; 2,209.

Чизмаларда конуссимон дюймли резбаларни белгилаш учун резба ўлчами олдига *K* ҳарфи қўшиб ёзилади. Масалан, 3/4" дюймдаги конуссимон резба қуидагича белгиланади:


К 3/4" ГОСТ 6111—52.

**Труба конус резба.** ГОСТ 6211—81 (СТСЭВ 1159—78) га мувофик труба конуссимон резба профилининг бурчаги  $55^\circ$  бўлиб, резба 1:16 конусликда ўйилади.


Бу резбада 1/16 дан 6 гача бўлган диаметрли резбалар стандартлашган.

Труба конуссимон резбалар юкори босим ва ҳароратда трубаларни бириктиришда ишлатилади. Бу эса уларнинг зичлигини юкори даражада таъминлайди.

Чизмаларда ташқи труба конуссимон резба *R* ҳарфи билан белгиланади.



329- шакл.



330- шакл.

Масалан,  $1_{1/2}$  диаметрли ташқи конуссимон резба  $R1_{1/2}$  күринишида;

$1_{1/2}$  диаметрли ички конуссимон резба  $Rc1_{1/2}$  күринишда ёзилади.


**Метрик конуссимон резба.** Метрик конуссимон резба ГОСТ 25229—82 га мувофик стандартлашган бўлиб, профилининг учидаги бурчаги метрик резба каби  $60^\circ$ . Лекин резба  $1:16$  конусликда ўйлади. Чизмаларда бу резба рақами олдига МК ҳарфлари қўшиб ёзилади. Масалан, МК  $20 \times 1,5$  ёки МК  $20 \times 1,5 LH$  күринишда ёзилади.

**Ностандарт резбалар.** Профили тўртбурчак бўлган резбалар ностандарт резбалар жумласига киради (330- шакл). Бу резба домкрат ва прессларнинг юргизиш винтларида ишлатилади. Чизмада ностандарт резбалар барча ўлчамлари билан берилади.

### 12.3- §. Резбанинг чиқиш жойи, сбеги, қирқилмаган қисми ва проточкалари

Деталларнинг күринишлари ва қирқимларида резбанинг  $L$  чегараси асосий туташ чизик билан тасвирланади (331- шакл, а, б). Шуни айтиш керакки, резба кескичининг учи деталнинг бутун узунлиги бўйича кесиб боради, бунинг оқибатида резба профилининг охириги қисми кичрайиб йўқ бўлиб кетади ва шу жойдан кескич чиқиб кетади. Ана шу резба профилининг йўқолган қисми резбанинг сбеги дейилади ва чизмада  $X$  билан белгиланади. Кўпинча резба узунлигига резбанинг « $X$ » қисми ҳам қўшиб кўрсатилади. Агар чизмада резбанинг сбегини кўрсатиш лозим бўлса, у резбанинг ўқига нисбатан  $45^\circ$  остида ингичка туташ чизик билан кўрсатилади. Бундан ташқари резба сбегидан бошлаб деталнинг таянч юзасигача бўлган « $a$ » масофа резбанинг охиригача қирқилмаган қисми дейилади (331- шакл, а да ташки, 331- шакл, б да эса ички қирқилмаган қисмлар кўрсатилган).

Деталларда тўла профилли резба ҳосил килиш учун уни ўйища олдин сбег қисмida ариқча (проточка) ўйилади. Сўнгра резба қирқилганда кескичининг учи резбани ўйиб бориб ариқчага чиқади ва ҳосил бўлган резба узунлиги бўйича тўла профилли бўлади (331- шакл, в да ташки, г да эса ички ариқчалар кўрсатилган). Ариқчаларнинг ўлчамларини ГОСТ 10549—80 дан олиш мумкин. Сбегнинг ўлчамини резба қадами Р га нисбатан қўйидаги-



331- шакл.

ча олиш мүмкін: нормадаги сбег — 2,5 Р; қиска сбег — 1,25 Р.

Охиригача киркілмаган  $d$  масофанинг үлчами қуидагыга тенг бўлади: нормадаги — 3 Р; қискаси — 2Р; узуни — 4Р. Винт, шпилка ва болтларни тешикларга осон бураб киритиш учун хамда резбанинг ўрамларига шикаст етказмаслик мақсадида биритириш деталлари учларига ва резбали тешикларга маҳсус фаскалар ишланади.


#### 12.4- §. Чизмада резбаларни тасвирлаш

Хосил булиш технологик жараёнлари, профиллари ва турларидан қатъи назар резбалар чизмаларда ГОСТ 2. 311—68 (СТ СЭВ 284—76) га мувофиқ бир хил тасвирланади. Цилиндр сирти юзасига ўйилган ташки резба чизмаларда ташки  $d$  диаметр бўйича асосий туташ

чизик билан, ички резба эса  $d_0$  диаметр бўйича ингичка туташ чизик билан тасвиранади (332- шакл) ва у тахминан  $d_0 = 0,85 d$  га teng қилиб чизилади. Кўпинча тешикдаги резбалар деталларга кирқим бериб тасвиранади. Бунда ички резба  $d_0$  диаметр бўйича асосий туташ чизик билан, ташки  $d$  диаметри бўйича ингичка туташ чизик билан тасвиранади (333- шакл). Тешик ўқига перпендикуляр бўлган текисликка проекцияланган тасвиirlарда, резба ташки ёки ички бўлишидан қатъи назар, резба чизиги айлана узунлигининг  $3/4$  кисмига teng бўлган айлана ёйи билан кўрсатилади. Айлана ёйини хоҳлаган жойидан узиб кўрсатиш мумкин (332, 333, 334- шакллар). Резбалар кирқим бериб курсатилганда кирқим юзаси асосий туташ чизиккача етказилади ва штрихланади. Резба чизиклари асосий чизиклардан 0,8 мм ёки резба қадамидан катта бўлмаган масофада чизилади (333, 335- шакллар). Бунда




332- шакл.



333- шакл.



334- шакл.



333- шакл.



335- шакл



резбани тасвиловчи ингичка туташ чизик фаска чегарасини кўрсатувчи чизикни кесиб ўтиши керак (336- шакл, а, в). Деталларга ўйилган резбанинг чегараси (сбег чизигигача) унинг ташки диаметри бўйича асосий туташ чизик билан тасвиранади (336- шакл).

Резба сбеги ингичка туташ чизик билан (336- шакл, б, г ва 337- шакл, а) тасвиранади.

Стержень ва тешикларга ўйилган резбанинг узунлик ўлчами сбесиз кўрсатилади (336- шакл, а, б). Баъзан


зарур бўлган ҳолларда резба узунлиги ўлчамига сбег узунлиги хам қўшиб кўрсатилади (336- шакл, б, д).

Айрим ҳолларда резба ва сбег узунликлари алоҳида алоҳида килиб кўрсатилади (336- шакл, г).

Стерженнинг охиригача ўйилмаган резбалар 337- шакл, а, б да кўрсатилганидек тасвиранади.

Учи берк бўлган резбали тешикка уя дейилади. Деталга уя ўйилганда унинг охири конуссимон шаклда тугалланади ёки зарур бўлмаган ҳолларда уя охири текис килиб ишланади (337- шакл, г).

*Резьба чегараси*




336- шакл.

337- шакл.

Тешикдаги резбанинг чегараси асосий туташ чизик билан резбанинг ташки диаметр чизигига етказиб кўрсатилади. Худди шунингдек, агар резба кўринмас чизик билан тасвиранса, унинг чегараси ташки диаметр (штрих чизиги) га етказиб кўрсатилади (338- шакл, а).

Резбали деталлар ўзаро биринкен ҳолатларда кирким бериб тасвиранганда резбанинг факат резба стержени тўсиб турмайдиган кисми кўрсатилади, яъни стержень резбасининг ташки диаметрини кўрсатувчи асосий туташ чизик тешикдаги резбанинг ташки диаметрини белгиловчи ингичка туташ чизикка ўтади (338- шакл, б).



338- шакл.

Тешикдаги резба күрінмайдыган вазиятта тасвиirlанса, ташки ва ички диаметр чизиклари бир хил йүғонликтада-ги штрих чизиклар билан ифодаланади (337- шакл, д).

## 12. 5-§. Чизмада резбаларни белгилаш


Юкорида айтилғанидек, барча резбалар чизмаларда бир хил тасвиirlанади. Шу сабабли уларнинг турларини ажратиб бўлмайди. Резбаларни бир-бирларидан ажратиш учун резба тури, ўлчами, кадами, резба йўли ва унинг йўналиши ҳамда стандарт номерлари кабиларни шартли белгилашлардан фойдаланилади. Масалан, метрик резба — М ҳарфи ва стандарт номери ГОСТ 9150—81 (СТ СЭВ 180—75); трубали цилиндрик резба — G ҳарфи ва стандарт номери ГОСТ 6357—81 (СТ СЭВ 1157—78); трапециясимон резба — Tr ҳарфи ва стандарт номери ГОСТ 24738 (СТ СЭВ 639) ва ГОСТ 24739—81 (СТ СЭВ 185—79).

Тирак резба — S ҳарфи, стандарт номери ГОСТ 10177—82 (СТ СЭВ 1781—79); юмалок резба — Rd ҳарфи ва стандарт номери ГОСТ 19681—83 (СТ СЭВ 307—76); ташки трубали конуссимон резба — R ҳарфи ва стандарт номери ГОСТ 6211—81 (СТ СЭВ 1159—78) билан белгиланади. Шунингдек, ички конуссимон резба — Rc ҳарфи ва стандарт номери ГОСТ 6211—81 (СТ СЭВ 1159—78) ички цилиндрик резба — Rp ҳарфи ва стандарт номери ГОСТ 6211—81 (СТ СЭВ 1159—78) дюймли конуссимон резба — «K» ҳарфи ва ГОСТ номери ГОСТ 6111—52 билан белгиланади. Конуссимон ва трубали цилиндрик резбалар ўлчамлари шартли равишда дюйм бирлигига ( $1'' = 25,4$  мм), колган бошқа ҳамма ташки резбалар диаметри миллиметрда кўрсатилади. Йирик кадамли метрик резба ва дюймли резбаларда қадамлар

күрсатилмайды. Бошқа турдаги барча резбаларда резба қадами құшиб ёзилади.

Күп киримли резбаларда резба йўли күрсатилади, лекин резба қадами қавсга олиб ёзилади. Чапакай резба  $LH$  ҳарфи билан белгиланади. Белгиланган резбалар күйидагича ёзиб ўқилади:  $M30$  — метрик резба, ташки диаметри 30 мм ҳамда йирик қадамли резба (339- шакл, а);

$M30 \times 1,5$  — метрик резба, ташки диаметри 30 мм бўлиб, 1,5 мм ли майдада қадамли резба (339- шакл, б).



339- шакл.

$G1\frac{1}{2}$  — трубали цилиндрик резба, диаметри  $1\frac{1}{2}$  (340- шакл, в).


$Tr40 \times 6$  — трапециясимон резба, бир киримли, ташки диаметри 40 мм ва қадами эса 6 мм дир.  $Tr 20 \times 8 (p4)$  — икки киримли трапециясимон резба, ташки диаметри 20 мм, йўли 8 мм ва қадами 4 мм;  $S80 \times 10$  — бир киримли тирак резба, ташки диаметри 80 мм ва қадами 10 мм;

$Rd16$  — юмалок резба, ташки диаметри 16 мм;

$Rd16 LH$  — чапақай юмалок резба, диаметри 16 мм;


$R1\frac{1}{2}$  — трубали конуссимон резба, диаметри  $1\frac{1}{2}$ ;

$K1\frac{1}{2}$  ГОСТ 6111—52 — дюймли конуссимон резба, ўлчами  $1\frac{1}{2}$ ; ГОСТ 2—311—68 бўйича резба белгиланиб, резбанинг ўлчами унинг ташки диаметри бўйича 339- шакл, а ва б лардагидек күрсатилади. Конуссимон ва



340- шакл.

трубали цилиндсімөн резба 340- шакл, а, б, в лардагидек ифодаланылади. Ностандарт профилли резбалар 341- шаклдагидек тасвирланади ва унда асосий ва құшимча маълумотлар билан бирга уларнинг ёнига «резба» сүзи құшиб ёзилади.




## 12.6- §. Резбали стандарт деталлар ва уларнинг бирикмаларини чизиш

Техникада машина ва механизмларнинг кисмлари резбали деталлар иштирокида үзаро бириктирилади. Бириктириш деталларига болт, шпилька, винт, гайка кабилар киради. Бу деталлардаги резбалар профили учбурчак бұлған метрик, дюймли, трубали резбалардан иборат бўлиб, бирикмадаги деталларнинг бушашиб кетишидан ва уларнинг мустаҳкамлигини саклади. Бириктириш деталлари ГОСТ 1759—70 га асосан тайёрланади ва булар ўз ўрнида болтли, шпилькали ва винти бирикмалар дейилади.


Бундан ташкари махсус бириктириш деталлари штифтлар, шплінтлар, шпонкалар ва фитинглар ёрдамида хам бирикмалар бажарилади. Бу бирикмаларнинг чизмалари маълум стандартлар асосида бажарилади. Қуйида ҳар бир бирикмаларнинг тузилишлари билан танишиб чиқамиз.

**12.6.1. Болтли бирикмалар.** Болтли бирикмага 1- болт, 2- гайка ва 3- шайба — стандарт деталларнинг ёрдамида иккі ва ундан ортик бирикувчи буюмлар бириктирилади (342- шакл, а). Болт бир томони резбали цилиндр стержен, иккінчи томони эса олти кирралы призма сиртидан иборатdir (343- шакл, а). Каллакнинг юқори кисмидаги фаска  $D_1$  диаметр билан күрсагилиб,  $30^\circ$  бурчакли килиб ишланади. Стерженнинг охирги учи  $45^\circ$  бурчак остида фаска қилиб ишланади ва у 343- шаклдагидек куриниша




342- шакл.

белгиланади. Ишлатиш жойларига қараб болтлар каллаклари олти киррали, ярим юмалоқ, квадрат шаклларда ишланади. Саноатда ишлаб чиқиладиган болтлар каллакларининг тузилишлари, ўлчамлари, резбаларнинг қадамлари бажарилиш турларига қараб бир-биридан фаркланади. Ҳар бир турдаги болтлар учун алоҳида-алоҳида стандартлар мавжуд бўлиб, техникада кўпроқ ГОСТ 7798—70 бўйича ишлаб чиқиладиган каллаги олти киррали болт кўлланади. Бундай болтлар уч ва тўрт хил бажарилиш вариантиларида ишлаб чиқилади. 343- шаклда биринчи бажарилиш варианти кўрсатилган ва бу болтдан ўкув жараёнларида фойдаланишин тавсия этилади. Стандарт хужжатларида болтнинг конструктив ўлчамлари берилади. Масалан, болтнинг шартли ёзилиши кўйидагича: БОЛТ М 12×60 ГОСТ 7798—70. Демак, болтнинг диаметри 12 мм, узунлиги 60 мм, йирик қадамли метрик резба, каллаги олти киррали бўлиб, биринчи бажарилиши дир. Худди шунингдек, болтнинг иккинчи бажарилиш шарти кўйидагича белгиланади: БОЛТ 2 М12×1,25×60 ГОСТ 7798—70. Бу ерда, майдада қадамли метрик резба (М12×1,25), болт узунлиги 60 мм.



ГОСТ 7798—70 га асоси  
дан болтнинг конструктив чизмасининг ба-  
жарилиши билан танишиб чиқамиз (343- шакл, б).

1. Болтнинг асосий ўлчамлари стандартдан олинган бўлади ва у куйидагиларга тенг:  $d = 16$  мм;  $H = 10$  мм;  $P = 26,5$  мм;  $S = 24$  мм болт узунлиги 60 мм; резба узунлиги  $L_0 = 28$  мм; резбанинг ички диаметри  $d_0 = 0,85$ . Фронтал ( $II_2$ ) ва профил ( $II_3$ ) проекциялар текисликларида ўқ чизиклари ўтказилади.  $II_3$  текисликда  $D = 26,5$  мм диаметрда ёрдамчи айланади.




343- шакл.

чилизади.  $D_2$  радиусда айланани (циркуль ёрдамида) тенг олтига бўлинади. Сўнгра,  $D_1 = 0,95S$  диаметрда айланади. Кейин багловчи чизиклар ёрдамида нукталарни  $I_2$ ;  $I_2$  фронтал проекциялари аниқланади.  $I_2$  нуктадан  $30^\circ$  бурчак остида тўғри чизик ўтказилади ва бу


чилик болт каллагининг қирралари билан кесишиб  $2_2 - 2_2$  фронтал нукталарни ҳосил қиласди.  $2_2$  ва  $2_2$  нукталарни ўзаро бирлаштириб, ёрдамчи чизик ўтказилади. Ёрдамчи чизик билан болт каллагининг қирралари кесишиб,  $2_2 - 3_2$  нукталарни ҳосил қиласди. Бу нукталар кесик конус ясовчилари билан болт киррасининг нукталаридир. Гиперболанинг чўкки нуктасини топиш учун  $R$  радиусда айлана чизилади. Айлана каллак ёқлари билан кесишиб изланадиган  $M(M_2, M_3)$  ва  $N(N_2, N_3)$  нукталарни беради. Нукталарнинг  $M_2$  ва  $N_2$  проекцияларини аниклаш учун ёрдамчи айлана билан ўки кесишган  $4_3$  нукта аникланади ва боғловчи чизик ёрдамида нуктанинг фронтал проекцияси  $4_2$  топилади ва шу нукта орқали  $l_2 - l_2$  чизикка параллел тўғри чизик ўтказилади. Бу чизик билан  $M_3$  ва  $N_2$  нукталардан ўтказилган боғловчи чизиклар кесишиб,  $M_2$  ва  $N_2$  нукталарга, яъни гипербола эгри чизиги чўкки нуктасининг фронтал проекциясига эга бўлинади. Чизиши осонлаштириш учун гипербола эгри чизигини айлана ёйи билан алмаштириш хам мумкин. Айлана ёйининг маркази «О» ни аниклаш учун  $N_2 - 3_2$  чизик орқали ўтувчи ватарнинг ўртасидан перпендикуляр чизик ўтказилади ва у ўқ чизик билан кесишгунча давом эттирилади. О нуктани марказ килиб,  $R_1$  радиусда ёй чизилади.  $R_2$  ва  $R_3$  радиусли ўйларнинг маркази ясаш ўйли билан аникланади.

**Гайка.** Болтли ва шпилькали бирикмаларнинг қисмларида гайка болт ва шпилькаларнинг резвали қисмларига бураб киритилади.

Гайкалар тузилишларига караб олти қиррали, тўртбурчак, юмалоқ ўйиқли ва тоjsимон шаклларда ишланади. Олти қиррали гайкалар баландлиги бўйича нормал (ГОСТ 5915—70), паст (ГОСТ 5916—70) ва баланд (ГОСТ 15523—70) турларга бўлиниб, бир фаскали ва икки фаскали қилиб ишланади. Силкиниш ва тебранишдан холи бўлган ва ўқлар бўйича унча катта бўлмаган кучлар таъсирида ишлайдиган бирикмалар учун 5 дан 48 мм гача диаметрга эга бўлган паст гайкалар ишлатилади. Ташки куч ва тебранишнинг таъсири остида буралиб, бўшаб кетмаслик учун баланд, ўйиқли ва тоjsимон гайкалар ишлатилади (344,345- шакллар). Кўпинча гайкалар метрик резвали бўлиб, майда ва йирик қадамли бўлади. Гайкалар еттига (4; 5; 8; 10; 12; 14) мустахкамлик



344 - шакл.




345 - шакл.

классларига бўлинади. Ҳар бир классдаги гайка тегишли маркали пўлатдан ишланади.

Гайкалар шартли белгилар билан ифодаланади. Бунда гайканинг номи, резбанинг диаметри, гайканинг мустаҳкамлик класси, коплама тури ва ГОСТлар кўрсатилилади. Масалан, гайка M 12 10.08 ГОСТ 5915—70; ўкув жараёнлардаги чизмаларни бажаришда белги бирмунча соддалаштирилган ҳолда ёзилади. Масалан, M12 ГОСТ 5915—70. Нормал гайка чизмасининг чизилиши билан батафсил танишиб чикайлик (346- шакл). Гайка чизмасини чизишда унинг кўринишини чизишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун ўқ чизиклари чизилади ва уларнинг кесишган  $O$  нуктадан  $D=2d$  диаметрга teng бўлган айланади чизилади ва айланани олтига бўлакка бўлиб ўзаро бирлаштирилади. Ҳосил бўлган олти кирра ичига айланади. Натижада калитбор  $S$  ўлчами ҳосил бўлади. Сўнгра,  $O$  марказдан  $d_0=0,85d$  диаметрда резбанинг ички диаметрига teng бўлган айланади чизилади. Шунингдек, шу марказдан  $d$  диаметрли айлананинг хоҳлаган, масалан  $3/4$  кисми чизилади. Гайканинг фронтал проекциясини



346- шакл.

куриш учун  $H=0,8d$  баландлик ва эни  $D=2d$  га тенг бўлган тўғри тўртбурчак қурилади. Сўнгра тўртбурчакни тенг тўрт кисмга бўлиб, гайканинг қирралари ясалади. О марказдан  $R_1=1,5d$  радиусда ички икки кирранинг  $2,2_2$  ва  $3,3_2$  нукталарда кесиб ўтувчи ёй чизилади ва ёй гайканинг икки четки қирраларининг проекциялари билан кесишгунча давом эттирилади. Бу ёйларни кирра проекциялари билан кесишган нуктасидан горизонтал чизиклар ўtkазилади. Четки қирраларнинг ўrtасидан фронтал чизиклар чизилади ва бу чизик горизонтал чизик билан кесишиб  $O_1$  ва  $O_2$  марказларни ҳосил қиласди. Сўнгра,  $R_2=O_13_2$  ва  $R_2=O_211_2$  радиусларда ёйлар чизилади. Чизилган ёй билан четки қирранинг кесишган нуктасидан  $30^\circ$  бурчак остида фаска ўtkазилиб,  $1,1_2, 4,4_2$ , ва  $7,7_2, 9,9_2$  нукталарга эга бўлинади. Гипербола эгри чизигининг чукки нукталарини аниклаш учун олти қиррага уринма килиб айланади. Натижада  $11, 12, 13, 14, 10$  ва  $16$  нукталар ҳосил бўлади. Гайканинг чапдан кўринини чизишда фаскани тасвириловчи  $R_3=d$  радиусга унинг, яъни гайканинг кирра проекцияларини иккига бўлиб ёй чизилади. Бу ёй қирралар билан кесишиб  $15_3, 16_3, 1_3, 11_3$  ва  $12_3$  изланадиган нукталарни ҳосил қиласди. Дастлаб барча

чизмалар ингичка туташ чизикда бажарилиб, сўнгра устидан юргизиб чикилади.

345- шаклда олти қиррали ўйиқли гайканинг фронтал ва профил проекциялари кўрсатилган. Гайкаларнинг шартли белгиси кўйидагича ёзилади: Гайка M12—6H 5 ГОСТ 5918—73.

Гайка  $2M12 \times 1,25 - 6H$  5 019 ГОСТ 5918—73.

Бу ерда, 2 — бажарилиши; 1,25 — резба қадами; 6H — рухсат этилган бўшлиқ; 5 — мустаҳкамлик даражаси; 019 — коплама тури ва унинг қалинлиги.

Ҳар икки мисол учун мустаҳкамлик даражаси В, баландлик ва калитбоп ўлчамлар нормал бўлиб, улар стандартдан аниқланади.


**Шайбалар.** Болтли ва шпилкали бирималарда гайкани маҳкамлашда, деталлар юзаларининг шикастланмаслиги ва кучларнинг бир хил таркалиши учун шайбалар ишлатилади. Шайбалар икки хил усулда тайёрланади. Биринчи усулда шайбалар фаскасиз килиб ишланади (347- шакл, а). Иккинчи усулда эса улар фаскали қилиб ишланади (347- шакл, б).

Шайбалар юмалоқ ва пружинасимон каби турларга бўлинади. Шунингдек, шайбалар куринишларига нисбатан нормал (ГОСТ 1171—78), катталашган (ГОСТ 6958—78) ва кичрайган (ГОСТ 10450—78) бўлади. Булар А ва С аниқлик даражаси бўйича ишланади.


Шайбалар учун қўйидагиша шартлар белгиланади: Биринчи усул билан ишланган шайба учун 12. 01. 099 ГОСТ 11371—78.

Бу ерда: 12 — стержень диаметри, 01 — материалнинг группаси, 099 — коплама белгиси ва қалинлиги, ГОСТ 11371—78 — стандарт номери.

Иккинчи усул билан ишланган шайба учун 2 12 01 099 ГОСТ 11371—78. Ташки кучларнинг таъсирида ва тебраниш харакатлари натижасида гайкаларнинг ўз-ўзидан бўшашиб, буралиб кетмаслиги учун пружинасимон шайбалар (ГОСТ 6402—70) ишлатилади. Пружинасимон шайбалар бир неча хил хоссаларга эга бўлиб, қўйидаги қарфлар билан шартли белгиланади: Л — енгил, Н — нормал; Т — вазминли; ОТ — алоҳида вазминли (348- шакл). Бундай шайбаларни белгилашда диаметрдан сўнг бажарилиш тури ёзилади (Н — белги ёзилмайди). Масалан, шайба 12T ГОСТ 6402—70. Шайбаларнинг чизмаларини чизиш учун унинг керакли ўлчамлари юкоридаги стандартлардан олинади. Агар болт, шпилка-



347- шакл.



348- шакл.

ларнинг резба диаметрлари ( $d$ ) маълум бўлса, қўйидаги формулалар билан шайба ўлчамларини аниқлаш мумкин.

Шайбанинг: ички диаметри  $d_{\text{ш}} = 1,1d$ ,

ташқи диаметри  $D_{\text{ш}} = 2,2d$ ,

баландлиги  $S_{\text{ш}} = 0,15d$ ,

фаска калинлиги  $c = 0,25S$ .

Энди болтли бирикманинг чизмасини чизиш учун гайка, болт ва шайбаларнинг ўлчамларини юқорида келтирилган стандартлардан олиб ёки уларнинг резбасининг диаметрларига нисбатан ҳисоблаб, сунгра болтнинг узунлиги қўйидаги формула бўйича мм да ҳисобланади (342- шакл, а):

$$L = B_1 + B_2 + S_{\text{ш}} + H + a + C \quad \text{ёки} \quad L = B_1 + B_2 + S_{\text{ш}} + (2 + 2,5)P$$

Бу ерда:  $B_1$  ва  $B_2$  — биркувчи деталларнинг калинлиги;  $S_{\text{ш}}$  — шайбанинг қалинлиги;  $H$  — гайканинг баландлиги;  $a$  — гайкадан чиқиб турувчи болт учшининг узунлиги (1—1,5)  $P$  қилиб олинади.  $C$  — фаска қалинлиги (кўпинча  $p$  га тенг бўлади).

Шунингдек, ГОСТ 7798—70 га асосан болтга ўйилган резбанинг узунлиги ( $L_0$ ) қўйидаги формула билан аниқланади:

$$L_0 \geq L - (B_1 + B_2) - 5$$

Масалан, стержень диаметри  $d = 36$  мм берилган, материаллар қалинлиги  $B_1 + B_2 = 50 + 60$  мм.

$d$  га нисбатан: ГОСТ 7798—70 бўйича қадам  $P=4\text{мм}$ ,  
ГОСТ 5915—70 бўйича гайка баландлиги  $H=29\text{ мм}$ , ГОСТ 21371—78 га  
асосан шайба қалинлиги  $S_{\text{ш}}=5\text{ мм}$   
эканлиги аниқланади.

Энди болтнинг узунлиги  $L$  хисобланади:

$$L=50+60+5+29+(2\dots 2,5)\cdot 4=152\dots 155$$

ГОСТ 7798—70 га солиштирилиб, болт узунлиги яхлит, яъни  $L=160\text{ мм}$  олинади. Резбанинг ўйилган кисми узунлиги  $L_0 \geqslant 160 - (50 + 60) - 5 = 55$ .

ГОСТ 7798—70 га солиштирилиб,  $L_0=84\text{ мм}$  қилиб олинади. Сўнгра, юқорида аниқланган ўлчамлар бўйича 342- шаклдагидек болтли биримга чизилади.

Болтли бирималар соддалашган ҳолатда ҳам чизилади (ГОСТ 2 315—68). Бу ҳолда тешик ва стержен орасидаги масофа, болт каллаги, гайка ва стержен учидаги фаскалар кўрсатилмайди. Шунингдек,  $L_0$  ҳам чегараланмасдан, болтнинг бўйича ингичка туташ чизик билан чизиб кўрсатилади (342- шакл, б).

**12.6.2. Шпилкали бирималар.** Агар биримувчи деталлар бирмунчА қалин бўлиб, болт ўрнатишнинг иложи бўлмаса шпилкали бирималардан фойдаланилади.

Бу биримма икки ва ундан ортиқ деталларнинг шпилка, гайка ва шайбаларининг ўзаро биримувларидан ёснил бўлади. Гайка ва шайбаларнинг чизмаларини чизиши услуги билан юқорида танишиб чиқкан эдик. Қуйида фақатгина шпилка ва шпилка уясининг чизилишлари билан танишамиз.

**Шпилка.** Шпилка икки учига резба ўйилган стержендан иборат бўлиб (349- шакл), унинг бир томони биримувчи деталларнинг биттасига бураб киритилади, иккинчи томонига иккинчи биримувчи детал кийгизилиб ва гайка, шайба билан тортиб кўйилади.

Шпилка ўлчамлари резбаларнинг диаметри ва шпилка уясининг чукурликларига нисбатан стандартлаштирилган (ГОСТ 22032—76—22043—76).


Шпилкалар икки: А ва Б кўринишларда тайёрланади. А кўринишида резбанинг номинал диаметри билан шпилканинг резбасиз силлик қисмининг диаметри тенг бўлади (349- шакл). Б кўринишида стерженнинг резбасиз қисми ( $d_2$ ) резбанинг ( $d_1$ ) ўрта диаметрига тенг бўлади.

Шпилканинг шпилка уясига бураб киритиладиган қисмининг  $l_1$  узунлиги пўлат, латунлар учун  $l_1=d$ , чўян


учун  $l_1 = 1,25d$  ва енгил қотишмалардан иборат деталлар учун  $l_1 = 2,5d$  килиб олинади. Шпилкага метрик резба ўйилади, резбанинг қадами майда ёки йирик бўлиши мумкин. Шпилканинг юқори кисми  $l_0 = (1,5...2)d$  га тенг. Шпилкалар учун қуйидаги шартлар белгиланади:

Шпилка  $M16 \times 120 \cdot 5,8$  0,26·6 ГОСТ 22 032—76.

Бу ерда:  $d = 16$  мм;  $R = 2$  мм (йирик қадамли);  $L = 120$  мм шпилка узунлиги; 5,8 — аниқлик класси; 026 — коплама белгиси; 6 — коплама қалинлиги, МКМ.



349- шакл.



350- шакл.



**Шпилка уяси.** Бирикувчи деталлардан бирортасига (шпилканинг бир томонини бураб киритиш учун) резбали учи берк тешик ўйилади ва бу тешик шпилка уяси дейилади (350- шакл).

Тешикнинг охирги учи  $120^\circ$  ли конуссимон шаклда тугалланади. Сўнгра метчик ёрдамида резба ўйилади. Тешик чуқурлиги  $l_2 = l_1 + 0,5d$  га тенг килиб олинади. Шпилкали бирикмаларнинг чизмаларини чизиш учун резба стерженининг  $d$  диаметри ва шпилка узунлиги  $l$  асос килиб олинади (351- шакл).



Шпилканинг узунлиги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$l = H_2 + H + d + c$$

Бу ерда:  $H_2$  — бирикувчи деталнинг қалинлиги, мм.  $H$  — гайканинг баландлиги, мм,  $d$  — гайкадан чиқиб турадиган шпилка учининг қисми, мм.  $c$  — фаска баландлиги ( $c = 0,2d$ ) мм.



351-шакл.




352-шакл.

ГОСТ 2.315—68 га асосан шпилкали бирикмалар соддалашкан қолатда тасвириланади (352- шакл).

Бунда резба стержен бүйича күрсатилади ва шпилка фаскасиз чизилади, резба чегараси эса резба уясининг охирида тугалланади.

**12.6.3. Винтли бирикмалар.** Винтли бирикмалар шпилкали бирикмаларга ўхшаш булиб, унда бирикувчи деталлар винт ёрдамида бириктирилади. Винтлар, уларнинг ишлатиш жойларига караб, бириктирувчи ва ўрнатувчи турларга бўлинади. Бириктирувчи винтлар ажralадиган бирикмаларда ишлатилади. Бирикувчи деталларга бураб киритиш учун винт стерженининг бир томонига резба ўйнлади. Ўйниг иккинчи томони эса цилиндричесон (ГОСТ 1491—80), ярим юмалок (ГОСТ 17433—80), яширин (ГОСТ 17475—80) ва ярим яширин (ГОСТ 17474—80) ўйикли (шлицали) каллаклардан иборатdir (353- шакл, а, б, в, г).



353- шакл.


Үрнатиш винтлари бириктирувчи винтлардан шу билан фарқ қиладики, резба стержен узунлиги бүйича үйилади ва уларнинг учлари текис конуссимон ва сфера шаклида ишланади. Машина ускуналарини йиғишида бир детални иккинчи деталь билан маҳкам ушлаб туриш учун үрнатиш винтлари кўлланади. Айланувчи деталлар учун каллаксиз ўйикли винт ишлатилади. Винтларга майда ва йирик қадамли метрик резба ишлатилади.

Винтларни белгилаш бириктирувчи винт, юрик қадамли метрик резба, резба диаметри  $d = 12$  мм, стерженнинг узунлиги 50 мм, мустаҳкамлик даражаси 5,8 ГОСТ 17 473—80 га тегишли винт қўидагида белгиланади: Винт M12×5058 ГОСТ 17 473—80.

Ярим юмалоқ каллакли винт, иккинчи бажарилишдаги, диаметри 12 мм, майда қадамли метрик резбанинг қадами 1,25 га teng бўлган винт, винт 2M12×1,25 ГОСТ 17 473—80 тарзда белгиланади.

Техникада икки детални винт (1,2) ва шайбалар (3) ёрдамида бириктириш кенг таркалган (354- шакл, а, б). Агар бириктириш яширин каллакли ва үрнатиш винтлари ёрдамида бажарилса, шайба қўйилмайди. Агар винтнинг диаметри ( $d$ ) ва унинг узунлиги ( $l$ ) берилса, улар асосида қолган ўлчамлар стандартлардан аниқланади ва винт бирикмалари чизилади. Бирикүвчи деталларнинг бирига резба уясига, иккинчисига  $d_0 = 1,1d$  диаметрда силлик килиб тешик үйилади.

Винтни детал уясига бураб киритиладиган резба қисмнинг узунлиги бирикүвчи деталнинг материалига



354- шакл.

нисбатан қуидагида бўлади: пўлат учун  $L_1 = d$ , чўян учун  $L_1 = 1,25d$  ва алюминий учун  $L = 2d$ .

Резба уясининг чуқурлиги  $l_2 = L_1 + 6p$  ( $P$  — резба қадами) бўлади. Қуидаги формула бўйича винтнинг узунлиги аниқланади:

$$L = B + L_1 + S_{ш}, \text{ мм}$$

Бу ерда:  $B$  — биринчидек деталнинг қалинлиги;  $L_1$  — винтнинг резба уясига буралиб кирадиган қисми;  $S_{ш}$  — шайба қалинлиги.

Масалан, винт стерженининг резба қисми диаметри  $M16$ ;  $B=40$  бўлган винт бирикмасини чизиш керак бўлсин. Бунинг учун ГОСТ 1491—80 дан  $M16$  винт учун, резба қадами  $P=2$  мм, ўйқунинг эни  $n=4$  мм, ўйқунинг (шилицани) чуқурлиги  $t=4$  мм, каллакнинг диаметри  $D=24$  мм, каллакнинг баландлиги  $K=9$  мм,  $R$  радиус  $R=1,6$  мм; ГОСТ 6402—70 дан пружинали шайбанинг диаметри  $d_{ш}=16,3$  мм ва шайбанинг қалинлиги  $S_{ш}=3,5$  мм.


эканлиги аниқланади. Сұнгра күйидаги қийматлар хисоблааб чиқлади:

Пұлат үчун  $L_1 = d = 16$  мм, резба уясининг чуқурлиғи  $L_2 = 16 + 6p = 28$  мм; винтнинг узунлиғи  $L = B_1 L_1 + S_m = = 40 + 16 + 3,5 = 59,9$  мм.

Аммо ГОСТ 1491—80 бўйича винт узунлиғи  $L = 60$  мм га тенг. Винт билан бирекувчи деталлар орасидаги масофа  $d_0 = 1,1d = 1,1 \cdot 16 = 17,6$  мм га тенг.

Шундай қилиб аниқланган ўлчамларига кўра винтнинг биримаси күйидагича ёзилади: M16×60 ГОСТ 1491—80.

Агар винт каллагининг диаметри 12 мм дан кам бўлса, чизмада унинг ўйиги битта узлуксиз йўғон чизик билан



355- шакл.

кўрсатилади. Винт каллагининг устдан кўринишида ўйинчи (шлицани)  $45^{\circ}$  га буриб чизилади.

**12. 6. 4. Труба резбали бирикмалар.** Труба резбали бирикмалар асосан сув, нефть, газ ўтказувчи қурилмаларда ишлатилади. Бу бирикмаларни ҳосил қилиш учун бирикувчи иккита труба ва бириктирувчи муфта дёталларининг ўзаро бирикмалари бўлиши лозим. Резбали трубаларни шартли  $D_y$  диаметри асосида стандартдаги жадваллардан трубалар ва бириктирувчи қисмларнинг ўлчамлари аникланади, сунгра уларнинг чизмалари чизилади. Бирикувчи трубаларнинг диаметрларига қараб ҳар хил шаклдаги фитинглар, яъни тўғри бурчакли уголниклар муфталар ишлатилади. Труба ва трубали бирикмаларнинг чизмаларини чизиш қойдалари ГОСТ 2—411—72 да батафсил баён этилган. 355- шакл, а да тўғри чизик буйича жойлашган трубаларни (1), тўғри муфта (2) ёрдамида, 355- шакл, б да эса иккита трубанинг (1) угольник (3) ёрдамида бирикиши кўрсатилган.


## 13- боб. ШПОНКАЛИ ВА ШЛИЦАЛИ БИРИКМАЛАРНИ ТАСВИРЛАШ

### 13.1-§. Шпонкали бирикмалар


Резбали бирикмалардан ташқари шпонкали ва тишли (шлицали) бирикмалар ҳам ажраладиган бирикмалар туркумига киради. Шпонкали бирикмалар тузилиши жихатидан солда ва мустахкам бўлганлиги учун машина-созлика кенг кўламда ишлатилади.

Шпонкалар кўзғалувчан ва қўзғалмас ҳаракатланувчи бирикмалардаги шкив, маховик, ярим муфта ва тишли филдираклар каби деталлар билан вал, ўқларни ўзаро бириктириб, уларнинг ҳаракат жараёнида мустахкамлигини саклаш учун ишлатилади.

Шпонкали бирикмада шпонканинг бир қисми валнинг ўйигига, иккичи қисми эса иккичи деталнинг, масалан филдиракнинг ўйигига киритилган бўлади (356- шакл). Шпонкалар призма (357- шакл, а, б, в) сегментсимон (358- шакл, а) ва понасимон (358- шакл, б) шаклларда бўлиб, унинг кўпдаланг кесими тўғри бурчакли тўртбурчқада иборат. Шпонкаларнинг шакли ва ўлчамлари стандартлашган бўлиб, валнинг диаметри ва деталларнинг



356- шакл.




357- шакл.

харакатланиш жараёнларига караб танланади. Призмаси-  
мон шпонка күпроқ қўлланади ва унинг кўндаланг  
кесимининг ўлчамлари валнинг диаметрлари бўйича  
аникланади. Масалан, валнинг диаметри  $d=28$  мм бўлса,  
шпонканинг кўндаланг кесимидағи эни  $b=8$  мм, баландли-  
ги  $h=7$  мм га тўғри келади. Танланган шпонка учун  
деталдаги ўйикнинг ўлчамлари: вал учун  $t_1=4$  мм; втулка  
учун  $t_2=3,3$  мм (356- шакл). Шпонкали биримларда  
асосан  $t_1$  ўлчам ва фидирлак втулкасининг чизмасида эса  
 $d+t_2$  ўлчамлари кўрсатилади (356- шакл). Шпонканинг  
узунлиги ГОСТ 23360—78 (СТ СЭВ 189—75) га кўра 6 дан  
500 мм оралиқда бўлади. Юқоридаги мисол учун призма  
узунлиги  $L=45$  мм га teng. Шпонкалар шартли равишда  
куйидаги тартибда белгиланади:

*A* бажарилиш учун шпонка  $8 \times 7 \times 45$  ГОСТ 23360—78.

*C* бажарилиш учун шпонка  $C\ 8 \times 7 \times 45$  ГОСТ 23360—78.

Сегментли шпонкалар ГОСТ 24071—80 (СТ СЭВ



358- шакл.

647—77) га асосан тайёрланади. Вал билан деталлар бирикмасидаги втулка энсиз бўлса кўпинча сегментли шпонкалар ишлатилади (358- шакл, а).

Сегментли шпонканинг шартли белгиланишига мисол келтирамиз: Шпонка  $5 \times 6,5$  ГОСТ 24071—80; бунда 5 — шпонканинг эни; 6,5 — шпонканинг баландлиги. Понасимон шпонкалар ГОСТ 24068—80 (СТ СЭВ 645—77) ларга асосан тайёрланади. Бу шпонка секин ҳаракатланувчи механизмларда ишлатилади. Шпонка ўйикларга киритилганда икки ён томонидан бўшлиқ қолади (358- шакл, б). Понасимон шпонкалар куйидагича белгиланади:


шпонка  $4 \times 18 \times 11 \times 100$  ГОСТ 24068—80.

Бу ерда 4 — бажарилиш хили.  $18 \times 11$  — шпонканинг кўндалаиг кесими ( $18$ - эни).  $100$  — шпонканинг узумлиги.

Шпонкаларнинг шакли хиллари ёки ўлчамларидан катъи назар, бўйлама қиркимларда кесилмаган ҳолда тасвирланади.

### 13.2- §. Тишли (шлицали) бирикмалар

Тишли бирикмалар кўпинча катта кучга эга бўлган айланма ҳаракатларни узатиш, шунингдек деталлари валларнинг ўқлари бўйича силжиб ҳаракатланувчи машина қурилмаларида ишлатилади. Бу бирикмаларни кўп шпонкали бирикмалар деса ҳам бўлади, чунки бунда шпонка вал билан бирга ишланади, яъни валда шпонкасимион тишилар кирқилади, фидирлак втулкаларида арикчалар ўйилиб ўзаро бириктирилади. Бу эса фидирлак ва валларнинг айланганда мустаҳкамлигини ва яхши марказланишини таъминлайди. Тишли бирикмалар стандартлашган бўлиб, тишиларнинг профилларига караб таянч юзалари тўғри ёнли (*a*), эволвентасимон (*b*) ва учбурчак (*v*) тишли бўладилар (359- шакл). Техникада асосан тўғри ёнли бирикмалар ишлатилади.




359- шакл.

### 13.3- §. Тўғри ёнли тишли бирикмалар

Тўғри ёнли бирикмалар ГОСТ 1139--80 га асосан тишиларининг сони (*Z*), кичик диаметри (*d*) ва катта диаметри *D*, шунингдек тишиларининг эни (*b*) лар билан ифодаланиб ҳар хил нисбий ўлчам микдорларига эгадир. Ишлаш жойларига караб тишли бирикмалар стандарт бўйича енгил, урта ва оғир серияларга бўлинади. Валлардаги тишиларни ясаш осон бўлиши ва уларни вактивакти билан текшириб туриш учун тишилар сони жуфт килиб, 6 та дан 10 тагача олинади.

Тишли (шлицали) бирикмалар втулка ва валларнинг ўзаро нисбий марказлашиб усуллари билан фарқланади. Марказлаштириш деганда тишилар юзаси билан ўйилган чукурча юзаларининг ўзаро жипсланиш даражаси тушу-



360- шакл.

нилади. Амалда уч хил марказлаштириш усуллари ишлатилади:

а) ташқи айлана диаметри  $D$  бўйича, бунда айлана диаметри  $d$  бўйича оралиқ бўшлиғи (зазор) ҳосил бўлади (360- шакл. а);

б) ички айлана диаметри  $d$  бўйича, бунда оралиқ бўшлиғи  $D$  бўйича ҳосил қилинади (360- шакл, б);

в) тишларнинг ён томонлари бўйича, яъни  $b$  ўлчами бўйича, бунда оралиқ бўшлиғи (зазор) катта ( $D$ ) ва кичик ( $d$ ) айланалар бўйича ҳосил бўлади (360- шакл, в). Шлициали бирималарнинг ишлатиш жойларига нисбатан марказлаштириш усулларидан бири қўлланади.


#### 13.4- §. Эволвентасимон тишли бирималар

Эволвентасимон шлициали бирималар стандартлашган (ГОСТ 6033—80) булиб, тишларнинг ён томонлари эволвента эгри чизиги бўйича тасвиirlанади (359- шакл,

б). Бу бирикмалар мустаҳкамлиги ва бирикма жараёнида энг яхши марказлашиш даражаси ҳосил бўлганлиги учун айланма ҳаракатлардаги катта кучга эга бўлган узатмалар учун ишлатилади. Эволвентасимон тишли бирикмалар номинал диаметри ( $D$ ), модули ( $m^*$ ) ва тишлар сони ( $r$ ) билан ифодаланади.

Бундан ташқари учбуручак шаклидаги тишли но-стандарт бирикмалар ҳам кўп тарқалгандир. Тишли вал ва тешикларнинг чизмаларини ва уларнинг бирикмаларини тасвирилаш тўғрисидаги маълумотлар ГОСТ 2.409—74 да кўрсатилган. Куйида ана шу маълумотлардан бир нечтаси келтирилган: 1. Вал ва тешикдаги тишлар чўкилари сиртларининг айланаси (диаметри  $D$  бўлган) ва ясовчилари, фаскалар асосий туташ чизик билан чизилади (361- шакл, а). 2. Диаметри  $d$  бўлган ясовчи ва айланалар ингичка туташ чизик билан тасвиirlаниб, фаска чегара чизигини кесиб ўтади (361- шакл, а, в). Вал ва тешикларга бўйлама кирким берилганда ўйик сиртларининг ясовчилари асосий туташ чизиги билан тасвириланади (361- шакл, б); тишли вал ва тешикларнинг ўқларига перпендикуляр бўлган текисликнинг кесим ва киркимларида ботиклар айланаси ингичка туташ чизик билан чизилади (361- шакл, а, б). 3. Эволвентасимон ва учбуручак профиlli тишли бирикма деталларини тасвирилашда, бўлувчи айлана ва тиш сиртини иккига бўлувчи ясовчилар ингичка штрих-пунктир чизик билан чизилади (361- шакл, в). 4. Валдаги тиш сиртларининг чегараси ва тўла профиlli тишларнинг чегараси, вал сбегининг чегараси ингичка туташ чизик билан чизилади (361- шакл, а). 5. Тишли вал тешик ўқларига перпендикуляр бўлган текисликда тасвириланганда унинг битта тиши ва иккита ўйифи фаскасиз кўрсатилади (361- шакл, а, б). 6. Вал ва тешикларнинг ўқлари оркали текислик кесиб ўтса, унинг кирким ва кесимларида вал тишлари шартли равишида чизма текислиги билан устма-уст тасвириланиб кесилмаган холда кўрсатилади (361- шакл, б). 7. Тишли вал ва тешикларнинг кирким-

\* Модул  $m$  бўлувчи айлана диаметри ( $d$ ) нинг битта тиш ( $z$ ) га тўғри келадиган кисмини мм да билдиради, яъни,  $\frac{d}{2}$ .




361- шакл.

ларидаги штриховка чизиги үйік чизиги ёки тишиннің чўкки чизикларига етказаб чизилади. 8. 362- шаклда профили тўғри ёнли тишли бирикманинг тасвири келтирилган. Тишли бирикмаларни ҳосил қилиш ва назорат қилиш каби маълумотларни стандартдан олиш мумкин. Тишли бирикмалар марказлаштириш усулларига қараб шартли белгиланади.

Тўғри ёнли тишли бирикмалар учун марказлаштириш белгилари ( $D$ ,  $d$ ,  $b$ ) тишилар сони  $Z$  ва ташки ( $D$ ), ички ( $d$ ) диаметрлар улчамлари хамда тишилар эни ( $b$ ) кўрсатилади. Масалан, втулканинг ички диаметри ( $d$ ) бўйича марказлашган бирикма учун марказлаштириш белгилари қуйидагича бўлади:  $8 \times 36 \times 40 \times 7$ , 8 — тишилар сони; 36 — ички диаметр, 40 — ташки диаметр; 7 — тишилар эни, мм ларда.

Эълонгасимон тишли бирикмаларда вал еки тешикларнинг номинал диаметрлари « $D$ », модули  $m$  ва тишилар



362- шакл.


сони  $z$  билан белгиланади. Масалан,  $D$  бўйича марказлашган бирикма учун:  $50 \times 2 \times 9H_9$ , ГОСТ 6033—80 кўришида ёзилади.

Бу ерда 50 — номинал диаметр, 2 — модул, 9Н — рухсат этилган бўшлиқ.


Бирикмаларда тишлар сонини  $D$  ва  $m$  лар бўйича аниқлаш мумкин. Ўкув жараёнларидағи чизмаларда,  $D$ ,  $m$  ва стандартни белгилаш билан чегараланади, яъни:  $50 \times 2$  ГОСТ 6033—80.

### 13.5-§. Тишли узатмалар

Бир валдан иккинчи валга айланма харакатларни узатиш, уларни илгариланма харакатга айлантириш ва айланма харакатлар тезлигини ўзгартериш каби жараёнлар махсус деталлардан ташкил топган механизмлар, яъни тишли узатмалар ёрдамида бажарилади. Тишли узатмаларнинг ўклари параллел бўлган валларда цилиндриксимон ва конус тишли фидираклар ўзаро кесишган ва айкашган бўлса харакатлар червякли фидираклар ёрдамида узатилади (363- шакл). Тишли икки цилиндрик ёки конус сиртли фидираклар, етакловчи ва етакланувчи валларга бириктирилган бўлиб, узатиш харакатлари улар тишларининг ўзаро тегиб харакатланиши хисобига бажарилади. Фидиракнинг асосий элементи унинг тиши хисобланади. 364- шаклда тишли цилиндрик фидиракнинг чизмада тасвирланиши ва унинг элементлари, номланиши, белгиланиши кўрсатилган.



363- шакл.



364- шакл.

Буларга қуидагилар киради: ӯйиклар айланаси  $d_f$ , чўққилар айланаси  $d_0$  ва бўлувчи айланада  $d$  ҳарфлар билан белгиланади, лекин уларнинг ўлчамлари тишлар сони  $z$  ва илашма қадами  $P_t$  ларга нисбатан ҳар хил бўлиши мумкин. Бўлувчи айлананинг узунлиги  $\pi d = ZP_t$  формула билан аниқланади. Бу ерда,  $d = \frac{P_t \cdot Z}{\pi}$  га teng.

Юқоридаги формуладаги  $\frac{P_t}{\pi}$  нисбат тишли ғилдиракнинг модули дейилади ва у «*т*» ҳарфи билан ифодаланиб, мм да ўлчанади; яъни  $m = \frac{P_t}{\pi}$  га teng. Бундан  $d = m \cdot z$  ни ёзиш мумкин. Тиш модули тишли илашмаларнинг асосий параметрларидан бўлиб, ГОСТ 9365—60 (СТСЭВ 310—76) бўйича стандартлаширилган. Қуйида стандартлашган модулнинг икки қаторли қийматлари келтирилган:

1- қатор: 1; 1,25; 1,5; 2; 2,5; 3; 4,5; 6; 8; 10; 12; 16; 20.

2- қатор: 1; 1,25; 1,375; 2,25; 2,75; 3,5; 4,5; 5,5; 7; 11; 14;

## 18.

ТИШЛИ ҒИЛДИРАКЛАРНИНГ МОДУЛ ҚИЙМАТЛАРИ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ, СҮНГРА СТАНДАРТГА АСОСАН ЮҚОРИДАГИ ҚАТОРЛАРДАН ҲИСОБЛАБ ОЛИНГАН МОДУЛГА ЯКИНРОК КЕЛАДИГАН МОДУЛ ТАНЛАБ ОЛИНАДИ ВА ҒИЛДИРАКНИНГ АСОСИЙ ЎЛЧАМЛАРИ АНИҚЛАНАДИ. ТИШ КАЛЛАГИНИНГ БАЛАНДЛИГИ  $h_a$  НИ МОДУЛЬ  $m$  ГА ТЕНГ ҚИЛИБ ОЛИНСА, ТИШНИНГ БАЛАНДЛИГИ  $h = 2,25m$ , ТИШ ТУБИННИНГ БАЛАНДЛИГИ  $h_f = 1,25m$  ГА ТЕНГ БЎЛАДИ. ЧЎҚҚИЛАР АЙЛАНАСИНИНГ ДИАМЕТРИ  $d_q = m(z+2)$ , БОТИКЛАР АЙЛАНАСИНИНГ ДИАМЕТРИ,  $d_f = m(z+2,5)$  ФОРМУЛАЛАР БИЛАН АНИҚЛАНАДИ. МАСАЛАН, ЦИЛИНДРИСИМОН ҒИЛДИРАКНИНГ МОДУЛИ 3 ММ ВА ТИШЛАР СОНИ 24 МАЪЛУМ БЎЛСА, УНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ЎЛЧАМЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА АНИҚЛАНАДИ: БЎЛУВЧИ АЙЛАНАНИНГ ДИАМЕТРИ  $d = m \cdot z = 3 \cdot 24 = 72$  ММ; ЧЎҚҚИ АЙЛАНАСИНИНГ ДИАМЕТРИ  $d_a = m(z+1-2) = 3(24+2) = 78$ ; БОТИКЛАР АЙЛАНАСИНИНГ ДИАМЕТРИ  $d_f = m(z-2,5) = 3(24-2,5) = 64,5$ . ТИШЛИ УЗАТМАЛАРДАГИ КИСМЛАРНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ, НОМЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ҚИЙМАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ФОРМУЛАЛАРИ ГОСТ 16530—83 ВА 16531—83 Да БЕРИЛГАН. 9- ЖАДВАЛДА ТИШЛИ ҒИЛДИРАК КИСМЛАРНИНГ НОМЛАРИ, БЕЛГИЛАНИШИ ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ФОРМУЛАЛАРИ БЕРИЛГАН.

Чизмада тишли ғилдираклар ГОСТ 2402—68 ва СТСЭВ 286—76 ларга асосан учта айлана билан тасвирланади. ЧЎҚҚИ АЙЛАНАСИНИНГ ДИАМЕТРИ ( $d_a$ ) АСОСИЙ ТУТАШ ЧИЗИҚ БИЛАН, ЎЙИКЛАР АЙЛАНАСИНИНГ ДИАМЕТРИ ( $d_f$ ) ИНГИЧКА ТУТАШ ЧИЗИҚ БИЛАН ВА БЎЛУВЧИ АЙЛАНАНИНГ ДИАМЕТРИ ( $d$ ) ИНГИЧКА ШТРИХ-ПУНКТИР ЧИЗИҚ БИЛАН ТАСВИРЛАНАДИ.


9 - жадвал

№	Қисмлар номи	Белгиси	Ҳисоблаш учун формулалар
1.	Чүққилар айланасининг диаметри	$d_a$	$d_a = m(z+2)$
2.	Тиш модули	$m$	$m = P/\pi$ ёки $d/z$
3.	Тишлар сони	$z$	
4.	Үйиқлар айланасининг диаметри	$d_f$	$d_f = d - 2,5m$
5.	Тишининг баландлиги	$h$	$h = h_a + h_f - 2,25m$
6.	Тиш каллагининг баландлиги	$h_a$	$h_a = m$
7.	Тиш оғедининг баландлиги	$h_f$	$h_f = 1,25m$
8.	Бўлувчи айлананинг диаметри	$d$	$d = m \cdot z$
9.	Илашма қадами	$P_t$	$P_t = d / z - \pi \cdot m$
10.	Тишининг қалинлиги	$S_t$	$S_t = 0,5P_t$
11.	Тишининг узунлиги	$b$	$b = (6...8)m$
12.	Тишлар гардиши тутининг қалинлиги	$\delta_0$	$\delta_0 = (2,5...4)m$
13.	Гупчак диаметри	$d_{гуп}$	$d_{гуп} = (1,6...2)d\beta$
14.	Гупчакнинг узунлиги	$L_{гуп}$	$L_{гуп} = 1,5d\beta$
15.	Дисканинг қалинлиги	$K$	$K = (1/2...1/3)P_t$
16.	Валнинг диаметри	$d\beta$	ГОСТ 6636—69 дан олинади

Кесим ва қиркимларда ботик айлана чизиклари асосий туташ чизик билан тасвирланади (364- шакл). Гилдиракнинг бош курнишига фронтал қирким бериб қўрсатилади. Бу ҳолда тишлар кесилмаган ва штрихланмаган вазиятда тасвирланади. Тишли гилдиракни унинг ўқига перпендикуляр булган текислик билан қирқишман этилади.

Агар тишининг профилини тасвирлаш талаб қилинса гилдирак чизмасининг бирор қисмини чегарарабаб ерли қирким бериб ёки алоҳида чизиб қўрсатилади. 365- шакл, а, б ларда гилдирак тишининг профили ва унинг элементлари тасвирланган.

- 1- цилиндрический гилдиракнинг тиши.
- 2- гилдиракнинг асоси.



365- шакл.

3-тиш билан тиш асосини чегаралаб турувчи ўйиклар сирти.

4-тиш чўққисини ҳосил қилувчи сирт.


5-тишнинг чўққиси.

6-тишнинг асоси.

7-икки тиш ўртасида ҳосил бўлган ўйик.

8- ўйик туби.

366- шаклда икки цилиндрик тишли фидираклар узатмасининг чизмадаги тасвири берилган. Бу узатма етакловчи 1, етакланувчи 2 тишли фидираклардан иборатдир. Узатманинг бош кўринишига кирким бериб



366- шакл.

тасвириланган. Қирқимда ғилдиракларнинг кирқилган жойлари бир-бирларига нисбатан қарама-карши килиб штрихланади. Узатманинг ўлчамларини ҳарфлар билан белгилаб, тегишли индекслар кўшиб ёзилади. Масалан, етакловчи ғилдирак ўлчамларига «1» индекси, яъни  $z_1$ ,  $d_{a1}$ ,  $d_{f1}$ , шунингдек, етакланувчи ғилдиракка эса «2» индекси, масалан,  $z_2$ ,  $d_{a2}$ ,  $d_{f2}$ .

Профил кўринишда бўлувчи айланалар штрих-пунктир чизиклар билан чизилиб ўзаро уринган ҳолда бўлади. Узатмадаги тишли ғилдиракларнинг чизмаларини тузишда ва лойихалаш вактида аникланган тиш модули  $m$ , тишларнинг сони  $z$  ларга асосан, ғилдиракнинг Қолган ўлчамлари қўйидаги формулалардан фойдаланиб топила-ди.

Биринчи тишли ғилдирак учун: чўкқилар айланаси диаметри,  $d_{a1} = m(z+2)$ , бўлувчи айлана диаметри,  $d_1 = mz_1$ , ботиклар айланаси диаметри  $d_{f1} = d_1 - 2,5m$ .

Иккинчи тишли ғилдирак учун:

Чўкқилар айланаси диаметри  $d_{a2} = m(z_2 + 2)$ ,

бўлувчи айлана диаметри  $d_{f2} = d_2 = m \cdot z_2$ ,

ботиклар айланаси диаметри  $d_{f2} = d_2 - 2,5m$

уклар орасидаги масофа  $d_o = (d_1 + d_2) / 2$  билан аникланади.

Ғилдиракларнинг бошқа ўлчамлари 9-жадвалда келтирилган Формулаларга кура хисобланади. Шпонка ва шпонка учун ўйиклар ўлчамлари ГОСТ 23360—78 дан танланади. Узатманинг чизмасини чизиш учун аввало, бўлувчи айланалар штрих-пунктир чизик билан, чўкқилар айланаси эса асосий туташ чизик билан, ботиклар айланалари ингичка туташ чизик билан, чизилади. Биринчи ғилдиракнинг чўкқилар айланаси билан иккинчи ғилдиракнинг ботиклар айланаси орасида радиал зазор бўлиб, у  $0,25m$  га teng бўлади. Сўнгра ғилдиракларнинг бошқа чизиклари ва валлари чизилади.

### 13. 6-§. Пружиналар ва уларнинг чизмадаги тасвири

Машина ва механизмларнинг иҷлаш жараёнларида ҳосил бўладиган сикилиш, чўзилиш ва тусатдан ҳосил бўладиган кучларни аста-секин сундириш учун пружиналар қўлланади. Пружиналар таъсир кучнинг йуналишига қараб чўзилиш, сикилиш ва эзилиш хусусиятларига эгадир. Лекин таъсир кучнинг камайиши билан пружинада ҳосил бўладиган эластик куч ҳисобига, унинг шакли ва

ўлчамлари бўйича аввалги бир-  
ламчи ҳолатига қайтади. Пру-  
жиналар ташки тузилишларига  
караб цилиндр симон (367- шакл, а, б, г, д лар),  
винтсимон конусли (367- шакл,  
в, е), пластинкали спиралсимон  
(367- шакл, ж) каби турларга  
бўлинади. Пружиналарнинг иш  
чизмалари ГОСТ 2—401—  
68 (СТСЭВ 285—76) га асосан  
шартли равишда тасвирланади.  
Пружинанинг иш чизмалари  
факатгина ўнакай йўналишда  
чизилади. Пружина ўрамлари-  
нинг кўндаланг кесими юмалок  
ёки тўғри бурчакли шаклларда  
бўлиб, чизмада ўрамнинг кеси-  
ми юмалок ёки тўғри бурчакли  
шаклларда бўлиб, ўрамнинг ўзи  
эса тўғри чизик вазиятда тас-  
вирланади. Ўрамлар сони кўп  
бўлганда унинг ўртасидан бир  
нечта ўрамларни узиб колди-  
риб, охирги таянч четки ўрамла-  
ри силликланади ва 3—4 ўрам-  
ларни кўшиб пружина чизила-  
ди. Пружина қадамлари ўзгар-  
мас бўлганлиги учун кесимнинг  
маркази шахмат тартиби бўйи-  
ча жойлаштирилади ва шу  
марказлардан штрих-пунктир  
чизик билан ўқ чизиклар ўтка-  
зилади. Агар материалнинг  
кўндаланг кесими 2 мм дан кам  
бўлса, у чизмада 0,5... 1,4 мм  
иўғонликдаги чизик билан  
кўрсатилади. Винтсимон пру-  
жиналар чизмада эркин ва  
горизонтал вазиятда тасвир-



а)



б)




в)




г)



д)




е)



367- шакл.

ланади. Агар ўрамлар диаметри 2 мм дан кам бўлса, ўрам кесимнинг юзаси бўяб кўйилади. Пружинанинг иш чизмаси билан бирга унинг синаш диаграммаси ҳам кўрсатилади (368- шакл). Бунда пружинага тушаётган кучнинг ошиб бориши билан унинг чўзилувчанлик хусусияти ўртасидаги боғлиқлик тасвирланади. 368- шаклда пружинанинг эркин вазиятдаги узунлиги ( $H_0$ ) бўйича чўзилиш ёки сикилиш жараёнларида ҳосил бўлаётган  $P_1$ ,  $P_2$  ва  $P_3$  кучларнинг таъсирида  $H_1$ ,  $H_2$ ,  $H_3$  узунликларни ўзгариб бориши кўрсатилган.




Бу ерда:  $P_1$  — пружинанинг тахминий чўзилиши ёки сикилиши жараёнида ҳосил бўлган куч;  $P_2$  — пружинанинг иши чўзилиш ёки сикилиш вактида ҳосил бўлган куч;  $P_3$  — пружинанинг энг юқори чўзилиш ёки сикилиш жараёнидаги кучи;  $H_1$  — тахминий чўзилиш давридаги узунлик;  $H_2$  — ишни чўзилиш жараёнидаги узунлик;  $H_3$  — энг юқори чўзилиш вактидаги узунлик. Пружиналарнинг ўкув чизмаларида тасвирланиши кўйидаги техникавий талаблар асосида кўрсатилиши керак: 1) пружина ёйилмасининг узунлиги ( $L$ ); 2) ишнинг ўрамлари сони ( $r$ ); 3) пружина ўрамининг йўналиши; 4) тулиқ ўрамлар сони ( $r_1$ ); 5) пружинанинг ички ( $D_s$ ) ва ташки ( $D_1$ ) диаметлари; б) пружина қадами ( $t$ ); сим диаметри ( $d$ ).

## 14- боб. ПАЙВАНД ЧОКЛИ, КАВШАРЛИ ВА ЕЛИМЛИ АЖРАЛМАЙДИГАН БИРИКМАЛАРНИ ЧИЗМАДА ТАСВИРЛАШ

### 14.1- §. Пайванд чокли бирикмалар

Пайванд чокли аж-  
ралмас бирикмалар, би-  
рикувчи икки ёки бир  
нечта деталларнинг би-  
риктирилладиган жойла-  
рини эриш даражасига-  
ча киздирилиб, пайванд-  
лаш жойига электрод  
ёки металл хивич кири-  
тилиб ҳосил қилинади.  
Электрод ёки металл  
хивич суюқланиб икки  
детал орасидаги бўш  
жойни (зазорни) тўлди-  
ради ва совугандан кей-  
ин маълум каттиқлик-  
даги пайванд чокни  
ҳосил қиласди. Пайванд-  
лаш бирикмалари де-  
талларнинг бир-бирла-  
рига нисбатан қўйилиш  
ҳолатларига караб  
қўйидаги стандарт пай-  
ванд чокларига бўлина-  
ди (369- шакл, а —  
кундаланг кесим юзаси;  
б — шартли белгилани-  
ши): 1 — учма-уч чок  
С ҳарфи билан белгилана-  
ни, бунда икки детал  
битта текисликда ётади;  
2 — бурчакли чок — У  
ҳарфи билан белгилана-  
ни. Бунда икки де-  
талнинг тегиб турган  
жойидан пайванд чок  
солинади; 3 — таврси-



мон чок Г ҳарфи билан белгиланади. Бунда битта детал ён томонига, иккинчи детал бурчак остида турган ҳолда унинг олди томонидан пайванд қилинади; 4 — устма-уст чок Н ҳарфи билан белгиланади. Бунда бирикувчи деталлар устма-уст жойлашган бўлиб, биринчи сини иккинчиси беркитади. Чоклар бир томонлама ёки икки томонлама бўлиб, пайванд қилинадиган нукталар занжирсимон ва шахмат тартибида жойлаштирилади. Бундан ташқари чоклар узлуксиз ёки узук бўлиши ҳам мумкин. Бунда узук чоклар бир хил масофаларда жойлаштирилади. Чоклар якка нуктасимон ҳам бўлиши мумкин. Пайвандлаш турлари асосан икки хил йўл билан, яъни электр ёйи ва газ алангаси ёрдамида амалга оширилади. Пайванд бирикма чоклари ГОСТ 2312—72 га асосан, чунончи, кўринадиган чок асосий туташ чизик билан, кўринмайдиган чок штрих чизик билан тасвирланади. Кўринадиган якка нуктасимон чок + белги билан белгиланади ва унинг ўлчами 5... 10 мм бўлиб, чизмада у асосий туташ чизик билан чизилади. Чизмада кўринмайдиган якка чок тасвирланмайди. Пайванд чокларни чизмада белгилаш учун чиқариш чизиги чиқарилади ва унга бир томонлама стрелка қўйилади. Бу чизиқнинг бир учи чокка тегиб туради, иккинчи учидан эса горизонтал чизик торилади. Кўринадиган чокнинг белгиси горизонтал чизик устига, кўринмайдиган чокнинг белгиси горизонтал чизик тагига қўйилади. (369- шакл, б) Шунингдек, пайванд чоклар куйилаги ёрдамчи белгиларга ҳам эга:

1.— Г буюмларни монтаж қилиш вактида бажариладиган чок белгиси;

2. / узукли ёки йўнилган пайванд чокларининг занжирсимон тартибида жойланиш белгиси;

3.— Z узукли ва йўнилган пайванд чокларининг шахматсимон тартибида жойланиши;

4.— ↗ Ёпик булмаган чизиклардаги чоклар белгиси;

5.— О Ёпик чизиклар бўйича бажариладиган чоклар белгиси;

6.— ↘ Чоклар кучайтиргичини олиб ташлаш белгиси;

7.— u Чокларнинг бўртиб чиқкан ва ғадир-будир жойларига равон ишлов бериш белгиси.

369- шакл, б да пайванд чокларининг белгиланиши ва уларнинг ўқилиши тўғрисида мисоллар келтирилган.

**1- мисол.** 369- шакл, 1 да учма-уч пайванд чокли бирикмаларда С белгиси қўйилган бўлиб, бир чети кия йўнилган буюмни монтаж қилиш пайтида чок солинганлигини билдиради. ГОСТ 5264—80 га мувофиқ электр ёйи ёрдамида қўлда икки томонлама, учма-уч (белгиланиши с9) бириктириш чокининг белгиланиши кўрсатилган ва икки томонлама чокни кучайтиргич (0) олинган. Шунингдек, чок юзасининг ғадир-будирлигининг белгиланиши ҳам кўрсатилган.

**2- мисол.** 369- шакл, 2 да бурчакли чок бирикмаси кўрсатилган бўлиб, бунда ёпик чизик бўйича (белгиси 0) қўлда, ГОСТ 14806—80 га мувофиқ алюмин учун пайванд чок, автоматик равишда флюс остида пайвандлаш (белгиси АР) ва буюмни орка томонидан қўлда эритиш ва икки томонлама чети йўнилмаган бурчакли (белгиси У11) чок кўрсатилган.

**3- мисол.** 369- шакл, 3 да таврсимон чок бирикмалари ёпик чизик бўйича (белгиси 0) ГОСТ 14806—80 га мувофиқ алюминга пайванд чок солиш, суюқланмайдиган металл электрод билан ҳимоя гази мухитида (белгиси Р „З“) пайвандлаб бажариладиган, учлари йўнилмаган тавр шаклидаги (белгиси Т5) икки ёклама солинган чок кўрсатилган. З белгиси, узук-узук шахмат тартибида жойлашган, чок катети 6 мм, пайвандланадиган кисмнинг узуплиги 50 мм, қадами 100 мм.


**4- мисол.** 369- шакл, 4 да — суюқланадиган электрод ёйи билан ҳимоя гази мухитида ярим автомат усулда пайвандлаб (ГОСТ 5264—80) бажарилган бир ёкламали, чети йўнилмаган устма-уст (белгиси Н1) чок кўрсатилган. Ёпик бўлмаган чизик (очик) бўйлаб бажарилган чок (белгиси □), катети 5 мм. Агар чизмаларда бир неча бир хил чоклар тасвиранган бўлса, факат биттасига чокнинг шартли белгиси қўйилади, колганларининг чиқариш чизиги токчасида битта тартиб номери кўрсатилади. Агар буюмнинг тасвиридаги чоклар симметрик равишда жойлашган бўлса, чок белгиси факат симметрик тасвирининг бир қисмида кўрсатилади. Чизмаларда чиқариш чизиги кўрсатилмаса пайванд тўгрисидаги ҳамма маълумотлар чизмаларнинг техник талабларида берилади.

## 14.2- §. Қавшарлы бирикмалар

Қавшарланған бирикмалар ажралмайдын бирикмалар турига кириб, асбобсозлик ва радиотехника каби саноатларда деталларни үзаро бириктириш, уларни занглашдан сақлашда кенг миқёсда құлланади. Техникада күйидаги қавшарлаш усуллари ишлатилади:

1. Қыздыриб қавшарлаш (паялник ёрдамида).
2. Газ алангаси ёрдамида.
3. Лазер ёрдамида.
4. Электрон нурлари ёрдамида ва х. к.

Қавшарлаш чокларининг турлари, конструктив элементлари түғрисидеги асосий маълумотларни ГОСТ 19249—73 ва чизмаларда уларни шартли тасвирлаш коңдаларини ГОСТ 2.313—82 дан олиш мүмкін. Қавшарлаш чокларининг асосий конструктив элементларига чокнинг қалинлиги (бирикүвчи деталлар орасидаги масофы), эни за узунлиги киради. Чоклар харф ва сондан




370- шакл.

иборат бүлган белгиси хамда кесимдаги үлчамлари, чок узунлуклари билан белгиланади. Масалан, учма-уч чок ПН — 1, қалинлиги 0,05 мм, эни 10 мм ва чокнинг узунлиги 150 мм бўлса күйидагича белгиланади: ПВ — 1 0,5 X 10 X 150 ГОСТ 19249—73. Қавшарланған чоклар ҳам пайванд чоклар сингари күйидаги турларга бўлинади (370- шакл): а — устма-уст; б — учма-уч; в — таврсимон; г — бурчакли; д — үзаро уринувчи. Қавшарлаш хиллари ёки берилган кирқим турларидан катъи назар, чоклар

ГОСТ 2—313—82 (СТ СЭВ 138—81) га мувофик асосий узлуксиз чизик — 2S калинлигига тасвирланади. Кавшарли бирикмалар шартли белгиси С асосий чизик билан кўрсатилади (371- шакл).

Агар айлана параметри бўйича кавшарланган чок бўлса, чиқариш чизигининг охири диаметри 3—5 мм бўлган айлана билан тутгалланади (371- шакл, а).




371- шакл.

#### 14.3- §. Елимли бирикмалар

Ишлаб чиқаришда елимли бирикмалар ёғочларни, пластмассаларни ва юпқа металларни бир-бирлари билан бириктиришда ишлатилади. Бирикмалар мустахкам булиши учун еимларнинг хилларига қараб, еим чокларининг калинлиги катта аҳамиятга эга.

Масалан, агар ПЭФ — 2/10 маркали еим ишлатилса чоклар калинлиги 0,1—0,2 мм, БФ — 2 ва БФ — 4 каби еимлар учун чоклар калинлиги 0,5—0,25 мм олиш тавсия этилади.

Еимли бирикмалар кавшарлаш бирикмалари билан бир хил белгиланади, лекин еимли бирикмалarda чиқариш чизигига «К» ҳарфига ўхаш белги кўйилади (372- шакл, а, б). Техник талабларга мувофик еимли моддалар куйидагича белгиланади: Еим БФ — 10 ГОСТ 22345—77.




372- шакл.

## 15- боб. ДЕТАЛЛАР ЭСКИЗИННИ ВА ИШ ЧИЗМАСИННИ ТУЗИШ

### 15.1- §. Эскиз тузиш тартиби


Деталларнинг аслига қараб тақрибий масштаб остида, чизмачилик асбобларини ишлатмасдан кўзда чамалаб қўлда бажарилган чизмага эскиз деб айтилади. Эскиз деталдаги геометрик қисмларнинг ўзаро нисбий боғлиқликларини саклаган ҳолда, стандарт талабларига риоя қилинган тартибда бажарилади. Чизмачиликда эскиз биринчи чизма деб юритилса-да, унда деталларни тайёрлаш учун етарли барча маълумотлар бўлади. Шунинг учун ҳам эскиз асосида деталнинг иш чизмаси бажарилади. Машина ва механизмларни лойихалашда, ишлаб турган машиналарни ёки қисмларини янгилашда, шунингдек, уларни созлаш каби жараёнларда эскиздан фойдаланилади.. Ўкув жараёнларида ўқувчини лойихалаш маҳорати, чамалаш ва мушоҳада қилиш кобилиятларини ривожлантиришда эскизнинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳар бир муҳандис мутахассислигидан қатъи назар, эскиз тузишни мукаммал билиши керак. Деталларнинг эскизини тузишда М, 2М, ТМ маркали қаламлардан фойдаланиш тавсия этилади. Эскиз сифатли ва тезкорлик билан бажарилиши учун чизикли (катақ) коғозлардан фойдаланилади. Эскиз тузишни куйидаги уч қисмга бўлиб бажариш максадга мувофиқидир: I — тайёргарлик қисми; II — иш қисми, яъни деталнинг чизмасини тасвиrlаish; III — ўлчамлар кўйиш. Асосий ёзувини (бурчак штампини) тўлғазиш қисми. Биринчи қисмда деталларнинг геометрик тузилишлари билан танишиб чиқилади. Яъни деталнинг қандай сиртлардан ташкил топганлиги унинг симметрик ҳолатлари, вазифаси, номи, материали аникланади. Шунингдек, фикран иш ҳолати, бош кўриниши (олдан куриниши) ва етарли бўлган кўринишилар сони, қандай қирқим ёки кесимлар бериш, тақрибий масштаб сайлаш ва чизма форматлари белгиланади. Сунгра форматнинг четки чизиклари ва бурчак штамплари чизилади ва назорат кўринишиларни коғозга жойлаштириш лойихалаштирилади. Бунда иложи борича кўринишилар орасидаги формат чизиклардан куринишиларгача бўлган масофалар бир хил бўлсин (373- шаклда А ва Б масофалар). Иккинчи

кисмда деталнинг иш чизмаси чизилади. Бунда қўйида-гилар бажарилади: 1. Проекцион боғланишларни ҳисобга олган ҳолда, кўринишлар орасида 20—30 мм масофалар қолдириб (ўлчам қўйиш учун) деталнинг габарит ўлчамлари ингичка чизик билан тўғри тўрт бурчак шаклида чизилади (373- шакл). 2. Симметрия




373- шакл.

ўклари, марказий ўклар чизилади. 3. Деталнинг ташкива ички қиёфасини аникловчи контур чизиклар ўтказилади (374- шакл, а). 4. Қеракли кирқим ва кесимлар, аввало ингичка чизиклар билан бажарилиб, кейин кесим  $45^{\circ}$  да штрихланади. Штрих чизиклар орасидаги масофани 2... 3 мм килиб олиш тавсия этилади. 5. Резбалар ва деталларнинг конструктив тузилиши, яъни ўйиклар фаскалар, шунингдек, силлик эгриликлар тасвирланади. 6. Чизманинг тўғрилигини текшириб чиқилади, сўнг қераксиз чизиклар ўчирилади. (374- шакл, б) Қеракли бўлган чиқариш ва ўлчам чизиклари чизилади. Бунда параллел ўлчам чизиклар ва контур чизикдан ўлчам (параллел) чизикларгача бўлган масофалар 10 мм дан кам бўлмаслиги лозим. Стандартга мувофиқ йўғонлиги 0,8 ... 1 мм килиб, контур чизиклар устидан кўлда юргизиб чиқилади ва  $R$ ,  $\Phi$ ,  $\square$  каби белгилар қўйилади (374- шакл, в).




374- шакл, а


Учинчи қисмда үлчамлар қўйиб чиқилади. Бунда:  
 1. Ўлчаш асбоблари ёрдамида деталнинг барча чизикли үлчамлари үлчанади, шунингдек резбалар тўғрисидаги маълумотлар аникланади. Ўлчамлар ракам кўринишда 3,5 ёки б шрифт билан үлчам чизиклари тепасига ёзилади (374- шакл, г). 2. Асосий (бурчак штампи) ёзуви тўлгазилади. Деталнинг үлчамларини үлчаш учун масштаб чизгичлари, кронциркул, ички үлчагич (нутромер), штангенциркул ва чукурликни үлчагич (глубиномер) каби асбоблардан фойдаланилади. 375-шаклда деталь деворларининг қалинлигини чизгич ва кронциркул ва ички үлчагич (нутромер) (а) асбоблари билан үлчаниши кўрсатилган. «С» үлчам кронциркул билан үлчангандан  $b$  үлчамдан, чизгич ёрдамида үлчангандан  $b_1$  үлчамнинг айримасига tengdir, яъни  $b - b_1 = C$ ;  $l$  үлчам эса чизгич билан үлчангандан  $h$  ва  $h_1$  үлчамларни айримасига teng бўлади ( $h - h_1 = l$ ). Айлана диаметрлари ички улчагич асбоб билан улчанади.



374- шакл, б




374- шакл, в




374- шакл, ә

375. waaka




(6)

$$\frac{z}{d} + \varepsilon h = h$$
$$q - c = D$$



(g)




## 15.2- §. Деталларнинг иш чизмаларини чизиш

Деталларнинг иш чизмалари ГОСТ 2.109—73 да кўрсатилган коидалар асосида чизилади. Деталларнинг иш чизмалари деб, шундай хужжатга айтиладики, уларнинг тасвиirlарида деталларни тайёрлаш ва назорат қилиш учун зарур бўлган барча маълумотлар музжассамлашган бўлиши керак. Деталларнинг иш чизмалари умумий йиғма чизмалар ёки деталларнинг эскизлари бўйича чизилади. Ўқув жараёнларида деталнинг иш чизмаси кўпинча унинг эскиз ёки йиғма чизма бирлиги бўйича тузилади. Бу жараён қўйидаги тартибда бажарилиши лозим:

1. Эскизга асосан чизманинг формати танланади. Бунда детал чизмасининг масштаби, унинг ўлчамлари ва геометрик тузилишларини ҳисобга олиш лозим.

2. Чизма қофозига формат рамкаси чизилади ва асосий ёзув учун жой қолдирилади.

3. Детал кўринишларининг тасвирини жойлаштириш учун чизма қофози майдонидан тўғри тўртбурчак шаклида жой белгиланади.



376- шакл.


4. Тасвирнинг симметрия ўқлари ва детал қисмларининг ўқ ва марказ чизиклари ўтказилади.
5. Деталнинг барча кўринишлари ингичка чизик билан чизиб чиқилади.
6. Ички контур чизиклар чизилади.
7. Детал қисмларининг қиёфаси чизиб чиқилади.
8. Керакли бўлган кесим ва киркимлар бажарилади.
9. Чиқариш ва ўлчам чизиклари чизилади.
10. Деталнинг ўлчамлари ва шартли белгилари кўйилади.
11. Бажарилган чизма текшириб чиқилади ва ортиқча чизиклар ўчирилади, сўнгра ГОСТ 2.303—68 нормаларига асосан чизма чизикларининг устидан юргизиб чиқилади.
12. Асосий ёзуви ГОСТ 2.104—68 ва ГОСТ 2.109—73 га асосан тўлғазилади. 376- шаклда корпуснинг иш чизмаси уч кўринишда бажарилган.

### **15.3- §. Детал юзаларининг ғадир-бутирлиги ва чизмада уларнинг белгиланиши**

Ишлатиш ўринларига караб детал юзаларига маълум даражада ишлов берилади. Агар микроскоп ёрдамида детал юзаларига қаралса юзаларнинг нотекислиги, яъни ғадир-бутирлигини куриш қийин эмас. Деталлар бир-бирлари билан уриниб ҳаракат килиши жараённада емирилади, бу эса унинг мустаҳкамлигига путур етказади.

Емирилиш жараённини камайтириш мақсадида деталь юзаларидаги нотекисликларнинг шаклий тузилишларини маҳсус (профиломер, профилограф) асбобларда ўлчаб ғадир-бутирлик даражаси ўрганилади. Ўкув жараёнларида эса деталь юзаларидаги ғадир-бутирликлар маҳсус ишланган ва тавсия этилган эталонларга солишириб аникланади. 377- шаклда сирт нормал текислик билан кесилганда хосил бўлган профил кесим юзасининг бир қисмидаги ғадир-бутирлик, чиқилар ва ботиклар диаграмма кўринишида тасвирланган.

Амалда чиқилар баландлиги ва ботикларнинг микронотекислиги 0,08 дан 500 мкм оралигига бўлади (мкм — микрометр 0,001 мм га тенгdir). ГОСТ — 2789—73 га мувофиқ юза нотекислиги  $L$  ўзак узунлиги бўйича микроеометрик тузилишлари билан боғлик



377- шакл.

бўлган  $R_a$  ва  $R_z$  параметрлар билан аниқланади. Бу ерда:  $R_a$  — профилнинг ўрта арифметик чекли четга чиқиши, яъни профил нукталаридан унинг ўрта чизигигача бўлган масофаларнинг ўртача киймати.


$$R_a = \frac{Y_1 + Y_2 + Y_3 + \dots + Y_n}{n}$$

$R_z$  — профилнинг нотекислик баландлиги.

Бу баландлик бешта энг катта чиққалар чўққиси ва энг кичик бешта ботиқлар оралиғидаги масофаларнинг ўртача кийматлари бўйича аниқланади:

$$R_z = \frac{(H_1 + H_2 + \dots + H_5) + (h_1 + h_2 + \dots + h_5)}{5}$$

$R_a$  ва  $R_z$  параметрларнинг кийматларини аниқлаш учун 377- шаклдаги диаграмманинг ўртача чизиги  $m$  ўтказилиди. Ўрта чизикдан юқори ва пастки кисмлар бир хил юза майдонига тенгdir. ГОСТ 2789—73 га мувофик буюм юзаларининг ғадир-будирлиги 14 та классларга бўлинади.




378- шакл.

Ғадир-будирлик класси ошиб борган сари юза нотекислиги камайиб сирт төкис бүлади. Масалан, 14- классдаги юзалар ғадир-будирлиги энг яхши сифатлы силлик сирт ҳисобланади. I- классдаги ғадир-будирлик эса ишлов берилмаган дағал юзадир. Деталнинг чизмаларида ғадир-будирлик ГОСТ 2.309—73 га асосан 378- шаклда кўрсатилган белгилар билан ифодаланади.

Агар юзага берилган ишлов ҳисобга олинмаса 378- шакл, а даги белги қўйилади, юзага ишлов береб йўнилган бўлса 378- шакл, б даги белги, сирт юзалари йўнилмай кўйма ҳолатда бўлса 378- шакл, в даги белги билан ифодаланади. Белгилардаги  $h$  қабул қилинган ракамлар баландлиги  $H = (1,5 \dots 3)h$  га teng бўлади. Белги чўккисидаги бурчак  $60^\circ$  қилиб чизилади. Белги чизигининг қалинлиги  $S/2$  бўлади.

Стандартга мувофик ғадир-будирликнинг  $R_a$  ва  $R_z$  қийматлари белгилар устига ёзилади  $R_a$  белги ракам олдига ёзилмайди (379- шакл).



379- шакл.

6 . . . 12 класс ғадир-будирликлари учун  $R_a$  ни қийматлари 2,5; 1,25; 0,63; 0,32; 0,16; 0,08; 0,04 ёки 1 . . . 5 ва 13—14 класслар учун  $R_z$  қийматлари 320; 160; 80; 40; 20 ва 0,1; 0,05 га tengдир.

Агар деталдаги юзалар бир хил ғадир-будурликка эга бўлса тасвирга белги қўйилмайди, балки чизма майдонининг юкори ўнг томонидаги бурчагига умумий  $\vee$  белги қўйилади (379- шакл, а). Буюм юзалари бир хил ғадир-будирликлардан иборат бўлмаса, чизманинг юкорисидаги ўнг майдонидаги бурчакка, нисбатан кўпроқ бўлган белги кавс ичига олиб кўрсатилади, колган ғадир-будирликлар белгиси кавс олдига

кўйилади (379- шакл, б). Нотекисликлар кийматлари-ни ёзида  $R_a$  белгисиз ёзилади, масалан, 1,25,  $R_z$  белгидан кейин ракам ёзилади. Масалан,  $R_{z80}$  (379- шакл).

Фадир-будирлик белгилари контур, чикариш чизиклари, шунингдек ўлчам чизикларига ҳам кўйилади. Белгилар кайси чизикка кўйилишдан қатъи назар, ўша чизикқа тёгиб туриши керак (379- шакл).

## 16- боб. ЙИГИШ ЧИЗМАЛАРИ

### 16.1- §. Йигиш чизмаларини чизиш тартиби ва уларни хужжатлаштириш


Бу бобда битта детал эмас, балки таркибида бир неча деталлар бўлиб, улар ўзаро бирикиб бирор иш бажарувчи буюм кўринишига келиши умумий кўриниши, уларнинг йигиш чизмаларини тузиш ва уларни хужжатлаштириш тўғрисида суз юритамиз.

Бундай буюмларни ишлаб чикариш учун ГОСТ 2.102—68 га мувофик конструкторлик хужжатлари тузилади. Бу хужжатлар лойиҳалаш ва иш хужжатларига булинади. Лойиҳалаш хужжатларига умумий кўринишилди чизма тааллуқли булиб, унда буюмларнинг тузилиши ва улар таркибига кирувчи қисмларнинг ўзаро бирикиб харакат килиш коидалари каби маълумотлар берилади. Бундан ташқари умумий кўриниш чизмалари буюмлардаги айрим деталларнинг чизмаларини тузишда асос ҳисобланади. Иш хужжатлари бўйича буюмлар ишлаб чикарилиб, булар таркибига деталларнинг иш чизмалари, йигиш чизмалари ва спецификациялар киради. Йигиш чизмаларига спецификация билан бирга буюмлар, йигиш бирликларининг чизмалари киради. Йигиш чизмалари буюмлар таркибига кирувчи деталларнинг эскизларига ёки уларнинг иш чизмаларига асосан тузилади. Йигиш чизмалари куйидаги маълумотларга, чунончи, йигиш бирлиги чизмаларининг тасвирiga керакли булган кўринишиларга, киркимлар ва кесимларга, ўлчамлар, ҳисоблаш натижасида аникланган маълумотларга, техникавий талабларга, ажralадиган ва ажралмайдиган бирикма турларига, буюм таркибига кирувчи деталларнинг ракам белгиларига, буюмнинг асосий вазифасига, ишлаш коидасига кон-

структурив тузилишга, уланиш, ўрнатиш, габарит ўлчамлар ва бошқа керакли бўлган маълумотларга эга бўлиши керак.

Олий ўкув юртларида ўкувчилик амалий машғулотларда йиғма бирликлар (узеллар) нинг ўзига караб йиғиш чизмаларини тузадилар. Йиғма бирлик чизмалари ни тузишдан аввал буюм билан танишиб чиқилади, яъни унинг вазифаси, деталларнинг ўзаро бирикиш ҳолатлари, ишлаш усули ва деталларнинг ташқи, ички қиёфаларининг тузилиши аникланади. Сўнгра буюм таркиби га киравчи деталлар бўлакларга ажратилиб, уларнинг эскизлари тузилади (374- шаклда эскиз тузиш тартиби кўрсатилган). Деталларнинг эскизларига мувофиқ йиғиш чизмаларини кўйидаги тартибда тузиш тавсия этилади:

1. Керакли бўлган тасвиirlар сони белгиланади.
2. Буюмнинг габарит ўлчамларига нисбатан формат ва масштаб танланади.
3. Ўқ ва контур чизиклари чизилади.
4. Керакли бўлган кесим ва қирқимлар берилади.
5. Ўлчам чизиклари чизилади, кейин габарит ўлчамлари (узунлик, баландлик, кенглик), бириктириш ва ўрнатиш ўлчамлари кўйилади.
6. Буюм таркиби га киравчи барча деталларнинг тартиб номерлари белгиланади.
7. Чизманинг тўғрилиги текшириб чиқилади.
8. Чизманинг асосий ёзуви ва унинг спецификацияси тўлғазилади. Сўнгра М маркали қалам билан чизикларнинг йўғонлигини саклаган ҳолда асосий чизиклар устидан юргизиб чиқилади. Йиғиш чизмаларидағи айrim деталлар ГОСТ 2109—73 га мувофиқ шартлиликлар ва соддалаштиришлардан фойдаланиб чизилиши, яъни уларда фаскаларни юмaloқланган жойларни, йўнилган кисмларни ўйик ва чиқиқларини, ўймакорлик кисмларини ва стержен билан тешиклар орасидаги бўшликларни кўрсатиш шарт эмас. Қопқоқ, филоф ва чамбараклар ҳам кўрсатилмайди. Сиқувчи втулка детали маълум масофада кўтарилиган ҳолда чизилиши мумкин (380- шакл). Йиғиш чизмаларида бажарилган қирқим ва кесимларда штриховкалар ёнма-ён турган деталлар учун карама-карши вазиятда чизилади. Аммо бир хил деталларнинг барча кўринишларида штриховканиш йўналишлари сақланиб қолади. Йиғиш чизмалари даги ҳар бир деталнинг номери спецификация билан бир



380- шакл.

хил бўлиши лозим. Деталларга қўйилган тартиб раками тасвирида нукта билан тугаллаб чиқарилган чизикни токча кўринишда тасвирлаб белгиланади.

Бирикувчи деталлар учун тартиб ракамини (болт, гайка, шайба) умумий битта токча чизигида кўрсатиш мумкин. Деталлардаги тартиб ракамларининг ракам ўлчамлари деталнинг чизмаларидағи ракам ўлчамларидан бир-икки баробар катта бўлиши керак. Чизмалардаги тартиб ракамлари коидага мувофик бир марта қўйилиши лозим.


Йигиш чизмаларига кирувчи барча кисмлар учун спецификация тузилади, у ёзув хужжати бўлиб, алоҳида А4 форматда асосий ёзув билан бирга бажарилади. Бунда буюм таркибига кирувчи барча деталлар, стандартли буюмлар ва материаллар маълум кетма-кетлик билан белгиланади. Ўқув жараёнларида спецификация билан йиғма чизма битта ёки алоҳида (А<sub>4</sub>) форматларда бажарилиши мумкин.

Йигиш чизмалари таркибига кирувчи қўзғалмас ва қўзғалувчи бирикмаларда буюмларнинг ЗИЧ ёшлиши, яъни пар, газ ва суюкликларни қопқоқ ёки бирикмалар орасидан ташкарига чиқмаслиги учун зичлагич қурилмалар қўлланади. Шуни айтиш керакки, нотўғри танланган зичлагич деталларнинг ишқаланиши натижага-

сида Кизиб, деталнинг ёмирилишига олиб келади. Бу эса деталларнинг мустахкамлигини камайтиради. Энг оддий зичлагичлардан бири салникли зичлагичdir. Йигиш чизмаларида втулка ва шпиндел орасидаги бушликқа каноп тола, жундан қилинган иплар, асбест, чарм ёки резиналардан қилинган ҳалқалар жойлаштирилади ва улар салник қопкоги ёрдамида сикилади. Натижада тикма зичлашиб, втулка ва шпиндел сиртларига ёпишиб туради (380- шакл).

380- шакл, а, б, в ларда салникли зичлагич қурилмаларидан бир нечтасининг тузилишлари тасвириланган. Чизмаларда салник втулкаси уяга 2—3 мм киритилган вазиятда кутариб, гайка эса қонқокқа резбанинг 2—3 үрами буйича буралган вазиятда тасвириланади.


Суюклик, газ ва парларни ўтказиш ёки ёпишиб қўйиш мақсадида, буюмларда клапан билан шпинделларни бирикмаларида фойдаланилади (381- шакл, а, б, в, г). Бунда клапанлар шпинделлар учига қиздириб, симни қистириб (скоба шаклида) (381- шакл, а, г) ёки шпинделни пастга қараган учи резбали втулка клапан билан мақкамланади (381- шакл, б). Машинасозлик чизмачилиги дастурига кўра ўкувчи бирорузелни аслига караб, унинг таркибиға кирувчи деталларнинг эскизларини ёки иш чизмаларини ҳамда шу чизмалар асосида йигиш чизмасини бажариши лозим. Лекин дарсликда



381- шакл.

Йиғма бирликнинг (узелнинг) аслини бериш имконияти бўлмаслиги сабабли 382-шаклда кўрсатилган патроннинг аксонометрик тасвирини шартли равишда асл нусха деб фараз қилиб, унинг йиғма чизмасини ортогонал проекцияларда тузиш мумкин. Узелнинг фазовий тасвирiga қараб фикран деталларни бир-бирларидан ажратиш ва уларнинг сони, номи, материаллари ва тартиб ракамлари хамда стандарт деталлар аникланади. ГОСТ 2102—68 га мувофиқ йиғма чизманинг спецификацияси тузилади ва деталларнинг ўзаро бирикиш конуниятлари билан танишиб чиқилади. Патрон буюмларда квадрат шаклидаги тешиклар парма билан ўйиш учун қўлланадиган маҳсус уч тишли пармани маҳкамлаш учун қўлланади. Уч тишли парманинг цилиндрисимон томони патрондаги втулка 1 га маҳкамланади. Втулка 1 эса стакан 3 га ўрнатилади ва улар винт 8 билан маҳкамланади. Стакан 3 даги ўйикка диска 5 нинг чизиги жойлашиб бириктирилади. Диска 5 нинг иккичи томони хвостовик 6 деталнинг ўйик кисмига кириб харакат киласди.

Хвостовик 6 нинг иккичи томони стандарт конуссимон сиртдан иборат бўлиб, станокка бирлаштирилади. Тешикларни тармалаш жараёнида ўқ бўйича йўналган куч диск 6 га жойлашган шарик 4 орқали хвостовик 6 га




382-шакл.


таъсир қиласи. Шунинг учун 2 ва 6 деталлар винт 7 билан маҳкамланади.

Энди патроннинг таркибига кирувчи деталларнинг чизмалари билан танишиб чиқайлик:

1. Хвостовик детал айланиш сиртидан иборат бўлиб, асосан цилиндр ва конус сиртларининг бирикмасидан иборат. 383- шаклда деталь 6 нинг чизмаси фронтал ва профил кўринишларда кўрсатилган. Деталдаги ўйиклар шаклини аниқлаш учун маҳаллий қирқим берилган.



383- шакл.



384- шакл.


385- шакл.

2. 384- шаклда кожухнинг  $\Pi_2$  ва  $\Pi_3$  текисликдаги кўринишлари тасвириланган. Деталдаги ички тешиклар ва резбаларни тасвирилаш учун фронтал қирқим берилган.


3. Втулка I айланиш сиртидан иборат бўлиб, чизмада  $\Pi_2$  ва  $\Pi_3$  текисликдаги кўринишлари тасвириланган (385- шакл).

4. 386- шаклда стакан З нинг чизмаси берилган. Деталнинг ички қисмларини аниқ кўрсатиш учун қирқим берилган.


5. ДИСК 5 чизмасида бош ва чап кўринишларда тасвириланган (387- шакл), маҳаллий қирқим ёрдамида тешикларнинг ички сиртлари аниқ килиб кўрсатилган. Стандарт 7, 8 деталларнинг асосий ўлчамлари стандарт бўйича аниқланиб, сўнгра унинг чизмаси чизилади.



386- шакл.




387- шакл.



388- шакл, а

Форм	Жыңға	Төз.	Белгиси	Номи	Саны	Эслат.
				Хүжжаттар		
A4			МЧ. ГИ. 05. 00	Иивиш чизмаси		
				Деталлар		
A4	1		МЧ. ГИ. 05. 01	Втулка	1	Пулат 50
A4	2		МЧ. ГИ. 05. 02	Корпус	1	Пулат 50
A4	3		МЧ. ГИ. 05. 03	Стакан	1	Пулат 50
	4		МЧ. ГИ. 05. 04	Шарча	6	Пулат 50
A4	5		МЧ. ГИ. 05. 05	Диск	1	Пулат 50
A4	6		МЧ. ГИ. 05. 06	Дұмаси	1	Пулат 50
				Стандарт буюмлар		
	7		МЧ. ГИ. 05. 07	Винт M12	4	Пулат 50
	8		МЧ. ГИ. 05. 07	Винт M12 x 30	1	Пулат 50
				MЧ. ГИ. 05. 00		
				PАТРОН	Лит	Мас
						Мосш
						1:1

388- шакл, б



389- шакл, а-

Патроннинг таркибига кирувчи деталларнинг чизмалари асосида унинг йигиш чизмаси чизилади (388- шакл, а). Йиғма чизмадаги деталларнинг ички тузилиши ва уларнинг бирикиси үсулларини кўрсатиш учун кирқим берилади, сўнгра унинг габарит ва монтаж ўлчамлари қўйилади.

Ниҳоят сўнггида спецификация ва асосий ёзувлар тўлгизилади (388- шакл, б).


Форм.	Зоне	Поз.	Белгиси	Номи	Сони	Эслам.
			МЧ. ГР. 001.000	Хуж жатлар Йигиш чизмаси		
				Деталлар		
		1	МЧ. ГР. 001.002	Даста	1	Пулот
		2	МЧ. ГР. 001.002	Корпус	1	Бронза
		3	МЧ. ГР. 001.003	Махсус шайда	1	Пулот
		5	МЧ. ГР. 001.005	Тиқим	1	Бронза
				Стандарт дююмлар		
		4		Гайка М16		
				ГОСТ 5915-70	1	Пулот
				МЧ. ГР. 000.001.000		
					Лит	Мас
						Масш
						1:1
				ЖУМРАК		

389- шакл, б


## 16.2-§. Йиғиш чизмаларини үқиши ва уларни деталларга ажратыб чизиш

Бир неча деталларнинг йиғилган ҳолатдаги чизмаларини үрганиш ва үқиши усулларидан бири унинг ҳар бир деталини алоҳида-алоҳида ажратыб олиб иш чизмаси-ни чизишдан иборат. Деталларнинг иш чизмаларини чизишдан аввал, йиғиш чизмалари таркибига киругчи ҳар бир деталнинг геометрик тузилиши, номи, материали, вазифаси, шунингдек, күренишлар сони, қирким, кесим ва үлчамлари билан танишиб чиқилади. Бундан ташқари деталларнинг үзаро бирикш усулларини аниклаб, берилган қиркимлардаги штрих чизикларнинг кара-ма-карши чизилганинан фойдаланиб, ҳар бир деталнинг чегара чизигини аниклаш тавсия этилади. ГОСТ 2.301—68 стандартта мувофиқ форматлар танланади ва йиғиш чизмасидаги масштабга риоя қилинган ҳолда деталларнинг иш чизмалари чизилади.

389- шаклда суюклик ва газларнинг ҳаракат йұналишларини белгилаб турувчи газ жүмрагининг йиғилган ҳолатдаги чизмаси  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$  ва  $\Pi_3$  текисликлардаги күренишларда тасвирланған. Йиғиш чизмасининг бош күренишигі берилған қирким тиқин 5, корпус 2 ва даста 1 ларнинг




390- шакл.






391- шакл.




Узаро бирикишлари, шунингдек уларнинг геометрик тузилишларини аниқлашга имкон беради. Шайба 3 ва гайка 4 корпус ва тикинларнинг зич булиб бирикиш холатлари кўрсатилган. 389- шакл, б да йиғиш чизмаси-нинг спецификацияси берилган. Деталларнинг иш чизмаларини оддий деталлардан бошлаш максадга мувофик-дир. 390- шаклда энг оддий детал — шайба 3 нинг иккки кўринишдаги чизмаси тасвирланган бўлиб, унда деталнинг ички тузилишидаги бўшлиқни кўрсатиш учун кирқим берилган. 391- шаклда даста 1 нинг иккигина ( $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$  текисликдаги) кўринишдаги иш чизмаси кўрсатилган. Дастанинг бир учидағи тўрт бурчакли бўшлиқни кўрса-тиш учун бош кўринишга маҳаллий кирқим берилган.



392- шакл.




393- шакл.



394- шакл, а

210




394- шакл, б

392- шаклда тиқиннинг уч  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$ ,  $\Pi_3$  текисликлардаги иш чизмаси тасвирланган. Суюклик ва газ ўтадиган тешикни курсатиш мақсадида чизманинг бош күришишига маҳаллий кирким берилган. Берилган кирким тиқиннинг ички шаклини ва унинг үлчамларини аниклашга имкон беради. Чизман чапдан  $\Pi_3$  текисликдаги күриниши эса конуссимоң ўйилган тешикнинг шаклини тасвирлайди.


393- шаклда жумракнинг йигини чизмасидан корпус 2 ни алохида ажратиб олиб, унинг  $\Pi_1$ ,  $\Pi_2$  ва  $\Pi_3$  текисликлардаги чизмалари курсатилган. Деталнинг ички геометрик тузилишларини аниклаш учун чизманинг фронтал ва профил проекцияларига кирким берилган.

394- шакл, а да вентилнинг йиғма чизмасининг горизонтал, фронтал ва профил проекциялари тасвирланган. Маълумки, вентил трубалардан утувчи пар, газ, сув ва бошқа суюкликларни ростлаб туриш учун ишлатилади.

394- шакл, б да йиғма чизманинг спецификацияси берилган. Вентил таркибига кирувчи корпус 1 резбали тешикдан иборат бўлиб, унга шпиндел 3 бураб киритилган.




395- шакл.




МЧ.ГИ.002.003		
Чизди	Шпиндель	Литер
Текш.		Масса
К килди		Масшт.
		1:1
	Бронза	

396- шакл.



397- шакл.



398- шакл.

Шпинделнинг пастки қисмидаги уяга резба ўйилган бўлиб, клапан 2 билан маҳкамланган. Гайка 6 корпус 1 га резба ёрдамида бураб биритирилганда, гайка втулка 5 нинг эзиши натижасида тикин 7 зичланади. Чизмада вентил ёпик ҳолатда тасвирланган. Суюқлик ёки газ ўтказувчи трубадан (чизмада кўрсатилмаган) корпус 1 га тушади. Шпиндел 3 ёрдамида клапан 2 бирга юкорига кўтарилади. Натижада корпуснинг пастки қисмидаги тешик очилади, суюқлик эса шу тешик, яъни корпуснинг иккинчи тешиги орқали трубаларга тарқалади. Вентил таркибига кирувчи корпус 1, шпиндел 3, гайка 6 ва клапан 2 деталларнинг иш чизмалари 395, 396, 397, 398- шаклларда тасвирланган.

## ДАРСЛИКНИ ЁЗИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Қирғизбоеv Ю. «Чизма геометрия», Т., «Ўқитувчи», 1972.
2. Xорунов Р. «Чизма геометрия курси», Т., «Ўқитувчи», 1974.
3. Собитов Э. «Чизма геометрия қиска курси», Т., «Ўқитувчи», 1993.
4. Муродов Ш. ва бошқалар. «Чизма геометрия курси», Т., «Ўқитувчи», 1988.
5. Короев Ю. И. «Начертательная геометрия», М., «Стройиздат», 1987.
6. Бубенников А. В. «Начертательная геометрия», М., «Высшая школа», 1985.
7. И. Рахманов, А. Абдурахманов ва б., «Чизма геометриядан машк на масалалар тўплами», Т., «Ўқитувчи», 1991.
8. ЕСКД «Общие правила выполнения чертежей», 1991.
9. Қирғизбоеv Ю. ва бошк., «Машинасозлик чизмачилиги курси», Т., «Ўқитувчи», 1981.
10. Богданов В. Н. ва бошқалар., «Справочное руководство по черчению», М., «Машиностроение», 1989.

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b>	3
<b>Дарсликда кабул қилинган шартли белгилар</b>	5
<b>I- боб. Конструкторлик ҳужжатлари ва уларни тайёрлаш</b>	7
I.1- §. Конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими	7
I.2- §. Конструкторлик ҳужжатларининг турлари	9
I.3- §. Чизмаларни тайёрлашдаги умумий қоидалар	11
I.3.1. Форматлар	11
I.3.2. Асосий ёзувлар	12
I.3.3. Масштаблар	14
I.3.4. Чизик турлари	15
I.3.5. Чизмаларни бажаришга оид талаблар	15
I.3.6. Қиялик ва конусликлар	18
I.3.7. Шрифтлар	20
I.3.8. Ўлчамлар қўйини қоидалари	25
I.3.9. Шартли белгилар ва уларнинг ёзилиши	28
I.3.10. Материалларнинг кирким ва кесимларда график белгиланиши	31
<b>2-боб. Чизма тузишнинг назарий асослари</b>	32
2.1- §. Чизма геометрия фани ва чизма тузиш усуллари	32
2.2- §. Марказий проекциялаш усули	33
2.3- §. Параллел проекциялар	35
2.3.1. Параллел проекцияларнинг ҳусусиятлари	36
<b>3-боб. Нуктанинг ортогонал проекциялари</b>	40
3.1- §. Нуктанинг комплекс чизмаси	40
3.2- §. Тўғри чизик. Тўғри чизикнинг берилиши ва уларни чизмада тасвирлаш	45
3.3- §. Тўғри чизикнинг проекциялар текисликларига нисбатан хар хил вазиятда булиши	47
3.4- §. Тўғри чизик излари	51
3.5- §. Тўғри чизикнинг ҳакиқий катталигини ва унинг проекциялар текисликларига нисбатан оғиш бурчакларини аниклаш	53
3.6- §. Икки тўғри чизикнинг узаро жойлашиши	55

<b>4-боб. Текислик</b>	58
4.1- §. Текислик ва унинг чизмада берилиши	58
4.2- §. Текисликнинг проекциялар текисликларига нисбатан турли вазиятларда жойлашиши	61
4.3- §. Текисликда тұғри чизик ва нұкта танлаш	65
4.4- §. Текисликнинг махсус чизиклари	68
4.5- §. Тұғри чизикнинг проекцияловчи текислик билан кесишиши	73
4.6- §. Проекцияловчи текислик билан ихтиёрий вазиятдаги текисликнинг кесишиши	74
4.7- §. Тұғри чизик билан ихтиёрий вазиятдаги текисликнинг кесишиши	76
4.8- §. Ихтиёрий вазиятдаги текисликларнинг үзаро кесишиши	80
4.9- §. Тұғри чизик ва текисликнинг ҳамда икki текисликнинг үзаро параллеллігі	83
4.9.1. Тұғри чизик билан текисликнинг үзаро параллел булиши	83
4.9.2. Икki текисликнинг үзаро параллел булиши	84
4.10- §. Тұғри чизик ва текисликнинг ҳамда икki текисликнинг үзаро перпендикулярлігі	86
4.10.1. Тұғри чизик билан текисликнинг перпендикулярлігі	86
4.10.2. Икki текисликнинг үзаро перпендикулярлігі	89
<b>5-боб. Чизмани қайта тузиш усуллари</b>	94
5.1- §. Проекциялар текисликларини алмаштириш усулари	94
5.2- §. Айлантириш усули	102
5.3- §. Устма-уст күйиш усули	107
<b>6-боб. Позицион ва метрик масалалар</b>	109
6.1- §. Позицион масалалар	109
6.2- §. Метрик масалалар	112
<b>7- боб. Текис ва фазовий әгри чизиклар</b>	125
7.1- §. Эгри чизиклар тұғрисида маълумотлар	125
7.2- §. Текис әгри чизиклар	126
7.3- §. Иккінчи тартибли текис әгри чизикларнинг ҳосил булиши	131
7.4- §. Фазовий әгри чизиклар	133
<b>8-боб. Сиртлар</b>	136
8.1- §. Сиртларнинг ҳосил булиши ва уларнинг ортогонал проекциялари	136
8.2- §. Сирт турлари	140
8.2.1. Гүери чизиқлы ёйилувчи сиртлар	141

<b>8.2.2. Айланиш сиртлари</b>	<b>146</b>
8.2.3. Винт сиртлар	151
8.2.4. Параллелизм текислигига эга булган сиртлар	152
8.2.5. Каркасли сиртлар	154
8.3- §. Сиртларга уринувчи текислик ва нормал үтказиш	155
8.4- §. Сиртларни текислик билан кесишиши	159
8.5- §. Сиртларнинг түгри чизик билан кесишиши	165
8.6- §. Сиртларнинг ўзаро кесишиши	169
8.7- §. Сиртларни текисликка ёйиш	175
8.7.1. Кўп қиррали сиртларнинг ёйилмаларини ясаш	175
<b>9-боб. Аксонометрик проекциялар</b>	<b>183</b>
9.1- §. Аксонометрик проекцияларнинг ҳосил бўлиши	184
9.2- §. Ортогонал аксонометрик проекциялар	186
9.3- §. Стандарт аксонометрик проекциялар	188
9.4- §. Фронтал кийшик бурчакли диметрия	194
9.5- §. Деталларнинг аксонометрик тасвирларини ясаш	196
<b>10-боб. Геометрик ясашлар</b>	<b>198</b>
10.1- §. Туташмалар	198
10.1.1. Ўзаро кесишувчи икки түгри чизикларни туташтириш	199
10.1.2. Ўзаро параллел түгри чизикларни туташтириш	200
10.1.3. Айлана ва түгри чизикни туташтириш	201
10.1.4. Икки айланани силлик туташтириш	203
10.2- §. Эгри чизикларнинг график усулларда ясалиши	204
10.2.1. Циркуль ёрдамида чизиладиган эгри чизиклар	204
10.2.2. Лекало ёрдамида чизиладиган эгри чизиклар	205
<b>11-боб. Буюмларнинг тасвири</b>	<b>213</b>
11.1- §. Жисмларнинг техник чизмаларини тасвирлаш — кўришиллар, қирқимлар, кесимлар	213
11.1.1. Түгри бурчакли тасвирлар	213
11.1.2. Қирқимлар	217
11.1.3. Кесимлар	225
11.1.4. Четга чиқариш элементлари. Машинасозлик чизмачилигидаги айрим соддалаштиришлар	227
11.1.5. Қирқим ва кесимларнинг амалда қўлланиши	230
<b>12- боб. Резбали деталлар ва уларнинг биринчилари</b>	<b>238</b>
12.1- §. Биринчилар тўғрисида умумий маълумотлар	238
12.2- §. Резбаларнинг ҳосил бўлиши ва уларни чизмаларда тасвирланиши, белgilаниши. Резбали биринчилар	238
12.3- §. Резбанинг чиқиши жойи, сбеги, қирқимлмаган кисми ва проточкалари	246

12.4- §. Чизмада резбаларни тасвирлаш . . . . .	247
12.5- §. Чизмада резбаларни белгилаш . . . . .	250
12.6- §. Резбали стандарт деталлар ва уларнинг бирикмаларини чизиш . . . . .	252
12.6.1 Болтли бирикмалар . . . . .	252
12.6.2 Шпилкали бирикмалар . . . . .	260
12.6.3 Винтли бирикмалар . . . . .	262
12.6.4 Труба резбали бирикмалар . . . . .	266
<b>13- боб. Шпонкали ва шлицали бирикмаларни тасвирлаш . . . . .</b>	<b>266</b>
13.1- §. Шпонкали бирикмалар . . . . .	266
13.2- §. Тишли (шилицали) бирикмалар . . . . .	269
13.3- §. Тўғри ёнли тишли бирикмалар . . . . .	269
13.4- §. Эволвентасимон тишли бирикмалар . . . . .	270
13.5- §. Тишли узатмалар . . . . .	273
13.6- §. Пружиналар ва уларнинг чизмадаги тасвири . . . . .	278
<b>14- боб. Пайванд чокли, кавшарли ва елимли ажралмайдиган бирикмаларни чизмада тасвирлаш . . . . .</b>	<b>281</b>
14.1- §. Пайванд чокли бирикмалар . . . . .	281
14.2- §. Кавшарли бирикмалар . . . . .	284
14.3- §. Елимли бирикмалар . . . . .	285
<b>15- боб. Деталлар эскизини ва иш чизмасини тузиш . . . . .</b>	<b>286</b>
15.1- §. Эскиз тузиш тартиби . . . . .	286
15.2- §. Деталларнинг иш чизмаларини чизиш . . . . .	292
15.3- §. Детал юзаларининг ғадир-будирлиги ва уларнинг чизмада белгиланиши . . . . .	293
<b>16- боб. Йигиш чизмалари . . . . .</b>	<b>296</b>
16.1- §. Йигиш чизмаларини чизиш тартиби ва уларни хужжатлаштириш . . . . .	296
16.2- §. Йигиш чизмаларини ўкиш ва уларни деталларга ажратиб чизиш . . . . .	306
Дарсликни ёзишда фойдаланилган адабиётлар . . . . .	314

*Убайдулла Абдуллаев*

**ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ ВА ЧИЗМАЧИЛИК АСОСЛАРИ**

*Ўзбек тилида*

«Ўзбекистон» нашриёти—1999,  
700129, Тошкент, Навоий, 30.

Бадиий муҳаррир *T. Қаноатов*  
Техн. муҳаррир *M. Хўжамқуловна*  
*Мусаҳид M. Раҳимбекова*

Теришга берилди 9.03.95. Босишга рухсат этилди 11.02.99. Формати  
84×108<sup>1</sup>/<sub>1</sub>, «Адабий» гарнитурада, юқори босма усулида босилди.  
Шартли б. л. 16,8. Нашр л. 16,91. Нусхаси 2000 та. Буюртма № 659.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30.  
Нашр № 285—93.

Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитаси  
ижарарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Абдуллаев У.**

**А 15 Чизма геометрия ва чизмачилик асослари: Олий техника билимгоҳлари учун дарслик.—Т.: Ўзбекистон, 1999.—318 б.**

**ISBN 5-640-01517-9**

Мазкур дарслик икки кисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида проекциялаш усуллари, нуқта ва тўғри чизикнинг ортогонал проекциялари, текислик ва тўғри чизик, икки текислик, чизмани кайта тушиш усуллари, эгри чизиклар, торслар ва уларнинг ёйилмалари кабилар, иккинчи қисмида эса ЕСКДга мувофиқ чизма чизиш, геометрик ясашлар, тўғри бурчакли проекциялар, винт чизиклар, винт сиртлари, резъбалар, ажralадиган ва ажra майдиган бирикмалар, эскизлар, ўлчам қўйиш коидалари каби масалалар батафсил баён қилинган.

Дарслик олий техника ўкув юртларининг барча ихтиосликлари талабаларига мўлжалланган бўлиб, ундан чизма геометрия ва чизмачиликка кизикувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

**22.151.3я73 + 30.11я73**

**№ 708—95**

**Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Республикасининг  
Давлат кутубхонаси**